



**ТИЛ ВА АДАБИЁТ
МАСАЛАЛАРИ**

илмий мақолалар тўплами

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

ТИЛ ВА АДАБИЁТ МАСАЛАЛАРИ

№ 1

*Шоир, публицист, жамоатчи ЗИЁВИДДИН
МАНСУРОВ таваллудининг 60 йиллигига бағишланган
илмий мақолалар тўплами*

Наманган – 2014

Тил ва адабиёт масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Наманган, 2014. – 314 б.

Мазкур тўплагга Республикамизнинг бир неча етакчи филолог олимлари, Наманган давлат университети профессор-ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчиларининг тилшунослик, адабиётшунослик ва методикага оид мақолалари киритилган.

Масъул муҳаррир:

Носиржон УЛУҚОВ – филология фанлари доктори

Такризчилар:

Муминжон СУЛАЙМОНОВ – филология фанлари номзоди,
доцент

Фаридахон КАРИМОВА – филология фанлари номзоди,
доцент

Таҳрир хайъати:

Абдусалом УМАРОВ, НамДУ ректори
Муродхон ҚОДИРХОНОВ, НамДУ илмий
ишлар проректори
Шавкатжон АБДУРАҲМОНОВ, ўзбек тили
ва адабиёти кафедраси мудири
Ҳуринисо УСМОНОВА, филология фанлари
доктори
Зоҳиджон Содиков, филология фанлари
номзоди, доцент

Тўплаг Наманган давлат университети илмий-техник кенгашининг 2014 йил 16 майдаги йиғилиши (10-баённома) қарори билан нашрга тавсия этилган.



Зиёвиддин Мансуровнинг меҳнат фаолияти

1975 – 1983 йй. – Уйчи туманидаги 4-урта мактаб ўқитувчиси.

1983 – 1985 йй. – Вилоят «Билим» жамиятининг Уйчи тумани бўлими масъул котиби.

1985 – 1987 йй. – Вилоят «Китобхон» жамияти масъул котиби.

1987 – 1987 йй. – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида адабий маслаҳатчи.

1987 – 1990 йй. – Уйчи туманидаги А.Мўминов номли жамоа хужалиғи раисининг ўринбосари

1990 – 1992 йй. – Уйчи туманидаги Машад кишлок фуқаролар йиғини раиси

1992 – 1993 йй. – Уйчи тумани ҳокимининг маъмурий, жамоат ва диний масалалари бўйича ўринбосари.

1993 – 1994 йй. – Ўзбекистон ХДП Уйчи тумани Кенгашининг биринчи котиби.

1994 – 1997 йй. – Уйчи туманидаги Беруний номли жамоа хужалиғи бошқаруви раиси.

1997 – 1999 йй. – Вилоят «Китобсавдо» ҳиссадорлик жамияти раиси.

1999 – 2002 йй. – Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қуватлаш жамғармаси вилоят бўлими раиси.

2002 – 2009 йй. – Вилоят Маънавият ва маърифат Кенгашининг масъул котиби, Республика Маънавият тарғибот маркази Наманган вилояти бўлими раҳбари. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлими масъул котиби.

2009 – ҳ.в. – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Зиёвиддин Мансуровнинг асарлари



Гуллар шахрининг шоири

Наим Каримов,
адабиётшунос олим

Ҳар бир янги тарихий давр адабиётга янги мавзу ва янги қаҳрамонларни олиб киради.

Бундан ўн етти йил муқаддам СССР деб аталган метин кўрғон деворларнинг нураб, вайроналари ўрнида мустақил давлатларнинг барпо бўлиши фақат шу давлатлар тарихидагина эмас, балки, умуман, икки қутбга ажралган жаҳон халқлари тарихида ҳам улкан тарихий воқеа бўлди. Шу оламшумул воқеа мустабид тузум йилларида жабру жафо чеккан аждодларимизнинг миллий озодлик ва тараққиёт ҳақидаги орзу ва армонлари рўёбга чиққани ҳақида бонг урди. Мамлакатимиз ва халқимиз тарихида янги давр — мустақиллик даври бошланган эди.

Ана шу янги тарихий давр ўзбек адабиётининг кейинги тараққиёт йўлини: унинг устувор мавзулари, ғоялари ва қаҳрамонларини белгилаб берди. Замоनावий мавзуларда қалам тебратувчи ҳар бир шоир ва ёзувчи шу давр қаҳрамонларини илғаш ва излашни, шу давр ғояларини тараннум этишни, шу даврнинг долзарб мавзуларини бадиий мужассамлантиришни ўзининг ижодкорлик бурчи, деб билди ва билмоқда.

Замоनावий мавзу ва ғоялар, адабиётнинг бошқа турларига қараганда, шеърятда кўпроқ ўз тасвирини топади. Ўзбек шеърятинида шаклланган аънаналарга кўра, замоनावий воқеликка мурожаат этганларида, шоирлар одатда романтик тасвир услубидан кўпроқ истифода этадилар. Романтик тасвир ғояларни куюқ поэтик бўёқлар ва тантанавор поэтик оҳанглар билан ифодалашни тақозо этади. Ҳозирги аксар шоирларимиз сингари, истеъдодли шоир Зиёвиддин Мансур ҳам шундай тасвир услубига мойил ижодкордир.

“Гуллар шахри” — Наманган булбули Зиёвиддин Мансурни шеърят мухлисларига таништириш шарт эмас. Мамлакатимизда бирорта газета ёки журнал йўқки, унинг даста-даста шеърлари чоп этилмаётган бўлсин... Эҳтимол, шеърят мухлислари шоирнинг “Қалбим парчалари”, “Ҳайрат салтанати”, “Дилраболар диёри”, “Муҳаббат боғи”, “Ноёб кашфиёт” каби шеърини китобларини ҳам ўқиб, унинг ижоди тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилгандирлар.

Камина куйида шоирнинг фақат бир-икки инсоний фазилати хусусидагина сўзлашни хоҳлардим.

Аммо шундан аввал бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Гап шундаки, Фаргона водийсининг адабий ҳаёти узоқ вақт давомида уч шоир туфайли гуллаб-яшнаб келди. Андижонда Тулан Низом, Фарғонада Йулдош Сулаймон, Наманганда Ҳабиб Саъдулланинг қалб кўрлари ва ташкилотчилик истеъдодлари туфайли шундай адабий анжуманлар, кечалар, учрашувлар бўлиб ўтганки, уларда иштирок этган кишилар руҳий озик олиш билан бирга адабий дид ва билимларининг ҳам бойиганини сезмай қолмаганлар. Адабий давраларга жон бағишловчи Ҳабиб Саъдуллани Оллоҳ ўз раҳматига олганидан кейин унинг ишларини Зиёвиддин Мансур шундай давом эттирмоқдаки, ҳатто ажойиб ҳазил-мутойибаларига ҳаммамиз кўниккан шоирнинг оламдан ўтганини баъзан сезмай ҳам қоляпмиз. У ҳозир Намангандаги адабий ҳаётни ҳабибона маданият, ҳабибона заковат ва ҳабибона ҳарорат билан бошқармоқда. Зиёвиддиннинг инсоний сажиясидаги ана шу маданият, ақл-фаросат, меҳр-муҳаббат унинг шеърларида ҳам жилва бериб туради.

Ҳар бир истеъдодли шоир – такрорланмас ҳодиса. Ғафур Ғулум Ойбекка, Абдулла Орипов Эркин Воҳидовга, Сирожиддин Сайид эса Матназар Абдуҳакимга ўхшамаганидек, Зиёвиддин Мансур ҳам бошқа қаламкаш дўстларига ўхшамайди. Шунинг учун ҳам унинг шеърларидан, масалан, Омон Матчонга хос поэтик тафаккур шуълаларини ахтариш адабий истеъдод табиатини тушунмаслик бўлурди. Зиёвиддин кимни ёки нимани хуш кўрса, шуни кўкларга кўтарувчи, кимдан ёки нимадан нафратланса, кўнглидаги шу нафрат туйғуларини яшира олмовчи шоирлар жумласидан. Аммо унинг нигоҳи, биринчи навбатда, ҳаётдаги эзгуликнинг турфа кўринишларига тушади. У бу эзгуликлар, бу тарихий ўзгаришларнинг маъно ва моҳиятини илғашга интилади. Шу руҳий-ижодий жараёнда Мустақилликнинг тарихий-ижтимоий моҳиятини англагандек бўлиб, унинг ижодкорини бутун қалби билан ардоқлашга киришади. Мустақиллик меъморининг патетик-тантанор оҳанглар оша қад кўтарувчи образи тасвирида у ўзбек халқи орзу-умидларининг мустақиллик даврида ушалгани билан боғлиқ ҳаётбахш ғояни олға суради.

Зиёвиддин Мансур бир тўпламини “Тўтиё” деб номлаган. Халқимиз мис зангидан пайдо бўлган кристаллни тўтиё деб атаган.

Бу кристаллнинг фойдали жиҳати шунда бўлганки, кўз оғриганда ёки нури хира тортганда ундан дори сифатида фойдаланилган. Тўтиё кейинчалик ўзининг бу бирламчи аҳамиятини йўқотиб, кўзга суртиш мумкин бўлган гўзаллик, эзгулик ва буюклик оламига дахлдор барча нарсаларни англашиб келган. Тўпладан ўрин олган аксар шеърларда қўйланган эзгу инсоний фазилатлар, шоир талқинига кўра, тўтиёлардир. У дўстлик ва иноқлик, меҳр ва муҳаббат, ота-онага ҳурмат сингари миллий қадриятларни ва шундай қадриятларини ўзида мужассамлаштирган кишиларни тўтиё деб билади ва китобхонларнинг уларни кўзга суртиб, яъни кадр-кимматиغا етиб яшашларини истайди. Ана шундай улуғвор орзу ва ниятлар билан яшовчи шоирнинг, худди кекса, кўпни кўрган кишилардек, дуога қўл очиши ғайри табиий эмас:

*Онадан бошланар ҳаёт аслида,
Боқийлик бардавом унинг наслида,
Ҳаёт турмоғичун гулгун фаслида
Юрт тинч,
Она омон,
Бола соғ бўлсин...*

*Дерсиз;
- Ҳуш, ота-чи?
Дерман:
Эй Эгам,
Уни ҳам қилмагин
Соясини кам
Оталик бахтини бахш
Этмоқ учун ҳам
Юрт тинч,
Она омон,
Бола соғ бўлсин!*

Зиёвиддин Мансур халқона тафаккур нурлари балқиб турган шундай сатрларда самарали ижодий изланишлар йўлидан бораётганини намоян қилди. Шундай сатрларда шоирнинг қаҳрамони ўзига хос қирралари билан товланиб туради.

Ушбу тўпладан жой олган шеърлар турли мавзуларда бўлгани каби, ўзбек шеър тузилишининг ҳам турли кўринишларида ёзилган. Зиёвиддин Мансурнинг бармоқ вазнида ва арузнавис адабиётининг яшил япроқлари ҳамон шилдираб турган шеърларини

Ўқиган китобхон шоирнинг ижодий имкониятлари катта эканига амин бўлади. Ва худди шу нарса ушбу тўплам муаллифининг келажакда янги ижодий довларни забт этишига ишонч уйғотади.

Зиёвиддиннинг шеърларини ўқиганда

Ҳабиб Саъдулла,

Ўзбекистон халқ шоири

Зиёвиддиннинг шеърларини ўқиганда ўзи билан суҳбатлашиб ўтиргандай бўламан. Бу оддий суҳбат бўлмай ташбеҳлар воситасида изҳор этилган дил рози, ҳаётдан чиқарилган хулосалар, замондошлар тили учуда турган гаплар, уларнинг кувонч ва ташвишлари ифодаси. Шоир ана шу туйғуларига шеърхонни ошно қилади, шеърхон қалбининг қайсидир бўш кунжидан жой топади. У чиранмай кўкрагига уриб аканг қарагай, деб гердаймай, соменинг гашига тегмай суҳбат куради.

Суҳбатдошинг самимий бўлмаса, у билан гаплашишдан на завқ, на лаззат туясан. Зиёвиддин эса ана шу самимият билан дилингиз кўргонини ишғол қилади. Яна ўзи билан кўришишга иштиёқ туғдиради.

Бу гапларимга кимки ишонмаса, унинг янги шеърый китобини ўқиб кўрсин. Имоним комилки, кейинги китоби қачон чиқаркин, деб кутадиغان бўлиб қолади.

Зиёвиддин Мансуров ижодига чизгилар

Алихон Халилбеков,

филология фанлари номзоди, доцент

Истеъдоди тобора ёрқинлашиб бораётган шоирларимиздан бири Зиёвиддин Мансуровдир. Зиёвиддин 1954 йил 16 майда Уйчи туманининг Машад қишлоғида туғилган. Шу қишлоқдаги 4-ўрта мактабда таҳсил олгач, 1871-1975 йилларда Наманган давлат педагогика институти филология факултетида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан б итирган.

1975-1979 йилларда Машаддаги 4-ўрта мактабда ўқитувчи, директор ўринбосари вазифаларида хизмат қилган.

1979-1983-йилларда “Билим” ҳамда “Китобхон” жамиятлари Уйчи туман бўлими масъул котиби, 1983-1985 йилларда

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлимида адабий маслаҳатчи, кейин Уйчи туманидаги А.Мўминов номли жамоа хўжалигида раис ўринбосари, Машад қишлоқ кенгаши раиси, Уйчи тумани ҳокимининг муовини, ХДП Уйчи туман кенгашининг биринчи котиби, Уйчи туманидаги Беруний номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси вазифаларида хизмат қилди.

Сўнгра вилоят китоб савдоси ҳиссадорлик жамияти раиси сифатида фаолият кўрсатди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Наманган вилояти бошқаруви раиси бўлди. 2002 йил августдан Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимининг раҳбари, маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимининг маъсул котиби, 2002 йил октябрдан Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг маъсул котиби лавозимларида ишлаган. Бу икки вазифада у вилоят маънавий-маърифий, маданий ва адабий ҳаётини жонлантиришга, маънавий ва адабий қадриятларни тарғиб қилишга катта ҳисса қўшди, ташаббускорлик билан кенг фаоллик кўрсатди.

Зиёвиддиннинг илк шеърлари 1966 йилда республика болалар газетаси ва “Гулхан” журналида босилган. Вилоят, республика матбуотида шеърлари ёритилиб туради. “Ёшлар овози” ва бошқа альманахларда ижодидан намуналар берилган. 1994 йилда “Қалбим парчалари” номли шеърый китоби “Ёзувчи” наширётида чоп этилди. Шундан сўнг “Ноёб кашфиёт”, “Ун саккиз ёшлилар севгиси”, “Ҳайрат салтанати” (1989) номли китоблари нашр қилинди. Шоир “Наманган ва наманганликлар”, “Муҳаббат боғи”, болалар учун мулжалланган “Хўрозқанд” номли китобларнинг муаллифидир. “Дилраболар диёри” (2004) тўплами республика ижодий уюшмалари мукофотига сазовор бўлган. Шоирнинг бир қанча шеърлари қўшиқ қилиб айтилади.

Зиёвиддин Мансуров – шеърятга ўз қўшиғи, дарди билан кириб келган шоир. У дастлабки шеърый китобини “Қалбим парчалари” деб атади. Бунинг моҳияти нимада? Шоир жавоб беради:

Мен қалбимни парчаларга

Бўлиб-бўлиб яшайман...

Берадирман мен ўзимни

Шеърларимга тақсимлаб.

Шеър шоирнинг юраги дарди билан, туйгулари тўлкини бўлиб дунёга келади ҳамда ижодкор руҳиятидаги турфа манзараларни акс эттиради. Тарҳи тоза, бадиий мукамал шеър ўз руҳ ва манзаралари билан шеърхон қалбига кириб боради. Унинг ҳам дардига, кечинмасига, маънавий бойлигига айланади. Демак, шоирлик юки огир, унинг шеърхонлар олдидаги масъулияти залворли. Шоир Зиёвиддин ана шу юк ва масъулиятни чуқур ҳис этадиган ижодкорлардан:

*Дард чекиб уртанмаса ул,
Ёнмаса оташ бўлиб,
Бил, Зиё, чин соҳиби
Ижод ўлолмас аҳли шеър, –*

дея таъкидлайди ва у ижодий фаолиятида ушбу ақидага амал қилади. Шоир қалбларга талпиниб яшайди, одамлар қалбидан жой олишга интилади:

*Бургут ёки лочин эмасман ахир,
Не керак юксакдан қидирмоқ маскан:
Менинг қисматимга ёзгин, эй тақдир,
Одамлар қалбидан бир парча ватан!*

Аммо кишилар юрагига кириб бориш, ундан ватан қилиш осон эмас. Ўзгалар қалбини эгаллаш учун уларга муносиб сўз топа олиш, шу сўзлар воситаси билан “истило” га киришиш, ром қила билиш зарур. Табиат билан боғланган ташбеҳ шоирнинг бу фикрини тиниклаштиради:

*Майсалар майдонга чиққанин кўриб,
Истило бўлгандир бутун дала-қир,
Сатрларга уқдай сўзларни териб,
Мен сизни албатта қилгайман асир.*

Қалбда қалб бор. Қалб бор: ҳисга тўлиқ, dadчил, эзгуликка ошно. Яна қалб бор: ҳиссиз, дардсиз, ёмонликка жо. Инсоннинг ҳақиқий қиёфаси қалби билан белгиланади. Чунки қиёфа ботиндан ҳосил бўлади. Шоирнинг қалб парчалари яхшиларга зиё бўлиб таралади, ёмонларга ўт-бало бўлиб:

*Дардчил бўлса малҳамман яхшиларга,
Тунда йўлин ёритувчи зиёман.
Душманларим билиб қўйсин, уларга
Нафрат, ўтман –
Мавҳ этгувчи баломан.*

Инсон инсон билан тирик. Кўнгиллар бир-бирига меҳр-оқибат туфайли боғланади. Меҳр-мурувват, муҳаббат бўлмаса, дилнинг дилга пайвандлиги йўқ. Меҳр бор жойда азоб-уқубат чекинади, ҳаёт маромида кечади. Адиб деганидек:

*Авлодлар орзуси бўлиб мустажю,
Чекиниб борса-да азоб-уқубат,
Турмуш изга тушмас,
Кўнгиллар аро
Кўприк бўлмас экан меҳр-оқибат.*

Бу каби сатрлар шоирдаги чуқур фалсафий тафаккур ва миқёсли мушоҳадалар мевасидир.

Зиёвиддин шеърларининг мавзуи хилма-хил, тимсоллари турфа тус, кўркем. Шеърлари тиниқ лирик мавжлари, фикрий-фалсафий умумлашмалари билан ажралиб туради. Уларда яхши одамларга меҳр, яхши кўнларга ишонч ҳамда самимият баркланади.

Аёлни, айниқса, қишлоқдаги ўзбек аёлини “меҳрнинг олий тимсоли” дея ардоқлайди шоир. Бу аёл эрта тонг туриб, кеч тунгача тинмай меҳнат қилади, яратади. Ҳатто “кундузимас, кечалари ҳам тушларида тинмай куйманиб чиқар”, “Аммо унинг олов юраги бутун, унда ишқ тўладир, меҳрини ҳам далага, ҳам аллага бериб яшайди. Шунинг учун “Ким эрур меҳрнинг олий тимсоли?” – деган саволга адиб: “Қишлоқдаги оддий ўзбек аёли”, – дея ҳаққоний жавоб қайтаради”. Бунда меҳнаткаш, заҳматкаш аёлнинг юксак маънавий қиёфасини кўзда тутади.

Ижодкор шеърларининг лирик қаҳрамони юрак меҳрини аввало меҳрибон она ва отага, устозларига, жонажон халқига бахшида қилади. Устозлари номини шоир юрак тўла меҳр билан тилга олади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ажойиб устоз Абдураҳим Мирзакаримовни кўпчилик яхши билади. Бу киши узоқ йиллар давомида таълим-тарбия соҳасида самарали хизмат қилди. Мактаблар, болалар уйлари, мактаб-интернатларда раҳбарлик лавозимларида ишлади. Болажон, ғамхўр, қалби очик мураббий, самимий, маслаҳатгўй, садоқатли дўст, ҳазрат Навоий таърифидаги “дили поку сўзи поку ўзи пок”, зукко, заковатли, мўътабар одам эди бу киши. Зиёвиддин “Мирзакаримов домлани эслаб” шеърида бу комил инсон фазилатларини илиқ ва муносиб сатрларда тавсиф қилади:

*Абдураҳим отанинг фариштали юзлари
Бамисоли донишманд даҳоларга ўхшарди.*

*Маъноларга йўғрилган ҳар бир жумла, сўзлари,
Том-том китоблардаги маъноларга ухшарди.*

Шоирнинг оловли меҳри қаърида яна бир мақтовга лойиқ салтанат яшайди, Уни “Ҳайрат салтанати” деб атайди санъаткор. “Бир замонлар ушбу саройда Бобур Мирзо топганди паноҳ, Ундан кейин эса бу жойда улугъ Машраб бўлган эди шоҳ”. Наманган адабий муҳити шажараси шу зайлда давом этади.

Сунг...

*Шеър-ла кутарилиб, тик
От солдириб ушбу қасрга
Унинг шаҳаншоҳи бўлмоқлик
Насиб этмиш Усмон Носирга.
Ҳамон ушбу Сарой ҳақида
Юрагимда муҳаббат тўла.
Чунки унинг Шоҳсупасида
Турар устоз Ҳабиб Саъдулла.*

Шоир ўз шеърлари орқали меҳр ва эзгулик уругини сочади. Унинг юраги эзгулик орзулари билан тўлиб-тошган, қад-қомати ҳам шу эзгулик юкини кутаришга бахшида:

*Зотан, қалб-қалб эмас,
Орзуга қафас.
Шундан у вазминки, кутаролмам тик.
Бу қад асли менинг қоматим эмас,
Бу қад бошқа нарса, номи – эзгулик.*

(“Таҳлил”)

Зиёвиддиннинг айрим шеърлари истибод даврининг аянчли манзараларини кўз олдингизда гавдалантиради. Шоир “Боглик турган от хаёллари” шеърда тасвирлайди: “Алпомишдай алпларга шиддат берган, шахд берган”, “Қодир Худо ўтдан тафт тортмайдиган шахд берган” “қавмга хос гижинглаб, кишнаб турувчи тулпор от бандда. У “пойгаларда ўзишга орзуманд”, “кишнашларида киши илгамас сухан бор. Унинг юраги тўла армон:

*Ўт-у асов эсам-да,
Туёгимда кишан бор.
Турган еримни тепиб
Қақшаб яшайтирман.
Ухлолмасдан тунлари
Самоларга боқарман.*

*Булутлардан учсам, деб,
Хаёл ичра оқарман.
Юракдаги ёлқиндан
Ич-етимни ёқарман.
Юлдуз бўлиб оҳларим
Сачраб яшаётирман.*

Шеър эркак интилиш орзусини рамзий тимсоллар воситасида ифода этади. У тутқун ҳолатга қарши, кишанга қарши исёндр. Ҳақиқатан, халқимиз 130 йил давомида – аввалги ва кейинги мустамлакачилик тузуми даврида кишанда, қақшаб, аммо озодликка талпиниб яшмадими? Асар ғояси эрксевар шоир Чўлпоннинг “Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам хур туғилгонсан!” хитобига издош. Шеърдаги халқ дostonларига хос вазн, услуб ва оҳанг ундаги ғоя ва руҳга мос бўлиб тушган.

“Алпомишдай алпларга шиддат берган, шахд берган” отнинг кишанга тушиши – даҳшатли манзара. Бу манзаранинг эл қисматига тааллуқли эканлиги янада аянчли. Қарамлик муҳити – бўғик муҳит. Бир оз хуркакрок, сергакрок, хушёррок юришга мажбур қиладиган вазият. Чунки

*Олавериб нишонга хуркак қилиб қуюшишган,
Уйқумизда ором йўқ, сергак қилиб қуйишишган,
Бамисоли хаёлий эртак қилиб қуйишишган.*

(“Ҳолат”)

Адиб қалби эл дарди билан ёнади. У ҳаётдаги ҳамма нарсага дахлдорликни, ички руҳий дунёси ва кечинмаларини, бошқа купгина шеърларидаги сингари, табиат ҳодисаларига қиёсан очади шоир:

*Борлиқда қилт этган шаббода эсса,
Дарахтлар япрогин эгиб ўтади.
Ҳаётдаги ҳар хуш, нохуш ҳодиса
Дардчил юрагимга тегиб ўтади.*

Ҳаётдаги хоҳ хуш, хоҳ нохуш ҳар бир ҳолга ўзини дахлдор деб билади шоир. Етимлар қисмати, мунгли нигоҳи ҳам унинг бағрини эзади. Давлатимиз етим болалар учун меҳрибонлик уйларини очиб қўйган. Бу ерда болалар ҳар томонлама ғамхўрлик билан чулғаб олинган. Аммо, таассуфки, бу болалар орасида онаси барҳаёт туриб, тирик етим бўлиб қолганлари ҳам бор. Зиёвиддиннинг “Болалар уйида ўйлаганларим” шеъри шулар ҳақида:

*Отангиз барҳаёт, онангиз тирик,
Не тонг гамингизга бўлмаса шерик...
Билгинки, уларнинг виждони чирик,
Болалар уйининг болакайлари.*

Бу болаларнинг қисматини ўйлар экан, ҳоир тақдирнинг ўйинини, икки қарама-қарши ҳолатини кўз олдига келтиради, муқояса қилади, буларнинг бирига ачинади, иккинчисидан изтиробланади:

*Фарзанд дея... - Ҳайҳот! Бу қандай кордир?
Биров безор, биров тирноққа зордир...*

Лекин давлат ва халқ гамхўрлиги туфайли бу болаларнинг келажақ йўли, тақдири ойдин. Шунинг учун шеърини умидбахш руҳ билан якунлайди:

*Жисмингиз қудратга тўлар вақт келиб,
Дунё измингизда бўлар вақт келиб,
Ота-онангиз зор қолар вақт келиб,
Болалар уйининг болакайлари.*

Эл дарди, миллат қисмати, тарихимизнинг ёрқин ва фожиали саҳифалари, ниҳоят истиклол нашидаси Зиёвиддиннинг “Миллатим қасидаси” да кенг акс эттирилган. Қасида “Томирида бекнинг қони бор”, “Дилда Темур бобо шони бор”, “донғи ҳар ён кетган”, “Гоҳ Алпомиш мисли баҳодир”, “Гоҳ Муқанна, гоҳ Намоз ботир”, “дасти балан ўтди” миллат тавсифи ва мадҳи билан бошланади. Шеърини сатрлар орқали “Оламаро бермоқ-чун сабоқ, Юлдузларга термулиб мушток”, “Сўнмас қуёш мисоли порлоқ” аллома Улуғбек, суз мулки султони буюк Навоий гавдаланади. Бу улуғ зотлар ўзбеклар оламшумул шон-шавкати ва довруғининг тимсоли сифатида намоён бўладилар.

Аммо халқимиз босиб ўтган йўл бир текисда нурли, донгли кеча бермади. Қора кунлар, доғли, аламли даврлар кўп бўлди. “Ўз-ўзи билан от суриб”, ўзаро жанг қилиб, “ўз-ўзини йитиш”:

*Юришларда мардона юриб,
Оламшумул салтанат қуриб,
Сўнг ўз-ўзи билан от суриб,
Ўз-ўзини йитган ўзбекман...*

Сўнгра тутқунликнинг зулматли тунлари, ночор аҳвол, “қизиллар” мафқурасининг миллий кадриятларга салбий таъсири:

*Юртим этгач “қизиллар” тутқун,
Бошдан ўтгач не-не қаро тун,*

*Оҳ, Ношлож мураса учун
Кофир урфин тутган ўзбекман.*

*Тинглаб “буюк ога” сасини,
Қумсаб она тил нафасини.
Ҳатто отам жанозасини
Пинҳон ўқитган ўзбекман...*

Шеърда миллат парокандалиги, қиргин-барот йиллар манзаралари оғриқли сатрларда тасвир қилинади. “Куйласа дил тугёнларини, Идрок этмай армонларини”, миллатпарвар юрт фарзандларини “миллатчи деб отган” давр фожиалари чуқур қайғу ва армон билан акс эттирилади.

Қарамлик муҳити оғир ва аламли эди. Аммо шунга қарамай, халқимиз доимо умид, интилиш ва кураш билан яшайди:

*Эзгуликни дилга этиб жо,
Ёруғ кунлар келгай деб, илло,
Бағри яро, юраги яро,
Бахтни интиқ кутган ўзбекман.*

Қасида истиқлол нашидасини куйлаш, ҳаётбахш руҳ билан хулосаланади:

*Буюкликнинг зарварагига
Номин қайта битган ўзбекман!*

Шоир фикрлари хилма-хил лафзий санъатлар воситасида ёрқинлашади. Ўзбекнинг қайтадан уйғонганлигидан қалби мамнуниятга тўлган адиб юртимиз истиқболини янада чароғон тасаввур қилади:

*Бу боғлар бағрида неъматлар тўкин,
Рухингиз аллалар илоҳий ҳузур.
Фақат бу боғларга кирмоқлик учун
Ҳалол ва дили пок бўлмоқлик зарур.*

(“Келажак боғлари”)

Демак, истиқболни моддий тўкинликдангина эмас, руҳий-маънавий тўқликда, бутунликда кўради, ҳалоллик ва покликка даъват қилади шоир.

Зиёвиддин шеърларидаги маънодор, равон ва тиниқ услуб, мужассамланган фикр, туйғу, оҳанг, ранглар, санъатлар силсиласидаги мавж ва ҳарорат киши кўнглига тўлқин ва илиқлик бағишлайди.

Авжи баланд ижод соҳиби

Тулап Низом,
Ўзбекистон халқ шоири

Мен шоир Зиёвиддин Мансурни қарийиб чорак асрдан бери яхши биламан, яхши кўраман ва ҳурмат қиламан. Бу билиш, яхши кўриш ва ҳурмат қилишимнинг боиси кўп, албатта. Унинг феъл-атворида жумард Наманган аҳлининг энг яхши фазилатлари мужассам:

Биринчидан, унинг алпона қад-қомати, файзу фариштали чеҳраси, одамохунлиги, шинавандалиги, янғроқ ва ўктам овози ҳар қандай эътиборли, меҳрли одамни бефарқ қолдирмайди.

Иккинчидан, унинг салобатига яраша иқтидори борлиги ҳар қандай истеъдодпарвар одамда муҳаббат ва ҳавас уйғотади.

Учинчидан, унинг воизлик қобилияти, нотиклик санъати, топиб гапириш маҳорати бир мени эмас, балки кўпчиликни ҳайратга солган, мафтун этган. Ҳатто бир гал “Чортоқ” сиҳатгоҳида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, таниқли шоирлар Охунжон Ҳаким, Йўлдош Сулаймонлар иштирокидаги гурунгни у маҳорат ва сўзамоллик билан бошқариб борганда, таниқли адабиётшунос олим Урфон Отажон унинг қобилиятига тан бериб, “Наманган Цицерони” деб эътироф этганига ўзим шоҳидман.

Ундаги Худо берган қобилиятлардан яна биттаси – бу фаол жамоатчи эканлиги-ки, бу жиҳати ҳам кўпчилик учун ибрат. У нафақат наманганликларни, балки бутун водий ижодкорларини турли адабий гурунғларга чорлаб, бошини қовуштириб туради. Наманганда ҳар йили ташкил этиладиган анъанавий Машрабхонлик, Нодимхонлик, Чустийхонлик, Усмон Носир, Ҳабиб Саъдулла шеърини кунлари, Поромон анжумани, шунингдек, ҳар ҳафта мунтазам ўтаётган ижодий семинар машғулоти унинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими фаолиятини ҳозирги талаблар даражасида ташкил этаётганидан далолат. Бу борада унга кишлоқ фуқаролар йиғини, жамоа хўжалиги бошқаруви, Ўз ХДП туман Кенгаши раиси, туман ҳокимининг муовини лавозимларида ишлаб, муайян тажриба, обрў топганлиги яхши асқотмоқда.

У етук маърифатпарвар ҳамда фаол тарғиботчи сифатида ҳам республика Президенти ва ҳукумати олиб бораётган халқчил сиёсатни таъсирчан шаклларда омма онгига етказадиги, у ўтказган

маънавий-маърифий анжуманлар ҳамиша сермазmun ва мароқли бўлишига ҳавас қилиш керак.

Нихоят шуни мамнуният билан эътироф этаманки, Зиёвиддин Мансур – ўзининг мағзи тўқ шеърлари, бадний пухта асарлари билан мамлакатимизнинг Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Абдулла Орипов, Хусниддин Шарипов, Эркин Воҳидов, Ҳабиб Саъдулла, Муҳаммад Али, Муҳаммад Юсуф сингари сўз санъаткорлари назарига тушган, улар ва минглаб китобхонлар меҳр-муҳаббатини қозонган истеъдодли шоир. Бу ўринда унинг республика матбуоти саҳифаларида босилиб, кўпчилик томонидан эътироф этилган “Буюклик ҳақида”, “Ўзбекистон”, “Соҳибқирон”, “Маънавият ёхуд Навоий”, “Миллатим қасидаси”, “Қаъбадай муборак қадамжо”, “Худо суйган юрт”, “Истиклол меъмори”, “Дахлдорлик”, “Абадият қўшиғи”, “Муносабат”, “Огоҳлик” сингари шеърлари бугунги миллий ўзбек шеърлятида энг гўзал баднийят намуналари эканини айтиш билан кифояланаман-да, катта адабиёт майдонида дадил от суриб келаётган моҳир чавандоз укамга ҳамиша улоқни дангал ўнгарийш – юракларни забт этадиган ўз ижод намуналари билан ўз мухлисларини ҳайратга солиш бахтини тилайман.

Кўнгил заргари

(Зиёвиддин Мансуровнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган юбилейдаги нутқ)

**Маҳмуджон Маъмуров,
доцент (НамДУ)**

Қадрли юбилей қатнашчилари! Мен нутқимни юбилярга мурожаат тариқасида ёздим. Маъзур тутасиз.

Ўзингдирсан мен учун маъво

Мен учун бурд, мен учун ор, шаън.

Айтгил, содиқ фарзандлар аро

Рўйхатларда борманми, Ватан?!

Йўқса, дўстлар!

Бундай тақдирни

Аянчимга йўяверинглар.

Зиё Мансур деган шоирни

Билмаймиз, деб қўяверинглар!

Азиз Зиёвиддин Мансуров! Биз Сизни биламиз, гўзал, маънига тула ярим асрни сарҳисоб қилиб, янги, янада юксак ижодий парвозлар берадиган иккинчи ярим асрга қадам қўйдингиз. Шаҳдам қадамларингиз қутлуғ бўлсин!

Биз Сизни биламиз, Сиз элу юрт эътиборидасиз. Ватан учун содик фарзандлардансиз. Ўзингиз айтгандек, она юрт бурд, ор, шаъндир. *“Сатрларга ўқдай сўзларни териб, элимизни асир қилиб келяписиз”*.

Сиз Наманганнинг ардоқли ва пешқадам ўғлисиз. Бугун Сизнинг номингиз узоқ-узоқларга кетган, бутун республика танийди. Ўз номингиз билан Зиёсиз. Маънавият ва маърифат, маданият ва адабиёт Зиёсисиз. Сизнинг нурунгиз, муболага эмас, шаҳар ва қишлоқларимизни, қўйингки бутун вилоятимизни ёритиб турибди.

Республика маънавият ва маърифат Маркази Наманган вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби сифатида фаол ҳаракат қилаётганингизни сезиб турамиз. Республикамиз Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари материалларини халқ ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишда ҳозир у нозирсиз. Ижтимоий ва иқтисодий масалаларни бажаришга элни жалб этишда жарчисиз, шаҳар ва туманларда йирик тантаналар, юбилей, адабий кеча ва учрашувларни уюштиришда бош-қошсиз. Хуллас, ғалабаларни қўлга киритишда элу юртимизга камарбаста ҳаракатчан интеллигентсиз.

Сиз кўп қиррали фаолият соҳибисиз. Сизнинг ёрқин сиймонгизда доно ва тадбиркор давлат ва жамоат арбоби, билимдон муаллим, етук публицист, оташин шоир, соз ва қўшиқ ошиғи, маънавият ва адабиёт қўшинлари етакчиси каби истеъдод ва лавозимлар мужассамлашган.

Сиз ажойиб нотиксиз. Худо Сизга қудратли ва салобатли, лирик овоз ҳам насиб этган. Нутқингизда мантиқ барқарор, қочиримлар, ҳазил-мутойибалар, ўзбекона лутфлар жилва қилади. Аудиторияни бр зумда эгаллаб оласиз. Қайси сўз ва бўғинга ургу беришни обдон биласиз. Зални сеҳрлаб қўясиз ва қарсақларга кўмилиб кетасиз. Бу ёшларга сабоқдир.

Шеър – кўнгил зари, шоир эса заргари. Сиз сўз заргарларидандирсиз.

Адабиётга ёшлиқдан меҳр қўйдингиз. 6-7 – синфларда ўқиб юрган кезларингизда қалбингизга адабий чўғ тушди. Илк мақола ва шеърларингиз республика ёшлар газетаси ва журналларида босилди. Биринчи шеърингиз 1969 йил 29 майда Уйчи тумани газетасида чиқди. Шундан бери адабиёт париси ишқида ёнасиз.

Мақтаб ва Наманган давлат педагогика институтида ўқиб юрган вақтларингизда ҳам, Уйчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ демократик партияси Уйчи туман кенгашининг биринчи котиби, жамоа хўжалиги раиси лавозимларида ишлаган пайтларингизда ҳам адабиётдан қўл узмадингиз. Жаҳон ва Ўзбек мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижодини мутолаа қилдингиз, изладингиз, ижод билан машғул бўлдингиз. Адабиёт аҳли билан дўст тутундингиз.

Вилоят ва республика оммавий ахборот воситаларида, журналларда, альманах ва ҳар хил тўпламларда асарларингиз ёритилди. Мустақиллик йилларида “Қалбим парчалари”, “Ноёб кашфиёт”, “Ун саккиз ёшлилар севгиси”, “Ҳайрат салтанати”, “Наманган ва наманганликлар”, “Дилраболар диёри”, “Муҳаббат боғи” каби шеъррий туркум ва китобларингиз чоп этилди. “Абадият қўшиғи” китобингизга сайланма шеърларингиз киритилди. Ўнлаб ғазалларингиз таниқли хонандалар репертуарларидан жой олди.

Сиз уйғоқ шоирсиз. Юртпарварлик, элпарварлик ҳаётингиз ва ижодингизнинг муҳим хусусиятидир. Ижодий дастурингиз: эзгулик, эзгулик ва яна эзгулик. Эстетик программангиз қуйдаги сатрларда ифодаланган:

Дардчил бўлса малҳамман яхшиларга,

Тунда йўли ёритувчи Зиёман.

Душманларим билиб қўйсин, уларга

Нафрат, ўтман-

Маҳв этувчи баломан.

Мавзу доиранингиз ғоятда кенг. Она – Ватаннинг ўтмиши, ҳозир ва келгуси, халқ бошидан ўтган қора кунлар, севги-муҳаббат, ота-она орзулари, устоз, Наманган ва наманганликлар, туманлар таърифи, табиат, ёшлиқ, қисмат, талант ва ҳасад, шифокор, булбул ва зоғ образлари тўпламлардан ўрин олган. Шеърятингиз шакллари: шеър, ғазал, қўшиқ, тўртлик, шеъррий қатра, ривоят, ҳажвия ва ҳоказо.

Мустақиллик адабиётимизга ҳам жон ва қон берди, шоирларимизга қанот берди. Янги мавзу, янги мзамун, янги

кахрамон вужудга келди. Ёзувчи ва шоирларимиз эркин нафас ола бошлади.

Совет даврида юртимизни бор овоз билан куйласак, миллатчиликда айблашарди. Интим лирика қувғин қилинганди. Диний мавзуда ёзсак, сиёсий кўрликда камситишарди. Бугун ўзгача манзара, ўзгача эрк.

Сиз Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳабиб Саъдулларлар қаторида мустақилликни жўшиб куйлаб келяпсиз. Ватан мавзусига бир неча шеър бағишладингиз. “Ўзбеклар иши”, “Ҳаяжон”, “Боглик турган от ҳаёллари”, “Ватан” ҳамда Наманган ва бошқа туманларга аталган бир қанча асарларингиз истиқлол руҳи билан суғорилган. Янги замон учун кўнглингизни тўкиб соласиз:

*Ватан ҳур, эл озод ушбу аснода,
Не ажаб шод юрса Арши аълода?!
Онам ҳам ҳар тонгда айлайди дуо:
– Сенга кўз тегмасин Ватан шлоҳо!
Мен Ватан ҳақида шеър ёзиб бу кун
Шукрона айтаман Истиқлол учун.*

Маълумки, Наманган тилларда дoston. Уни ҳаммамиз севамиз. У ҳақда юзлаб асарлар яратилган. Сиз ҳам Наманган ҳақида бир неча шеър ёзгансиз. Уларда диёримизнинг у ёки бу фазилатини кашф қилгансиз. Ўтмишини, бугунини, келажакини, ижодкор ва меҳнаткаш кишиларини тилга оласиз. Адабиётда кўёш образи бор. Сиз кўёш образига, бошқа шоирлардан фарқли ўлароқ, янги гоёвий-бадий вазифа юклайсиз:

*Ҳатто мафтун кўёш
Тез дийдор
Кўришсам, деб
Багрин ёқармиш.
Тонгда чиққан заҳоти илк бор
Наманганга кулиб боқармиш.*

Сиз Намангандан чиққан беш-ўн ватангадо галамисларни тилга оласиз, уларга нафрат ўқийсиз.

Президентимиз айтганидек, Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Сизнинг шеърятингизга илоҳий мавзу дадил кириб борган. Диннинг маънавиятга доир, одоб-ахлоққа доир нури шеърятингизнинг мағзини ташкил қилади. Наманганни жаннатга қиёс этасиз, юртни севмоқ иймондан эканини фахр билан тилга

оласиз, наманганликларнинг жаннати эканлигидан юртнинг тинчлиги, она ва болаларнинг соғлиги учун дуо жаннатининг дузахига айлантир деганларни шеърга жаннатдаги аҳил қайнона ва келин учун тахтнинг ҳали ҳам турганлиги ҳақидаги ривоятдан ҳикмат излайсиз, намозхон оналарни ғурур билан эслайсиз. Худоба илтижо қиласиз:

Якканинг ёри – Худо

Шу дилим зори – Худо

Мен ҳам ёлғиз ўғилман

Ўзинг қўлла Илоҳо.

Зиёвиддинбой! Сизга адаш, машҳур турк шоири Зиё Кўкалпнинг 1910 йилда ёзган “Ватан” деган шеъри бор. Унда шундай сатрлар мавжуд: “Бир ўлкаки, жомесида туркча азон ўкилур, қишлоқли ҳам англр бунда маъносин дуонинг. Бир ўлкаки, мактабида туркча қуръон ўкилур, катта-кичик ҳар кун билур буйруғини Худонинг. Эй турк ўғли, шу ердадир, демак, Сенинг Ватанинг!”

Сиз шундай сатрлар ёзасиз:

Ҳамон бунда диёнат сайқал,

Бунда мудом эркин ҳар инсон.

Шу боисдан ҳар кун беш маҳал

Масжидларда янграйди азон.

Мен буюк турк шоирига ҳамоҳанг фикр юритганингиз учун фахрланаман.

Сиз суҳбати жонон инсонсиз. Ҳаётда ҳам, шеърятда ҳам дўстликни юксак даражада қадрлайсиз. Шеърларингизда чин дўст ва ёлғон дўстларни ажратиб берасиз. Ҳатто “Қалдирғоч” номли шеърингизда ҳам дўстлик қадри ҳақида фикр юритасиз: “Лек бир дардкаш дўстим йўқ сендан бўлак, қалдирғоч!” Ва, ниҳоят, дўст қидириб, тасаввуф таълимоти йўлига чиқасиз, Худони дўст, қадрдон деб биласиз.

Муҳтарам Зиёвиддин Мансуров! Сизнинг шеърятингиз гоёвий мазмунини гапириб, унинг бадиияти ҳақида тўхталмаслик-кемтиклик бўлур эди. Мен асарларингизнинг бадиий қирралари хусусида бир-икки оғиз сўзлашни лозим топаман.

Образлилик – асарнинг қалби. Бир рус танкидчиси “Образли фикрлай олмасанг, яхшиси, шеърятни тинч қўй”, – деган эди. Мен сизнинг “Ҳайрат салтанати” шеърингизни ўқиб, кўп китобхонлар қатори ҳайратга тушганман. Шеърда Наманганда ҳикматга кон

сарой борлигини айтасиз, уни маҳзанул ашъор деб атайсиз. Унда Бобур, Машраб, Усмон Носир, Ҳабиб Саъдулла салтанат шоҳи бўлганини таъкидлайсиз. Шеър охирида ўша сарой меҳр қаъри эканини ошкор қиласиз. Истиора санъати орқали рамзий шеър яратасиз. Бу образлиликнинг классик намунаси.

Маълумки, ғоявийлик, образлилик, хуш оҳангликни таъминлашда муайян вазндаги мисраларнинг сунгини-худудини белгилашда, аввалги сатрлар билан уйғунлаштиришда, банд тизимларида ритм ва мусиқийликни юзага чиқаришда қофиянинг ўрни бекиёсдир. Кайковус шундай дейди: “Бир хил вазн ва бир хил қофияга қанот қилмағил, санъатиз ва тартибсиз шеър айтмағил. Шеър зарб, яъни оҳанг, яхши садо, мунг бўлса ва шаклда альғал бўлса, яъни вазн бўлса, яхши бўлур”.

Сиз қофияга ана шу мезон асосида ёндошасиз. Шеърларингизни кўздан кечирар эканман, Сиз қофия доирасини кенгайтирасиз, янги қофиялар, янги бадий воситалар қўллайсиз.

Одатдаги кўп шоирлар от сўз туркумидан қофия қилишни хуш кўрадилар. Ҳамид Олимжон, Усмон Носир ва Сиз феъл сўз туркумидан қофия қилиб, уни маҳорат билан қўллайсизлар. Масалан, “Изҳор” шеърингизда “Попга боргим келаверади” сатри бўлиб, унда “келаверади” феълдан ясалган қофиядир. Унда насрга мойиллик йўқ. Киши севиб ўқийди. Қофияга ўзингизнинг эркалингизни ҳам юклагансиз.

Шунингдек, шеърларингизда “остхат”, “Зиёафшоним” сўзлари борки, ўзбек тилининг хусусиятларидан келиб, янги сўз ясагансиз.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мен нутқимни Сизнинг шеърини мисраларингиз билан бошлаган эдим, сўзимнинг охирини ҳам Сизнинг сатрларингиз билан тугатаман:

*Лек ҳар улуғ шоири билан
Бу эл шавққа тулаверади.
Наманганнинг ҳар кучасидан
Шоир чиқиб келаверади.*

14. 05. 2004.

Зиё Мансур ижодида Она юрт мадхи

Қодиржон Носиров,
доцент, Халқаро Пушкин
танлови лауреати (НамДУ)

Таникли шоиримиз Зиё Мансур анчадан буён она юрт васфндаги асарлари билан анчадан буён шеърят мухлислари эътиборини ўзига тортиб келади. Нафақат ихлосмандларни, балки адабиёт аҳлининг эътиборини ҳам ўзига ром этган...

Ёдимда, НамДУнинг маросимлар залида Тошкентдан ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган таникли олимлар, шоирлар билан учрашув кетаяпти. Одат буйича, олимлардан сунг минбарга кўтарила бошлаган шоирлар чиқиши мушоирага айланиб кетди. Учрашув мавзусига мос равишда, асосан, Ватан, истиқлол ҳақидаги шеърлар янгради. Пировард суз олган таникли адибимиз Саид Аҳмад, гуё ўзининг чавандоз ўгли пойгада ўзиб чиққанидан ғурурланган отадай, ёш наманганлик шоирга қарата: “Улоқни Зиёвиддин олиб кетди” – дегани аниқ ёдимда...

Мен ҳам айнан ўша учрашувдан кейин Зиёвиддин Мансуров ижодига алоҳида эътибор билан қарай бошлагандим. Унинг даврий матбуот саҳифаларида ҳамда алоҳида нашрларда чоп этилаётган асарларини ўтказиб юбормасликка уриндим.

З. Мансурнинг бизни қизиқтираётган мавзу, асосан, унинг “Ҳайрат салтанати” (2003), “Тўтиё” (2008) тўпламлари ҳамда “Истиқлолнома” (2012), “Истиқбол йўли” (2013) дostonларида ёритилган.

“Ҳайрат салтанати” деб номланган муъжазгина тўпланда гарчанд мавзу хилма хиллиги, тимсолларнинг сержиллолиги кўзга ташлансада, биринчи навбатда, Ватан, она заминнинг бетакрор манзаралари-ю, кишиларининг саховатини мадҳ этувчи шеърлари эътиборни тортади. Ҳамюртларнинг мардоновор меҳнати, уларнинг матонати, юрт таровати ва саховати “Чорлов”, “Наманган гўзалига”, “Нориндарё атрофларида”, “Наманган ва наманганликлар”, “Завқ” шеърларида тараннум этилади.

Ватан ишки хусусида битилган митти ривоятда шоир Ватани – гулзорга булган жўшқин ишқини ифодалолмай лол қолган, тилдан қолган булбул образини яратган. Бу ўринда айтмоқчиманки, шоирни, санъаткорни булбулга ўхшатиш билан ҳеч кимни

ажаблантириб бўлмайди, аммо, аксинча, булбулни санъаткорга қиёслашни биласизми?!

Булбул ҳам одамзот экан илгари.

Инсоний лисонда куйларкан бийрон,

Мисоли Булбул Мамед ўгли сингари.

Худди шундай кутилмаган образлар шеърятни бойитади. Шу билан образ муҳрланади мухлис қалбида, кишига завқ бағишлаб.

Маълумки, Наманган адабий муҳити ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ушбу мавзуга кўл ўриб, Зиёвиддин “Ҳайрат салтанати”, “Қисмат” номли шеърларида унинг юксалиш йўллари-нинг асосий поғоналар сифатида Бобур, Усмон Носир, Сўфизода, Ҳабиб Саъдуллани тилга олади.

Бу ерда Ўзбекистон халқ шоири Республика Давлат мукофоти лауреати Ҳабиб Саъдулла номи тилга олинishi ҳам бежиз эмас. Зеро, бу қалам соҳиби улкан аждодлар давомчиси сифатида республикаимиз адабий жараёнида муносиб ўринга эга.

Зиё Мансур ҳассос шоирларнинг аччиқ қисматини эслар экан, ўкинч ила буюк аждодларининг хотирасига лоқайдлик билан қараётган ҳамшаҳарларимиз тўғрисида дейди:

Мен уларни согиндим, аммо

Чорламасман Наманган томон.

Чунки менинг юрагим аро

Чўкиб ётар шундай чун армон:

Бухорода афанди билан

Эшагига бўлса-ю ҳайкал,

Бунда Усмон Носир кўз очган

Тупроқ ётар ўелига маҳтал...

Яна ҳам яққолроқ қилиб: “... бунда Машраб айтгандай шоирларнинг йўқлар киши йўқ”, деб хитоб қилади муаллиф.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, З. Мансур бошқа мавзуларга бағишланган бир қатор шеърларида у ёки бу масалани, миллат, халқ, юрт нуқтаи назаридан очиб беришга ҳаракат қилади. Бунга унинг кўнгиш торларини чертувчи нафис лисоний тимсолларга тула “Онажонимга”, тенги йўқлиги сабаб шоир илоҳий илҳом деб атаган Наманган гўзалининг мадҳига бағишланган “Наманган гўзалига”, юмшоқ юмор билан суғорилган норинлик шаддод қизлар таърифидаги “Нориндарё атрофларида” каби шеърлар мисол бўла олади.

Гўзаллик, шаддодлик, лутф, аёл матонати тасвирлари “Қишлоқдаги оддий ўзбек аёли” шеърда ўзгача бўёқлар билан алмашади. Мазкур шеърда баъзи шоирлар “хур”, “малак” атагувчи қишлоқ аёлининг ҳаммага маълум, аммо кам қаламга олинадиган ҳаққоний, типик тимсоли гавдаланади. Кунини тунга улаб меҳнат қилгувчи, яратувчи, ҳам далага, ҳам аллага меҳрин берувчи, косов қўл, супурги сочлари ила ҳовлисин кўркин очгувчи, “жони қирқта”, “ўлмас”, “у туфайли туғруқхоналарда бўш ўрин бўлмас” – мана бу шеърин портретдан “ажратиб” олинган баъзи чизгилар. Бу иборалар орасидан гуё шоирнинг меҳр ёшлари тирқирагандек...

Айни пайтда Зиёвиддин меҳнаткаш аёл маънавий қиёфасидаги юксакликни таъкидлайди:

Мендан сўрасалар:

Айлагил аён,

Ким эрур меҳрининг олий тимсоли?

Сира иккиланмай дейман ўшал он:

Қишлоқдаги оддий ўзбек аёли!

З.Мансурнинг 2008 йилда чоп этилган “Тўтиё” шеърин тўплами Ватан ишқида ёнаётган муаллиф қалбидаги ҳис-туйғуларни яна ҳам таъсирчан намойиш этди. Бу тўпلام миллатимиз шаънига янграган қасидадек идрок этилди.

Дарҳақиқат, она замин тупроғи, эл қадриятлари – тўтиёдир инсон учун. Зиёвиддин Мансур тўпламидан ўрин олган асарларни мутолаа қилар эканмиз, бу ҳақиқатга яна бир бор амин бўламиз. Китобхоннинг қалбига кириб бориш учун, унинг онгида ўчмас из қолдириш мақсадида шоир сўз санъати борасида анча изланишлар қилган ва, муболагасиз айтиш мумкинки, ўқувчини ўзига ром эта оладиган поэтик образлар ярата олган. Энг муҳими, шоир шеърларини ўқиётган мухлис қалбида Ватанга нисбатан ғурур, ифтихор туйғулари мустаҳкамланиб боради. Тўпلام “Ифтихор”, “Истикбол меъмори”, “Ўзбекистон”, “Халқим қасидаси”, “Конституция шаънига” деб номланган қасидалар билан очилади. Бу шеърларида муаллиф Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг узун, зафарли ҳам уқубатли тарихини қисқа ўзига хослик билан тасвирлайди; она замин қудратини, сўнмас маънавиятини эъзоз билан тилга олади. Бугунги авлодни шоир ҳақли равишда “Истикбол бунёдкори” деб таърифлайди, зеро:

Гарчанд қўлимизга олмадик қурол,

Гарчанд ўқ ёғмади бизнинг бошлардан,

*Лекин асрай олдиқ сени, истиқбол,
Ёвлар ошкор-пинҳон отган тоилардан.*

Шоир халқ тарихидаги баҳодирона курашлар, мислсиз қаҳрамонликлар, жаҳонни лол қолдирган тафаккурни эслайди:

*Гоҳ Алпомиш мисли баҳодир,
Гоҳ Муқанна, гоҳ Намоз ботир,
Ғанимларни титратиб зир-зир
Дасти баланд ўтган халқ бу халқ!*

Ватанпарварлик, юртга муҳаббат у садоқат ғоялари, Ватандан айрилиқ доғи З. Мансурнинг “Сўроқ”, “Қарғалар”, “Ватандан кечган бир кимса қисмати”, “Садоқат” ҳамда ҳур Ўзбекистоннинг бир қатор гузал ғўшаларига бағишланган шеърларда ўз аксини топган. Бу асарлар тўғрисида анча-мунча гапириш мумкин. Лекин мен Ватанга содиқлик васфига бағишланган “Садоқат” шеърига алоҳида тўхталмоқчиман. Бу муъжазгина асарда чуқур гоё, теран фалсафий фикр ётади, айна пайтда муаллифнинг юксак поэтик маҳорати намоён бўлади. Садоқат рамзини шоир табиатда куради:

*Чин садоқатни
Дарахтлардан ўрганмоқ лозим.*

Улар, шоир таъбирича, қасам ичмайдию, аммо ҳар қандай бўронларда ҳам юртга қалқон – ортга чекинмайди. Она заминга дарахт меҳри шунчалики, уни кўриб, шоир хитоб қилади:

*Қаранг,
Она-юртнинг тупроғини
Дарахтлар экон қадар суярлар.
Қишда асқотар, - деб япроғин
Чойшаб каби ёпиб қўярлар.*

Тўғри, кучли довул бўлса, зарба бўлса дарахт йнқилиши мумкин, аммо шоир нигоҳида бу манзара ҳам ибратомуз кўринади:

*Улар дарахт эмас,
Чинакам
Юртнинг содиқ ўғлони – улар.
Бу ўғлонлар қулар булса ҳам
Юрт тупроғин чангаллаб қулар...*

Тўпламда Ватан ишқи мавзусига юртимизнинг бир қатор шоир дилига яқин ғўшаларни мадҳ этувчи шеърлар тутатиб кетади: “Ғазнаи Намангоним”, “Фаргона ғазали”, “Маргилон алёри”, “Косонсойлик дўстларимга”.

Ҳақиқий шеърят поэтик тафаккур ёрдамида оддий, барчага таниш воқеа-ҳодисаларни, нарса-буюмларни бошқача идрок этади, уларнинг янги қирраларини кашф этиб, мухлисга тортиқ қиладики, бундан китобхон, сўзсиз, таъсирланади, эстетик завқ олади. “Фарғона ғазали”да ушбу вилоятнинг гузалликда бетакрор ҳам муътабар гўшалари, машҳур ўғлонлари ҳақида ёзаркан, шоир тилидан мисоли бол томади. Лекин, менинг фикримча, ушбу шеърдаги энг қадрли, энг кутилмаган ва ҳақиқий поэтик тухфа мана бу байт:

*Сўзига она сўзи эш
Вилоят йўқ оламда,
Яна не-не улугларга
Падар Фарғона-Фарғона!*

Балки этимология нуктаи назаридан шоирнинг бу “кашфиёти” ҳақиқатдан йироқдир. Бу тўғрида ўйламайди шоир. Лекин бундан тимсолнинг ҳам қадри тушмайди. Сўз гавҳари деб шуни айтилади. Икки саҳифа сўз ичида “ялт” этиб кузга ташланган гавҳар – юқоридаги байт. Одатий сўзнинг куз илғамас имкониятларини, кўркини шоир маҳорат билан очиб берган.

Ёки “Ўзбекистон” қасидасини олсак. Бунда шоир халқимиз фазилатларини тасвирлар экан, дейди:

*Ўз ўрнин қидириб,
Ризқин териб
Ўзлигин топгунча қон-зардоб ютган,
Курган ёқасига осилавериб,
Охири ёқасиз яқтакка ўтган.*

Оддий нарса – яқтак, миллий либосимизнинг бир қисми. Бунда ажабланарли ҳеч нарса йўқ. Аммо сўз устаси яқтакнинг ёқасизлигини ўзига хос тарзда изоҳлай олган.

3. Мансур ўз ижодидаги етакчи мавзуга содиқ эканлиги унинг яқинда “Ниҳол” нашриётида чоп этилган китоби, “Истиқбол йўли” дostonидан ҳам кўриниб турибди, қолдаверса, бу мавзуда республикамиздаги атоқли шоирлар сирасига киришини кўриб турибмиз.

“Истиқбол йўлига” сўзбоши китобига ёзган таниқли олим ва йирик жамоат арбоби, профессор Акмал Саидов Зиёвиддин Мансуров ижоди ва фаолиятига юксак баҳо берар экан, унинг шеъриятини сиёсий лириканинг бетакрор намунаси деб асосли равишда баҳолаган. Профессор яна қуйидагиларни алоҳида

таъкидлайди: “Ижтимоий-сиёсий лириканинг ўзига хос муҳим жиҳати шундаки, унда ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар омма учун таъсирчан руҳда, юксак пафосда – жўшқин эҳтиросда баён этилади. Бу эса тингловчи ёки ўқувчида муайян тасаввур, воқеа-ҳодисага нисбатан муайян муносабат пайдо қилади, шеърхонни ўйлашга, фикрлашга, айна пайтда фаолликга ундайди. Зиёвиддин Мансур ижоди худди ана шундай ижтимоий-сиёсий, публицистик руҳдалиги, фалсафий мушоҳадага, теран умумлашмаларга бойлиги, лўнда ва равонлиги, ширадорлиги билан эътирофга лойиқ”.

Дарҳақиқат, Зиёвиддин Мансур поэзияси шундай юксак тавсифга муносиб! Профессорнинг фикрига тўла қўшилган ҳолда, уни давом эттириб, деймизми, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ҳақиқий, айниқса, публицистика молик шеърят воқеа-ҳодисаларни шунчаки таъсирчан, китобхонга ёқимли қилиб тасвирлаш билан чекланмайди. Бунда шоирнинг ҳаётий позицияси, дунёқараши, воқеликка муносабатини билдира олиши ва бунинг усуллари катта аҳамиятга эгадир. “Ҳаётий позиция”ни фуқаролик (гражданлик) позицияси деб аталса, бу муҳим тушунчанинг моҳияти яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади.

Истиқбол йўли” дostonи авваламбор ўзининг композицияси, таркиби, мундарижаси билан эътиборни тортади: асар йигирма саккиз қисм (катта-кичик шеърлар)дан тузилган. Қисмларнинг аксарияти мустақил асар сифатида қабул қилиниши, яъни ўқилиши мумкин. Лекин бу дostonни таркиб этган асарлар ўзаро боғланмаган, дегани эмас. Барча йигирма саккиз шеър мисоли бир узилмас ипга тизилган дур, бир шода марварид: дoston – ўзбек юрти васфига бағишланган ягонаю яхлит қасида.

Мазмунга эътибор берилса, мазкур китоб бир неча йил мобайнида ёзилганини сезиш қийин эмас. Бир қисм шеърлар мустақил асар сифатида аввал эълон ҳам бўлган. Бу табиий ва бадий адабиёт амалиётида учраб туради, яъни – ўзига хос анъана.

Дostonдаги бир қатор шеърлар (асарнинг қисмлари) ватанимизда мустақиллик йиллари содир бўлган (булаётган) воқеа-ҳодисаларга, кузатилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга, ижобий ўзгаришларга бағишланган, уларга муаллифнинг муносабати ифодаланган. Нохуш воқеалар, халқ қалбини ларзага солган хунрезликлар (Ўш, Қўқон, Наманган, Андижон воқеалари) ҳам четлаб ўтилмаган. Бошқа аксарият шеърлар узок асрлар мобайнида юртимизда, халқимиз ҳаётида кузатилган, аниқроғи – бошидан

кечирган яхши-ёмон ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни холис идрок этишга бошлайди, уларга нисбатан ўз ҳис-туйғуларини тасвирлайди.

Асарда ўзбекнинг (унинг тарихининг) жаҳон халқлари ўртасидаги ўрни, унинг туриш-турмушининг ўзига хослигини, саботли, матонатли халқимизнинг юксак маънавиятини, бугунги тинч-осуда ҳаётимизнинг замирида нима ётганлигини очиб бериш – муаллифнинг бош мақсади десак, адашмасак керак. Бундай бадий асарда, табиий равишда, кўплаб буюк аждодларимиз, уларнинг юксалишимизга қўшган ҳиссалари тилга олинади. Аммо фақат икки тарихий шахсгина алоҳида, бошқа шеърлардан унча катта бўлмаган қисмларда мадҳ этилади; улар ким эканлиги қисмларнинг номларидан маълум бўлади: “Соҳибқирон” ва “Истиқлол меъмори”. Демак дostonнинг бош қаҳрамони – ўзбек халқи; асарда унинг бунёдкорлик меҳнати, матонати, сабр-тоқати, дўстлигию меҳмондўстлиги, йўлбошчиларининг донишмандлиги тараннум этилади.

Дарвоқе, асарда яна бир алоҳида шеър бағишловига мушарраф бўлган шахс бор. Тўғри, у тарихий шахс эмас, аммо, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, у миллатимизнинг муҳим фазилатларидан бирини ифодалаб турувчи қаҳрамон: бу – Афанди (Хўжа Насриддин); унга бағишланган атиги уч банддан иборат шеърнинг номи “Ханда”. Халқ буюклиги ҳақида гап кетаётган дostonда бундай шеър гўё ортиқчадай, сунъий равишда киритилгандай туюлиши мумкин ушбу мақоланинг ўқувчисига. Лекин З. Мансурнинг китобхони кўп ўтмай муаллиф Афанди образини тасодиф киритмаганлигига амин бўлади: китобнинг навбатдаги саҳифасида “Буюклик ҳақида” деб аталган, Хўжа Насриддинга хос зукколик билан сўз қотилган икки бандли шеър мавжуд:

Хорижлик дўстлардан биттаси бир кун

Буюклик ҳақида гап кетган эди

– Ўзбекларни буюк, дейсиз-у, нечун

Улар компьютер кашф этмаган? – деди.

Шунда мен дедимки:

– Бермоқ керак тан,

Компьютер яратмоқ бўлса ҳамки бахт,

Ўзбеклар компьютермиялигидан

Компьютерга ҳожат сезмаган ҳеч вақт!

Ҳақиқий Хўжа Насриддинча зукколик! Демак, айтиш мумкинки, Зиёвиддин Мансур тавсифлашича, халқимизнинг қахрамонлиги, мардлигию матонати, садокати, сабр-тоқати, эзгу ниятлиги унинг йўлбошчиларига, бошқа буюк тарихий шахсларга қиёс бўлса, айтиш пайтда унинг зукколиги (бу аслида – донолик) асрлар оша миллатимиз тафаккурини ўзига сингдирган бадиий образ – Афандига қиёс (бу, аслида, халқнинг ўзгинаси). Чиройли иборалар билан сўзлаб берилган Афанди латифасини компьютер тўғрисидаги замонавий мутойиба билан чоғиштириш натижасида халқ образининг ялт этган бир киррасини муаллиф маҳоратидан деб баҳолаш ўринли.

Буюклик ҳақида яна бир шеър бор дostonда – “Буюк юрт ва улуғ эл хусусида”. Бунда: “Энг оғир дамларга дош берган ватан// Буюқдир, улугдир ундаги ҳар эл!” – деб буюклик ва улуғлик мезонини шоирона белгилайди Зиёвиддин Мансур.

Амир Темурга бағишланган қисм ҳам унча катта эмас. Лекин бадиий образ киймати унинг ҳажми катта-кичиклиги билан белгиланмаслигини биламиз-ку. Акмал Саидов айтгандек, қисқа ва лунда сатрларда буюк аждодимиз тарихимизга қўшган ҳиссаларини ишонарли, таъсирчан ёритиб бераркан, муаллиф бош урғуни Соҳибқироннинг оқиллигига қўяди: “Адл бобида бизнинг Соҳибқирон ягона!” Лекин шоир, юқорида алоҳида таъкидлаб ўтганимиздек, шунчаки, холис тавсифлаш била чекланмай, ўз муносабатини орзу истак тарзида билдириб кетяпти:

*Арзир дунёга мезон
Бўлса унинг ибрати,
О! Бу ҳолда бор эзгу
Ишлар бўлади жойида.
Яъни,
– Куч – адолатда, –
Деган битта ҳикмати,
Ҳар бир жамият учун
Бўлганда бош қоида...*

Мисра охирида кўп нуқта ҳам бежиз қўйилмаган бўлса керак... “Истиқлол меъмори” ҳам чоғроқ, у атига уч саҳифани эгаллаган китобдан. Бунда Юртбошимизнинг ўз халқи кадрини, мавқеини жаҳон ҳамжамияти олдида кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатлари, керак бўлса кўрсатган унинг матонати, журъати, ишонарли тасвирланган:

Тарихга бўйласак,
Миллатин номин
Оламга таратган ўзбеклар бисёр,
Лек бизнинг замонда юртимиз шонин
Юртбошидан юксак кўтарган ким бор?!

.....
Қайси бир замонда ифтихор, гурур,
Диёнат, иймонга кенг йўл берилди?
Номи учайёзган бобомиз Темур
Қайси зот азми-ла қайта тирилди?

Утмишида саналган саводсиз-авом,
Дунёга ўзлигин айтди ким боис?
Руҳлари қақшаган юзлаб улуг ном
Буюклар сафига қайтди ким боис?!

Китобдан бошқа қисмларга нисбатан кўпроқ жой эгаллаган шеър “Эврилиш” деб аталади. Халқ термаларини эслатувчи бу ажойиб бандларда халқимизнинг шонига шон қўшаётган машҳур санъаткорлару шижоатли паҳлавон спортчилар номлари васф этилади, бугунги буюк аждодлар анъанасига муносиб равишда амалга оширилаётган турмушимизни нурафшон этиб бораётган саъй-ҳаракатлар тараннум этилади. Аммо бу ерда муаллиф турмушимиздаги буюк ўзгаришларни санашдан кўра унинг омилларини очиб беришга кўпроқ эътибор беради: тинчликпарварлик, самимийлик, меҳнаткашлик, оптимистлик, яъни келажакка ишонч, яратувчанлик, эзгуниятлилик, ҳамжиҳатлик, адлпарварлик, бағрикенглик, виждонипоклик – мана булар Зиёвиддин Мансур китобидаги ўзбек тимсолининг фазилатлари.

Биз бугунги кунда ҳақли равишда ғурурланаётган қаҳрамонларимиз номини тилга оларкан, шоир уларнинг исмларини шундай мохирлик билан афсонавий қаҳрамонларимиз янглиғ васф этадики бундан бизнинг кўнглимиз янада тоғдек ўсади: “Рустами сурганда от, // Шохмот тождорлари мот”; “Футболда энг зўр ҳакам // Равшан ўғлондир ўзбек!”

Халқ оғзаки ижодиёти поэтикаси янглиғ унсурлар Зиёвиддин Мансурга баъзи бизни ўйлантириб кўядиган иқтисодий-маиший муаммоларни ҳам ўйноқи услубда тилга олиб кетиш имкониятини беради: “Тилла-тумори қиммат, // “Жаҳон бозори” қиммат. //

Улардан ори қиммат, // Нони арзондир ўзбек.” Бозорда нимадир ҳақиқатан ҳам қиммат, лекин ўзбекнинг орияти ҳамма нарсадан устун, гурури баланд. Бу ерда шоир яна катта маҳорат билан тазод (антитеза) усулини қўллайди: ҳамма нарса қиммат-у “нони арзондир ўзбек”, яъни халқнинг омбори бут, кўнгли тўқ.

“Тошкент васфи” деб номланган қисмда тазоднинг беназир намунаси яратилган: Ер ва Кўк, Осмон ва Замин чоғиштирилади. Натижада юртимиз пойтахтининг кўриниши, нури қуёшга тенглаштирилади:

Кундузлар Заминдан Осмонга боқсанг.

Фалакда ягона Қуёш кўрингай.

Тунлар кўкдан Замин томонга боқсанг.

Қуёшдан чарогон кент – Шош кўрингай.

Достоннинг қисмлари шеърини шакл (жанр) нуқтаи назаридан ҳам рангбаранг: гоҳ мураббага ўхшашлари учрайди, гоҳ рубоий, гоҳи эса маснавий – асар мазмун-ғоясига мос равишда. Охиргиси, маснавий, озроқ: “Наманган воқеаси” билан “Умнат бува ҳикояси”.

Мана шу эпик, жанговарлик достонларига хос шаклда ёзилган “Наманган воқеаси” том маънода ҳам, кўчма маънода ҳам достоннинг марказида туради. Бунда Мустақил давлатимиз тарихида содир бўлган энг мудҳиш воқеа ва уни доно, оқил ва оташин сўз билан мамлакатнинг келажагини белгилаб берувчи бурилиш нуқтасига айлантириб юбораолган Юртбоши тасвирланади. Шаҳар марказини, вилоят сиёсий жараён марказини бир гуруҳ жангарилар босиб олиб, тинч юртга реал таҳдид солиб турган ўта тигиз паллада

Не бахтки, омманинг етиб оҳи, дарди,

Майдонга Юртбоши кириб келарди.

Гуё Соҳибқирон ё Жалолиддин

Мангуберди шашти, шаҳди-шиддатин.

Аллона қаддида айлаб мужассам

Юртбоши келарди дадил ва шаҳдам.

Қудратин сезгандай, қаранг, бир пасда

Оломон орқага чекинди аста...

Интиқ халқ қалбига бағишлаб сурур,

Гуё зулмат ичра кириб келди нур!

Воқеа давомида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган Президент нутқи, унинг реал услуби асарда маҳорат билан берилган – ўша тарихий нутққа жуда-жуда яқин.

“Уммат бува ҳикояси”да тарихмизда бурилиш ясаган воқеа эмас, аксинча, айтиш мумкин, ўтмиш, яъни шўролар пайтида содир бўлган буюк ютқизиклар қиска, лекин характерли калом билан тасвирланган:

Ҳар мажлисда бир ғайри тил бўлса мабодо,

Мажлис она тилимизда ўтмасди асло.

Битагина “тил” сўзи ортида қанчалар буюк маънолар ётганлигини ўқувчи асарнинг навбатдаги бандидаёқ англаб улгуради:

Ҳа, рости гап, тилимизни бериб қўйгандик –

Дилимизни, йўлимизни бериб қўйгандик...

Кейинги бандда халқмиз яқин ўтмишидаги яна бир нохуш ҳолат тасвирланади:

Унутилаётган эди никоҳ ўқиш ҳам,

Жанозага кириш тоғай деганди барҳам.

Асар ниҳоясида кўпни кўрган Уммат бува Истиклол ва унинг меъмори Юртбоши шаънига дуолар айлайди ва Худодан тилайди:

“Эй, Худо! Шу жаннат юртга ҳеч тегмасин кўз!”

Юқорида биз “Истикбол йўли” дostonи нисбатан мустақил шеърлардан таркиб топган, қолаверса, шеърлар жанр жиҳатдан ҳам турлича деб таъкидладик. Лекин бу шеърлар сунъий равишда “Дебоча”ю “Хотима” билан шунчаки ҳалқасимон ўраб қўйилган эмас. Достон, биринчи навбатда, ўзининг ғоявий мазмуни билан яхлит, қолаверса, бадий хусусиятлари билан ҳам бир бутун асар. Яхлитликни таъминлаб турган бадий унсурлардан бири – бу қўшиқ.

Асар таркибидаги бешта қўшиқ – бу буюк халқ ва унинг истиклолию истикболига алёр – дostonнинг қисмларини боғлаб турган қизил ип. Қўшиқлардан биттаси “Хотима”дан кейин жойлашагани, яъни китобни яқунлагани, ҳам эътиборли.

Юқорида мен Зиёвиддин Мансур Ватан васфида республикамиздаги етакчи шоирлар сирасига киради деб бежиз таъкидламагандим. Якуний қўшиқда муаллиф онгли ва, муҳими, муносиб равишда Муҳаммад Юсуфнинг Ватан мавзусидаги бетакрор шеъри бўлган “Қайда бор”нинг ғоясини давом эттирган, фикрига монанд фикрлар қўшган, шу мақсадда салафнинг

асаридаги қофия тизимидан ҳам унумли фойдаланган, радифни эса тўла такрорлаган. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, М. Юсуфнинг шеъри Ватан мадҳида янги сўздир. Зиёвиддин эса ўзининг қушиги билан ўша янги сўзни яна ҳам бойитди:

*Келса меҳмон садқаи жсон
Айлаб, осган дошқозон,
Миллатимдай аҳли эҳсон —
Танти мезбон қайда бор?*

*Бундайин гайратли халқ-у,
Бундайин қудратли эл,
Кучгани шон катта карвон,
Али сарбон қайда бор?*

Менимча, Муҳаммад Юсуф билан Зиёвиддин Мансурларнинг шеърларини жуъровоз хонандалар ижро этса, Ватан ҳақида зур катта ашула пайдо бўлган бўларди.

Менинг назаримда адабиётимизда Ватанни буюк сўз билан улуғлаган шоирлар: Ҳ. Олимжон, Э. Воҳидов, А. Орипов, М. Юсуф; энди уларнинг қаторида З. Мансур ҳам...

Зиёвиддин Мансур шеърларининг айрим лингвопозтик хусусиятлари

Носиржон Улуқов,
филология фанлари
доктори (НамДУ)

Ҳар бир шоирнинг исми ва тахаллусида ўзига хос маъно-мазмун мужассам. Шоир Зиёвиддин Мансур, Зиё тахаллуслари билан ижод қилади.

Авалло, Зиёвиддин Мансуров маҳоратли, қуюма таланти нотик ва воиз. У бошловчилик қилган давраларга ўзгача рух, мазмун, кўрк, сокинлик, файз кирази.

Зиёвиддин Мансуров фаол ва фидойи маънавият-маърифат тарғиботчиси. У адабиётшунос олим Наим Каримов таъбири билан айтганда, устози Ҳабиб Саъдулладаёв кўп йиллар “Намангандаги адабий ҳаётни ҳабибона маданият, ҳабибона заковат ва ҳабибона ҳарорат” билан бошқарди¹ ва бошқармоқда.

¹ Каримов Н. Гуллар шаҳрининг шоири // Зиёвиддин Мансур. Тўғиё. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б.4.

Зиёвиддин Мансурнинг шеърларида воизона маҳорат ва халқчиллик руҳи уфуриб туради, унда баландпарвоз, китобхон тушунмайдиган сўзлар деярли йўқ. У танлаган мавзулар, яратган бадний тимсоллар, ташбеҳлар халқ дилига, қалбига яқин. У ҳамиша халқини улуғлайди ва эъзозлайди. Халқимизнинг тарихини, буюқ кудратини халқона сифатлашу ташбеҳлар билан тараннум этади:

Томирида бекнинг қони бор,

Беклик завқин тотган халқ бу халқ.

Соҳибқирон доғруқ – шони бор,

Донги ҳар ён кетган халқ бу халқ!

(“Халқим қасидаси”, 13-б.)

Шеърда халққа нисбатан қўлланган *беклик завқин тотган, дасти баланд утган, ёйиқ палак отган* каби фразеологизм шаклидаги сифатлашлар шоир истеъдоди маҳсулидир.

Шоир халқни улуғлабгина қолмасдан унга хос камчилигу нуқсонларни ҳам образли ифода этган:

Қуриган қоқ қўксин пайдар-пай

Гудагига тутган аёлдай,

Тинмай пахта экиб, Оролдай

Денгизин қуритган халқ бу халқ.

(“Халқим қасидаси”, 16-б.)

Унинг шеърларига ҳамиша халқ мақолу ҳикматлари кўрк бағишлаган. Ирсולי масал санъати-ла сайқал топган қуйидаги мисралар фикримизнинг ёрқин далилидир:

Дерлар:

– Оққан дарё оқаверади,

Оҳ! У қанча қуриб, қанча тошмади?

Ҳурлик нашъаси-ла тўлиб сарҳади

Оққан дарё яна оқа бошлади...

(“Ўзбекистон”, 12-б.)

Еки:

Эл сузи бу: Душман эрур

Сунгги пушаймон

Не талашурсан?

Еки:

(“Сўроқ”, 26-б.)

Мақол бор: “Меҳнат – таги роҳат”

Мана Сизга ўзбеклар иши!

(“Ўзбеклар иши”, 26-б.)

Албатта, шоир бисотидан бундай далилларни кўплаб келтириш мумкин.

Шоирнинг “Дуо” шеърисида бошдан-охир халқона эзгу-ниятлар, бир сўз билан айтганда, бутун элу халқ дуоси шеърга солинган:

*Ҳаёт ривожига бўлмоқ-чун далда
Инсон уз бахтидан кунгли тоғ булсин,
Омин!
Бунинг учун биринчи галда
Юрт тинч,
Она омон,
Бола соғ булсин!*

(“Дуо”, 46-б.)

Эътибор беринг, бу сатрларда гуё бугунги ҳаёт: йилларимизни номланиш-ю, режалару дастурлар бари-бари акс этган.

Зиёвиддин Мансур шеърларида оҳангдорлик, мусиқийлик ва жозиба бор. Бу мисраларни аллитерация санъати билан сайқалланганлигидан:

*Гуноҳнинг зарраси ҳам гуноҳ, зотан
Гуноҳдир гуноҳкор булиб кун кўрмоқ...*

(“Энг огир гуноҳ”, 52-б.)

Ҳаётнинг зиддиятлари қаршилантриш санъати билан сайқалланган бандларда ифода этилган:

*Бир эшикда янграр қўшиқ-куй,
Бир эшикда булар жаноза.
Қай дилларни хуррам этса туй,
Қай дилларни уртагай аза.*

(“Шодлик билан ғам”, 61-б.)

Ёки:

*Гоҳи азизсан,
Гоҳи хор
Қалбинг гоҳ муз, гоҳи чўз,
Бир қарасанг қадринг бор,
Бир қарасанг қадринг йўқ.*

(“Ҳолат”, 61-б.)

Кўринадики, шоир антонимлар воситасида тазод санъатининг гузал намуналарини яратибгина қолмасдан, ҳаётини ҳолатларни содда, халқона тасвирлашга эришган.

Шоир яратган кўплаб сифатлашлар, ташбеҳлар оригинал, ноанъанавий, янги ва такрорланмас. Масалан, қалдирғоч тимсолига

нисбатан куйидаги сифатлашларни кўллайди: *эзгулик элчиси* – эзгу тилак қалдирғоч, *мажак қалдирғоч*, *жонсарак қалдирғоч*, *тоза палак* – қалдирғоч, *хаммаслак қалдирғоч*, *лак-лак қалдирғоч* каби.¹

Барча шоирларда бўлгани каби, Зиёвиддин Мансур илмий тил билан окказионализмлар деб юритиладиган янги-янги поэтик сўзлар, иборалар ижод қилган:

*Мовий кўзлар –
Мовий қақнуслар!
Инжа санъат,
Инжа сеҳрсиз.
Ой юзларда
Мовий фонуслар...*

(“Ҳолат”, 64-б.)

Ёки:

*Магар соҳиби тугёнман,
Бу лаҳза сувратижонман.*

(“Ҳаёлим ёрга кетганда”, 70-б.)

Тилнинг барча воситаларидан унумли, маҳорат билан фойдаланади ҳамда поэтик лексикага хос янги бирлик ва ифодалар яратади. Чунончи, эркалаш шакли *-гина* аффикси воситасида “Армонгинам” шеърда сарлавҳага монанд *жайронгинам*, *осмонгинам*, *афгонгинам*, *моҳгинам*, *дилхоҳгинам*, *Аллоҳгинам* каби оригинал сўз шакллари ижод қилган ва улар воситасида услубий-поэтик мазмунни таъсирчан баён этишга эришган.²

Истиқлол куйчиси

Муминжон Сулаймонов,
филология фанлари номзоди,
доцент (НамДУ)

Ҳозирга қадар ўндан ортиқ тўпламлари эълон қилинган истеъдодли шоир Зиёвиддин Мансур ижодида Ватанимиз мустақиллигини мадҳ этиб ёзилган шеърлар алоҳида туркумни ташкил этади.

¹ Қаранг. Зиёвиддин Мансур. Уша тўплам, 68-бет.

² Қаранг. Зиёвиддин Мансур. Уша тўплам, 56 - 57-бетлар.

Шоир "Ифтихор" шеърида мустақиллик деган буюк неъматни улуглаб, фахр билан қуйидаги сатрларни битади:

*Муборак онларда этилгаймиз ёд,
Бу кунлар тарихга булур кўрку зеб
Ва унга, албатта, бизларнинг авлод
Ёзилгай:*

– Истиклол бунёдкори, – деб.¹

Атоқли адабиётшунос олим профессор Наим Каримов таъкидлаганидек, Зиёвиддин Мансур "... рухий-ижодий жараёнда Мустақилликнинг тарихий-ижтимоий моҳиятини англагандек бўлиб, унинг ижодкорини бутун қалби билан ардоқлашга киришади".²

Истиклол сурури шоирнинг ватан мавзусидаги ҳар бир шеърида ялт этиб кўзга ташланиб туради. Масалан, "Рухиятим иқлимларида" номли шеърида бир кун келиб она юртимиз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар сафининг бошида бўлишидан ғурурланади:

*Кунлар келар
Толе қошида
Диёрлар саф тортади қатор.
Турар албат сафлар бошида
Ўзбекистон аталган диёр!³*

Дарҳақиқат, шоир ижодида ватан ва Истиклол мавзусидаги шеърлар бир-бирини тўлдиради.

Мустақил бўлмаган юртнинг одамлари ҳам, фарзандлари ҳам мустақил бўла олмаслиги кундай равшан. Бир пайтлар собиқ иттифоқ даврида "Ўзбеклар иши" деган салбий маънодаги ибора пайдо бўлган эди. Зиёвиддин Мансурнинг айнан шу номдаги шеъри халқимизнинг ўзига хос эзгу фазилатларини тараннум этувчи сатрлар билан бошланади:

*Бу юрт аҳлин фикри-зикрида
Эртанги порлоқ кун ташвиши,
Шу боисдан дейман фахр ила:
Мана сизга ўзбеклар иши!⁴*

¹ Мансур, Зиёвиддин Тутие – Тошкент: Шарқ, 2008 – 7-бет. Бундан кейин келтирилган шеъринг парчалар ҳам шу тўпламдан олинди ва юзтаб саҳифаси кўрсатилади

² Ўша нашр. 5-бет

³ Ўша нашр. 18-бет

⁴ Ўша нашр. 34-бет

Шоирнинг бу сатрлари севимли шоиримиз – "Ўзбекистон Қаҳрамони" Абдулла Ориповнинг "Ўзбек пахтаси" номли машхур шеърдаги фарзияга ҳамоҳанг жаранг лайди:

*Дунёда инсонлар бор,
Майда бир армон сабаб,
Бир-бирин ёқавайрон,
Тутроққа қоришади...
Оламнинг эгини бутлаш –
Ўзбекка шудир матлаб,
Шу армон, деб чунг халқим,
Бир умр олишади.¹*

Зиёвиддин Мансурнинг ватанимиз ва Мустақиллик улуғлаиған бир неча шеърларида юртбошимиз Ислон Каримовнинг сиймоси бадий ифодасини топган. Жумладан, бу ўринда "Ифтихор", "Истиклол меъмори", "Халқим қасидаси", "Ўзбекистон", "Маънавият ёхуд Навоий", "Соҳибқирон", "Даъват" каби шеърларини эслаш ўринлидир.

Зеро, ҳақиқатан ҳам президентимиз мустақиллик йилларида ўзининг фидоий меҳнатлари билан "Истиклол меъмори" деган улуғ номга муносиб инсон эканлигини исботлади:

*Менда бир туйғу бор,
Булмас айтмасам,
Буни ҳар юртдошим сезса қанийди:
Дунёда ўзбекни билмаганлар ҳам.
Ислон Каримовни яхши танийди.²*

Тарихдан маълумки, юртимиз номини дунёга таратганлар жуда кўп бўлган, аммо ҳеч ким ҳам Президентимиз каби юртимиз шаънини юксакка кўтаролмаган. Шоир Юртбошимизнинг қаҳрамонлигини инсониятга оловни инъом этган афсонавий қаҳрамон Прометейга, қоронғу ўрмонда қолганларга юрагини машғала қилиб, зулматни ёритган Данькога қиёслайди.

Бир сўз билан айтганда, шоир Юртбошимиз Ислон Каримов "Истиклол меъмори" сифатида миллатнинг отасига айланиб бораётганини таъкидлайди:

*Ифқликка синғиди қанчалаб даҳо,
Тузумлар зарбига дош бера олмай.*

¹ Орипов, Абдулла. Танланган асарлар, Тўрт жиллик. 1-жилд. –Тошкент: Фахур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти, 2001, 7-бет.
² Уша нашр, 8-бет.

*Истиқлол меъмори бўлган бу сиймо
Миллат отасига айланиб қолгай.
Дилдан не сурасак,
Беради худо,
Элтади буюклик қояларига -
Якдил хизмат қилсак,
Этсак жон фидо
Ислом Каримовнинг зояларига!*¹

Профессор Наим Каримов таъбири билан айтганда: "Мустақиллик меъморининг патетик – тантанавор оҳанглар оша қад кўтарувчи образи тасвирида у ўзбек халқи орзу-умидларининг мустақиллик даврида ушалгани билан боғлиқ ҳаётбахш ғояни олға суради".²

Шоирнинг "Халқим қасидаси" шеърида Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилган мард инсон улуғланади:

*Ечиб тутқун халқ оёқ-қўлин,
Истиқлолга боғлаб бахт йўлин.
Ислом даҳо бўлиб ўз элин
Уйқудан уйғотган халқ бу халқ!*³

Маънавият соҳасида олиб борилаётган эзгу ишларни тарих билан қиёслар экан, шоир Хусайн Бойқаро ва Навоийдан ўрнатқан олиш кераклигини эсалатади:

*Маънавият булар тукис,
Дусти беназир
Бойқаро ва Навоийдан
Ололсак ўрнатқ!
Комил юртбоши-ку мавжуд,
Энди ҳар вазир
Навоийнинг нуфузига
Етмоғи керак.*⁴

Истиқлол туфайли юртимизни дунё таниди, тан олди. Бу йўлда, албатта, Ислом Каримовнинг тарихий роли беқиёс бўлди. Президентимизнинг афоризмга айланган "Элим деб, юртим деб, яшамок керак" деган сўзларини шоир ўз асарларига сингдириб юборади:

Халқим, – дея, – Юртим, – дея

¹ Уша нашр. 9-бет.

² Уша нашр. 5-бет.

³ Уша нашр. 15-бет.

⁴ Уша нашр. 21-бет.

Ёнса юртбоши,
Яна ўзга не бош керак,
Не маёқ керак?!¹

Юртбошимизнинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган мардона фаолияти Туркистонни мўғуллар истилосидан озод қилган Амир Темур жасоратига қиёсланганлиги ҳам жуда уринлидир:

Аллоҳ
Юксалишга
Бир-икки имкон
Берди.
Ҳис этмадик қайтариб олди.
Ҳақ ўзи юборган улуғ бир инсон
Галдаги имконни ушлаб қололди.
Соҳибқирон руҳли
Жасур сарбон бу –
Ўзбекистон бу!²

Зиёвиддин Мансур истиқлол, ватан ҳақидаги шеърларини бир мавзу остида бирлаштирди ва “Истиқбол йўли” номли дoston яратди.³ Шоирнинг бу дostonи ҳам бошқа китоблари каби тезда олимларнинг назарига тушди ва муносиб баҳосини олди. Атоқли олим, жаҳон адабиётининг зукко билимдони профессор Акмал Саидовнинг фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир: “Истиқбол йўли” дostonи, айтиш мумкинки, сиёсий-публицистик лириканинг бетакрор намунаси сифатида шоирнинг катта жанрларда, кенг қўламли мавзуларда ҳам муваффақиятли ижод қилиш, мансур асарлар яратиш шарафига муяссар бўлганлигидан, айтиш камолот босқичига қадам қўйганлигидан яққол далолатдир”.⁴

Хулоса қилиб айтганимизда, шоир ўзининг озод ва обод ватан мадҳ этилган ҳамда мустақиллик ғоялари улуғланган шеърлари билан ўзбек адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

¹ Ўша нашр, 59-бет.

² Ўша нашр, 12-бет.

³ Мансур, Зиёвиддин, Истиқбол йўли: дoston.- Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 72 б.

⁴ Юқоридаги нашр, 8-бет.

Камтарин ва фидойий инсон

Раҳимжон Каримов,
филология фанлари номзоди,
доцент (НамДУ)

Ватани, халқи ва унинг ёшлари учун жонини фидо қиладиган, маърифат ва маданият фидойиси, адабиёт ва санъат ихлосманди, ёш каламкашларнинг меҳрибон устози, қалби пок, адолатпарвар, инсонлар руҳини кўтарадиган, уларга маънавий мадад берадиган, покиза бир инсон Машад қишлоғида, баҳор мавсумида дунёга келди.

Исми жисмига монанд Зиёвиддин болалик йилларидаёқ зиё излашга, ниманидир ўқиш ва ёзишга ҳаракат қилар эди.

Умр оқар дарё деганларидек, у мактабни имтиёзли тамомлаб, Наманган давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди ва уни битириб, ўзи ўқиган мактабга ўқитувчи бўлиб ишга келди. Ширин сўзлиги, хушмуомалалиги билан тез орада жамоа ўртасида ўз ўрнини топган Зиёвиддин устозлар Бойханов Турсунбой ака, Туланов Мўйдинбой ака, Юсупов Олимжон акаларнинг қалбидан жой олди. Жамоани ҳеч бир тадбири ёш шоирсиз ўтмасди. Шундай кунларнинг бирида шоирнинг иккинчи истеъдоди намоён бўлди. У қўлига рубоб олиб куйлаганда ҳар қандай бағритош инсон қалбини ҳам юмшатиб, маҳлиё қилиб қўярди. Мусиқа ва санъатга бўлган интилиш шоирни катта давраларга чорлади. Ёш санъаткор тақдир тақозосига кўра Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов билан учрашиш бахтига мушарраф бўлди, ундан санъат сирларини ўрганди ва давраларда ўзининг булбулдек овозини намоён этди.

Ёш санъаткорнинг шоирликдан ташқари раҳбарлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик лаёқати ҳам бор эди. Буни сезган бир қатор раҳбарлар уни Уйчи туманидаги Беруний жамоа хўжалиги бошлиғи этиб тайинладилар. У ҳеч иккиланмади ва ўз атрофига тажрибали деҳқонларни тўплади. Уларнинг ўғитларига қулоқ солди. Жамоани олдинга бошлади ва табиийки, натижа ёмон бўлмади. Қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича жамоа ўз мажбуриятларини уддалади. Гарчанд давлат ва жамоат ишлари билан машғул бўлса-да, Зиёвиддин ўз ижодини тўхтатмади. Унинг бой ижод намуналари деярли барча мавзуларни қамраб олган, десак

муболага бўлмайди. Ватанга, халққа ва севикли ёрга муҳаббат ҳамда ота-она мавзулари шоир ижодининг асосини ташкил этади. Унинг шеърларини инглиз, немис ва рус тилларига таржима қилинши эса алоҳида эътиборга лойиқдир.

Аллоҳ оламни яратган бўлса, она фарзандни дунёга келтиради. Она нақадар буюк инсон, она шундай муътабар зотки, уни мадҳ этмаган, куйламаган шоир, фарзанд бўлмаса керак. Зиёвиддин она дуосини олган, иззат-хурмат қилган, эъзозлаган ва ардоқлаган инсонлардан бири. Шу боис, унинг “Онагинам, онажонгинам” деб номланган лирик дoston фарзандликка хос ҳис-туйғулар ва кечинмаларни ўзида ифода этганлиги шубҳасиз.

Давраларга жон киритиб, нур бағишлайдиган қалби пок, сабр-тоқатли, юксак масъулият ҳисси билан устозлик қиладиган, ғамхўр ва меҳрибонлиги билан ажралиб турадиган, ўзининг самимий ва олийжаноб фазилатлари билан шогирдлари, дўстлари, устозлари қалбидан ўзига хос ўрин эгаллаган кадрдон дўстим, укажоним, меҳрибоним Зиёвиддин Сизни табаррук ёшингиз билан чин қалбимдан самимий муборақбод этаман. Сиз ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, туганмас бахт ва қут-барака тилайман! Сермазмун илмий-ижодий фаолиятингизда улкан гайрат ва омад ёр бўлсин.

Ҳикмат ва ибрат сиймоси

Маҳбубахон Собирова,
педагогика фанлари номзоди,
доцент (НамДУ)

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўзларининг бор қобилият ва маҳоратларини одамларга курсатишга, атрофдагиларга яхшилик қилишга сарфлайдилар. Оташин нутқ соҳиби, истеъдодли шоир Зиёвиддин Мансур шундай кишилар сирасидан.

“Авесто”да эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал ҳақида айтилади. Инсон комилликка эришмоқ учун, энг аввало, эзгу ўй-фикрга эга бўлмоғи керак. Уз навбатига, эзгу фикрли кишининг ёзган сўзлари ҳам самимий, гузал бўлади, амалий ишлари эзгуликка хизмат қилади. Эзгу фикрлай олган, самимий сўзлар битган, амалий ишлари билан кўплаб кунгилларни шодлантирган, оташин нутқи билан тингловчиларни ҳаваслантирган ажойиб инсон ҳақида ёзиш одатда кишига катта масъулият юклайди

Устознинг ижод намуналари, мақолалари, матбуотдаги чиқишлари, айниқса, вилоятнинг отахон газетаси – “Наманган ҳақиқати”да берган фикрлари кўпчилик томонидан қизиқиб мутолаа этилади. Таниқли шоир Ҳабиб Саъдуллага бағишлаб ёзган шеърларидан устозга бўлган эҳтиромни, ҳурматни, садоқатни ўргандим. Фақат бугина эмас. Куни кеча қўлимга теккан “Онагинам, онажонгинам” (Тошкент: “Истиқлол” нашриёти, 2014 йил) деб номланган лирик достони нафақат ўз оналарига бағишланибди, барча оналарга бўлган эҳтиром рамзига айланибди. Оналари мадҳ этилган дostonни ўқиб, онажоним яна эсимга тушди, соғинч кўзимга ёш келтирди. Фарзандларим ҳам қачонлардир мени эслашларига шундай дostonлар восита бўлишини ҳис қилиб, бу муъжаз китобчани кўкрагимга босдим. Утирган ўрнилари йўқолган оналарини соғинган диллар “Менинг онам ҳақида ёзилибди” дейдиган асарга айланибди. Онаси ҳаётлар бу лирик дostonни ўқиса, улар омонат эканлигини, улар ҳаётликларидаёқ эъзозлаш зарурлигини англашга ўргатадиган дастурга айланибди.

Зиёвиддин Мансур нима ёзсалар, долзарб мавзуни топа оладилар. Мавзуни пухта ўрганиб, моҳиятига етиб ёздилар. Уларнинг фикр-мулоҳазалари фақат илм чегарасида тўхтаб қолмайди. Ҳикматга, маърифатга, тўғри хулоса чиқаришга йўл очади. Энг долзарб мавзудаги ижодий ишлари билан маънавиятимиз илдизи ва асосларини янгидан мушоҳада этдилар, десам муболаға бўлмайди. Керак бўлганда, ўз фикрларини теран, назарий билим, мантиқ кучи билан исботлай олдилар. Ўзларининг оташин сатрлари билан вилоят аҳлини нурли келажак сари дадил ҳаракат қилишга даъват эътиптилар. Ҳар қандай нарсанинг, ҳодисанинг яхши томонларини тезда илғай оладилар. Ўзларидаги яхши кайфиятни ҳар қандай вазиятда ҳам атрофдагиларга юқтира оладилар. Атрофдагилар – оддий техник ходимми ёки катта давраларни кўрган фан доктори, профессорми ҳаммасига бирдай сокин, самимий муносабатда бўлиб келдилар. Вилоят ижодкорлари ўртасидаги ҳамкорликни, дўстона муносабатларни мустақамлашга ҳар доим, ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилдилар. Тенгдош дўстларининг, укалари катори ижодкорларнинг, фарзандлари тенги қаламкашлару иқтидорли ёшларнинг ютуқларидан қувондилар. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдилар.

Мустақиллик бизга жуда кўп нарса берди. Ана шундай имкониятлардан бири вилоятимизнинг чекка-чекка жойларидаги

истеъдодли қизларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш борасида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий этилганлигидир. Ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида танловга тақдим этилган қизларнинг илмий-ижодий ишларини ҳам ҳавас, ҳам фахр билан кўриш баробарида уларга берилган тавсияномаларда, қобилиятли ёшларнинг чиқарган шеърӣ тўпламларида ё муҳаррир сифатида, ё тақризчи сифатида Зиёвиддин Мансур номларини кўраман. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган вилоятимиз ёшлари: норинлик Гулбаҳор Қобулова, учкўргонлик Севара Алижонова, янгиқўргонлик Ойхон Эркинжонова, чортоқлик Меҳриноз Аббосова, наманганлик Гулчеҳра (Беназир) Зокирова, Шоҳиста Рашидова, косонсойлик Шоҳсанам Усубжанова, Наманган давлат университети магистранти Ҳавасхон Солихўжаева каби истеъдодли ёшларнинг қобилиятларининг юзага чиқишида бу инсоннинг ҳам меҳнати катталигини ҳис этаман.

Домладаги яна бир яхши хусусият – ниҳоятда яхши нотикликларидир. “Биз тadbирларга Зиёвиддин Мансур нутқларини эшитиш, шеър ўқишларидан завқланиш учун борамиз” – деб кўп бор айтган фикримда ҳам ҳақиқат бор. Бизнинг суҳандонимиз у катта залми ёки кичик даврами бир зумда ҳамманинг диққат-эътиборини торта оладилар. Огир-босиқ сўзлашлари, танқидни ҳам беозор қилиб етказа олишлари, нутқларининг мазмундор, ширадор ва таъсирчанлигини ҳавас қиламиз. “Нутқ маданияти”, “Ўқитувчи нутқи” фанларини ўтаётганимизда республикамизнинг таниқли суҳандонлари, воизлари қаторида, албатта, Зиёвиддин Мансур номларини тилга оламиз, нутқларини намуна қиламиз. Устознинг мулоҳазали жавобларига, ҳар қандай жамоада: илмий жамоадами, ижодий жамоадами, меҳнат жамоасидами салобатли ва жарангдор нутқлари билан одамларни яқдил бўлишга чақиришларига кўп бор гувоҳ бўлдим.

Инсон қандай фазилатлар соҳиби бўлиши лозим, унинг маънавияти, одоби, ташқи киёфаси қандай бўлиши керак, деган саволлар берилса, намуна қилиб, энг аввало, устоз Зиёвиддин Мансур номларини тилга олардим. Устоздаги ўзига хос яна бир жиҳат шу эканки, ижодкорларнинг ҳар бир ишига алоҳида эътибор бериб, ўз вақтида, самимий тарзда муносабат билдирад ҳам эканлар.

“Мукаммал инсон қандай бўлиши лозим?” дейилса, мен яна устозни курсатардим. Багрикенглик, захматкашлик, суҳбати жононлик Устозни бизга янада улуғвор кўрсатади.

Ўзларига хос мактаб яратган устоз Зиёвиддин Мансурнинг сафдошлари, шогирдлари, ҳамкасблари у киши ҳақида ҳамиша илиқ сўзларни айтиб юришлари устоздек бўлишга ҳавас пайдо қилади.

Ҳа, илмли, зиёли бўлиш инсонни етукликка элтувчи кучдир. У билан ҳаёт булоғидан баҳраманд бўлиш мумкин. Ўтган йиллар мобайнида бошқаларни ҳам бахтли ҳолатда куриш, билимли, маърифатли, диёнатли бўлиш, атрофдагиларнинг корига яраш, комил инсон бўлишга интилишда деб биладиган Устоз минглаб йигит-қизларни илм-маърифат чаманларига йўлладилар.

Устоз кирган давраларда ўзгача шукуҳ ва файз бўлади. Сузи билан аъмоли бир, сабоқхоналарни муқаддас деб билувчи, сўз айтиб роҳат топа олувчи, билганларини ўргатганидан қувонувчи инсон билан замондош, суҳбатдош, вилоятдош бўлганимга шукрона келтираман.

Бундан олти аср муқаддам яшаб ижод қилган буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий шундай фикр билдирган эдилар: “Шогирдлар томонидан осмонда офтобга киёс этиладиган, отадек улуғ дея таърифланадиган зотлар – бу устозлардир”. Ана шундай устозларимиздан бири Зиёвиддин Мансурдир.

Эшитишимча, инсоннинг ризқи учта эмиш: ақлу одоби, илму хунари ва хусну жамоли. Устоз Зиёвиддин Мансурга бу уч насибани бутунича берган дейсиз. У кишининг юзларидаги жиддийлик, сўзларидаги сеҳр сизни ўзига тортади. Ҳадиси шарифда ҳам айтилганидек, “Яхшиликни яхши юзли кишилардан кутинг”. Вазминлик, сабр-қаноатлилик, чидамлилиқ зиёли кишига зийнат бўлишини устод Зиёвиддин Мансур тимсолида кўрдим.

Эл ардоқлаган устозлар билан бевосита мулоқотда бўлиш, уларнинг асарларидан баҳра олиш, эзгу инсоний фазилатлардан ўрнак олиш киши қалбига лаззат ва руҳига қувват бағишлайди. Халқимизда илм фидойилари бўлган кишиларнинг қалбини дурдоналарга тўла уммонга киёс қилишадди. Узоқ йиллар давомида олиб борилган сермашаққат меҳнат эвазига олинган бебаҳо бойлик бўлган билим ва тафаккурни асраб-авайлаб, уни халқ хазинасига қўшиб, оммага етказа бера олган ва ундан келгуси авлодларни баҳраманд қила олган ижодкор инсонгина эл-юртда доимо эъзозланади.

Устоз Зиёвиддин Мансур ҳаёти ва ижоди ёшлар учун ҳикмат ва ибрат мактаби бўлиб қолади. Бугунги ёшлар ўз касбининг моҳир устаси бўлиш билан бирга, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, юксак ахлоқ-одоб, тамиз, сиполик, хушмуомалалик ва нотиклик каби фазилатларга эга комил инсон қандай бўлиши зарурлигини Зиёвиддин Мансур мисолида ўргансалар арзийди.

Бу мактабга эргашмоқ, ундан ўрганмоқ ёшларимизни фақат илму маърифат томонга етаклайди. Устоз илми, маърифатли киши бўлгани учун шундай одамларга 60 йил давомида доим талпиниб яшадилар. Ўз олдиларига қўйган мақсад сари тинимсиз интилдилар. Бугун вилоят аҳли фахрига, ҳикмат ва ибрат сиймосига айландилар.

Элим , юртим деб ёниб яшаётган инсон

Сандумар Саидалиев,
доцент (НамДУ)

Ота-она, пиру устозларининг дуосини олган, ҳамиша уларнинг ёди билан яшайдиган, эл ардоғига аллақачон сазовор бўлган, ўқувчилари, айниқса, талабалар шеър ва дostonларини севиб ўқийдиган ва учрашув илинжида ташрифини орзиқиб кутадиган, Рустамжон Уматов таъбири билан айтганда, “Отанга раҳмат” олқишига бағоят муносиб, ўзи ҳам, сўзи ҳам, амали ҳам элу юрти корига яраётган фидойи инсон ҳақида жўяли, ўқувчига манзур ва маъқул бўладиган фикрлар айтиш, осон эмас.

Унинг шеърларидаги тағдор ғоявийлик, ҳаётийлик, миллийлик, зукко фалсафа, ўринли қочириқлар, ҳазил-мутойиба, ташбеҳлар, ҳавасни келтирадиган, завқни қўзғатадиган равонлик, халқчиллик ўқувчини ўқишга ундайди, ўқиган кишини завқу шавққа тўлдиради. Уларнинг таҳлили ва аҳамияти ҳақидаги сўзни муҳтарам адабиётчи ва танқидчиларга қолдирамиз.

Унинг кўп кирраларидан бири кишининг ҳавасини, ҳатто ҳасадини келтирадиган воизлигидир. Сўзидаги шиддат, ширин, ширали овози унинг нутқини худди ёқимли мусиқани роҳат қилиб тинглагандек кайфият уйғотади, тингловчи қалбини ҳаяжонга солади. Домлалар ва талабалар тили билан айтганда, ҳар қандай масалани мияга қўйиб, белга тугиб қўйишга қодир нотик. Катта-катта давралар, тантаналарни зукколик билан бошқаришига гап йук. Бундайин фазилатни унга Оллоҳ насиб этган.

Дўстлар, ҳамфикрлар билан учрашувларда чин дилдан суҳбат куради, кўнглини олади, руҳини кўтарди, ҳазил-мутойба билан дилини равшанлаштиради. Унинг нутқидан бир неча жумлаларни мисол келтирамиз. “Гапиришни ҳамма билади, лекин кулок солишни ҳамма ҳам билавермайди... Нима дейишни ва нима демасликни ҳам билиш муҳим... Филолог бўл деган эдиларинг, деҳқон бўлиб қолдик. (Унда шоир жамоа хўжалигига раис эди)... Ўт-ўт деса ўтавериб пойгакка тушиб кетар экансан... Сўз бер деганга сўз бермай, гапирмайман деганга сизга сўз навбати келди деб, кўрқитиб тирикчилик қиламиз.”

Мана ўн йилдирки НамДУ филология факультети инглиз ва немис тили бўлими талабалари таниқли эл севган шоир, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати ЗИЁВИДДИН МАНСУР билан учрашув ва суҳбат ўтказди. Бундай учрашувни талабалар интиқлик билан кутадилар. Ҳатто шоир нойиблик ва бошқа жамоат ишлари бошидан ошиб ётганда ҳам бу аъёнани бузмади, ҳар йили бир ёки икки марта талабалар ҳузурда бўлиб, улар билан ширин маънавий-маърифий суҳбат куради, ўзининг янги ижод намуналаридан талабаларни баҳраманд қилиб келмоқда. Чунончи, кейинги йилларда З. Мансур қуйидаги мавзуларда суҳбат ўтказди: „Ёшлар-Ватанимиз келажак“, “Келажак – ёшларники”, “Бизга фикрловчи ёшлар керак”, “Адабиёт ва ёшлар”, “Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак”, “Тил билган эл билади”, “Она тилим жону дилим”.

З.Мансур ўз ҳаёти ва фаолияти ҳақида талабаларга сўзлаб беради. У адабиётга қизиқишига асосий сабабчи бўлган волидан муҳтарамаси хотираси билан яшайди. Дарвоқе, яқинда унинг онасига бағишланган “Онажоним, онажонгинам” номли лирик достони чоп этилди.

Она шундай муътабар зотки, ҳар бир фарзанд қалбида меҳр дея аталмиш бир сеҳрли чўғни пайдо этиб, мангу машғала оловлатиб кетади. Бу ҳарорат қалбимизни бир умрга тарк этмайди. Бунинг учун фарзандлик бурч ва кечинмаларини дилдан ҳис этиб яшайди шоир.

Мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юртидаги устозлари, юртимизнинг таниқли адиблари ва шоир орзу-умидларига, келажак режаларига ижобий таъсир қилган кишилар ҳақида кўп дил сўзларини айтади.

Нотиқ Республикамизда ёшлар таълим-тарбияси борасида қилинаётган ибратли ишлар, юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ҳақида ифтихор билан сўзлаб беради. Шу билан бирга у ёшларнинг бундай ғамхўрлигига жавоб сифатида уларнинг вазифалари, бурчлари, маъсулиятлари масаласига алоҳида тўхталади. Шоир талабаларнинг кўплаб саволларига жавоб беради ва ўз шеърларидан ўқиб беради. Учрашув самимий, дўстона ва ижоджорона ўтади. Талабалар ҳам ўз ижодларидан намуналар ўқиб берадилар.

Шоир билан бўлган ҳар бир учрашув қатнашчилар учун унутилмас дақиқалар бўлганлиги учун ҳам улар бундай тантаналарни қўмсайверадилар. Талабалар “Шоир билан бўлган учрашув сизга нима берди?” деган саволга, “Учрашув ниҳоятда фойдали ва тарбиявий бўлди”, дейишдан ташқари, “Мен чет тилларни ўрганаётганим билан фахрланиб кетдим, кележақда ёзувчи ва шоирларимизнинг асарларини чет тилларга таржима қилишга бел боғладим”, бошқа бир талаба “Мен келажакда бирор бир мамлакатда давлатимиз ва халқимиз манфаатини ҳимоя қилувчи дипломат бўламан”, учинчиси “Мен келажакда депутат бўлиб давлат қонунчилигини янада ривожлантириш учун ҳисса қўшиш орзусидаман”, тўртинчиси “Келажакда ўрганаётган чет тилларимни мамлакатимиз ёшларига шундай ўргатайки, улар шифокор, муҳандис, ижодкор, депутат, хуллас, ватанимиз ва халқимизнинг корига ярайдиган етук инсонлар бўлсинлар, шу билан бирга хорижий тилларни ҳам она тилидай билсинлар”, бешинчиси “Адабиётнинг шунчалик сеҳрли, жозибали ва мафтункор эканлигини энди тушундим, шеърни тушуниш учун шоир билан учрашиш керак экан”. Учрашув қатнашчиларининг бундай орзу тилаklarини юзлаб келтириш мумкин. Хуллас, шоир билан бўлган ҳар бир учрашув ўзининг таълимийлиги, тарбиявийлиги, ахборот ва маълумотга бойлиги, илмийлиги, эстетик завқ бериши билан талабаларни юксакликларга интиштирувчи ажойиб, жозибали дарс бўлишини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Шоирнинг шеър ва дostonларини муҳлис сифатида севиб ўқийман. 8 март муносабати билан “Наманган ҳақиқати” газетасида эълон қилинган “Аёлнинг қирқ жони ҳақида” ривоят газетхонларнинг меҳрини қозонди, катта шов-шувга сабаб бўлди. Ушбу асарни рус, инглиз, олмон, француз тилларига таржима

қилиш истаги туғилди. Ҳамкасблар ва шогирдлар билан маслаҳатлашганимизда уларда ҳам бундай истак жўш урди. Шоирга сихат-саломатлик, ижодий барака, асарларининг жаҳон тилларида жаранглашини тилаб таржималарни ўқувчилар эътиборига ҳавола қиладик.

Зиёвиддин Мансур шеърятининг айрим бадий хусусиятлари

Фарида Каримова,
доцент (НамДУ)

Наманган замини ўнлаб истеъдодли шоиру олимларни вояга етказган, камолотнинг юксак поғоналарига кўтарган тупроқ. Ана шу заминда туғилиб вояга етган ва аждодлар анъаналарини янада юксакроқ тарзда давом эттираётган ижодкорлардан бири Зиёвиддин Мансурдир. У “Қалбим парчалари”, “Ҳайрат салтанати”, “Дилраболар диёри”, “Муҳаббат боғи”, “Ноёб кашфиёт”, “Эзгулик элчилари”, “Тутиё “каби ўнлаб шеърӣ тўпламлар муаллифи. Унинг ижоди жанр ва шакл жиҳатидангина эмас, балки мавзу ранг-баранглиги билан ҳам эътиборга молик. Эзгуликни, ҳаёт ва табиат гўзалликларини куйлаш, севгини улуғлаш, Ватанга бўлган чексиз муҳаббатни тараннум этиш, истиқлолни мадҳ этиш, инсоний фазилатлар тарғиби, ноинсоний қусурларга қарши кураш, мумтоз адабиётимизга бўлган меҳр-муҳаббат – шоир ижодининг энг асосий кирраларини ташкил этади.

Зиёвиддин Мансурнинг ҳаётӣ ва чуқур фалсафӣ мазмун билан йўғрилган жозибador шеърлари гўзал бадийят билан сайқалланган, яъни шоир шеърларини ажойиб ташбеҳлар, тамсиллар, қиёслар, образли ифодалар безаб туради. Фикримизни Ватан табиати мавзуидағи шеърлари ҳам тасдиқ этади.

Баҳор – гўзал фасл ва у ҳақда шеър битмаган шоирнинг ўзи йўқ. Зиёвиддин Мансур “Навбаҳор” шеърӣда яшариш ва янгилиниш фасли – баҳор ташрифини шундай тасвирлайди:

*Борлиқ изгириндан зулматга тўлса,
Ҳатто табиат серқаҳр, қасдлидир.
Қиш гўё ёвуз бир салтанат бўлса,
Баҳор табиатда исён фаслидир.*

Кўкка даҳшат солиб янғровчи хитоб
Момақалдиरोқнинг сасими?

Йўқ, йўқ!

У – зулмат душмани бўлган офтоб

Қора булутларга отаётган ўқ.

Шоирнинг фикрича, навбахор эзгулик рамзи, киш эса ёвузлик салтанати. Шеърда киш фасли поёнига етиб, улкамизга навбахор сепини ёйиши – эзгуликнинг ёвузликка қарши “исёни” сифатида талкин этилган. Баҳор момақалдироғи–исённинг бошланиши. Чақмоқ чақини – зулмат душмани бўлган офтоб томонидан “қора булутларга отилаётган ўқ”. Жалалар (ёмғир томчилари эмас!) эса эрк йўлларида жон таслим қилган фарзандлар учун “фалакнинг тўкаётган кўз ёши”.

Шоир баҳор фаслидаги табиат ҳодисаларини кузатар экан, чуқур ўйга толади: истиқлолнинг самараси бўлган бугунги тинч ва осойишта ҳаётга назар ташлаб, эрк йўлида қурбон бўлган Ватан фарзандларини ёдга олади. Нафақат инсонлар, ҳатто табиат ҳам юрт фидойилари учун кўз ёш тўкади.

Кишнинг чекинганини сезган “пистирмадаги аскарлар” қўлларида алвон байроқлари билан борлиқни эгаллашга интилади, яъни яшиллик атрофни қоплайди:

Алвон чечаклардан кутаришиб туг,

Қишнинг чекинганин сезгандай шодон.

Пистирмадан чиққан аскарлар янглиг,

Яшиллик бостириб келар ҳар ёндан.

Одатда, пистирмадаги аскарлар тўсатдан ҳаракатга келади ва кўз очиб юмгунча ўз муддаосига эришишни мақсад қилади. Шоир мазкур мисраларда истиора, ташбеҳ, жонлантириш, образли ифодалар воситасида борлиқнинг яшилликка бурканишини кўз унгимизда жонли тарзда гавдалантиради.

Навбахор – “пистирмада ётган аскарлар” эгаллаган манзиллар – қир-адирларга лолаларини – байроғини қадайдди:

Юксак тоғлар узра бўлиб қурку зеб

Яшнаганни лола аташар, бироқ

У ушбу чўққи ҳам эгалланди, деб

Навбахор қир узра қадаган байроқ.

Бугун киш захридан зада турган она замин узра эрта тонгда яшил майсалар ниш урганидан, ер бетини яшиллик қоплаганидан, қир-адирлар алвон чечаклар билан қопланиб, кўзни яшнатганидан,

¹ Энгиндран Мансур. Тугиё. – Тошкент: Шарқ, 2008. 67-бет.

бугун ғунча туккан ўрик тонгда қийғос очилганидан ажабланасиз. Қалбингизда чексиз бир ҳайрат туяркансиз, шоирнинг ташбеҳлари, тамсиллари, образли ифодалари нақадар ҳаётий ва ўзига хос эканлигини англайсиз.

Навбахорнинг "исён" кўтариб, қир-адирларни, тўрт томонни эгаллаб, оламни яшилликка буркаши – эзгуликнинг ғалабаси. Шеър эзгулик нафақат юртимизни, балки бутун жаҳонни забт этсин, деган тилак билан кўтаринки руҳда яқунланади:

*Майли баҳорники бўлсин тўрт тараф,
Дустлар!*

*Олқишлайлик бундай "исён"ни
То баҳор олмоққа бўлсин мушарраф
Қишдан зада бўлган бутун жаҳонни! ¹*

Шеър мутолааси маънавиятимиз сарчашмаси бўлган "Авесто"ни ёдга солади. Нафақат баҳорий гузаллик қалбимизни забт этади, балки эзгулик ва ёвузлик уртасида кураш, эзгулик йўлида курашнинг қурбонсиз бўлмаслиги, эзгуликнинг доимо ғалаба қилиши билан боғлиқ фалсафий руҳ онгу шууримизни озиклантиради.

Шоир оддий ҳаётий ҳодисалардан катта фалсафий хулосалар чиқаришга интилади. Маълумки, бодомнинг юмшоқ ва қаттиқ турлари мавжуд. Қаттиқ бодомни, одатда, тошбодом деб атаймиз. Шоир нима учун тошбодом? – деган саволга жавоб изларкан, унинг "бепарволик важдан", яъни "меҳр топмай", "дийдаси қотиб" тошбодомга айланиб қолганлиги хусусида фикр юритади:

*Ҳаёт экан,
Яшамоқ учун
Ўзи униб-ўсаверди жим,
Оппоқ булиб гуллади бир кун,
Афсус, парво қилмади ҳеч ким.
Сунг...
Ҳолати ўзига ботиб
Тамоман бир бошқа тус олди:
Меҳр топмай
Дийдаси қотиб
Тошбодомга айланди-қолди. ²*

¹ Ўша асар, 67-бет.

² Зиёвуддин Мансур. Эзгулик элчиси. - Наманган нашриёти, 2008, 3-бет.

Шоир бу ҳолатдан жамиятимиз учун муҳим бўлган меҳр-мурувватли бўлишдек долзарб ғояни илғари суради ва замондошларини ҳам меҳр-мурувватга чорлайди:

Ҳар ёш кўнгил, ҳар ниҳил борки

Меҳр сўрар,

Мурувват тилар.

Дариз тутманг қалб кўрин, токи

Тошбодомдек

Қотмасин диллар!

Умуман, Зиёвиддин Мансур шеърлятида Ватан ва она юрт табиатига бўлган муҳаббат ифодаси ўзига хос тарзда буй кўрсатган. Шоир табиат ҳодисаларидан ҳам катта фалсафий хулосалар чиқаришга интилади. Бу шоир шеърлятининг муҳим хусусиятларидан биридир.

Зиёвиддин Мансур халқона қочиримларга бой, баъзан уйноқи, баъзан залворли, самимиятга йўғрилган, инсонни мушоҳадага чорлайдиган шеърлари билан шеърлят мухлислари қалбидан муносиб ўрин эгаллаган.

Эл назаридаги шоир

Обиджон Каримов,
филология фанлари
номзоди (НамДУ)

“Адабиёт миллат ойнаси” (Абдулла Авлоний) эканини чуқур ҳис қиладиган Зиёвиддин Мансуров номи шеър ихлосмандларига, умуман, адабиёт ихлосмандларига бегона эмас. Қарийб қирк йил бўляптики, ўз шеърлари билан мухлислари қалбидан жой олган. Шоиримиз кўнглига қараб иш тутадиган, қалби буюрган ўй – кечинмаларнигина коғозга, қалбларга муҳрлай оладиган ҳамда ижодкорликни яратган томонидан берилган илоҳий қисмат деб биладиган фидойи шоирлар қаторида қадрлидир.

Замон билан ҳамнафас шоиримиз “Қалбим парчалари”, “Дилраболар диёри”, “Ҳайрат салтанати”, “Муҳаббат боғи”, “Ноёб кашфиёт”, “Хурозқанд”, “Тўтиё”, “Онажоним, онажонгинам” каби ўндан ортиқ шеърлий тўпламлари ҳамда ҳаётимиздаги долзарб масалаларни теран ёритувчи кўплаб публицистик очерк ва мақолалари билан эътибор топди. Мен юксак эътиқод соҳиби

Бўлмиш Зиёвиддин Мансурнинг “Тўтиё” номли китобини қайта – қайта ўқиб бунга ишонч ҳосил қилдим.

Шоирларга мероски, улар дунёда бўлаётган турли муаммоларга, кишилар тақдирига бефарқ эмаслар. Зеро, “шоир қалби дунёни тинглар” (Мақсуд Шайхзода) экан, Зиёвиддин Мансур ҳам кишилар ғамига, юрт дардига ўзини бирдай масъул ҳис қилади. Шоирнинг тўпلامдан жой олган “Огоҳлик қўшиғи” шеърига эътибор берайлик:

Дилларга байраму тўй сизармиди

Ватан тинч,

Осуда бўлмаса замон?!

Қўшиқ сизармиди, куй сизармиди

Ватан тинч,

Осуда бўлмаса замон?!¹

Қўшиқ ҳам, хурсандчилик ҳам тўйларга ярашади. Инсон озод фикр эгаси бўлсагина турли хавотиру ҳадикка ўрин қолмайди. Хайвон ва паррандалар ҳам оламга жавдираб қарамасликлари учун Ватан тинч бўлмоғи керак. Бунинг акси бўлса-чи? Бунга ҳам шоир жавоб топгандай бўлади:

Зарбалар зарбидан титраса борлиқ,

Азобга дунмасму орому ҳордиқ?

Қўлларда гул ўрнин олмасми милтиқ

Ватан тинч,

Осуда бўлмаса замон?!(23-б.)

Шоир фарзандлари бевакт нобуд бўлган оналарнинг тобутларни кучоқлаб бўзлашларини истамайди, аср вабосига айланиб бораётган террорчилик, жаҳолат, кабоҳат уруғларининг тинчлигимизга соя солишидан саросимага тушади. Борди-ю, омонат турган кўҳна дунёга қабиҳлик уруғи яқинлашса, қиёмат бошланиши аниқ. Шоир бу эҳтимолдан ташвишланади:

Дерлар: ким асранса асрагай Оллоҳ,

Ватанни асрайлик билиб саждагоҳ,

Иш бермас кейинги пушаймон – оҳ-воҳ,

Ватан тинч,

Осуда бўлмаса замон! (24-б.)

Мураббаъ шаклида ёзилган бу шеърда шоир халқни тинч-тотув яшашга, бирлашишга чақиради ва “Ватан саждагоҳ каби

¹ Зиёвиддин Мансур. Тўтиё. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 23. Қолган парчалар ҳам шу манбадан олинганлиги боис, кейинги ўринларда китоб саҳифаси берилмади.

муқаддас”, “Ватанни севмок иймондандир” каби ҳикматларни беихтиёр ёдга солади – ирсоли масал қўллайди.

Шунингдек, китобдан жой олган “Ифтихор”, “Истиклол меъмори”, “Халқим қасидаси”, “Ватандан кечган бир кимса қисмати”, “Сўроқ” каби қатор шеърларда ҳам долзарб мавзу чиройли қочиримлар ва қуюқ метафорик образларда бутун тароватини кўрсата олган.

Зиевиддин Мансур юртга садоқат тимсолини дарахт, қарға, тўнғак каби мажозий образлар орқали ифодамоқчи бўлади ва бу борада олдиға қўйган мақсадига эриша олган. Бу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, шоир ижодида миллийлик кучли. “Садоқат”, “Қарғалар”, “Тўтиё” шеърлари мазкур фикрларимизнинг исботи бўлади, десак янглишмаймиз:

Қилмишидан ранжиб чинакам,

“Қарр-қарр” этиб оҳ-фарёд урар.

Она юртнинг қаҳратонин ҳам

Севингларр! – деб тинмай ҳайқирар(28-б.) (“Қарғалар” шеъри).

Донишмандлар болаликда олинган билимни тошга ўйилган ёзувга ўхшатганлари каби ёшлик таассуротлари ҳам яшовчан бўлади. Шоир ҳам тез-тез ёшлигига қайтишни дилдан истайди. Шундай фикрлар билан тўлиб тошган “Ёшлигимнинг олий нуқтаси” шеърида қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

Ёшлик чоғлар...

Улғайиб даврон

Сурмоқ истар ҳар митти юрак.

Улғайганда ҳар битта инсон

Ёшлигини қўмсайди бешак. (28-б.)

Ёшлик хотиралари бир зум бўлса ҳам шоир хаёлларини узоқларга олиб кетгандай бўлади – ёшликнинг илк маҳсули бўлмиш илк муҳаббатни ёдга солади. Бу туйғу ҳамон қалбига муҳрланиб қолганини яширмайди ҳам. Шу оташ, шу аланга шоирни элга танитаётган бўлса не ажаб:

Ойдаи тўлиб,

Қуёшдай қулиб,

Қалбимга бир оташ солгансан.

Тирикманки,

Илҳомчим бўлиб,

Юрагимдан урин олгансан. (28-б.)

Муҳаббат бор қалбларни ёшлик тарк этмаслигини шоир доим ёдида тутади. Ёшликда билим берган устозларини ҳам, бирга таълим олган дўсту ёронларини ҳам унутмайди, улар билан тез-тез учрашиб туришни канда қилмайди. Шу сабаб шоирнинг ўзи ҳам ёшлардек тетик ва хушчақчақ юради:

Қалбим шундай яшиноқ баҳорки,

Унда яшар безавол олам.

Қай бир дилда муҳаббат борки,

Бу дилни тарк этмас ёшлик ҳам.

Зиёвиддин Мансурнинг “Устозни хотирлаб...” шеъри Намангандан етишиб чиққан Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулланнинг порлоқ хотирасига бағишланган. Шоир ҳар лаҳза устозини эслайди ва хаёлида “инсонларнинг соҳибжамоли”, “туғма арбоб, туғма зиёли”, “комилликнинг ёрқин тимсоли”, “элнинг эрка фарзанди”, “қалби уммон, суҳбати жонон” каби хислатлари билан намоён бўлаверади. Устоз эзгу ишларини маромига етказиб давом эттираётган шоир, қолаверса, наманганликлар қалбида Ҳабиб Саъдулла номи муҳрланиб қолаверади:

Юртнинг порлоқ хотирасин уйлаб,

Истиқлолнинг мадҳини куйлаб,

Ўзи севган гул шаҳри бўйлаб

Яшайверар Ҳабиб Саъдулла . (45-б.)

Шунингдек, тўпلامдан она - Ватанни тараннум этувчи мустақил юртга шукроналик руҳидаги шеърлар ҳам жой олгани қувонарли ҳол. Бармоқда ёзган шеърлар жозибаси аруздаги газалларида ҳам сақланган, уларда бир-бирини такрорламаган ташбеҳлар ва поэтик образлар сайқал топган.

Китобга Ўзбекистон фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Наим Каримовнинг сўзбоши ёзгани ҳам қувонарли ҳол. Уйлайманки, бу фикрларда заррача муболага йўқ. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, иктидорли олим ва ёзувчи Улуғбек Ҳамдам, олим Урфон Отажон, таникли шоирлар Охунжон Ҳакимов, Йўлдош Сулаймонов каби катор санъаткорлар ҳам Зиёвиддин Мансур ва унинг жушқин ижодий фаолиятини алоҳида эътироф этишган.

Эл назаридаги шоир Зиёвиддин Мансурнинг катор тўпلامлари, кучли фалсафий ва публицистик руҳдаги шеърлари адабиёт ихлосмандлари қалбида эътиқод суврати янглиг муҳрланиб қолишига ишониб қоламан. Яна ишонч билан айтманки, шоир ва

унинг бетакрор ижоди катта-катта илмий кашфиётларга манба
“хамиртуруш” бўлади. Улуг ёшни нишонлаш бусағасида турган
шоиримизга узоқ умр, ижодий баркамоллик тилаб қоламан.

Ижодкор ва “бегона” асар

Бокий Мирзо,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Мумтоз шеъриятимизда ғазалга нисбатан ишлатиладиган
“бегона байт” тушунчаси мавжудлигини кўпчилик яхши билади.
Мазкур тушунча ҳақида гап борганда одатда матлаъдан аввалги
байт назарда тутилади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таъбири
билан айтганда, “Бу байтда шоир кимни мақтагиси келса, мақтайди;
кимни ёмон кўрса, ундан аламини олади; газал умумий йўналишига
у қадар боғланмайдиганроқ гапи бўлса ҳам, у ерда айтиб қолади”

Зиёвиддин Мансур шеъриятининг энг сара намуналарини онгу
тафаккурим призмасидан бирма-бир ўтказар эканман, “бегона байт”
билан боғлиқ юқоридаги мулоҳазалар хаёлимни банд этди. Бу,
бежиз эмас, албатта.

Маълумки, Зиёвиддин Мансур ижодининг асосий
мундарижасини ижтимоий-сиёсий лирика белгилаб беради.
Аниқроқ айтганда, бошқа мавзудаги шеърларига қараганда
Зиёвиддин Мансурнинг ижтимоий-сиёсий лирикаси адабий
жамоатчилик томонидан юқори баҳоланмоқда. Адабиёт аҳли
ҳамиша бир ҳақиқатни очиқ-ойдин тан олади. Бу ҳақиқат шундан
иборатки, ижтимоий-сиёсий мавзуда шеър ёзиб ўқувчини қойил
қолдиришнинг ўзи бўлмайди. Шу сабабдан бўлса керак, аксарият
шоирлар бу ишга уринмайди, тўғрироғи, схематизм томон оғиб
кетишдан, юксак бадиийлик талабларига етолмай, ўқувчи олдида
уялиб қолишдан чўчишади. Зиёвиддин Мансур ўта мушкул бу
вазифани муваффақият билан уддаламоқда. Негаки, у айна
вазифанинг мураккаб жиҳатларини, барча нозикликларини ҳис
қилган, англаган ҳолда қўлига қалам олади. Хуллас, бугун адабий-
жамоатчилик Зиёвиддин Мансурни, асосан, ижтимоий-сиёсий
лириканинг яловбардори сифатида танийди. Биргина Президен-
тимиз Ислоҳ Қаримовга бағишланган “Истиқлол меъмори” номли
шеърининг ўзиёқ Зиёвиддин Мансурнинг бу борадаги маҳоратидан

далолатдир. Фикримизнинг исботи учун ушбу шеърдан қуйидаги парчани келтиришни жоиз, деб билдик. Зеро, бу мисра ижтимоий-сиёсий шеърятнинг энг юксак маънодаги леймотивидир:

*Дилдан не сурасак,
Беради Худо,
Элтади буюклик қояларига –
Якдил хизмат қилсак,
Этсак жон фидо
Ислоҳ Каримовнинг гоёларига!*

Мана, энди асосий мақсадга кўчсак ҳам бўлади ва яна таъкидлаймизки, биз юқорида “бегона байт” тушунчасига бежиз тўхталмадик. Демокчимизки, Зиёвиддин Мансур ижодида унинг бошқа асарларидан бутунлай фарқланувчи бир мўъжаз дoston учрайдики, “бегона байт” тушунчасидан келиб чиқиб, уни “бегона асар” деб аташ мақсадга мувофиқдир.

ЗИЁВИДДИН МАНСУР шеърятни мухлислари эътиборидан четда қолаётган бу дoston “Таълим ва тафаккур” журналининг 2009 йил 4-6- сонларида чоп этилган. Дoston “Шатранж салтанати ёхуд Озод домланинг шахмат дарси” деб номланади. Устоз адабиёт-шунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов хотирасига бағишланган мазкур мўъжаз фалсафий дoston муқаддима, асосий 17 бўлим ва хотимадан иборат. Дoston хусусида мулоҳаза юритишдан аввал баралла айтаемизки, Абдулла Ориповнинг “бегона байт” га муносабатини ЗИЁВИДДИН МАНСУР қаламига мансуб “бегона асар” га нисбатан ҳам тадбиқ қилиш мумкин. Ҳа, шоирнинг борлиқ, инсон, ҳаёт ва ижод борасидаги борки ўй-мушоҳадлари; гоҳ ёрқин ва бутун, гоҳо зиддиятли ички кечинмалари шу мўъжаз дostonда ўз аксини топган. Муаллифнинг ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабати, яъни адабий-эстетик концепцияси ҳар доим, ҳамма асарларида бор бўйича намоён булавермайди. Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” дostonи, Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” драматик дostonи шундай “бегона” асарлар сирасидандир. Умуман олганда, бундай асарни ёзиш жараёнида ижодкорнинг ўзи ҳам ижтимоий-сиёсий воқелиқдан, жамиятдан, ҳатто “ўзи”дан “бегона”лашади. Ижодкорнинг руҳий-маънавий оламида, онгу шуурида содир бўладиган бундай илҳом ҳолати камдан-кам юз берадиган ноёб ҳодисадир. Шу боис “бегона асарни мутолаа қилган ўқувчи, агар у асар муаллифини яқиндан билса, “Фалончи бу асарни ўзидан чиқиб кетиб ёзибди” деган фикр айтади кўпинча. Дантенинг “Илоҳий комедия” асарини таржима қилиш

Абдулла Ориповни, Гётенинг “Фауст”ини ўзбекчалаштириш эса Эркин Воҳидовни ўзидан “бегона”лаштирган, ўзидан чиқариб юборган ўз вақтида. Зеро, “Илоҳий комедия” ва “Фауст” юксак мақомдаги буюк “бегона” асарлардир. Шўро тузуми мафқураси авж паллага кўтарилганда ёзилган “Жаннатга йўл” ва “Рухлар исёни”нинг ижодий тарихини бундан бошқача талқин қилиб бўлмайди асло. Ҳар икки “бегона” асар муаллифи мустабид тузум мафқураси ва бу мафкура мутасаддиларининг нималарга қодирлигини жуда яхши билишарди. Шундай бўлса-да, бегоналашиш, ўзидан чиқиб кетиш жараёнининг таъсирида ўзларининг энг яхши асарларини ёзишди. Ёзганда ҳам, энди очиқ айтиш мумкинки, бошларини дорга тикиб ёзишди. Бироқ бу тўғрида уйлаб утиришмади, буни хаёлларига келтиришмади. Акс ҳолда, “Жаннатга йўл” ва “Рухлар исёни” ҳам ёзилмасди. “Бегона” асар ёзиш – шундай савқи табиий жараён ва ҳар бир ижодкорга раво кўрилавермайди. Кимдир 40-50 йил ижод қилади. Ва шундай асар ёзиш орзусида ўтиб кетади. Бошқа биров эса биттагина “бегона” асар ёзади ва шу асари билан шухрат қозонади, адабиёт тарихида қолади. Зиёвиддин Мансур – шундай бахтга мушарраф бўлган ижодкор. У “Шатранж салтанати ёхуд Озод домланинг шахмат дарси” ини ёзди, ёза олди ва шоирни шу адабий жасорати учун уни ҳар қанча табрикласак арзийди.

Кўпчиликка аёнки, Зиёвиддин Мансур шеърларида устоз Эркин Воҳидов ижодидан таъсирланиш, адабий озикланиш яққол сезилади. Энг муҳими, бу каби таъсирланиш, адабий озикланишдан ўқувчи норозиланмайди. Аксинча, уни қўллаб-қувватлайди. Таниқли ёзувчи ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам бу тўғрида шундай ёзади: “Пушкинда “Осень”, Ориповда “Куз хаёллари”, деган ажойиб шеърлар бор. Ўқиб кўрсангиз, бир-бирига менгзайди. Тўғрироғи, “Куз хаёллари” “Осень” ни ёдга солади. Лекин бу на таклид ва на кўчирмачилик, балки таъсирланиш мевасидир. “Куз хаёллари” шеърида акс этган поэтик кайфият Абдулла Орипов рухиятида маълум вақт мобайнида пишиб етилган, лекин ботинда “истикомат” қилаверган. Ниҳоят, кун келиб шоир “Осень” каби шеър билан танишиб қолган ва бу шеър турткиси билан унинг ў ботинида пишиб етилган ўз шеъри дунёга келган”.¹ Шу маънода “Шатранж салтанати ёхуд Озод домланинг шахмат дарси” Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” достони ижодий таъсирида ёзилган десак хато бўлмайди. “Рухлар исёни” ёзилган давр ўзбек адабиётига Назрул Исломи тимсолини олиб киришни тақазо қилди ва муалли

¹ Улуғбек Ҳамдам. Муаллиф, ўшомга сиз ҳам овоз берасизми? // Шарқ юлдузи, 2014. №1.

Ўлпон, Усмон Носир, Абдулла Орипов каби ўнлаб миллат “гуллари ва ўз Дунёсини Назрул Ислом тақдири воситасида ифодалади. Кези келганда таъкидлаш жоизки, ҳассос шоира Гули Мурод ижодкор ва замон муносабатлари хусусида қуйидаги мисраларни битганди:

*Биз бугуннинг одами эмас,
Ўтмиш ёки келажак пайтмиз.
Ғазал ичра мумтоз, ва лекин
Мисраларга “бегона” байтмиз.*

ЗИЁВИДДИН МАНСУР муъжаз достонини Озод Шарофиддиновга бағишлади ва ўзининг воқеликка муносабатини устоз адабиётшуноснинг шахмат билан боғлиқ қизиқишларида кўрди, таъбир жоиз бўлса, бу қизиқишлар лирик қаҳрамоннинг юксак фалсафаси даражасига кўтарилди.

Аксар асарларда ҳақиқат йўлида ўлимдан тоймаслик руҳи тарғиб қилиниши кўпчиликка маълум. ЗИЁВИДДИН МАНСУР нинг достонида эса умумзътирофга сазовор бу руҳдан бошқачарок оҳанглар янграйди:

*Гоҳ тек туриш керак
Ўлмаслик учун,
Гоҳи интилиш керак
Ўлмаслик учун
Хужум қилавермай ҳуда-беҳуда
Гоҳ чекиниш керак
Ўлмаслик учун...*

Кишини ҳайратлантирадиган, ўрнидан тик турғизадиган гўзал метаболалар йўқ юқоридаги мисраларда, аммо уларда “Ўлимдан қайтма!” деган чақирик-ҳайқирикка қарама-қарши ўларок “Тафаккурга таян!” чорлови мужассам. Лирик қаҳрамон наздида, ўлмаслик ҳақида ўйлаш – энг улуғ саодат. Баъзилар тушунганидек, хоинлик эмас асло. Унинг фикрича, эзгулик учун ўлмасликни ўлмаслик йўлидаги хиёнатдан фарқлаш жоиз.

*Ҳар қалай ҳақиқат бор бу дунёда
Бу ҳолни шахмат нақд айлар ифода:
Яъни оқилона бир юриш билан
Мот қилиб қўяди Шоҳни пиёда.
Ўунки пиёдалар –
Асосий қавм,
Шу катта куч енгар
Катта хатарни*

Шу вазж одил Шоҳлар

Аъёнлардан ҳам

Кўпроқ ўйлашади пиёдаларни...

Шахмат ҳақида ёзиб, унга хос қонун-қоидалар фонида ўзининг фалсафасини ёритишга интиланган Стефан Цвайг бунинг учун ақли заиф бўлса-да, шахмат борасида катта ютуқларга эришган киши тимсолини танлайди. ЗИЁВИДДИН МАНСУРнинг лирик қаҳрамони эса шахматга жиддий изтехзо билан қарайди. Шунинг учун уни пиёдалар – ялангоёқларнинг тақдири кўпроқ уйга толдиради ва у изтиробга тула кулгусини яширолмайди. У ўзи, миллатнинг авангард қатлами устидан кулади.

Қимдир сўрар балким

Лабиди кулги:

- Борми улар ичра зиёлилар ҳам?

- Улар йўналтириб боради,

Чунки

Шахмат уйнар аксар зиёли қатлам.

ЗИЁВИДДИН МАНСУРнинг “Шатранж салтанати ёхуд Озод домланинг шахмат дарси” достони сабаб “бегона” асар тушунчаси хусусида фикрлашдик. Ўйлаймизки, ҳажман кичик бир мақолада ўқувчида “бегона” асарга айрича муҳаббат уйғота олдик. Асосий мақсад-муддаомиз – шу. Илло, “бегона” асарлар ҳеч қачон биздан бегоналашмасин.

Мен на Цицеронман, мен на шоҳ Машраб...

Дилфуза Тожибоева,
катта ўқитувчи (НамДУ)

Шеърят – инсон ҳис-туйғуларининг мусиқий ифодаси. Шеърда ифодаланган инсоний фазилатлар ёки ҳаёт машаққатларига муносабат шоир кайфияти орқали акс этади. Шунинг учун ҳам шоир кайфият кишиси. Унинг эхтирослар олами, туйғулари тўлқини, меҳр ва муҳаббати сеҳри, дардли хаёллари исқанжаси ўқувчи қалбига жуда яқин. Шу боис инсонлар шеър ўқиганларида шеърдаги лирик қаҳрамонни ўзларига ўхшатаверадилар

Шоир шеър ёзаётган паллада бу шеърни “зиёли, савдогар, ёки пахтакор учун” – деб ёзмайди. Шеър шоир туйғуларининг оний лаҳзаси. Ўжодкорнинг илҳом палласидаги лирик “ўз”лигидан

лирик “мен”лик сари чекиниш онлари. Кечинмалар жуда қисқа умр кўриши, инсонлар қалбида абадий яшаши мумкин.

XI аср Шарқ оламининг ноёб асарлдаридан саналган Қайковуснинг “Қобуснома” асарида шоирлик ҳақида шундай фикрлар келтирилади: “Эй, фарзанд, агар шоирлик қилмоқчи бўлсанг, ҳаракат қил, токи сўзинг осон ва фойдали бўлсин, ғомиз ва мушкул сўздин парҳез қилгил ва ўзинг билиб ўзгалар унинг шарҳига мухтож бўлгудек сўзни айтмагил, нединким шеър айтгон киши халқ учун айтур ва ўзи учун айтмас”.¹ Дарҳақиқат, соддадил она халқ қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар шеърятни севиб яшайди, шоирларини кўкка кутаради. Шунинг учун ҳам шоир учун она халқининг дардлари, она юртининг муқаддаслиги ҳақидаги сатрлар энг яхши шеърлар бўлиб қолаверади. Чунки инсон қачондир эртами- кечми Ватан тушунчасини англаб етади. Ижодкор шахси бу муқаддас тушунчани англай бошлаганидаёқ, она юртга бўлган чексиз муҳаббатини ёрқин сатрларга кўчиради.

Ҳозирги замон ўзбек шеърятининг иқтидорли вакилларида бири Зиёвиддин Мансуров ҳам Ватан, халқ, мустақиллик ва инсон тушунчаларини тўла-тўқис англаб етган ва бу туйғулар мужассамлигини қуйлаётган ижодкордир.

Шоирнинг “Тўтиё” тўпламига кирган шеърларини мавзу жиҳатдан шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисми она-юрти ва халқига бағишланган қасидалар, конституция ва истиқлолни тараннум этувчи шеърлардан ташкил топган. Иккинчи қисмда эса ҳазрати инсон, инсоний муносабатлар, шоирнинг жамиятга, ўтмишга ва келажакка бўлган қарашлари акс этган.

Шоирнинг Ватан мавзусидаги шеърларида лирик қаҳрамон кайфиятида кўпроқ лирик “мен” ва лирик шахс тимсоллари уйғунлиги кўзга ташланади. Лирик “мен”даги кўтаринки кайфият шеърнинг биринчи мисраларидаёқ кўриниб туради. Ўзбекистоннинг яратилиш тарихига муболағали, бир оз шоирона ва фахр ҳисси жўш уриб турган сатрлар баён этилади:

- Аллоҳ Ер юзини тақсимлаганда
- Ўзбекка тегмаган Ердан, – дейдилар, –
- Яйрасин, – деб шу эл боғу чаманда
- Аршдан бир кафт тупроқ берган, – дейдилар.
- Зуваласи Аршдан

¹ Қайковус. Қобуснома. Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 118.

*Қутлуг ошён бу –
Ўзбекистон бу!*

Шеърнинг кейинги мирасидаги шоирнинг лирик нияти ўқувчи калбига жуда тез кўчади. Бундай шеърларни ҳар қандай ўқувчи фахр ва ҳаяжон билан ўқимасдан ўта олмайди. Чунки бу она – юрт тупроғига берилган энг гўзал таъриф:

*Шу боис тиллолар ниҳон қаърида,
Бу ернинг тупрогин ҳар мисқоли зар.
Тўрт фасл ризқу рўз қайнар бағрида
Одамнинг жонидан бошқаси унар.
Худо ёрлақазан
Жаннатмакон бу-
Ўзбекистон бу!(10-б.)*

Шоирнинг “Халқим қасидаси” номли шеърида халқига бўлган ифтихор ҳисси ижтимоий аҳамият касб этаётганлигини кўриш мумкин. Лирик “мен” лирик шахс сифатида фақат миллатни эмас, она халқини мадҳ этмоқда. Халқнинг буюк фарзандлари мана шу халқни бунёд этганлигини куйидаги сатрлар орқали англаб етиш мумкин:

*Томирида бекнинг қони бор,
Беклик завқин тотган халқ бу халқ,
Соҳибқирон доврўқ – шони бор,
Донги ҳар ён кетган халқ бу халқ!
Гоҳ Алпомиш мисли баҳодир,
Гоҳ Муқанна, гоҳ Намоз ботир,
Ғанимларин титратиб зир – зир
Дасти баланд ўтган халқ бу халқ!(13-б.)*

Дунё яралгандан буён олам ва одам тушунчаси мавжуд. Инсон онгли мавжудот сифатида барча жонзотлардан ажралиб туради. Инсоннинг эзгу ишлари оламни яшнатиши ва абадий ҳаёт барпо этиши тайин. Аллоҳ инояти ила ҳаёт яратувчиларидан бири аёлдир. Шоир бир шеърини “Ҳазрати аёл” деб атайди. Аёлнинг буюкчилиги, гўзаллиги, ақлу идроки хақида таърифлар бисёр. Инсон буюк кашфиётлар барпо этиши, бунёдкорлик ишларини амалга ошириши, ўз яратган машиналарини ишлата олиши мумкин. Лекин, у аёлдек ҳазрати инсонни дунёга келтира оладими? Ҳар қандай

¹ Зиёвуддин Мансур. Гўлиб – Тошкент: Шўрк, 2008. – Б. 10. Кейинги уриқларда шу манбадан олинган шеърлар берилган саҳифани курсатиш билан кинфояландик.

буюк шахсни ҳам уйлантириб қуювчи бу савол шоирни ҳам эътиборини тортади:

*ЭҲМ, компьютер, робот-
Бари
Эрур юксақ кашфиёт гарчанд,
Лекин айтинг аёл сингари
Улар тува оларми фарзанд?! (19-б.)*

Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда келтирилганидек, “Жаннат оналар оёқи остидадир” деган таърифни келтиради ва аёлни бундан ортиқ нима деб аташ мумкин? – деган саволга: Ҳазрати аёл! – дея жавоб беришга ҳаракат қилади:

*Бундан ортиқ мен нима дейин?!
Топдим,
Топдим Сизга мос тимсол:
Улугликда Худодан кейин,
Сиз турасиз Ҳазрати Аёл! (19-б.)*

Шоирнинг самимийлик туйғусига уранган шеърларида ҳозирги ўзбек шеърлятидаги поэтик тимсол турларининг ўзига хос ифодасини кузатамиз. “Бир сайёҳ ҳикояси” номли шеърда бугунги кун кишисининг лирик характери ифодаланган. Сайёҳ бутун дунёни сайр этиб турли халқларнинг турфа одатларини кўради. Айниқса Хитой халқида ҳар қандай ҳайвоннинг гўштини пишириб ейишларини баён этади :

*Пишириб унғ келган ҳайвоннинг
Дастурхонга қўяркан улар.
Ҳатто турқи совуқ шонни
Иштаҳа-ла еяркан улар. (53-б.)*

Сайёҳнинг ҳикоясидан кейин “Биз-чи ?”- деган савол туғилади. Инсон учун берилган жуда қисқа умр давомида арзимаган икки-чикирларни деб, афсуски одамлар бир – бирларининг умрига зомин бўладилар:

*Биз-чи,
Баъзан иллат қидириб,
Қуритамиз ўз шўримизни
Яъни не – не ҳайвонлар туриб
Еймиз кўпроқ бир-биримизни. (53-б.)*

Шеърлятнинг абадий мавзулари шодлик ва ғам. Бутун инсониятнинг мавжуд ва ҳаққоний нуқтаси. Инсонийликнинг қарама – қарши манзиллари. Олам яралгандан буён бу икки

тушунча мавжуд. Жуда оддий ҳақиқат. Кимнидир хонадонида тўй бўлса, яна кимникидадир аза. Бахт билан бахтсизликнинг эгизлиги :

Эгизакдир шодлик билан гам,

Эгизакдир марсия – ўлим.

Ўйлаб кўрсак бахтнинг ўзи ҳам

Эгизакдир бахтсизлик билан. (61-б.)

Ер юзида минглаб одамлар мавжуд, уларнинг характери ҳам турлича. Аммо мавжуд ҳаётда бир-бирига жуда ўхшаб кетадиган кимсалар ҳам бор. Уларни ҳар куни ҳамма юртларда, шаҳар ёки қишлоқларда учратиш мумкин. Бундай инсонлар ўз манфаати йулида ҳамма нарсага қодир. Ҳаётдаги ўз ўрнини саҳнадагидек қилиб бажаради ва кундан – кун юксалиб бораверади. Шоирнинг “Талант” шеърисида кунига минг хил қиёфага қира оладиган, шайтонга ҳам дарс берувчи устумон кишининг поэтик тимсоли берилади :

Сиз ҳали усасиз,

Сизда “талант” бор -

Ҳар қандай образга қира оласиз.

Мабодо шайтонга бўлсангиз дучор

Бемалол унга дарс бера оласиз. (62-б.)

Зиёвиддин Мансуров шеърятининг поёни узун. Унга кириб борган сари лирик кечинмалар сеҳри ўзига жалб қилаверади. Шоир сатрларида кўтаринки руҳият кишининг поэтик тимсоли, мустақил юрт фуқаросининг шукронаси, лирик шахснинг замонга, замондошларига самимий муносабати яққол ифодаланади. Шоир “Муносабат” номли шеърисида ўзига бўлган самимий муносабатлардан ҳижолат чекади :

Не ишни дундириб қўйдимки,

Аксар

Яхшилар ўзини урар мен томон(74-б.) - дея истиҳола қилади. У яна ўзига бўлган илиқ муносабатларга жавоб излайди. Бунга “воизлигим” ёки “шоирлигим” сабабдир деб уйлайди :

Андак воизлигим бўлибми сабаб,

Ёки шоирлигим айлашар қадр.

Мен на Цицеронман,

Мен на шоҳ Машраб,

Лекин ўрним аксар минбарлардадир. (74-б.)

Шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, унинг ўрни минбарларда. Машаққатли ижод саҳнасидаги минбарлардан туриб хали жуда кўп маротаба ўзининг масъул сўзини айтишига ишончимиз комил.

Зиёвиддин Мансур шеъринида жуфт сўзларнинг қўлланиши

Махбубахон Собирова,
доцент (НамДУ)

Маълумки, жуфт сўзлар тилда маъно ва услубий жиҳатдан айрим грамматик маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Сўзнинг жуфт шакллари бир хил шаклдаги икки сўзнинг тенгланishi бўлиши билан боғланиши орқали ҳосил бўлади. Жуфт шакл ҳосил қилувчи сўзлар семантик жиҳатдан қуйидагича маъно муносабатида бўлади:

а) маъно жиҳатдан бир-бирига яқин сўзлар жуфт шакл *жасад-арпа-бугдой, қўл-оёқ, олма-ўрик* каби;

б) синонимик муносабатда бўлган сўзлар жуфт шакл *жасад-орзу-истак, ўй-хаёл, куч-қувват*;

в) антонимик муносабатда бўлган сўзлар жуфт шакл *жасад-кун-тун, катта-кичик, паст-баланд* каби;

г) бутун ва бўлак маъносини билдирган сўзлар жуфт шакл *жасад-ясайди: гап-сўз, ой-кун, тоғ-тош* ва б.¹

Жуфт сўзлар нафақат нутқимизда, балки шеъринида ҳам қўлланилади. Буни биз ҳам ҳамюртимиз, таниқли шоир Зиёвиддин Мансур шеърлари мисолида изоҳлаймиз.

Истеъдодли шоир З.Мансур шеърларида жуфт сўзларни усталик билан фойдаланганки, бу ҳолат унинг шеърларига халқ шаклан, ҳам мазмунан гўзаллик бахш этган.

Шоир шеърларидаги маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган жуфт сўзларнинг қўлланилишини кузатсак.

Ким у динсиз-диёнатсиз,

Хунарсиз, илму одобсиз,

Анингдек кимсалар бахти

Қаро бизнинг Наманганда. (26-б.)²

Бу мисраларда қўлланилган жуфт сўз илму одобсиз сўзлар бўлиб, динсиз, диёнатсиз, хунарсиз сўзлар билан биргаликда уюшган аниқловчилардан бири бўлиб келяпти.

¹ Жамолхолов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Talqin, 2005. - Б. 17.

² Мансуров З. Наманган қасидаси. - Наманган: Наманган нашриёти, 2004. Кейинги строчкалар манбадан олинган шеърларнинг саҳифалари берилди.

Лайлак - оқлик рамзи бўлармиш,
Бу кушлар жануб ёқларга учмиш.
Наманганни кўрган оққушлар
Мангу кета олмас ёзу қиш.¹

Мисраларида эса ёзу қиш жуфт сўзи учмиш сўзи билан қофиядош бўлиб келган.

Йул-йўлакай йўлларда
Хаёл суриб бораман.
Дов-дарахт, ун-сўлларга
Савол бериб бораман.²
Нориндарё атрофларида
Асл ўзбек - сартлар яшайди.
Йигит-қизин бари-барида
Эркакча феъл, мардлар яшайди. (33-б.)

Йигит-қиз жуфт сўзига -ин қўшимчаси қўшилиб бари-барида такрорий сўзи билан биргаликда гузал бир мисрани ташкил этяпти. Яъни бир мисрада фақат жуфт сўз билан такрорий сўзнинг келиши камдан-кам ҳоллардагина учрайди.

Орияти ҳар недан устун,
Тамом йироқ яшар оҳ-воҳдан
Курашади ўз бахти учун,
Кўрқса фақат кўрқар Аллоҳдан. (35-б.)

3. Мансур бу мисраларда ҳам жуфт сўздан қофиядош сўз ўрнида усталик билан фойдаланган.

Уқиб-уқмай йиғлаб олардим,
Оҳангларин илғаб олардим,
Сехрига маст ухлаб қолардим
Онажоним аллаларида. (12-б.)

Ёки:

Охир тўқсон ёшли буви инқиллаб,
Келиб йиғлоқини олди-ю қўлдан,
Унинг юз-кўзларин оҳиста силаб,
Тебраниб хиргойи бошлади дилдан. (32-б.)

Ёки:

Сиздай бўлиб эзгу ҳунарли,
Умрим утар, Зиё, ганж-зарли,
Лекин меҳри осмон қадарли
Бепоеним, Сизни топмадим... (23-б.)

¹ Мансуров З. Наманган қасидаси. Наманган нашриёти. 2004. 21-бет.

² Эневиддон Мансур. Онажоним, онажонгимнам. Лирик достон. Тошкент: Istiqlof. 2014. 6-бет.

Ушбу тўртликларнинг учинчи ва иккинчи мисраларида қўлланилган жуфт сўзлар фикрни қисқа ва лўнда ифодалаш учун хизмат қилаётганлигини кураимиз. З.Мансур шеърларини кузатар эканмиз, жуфт сўзларнинг қофия бўлиб келишини куп уринларда учратамиз. Мана унга яна бир мисол:

Турт ёнинг бут булар, қолмас каму кушт.

Омадинг бир чопиб, бахтинг кулганда.

Аксинча умидвор булмагин, эй дўст,

Нолойиқ касларга кунинг қолганда. (44-б.)

Чекканингиз бўлди гам-афгон,

Курганингиз бўлди дард-армон,

Бу оламда яйрабон даврон

Сурмадингиз, жоним онажон. (23-б.)

Жуфт сўзларнинг яна бир тури синонимик муносабатда бўлувчи жуфт сўзлар бўлиб, улар шеърда ўзига хос ўринга эга, яъни бу жуфт сўзлар орқали ижодкор ўз шеърларида маънодош сўзларнинг ҳар иккисини ҳам қўллаш имконига эга бўлади.

З.Мансур шеърларида синонимик жуфт сўзлар кенг қўлланилган:

Ёниқ қалблар қаҳрим зуридан

Кетмадими айланиб кулга?

Олов-отаиш меҳрим нуридан

Ёришдими биронта кулба ?!

Сиз-ла кетган тамом эс-ҳушим-

Гуё бошдан учди бахт қушим.

Наҳот энди умрбод ишим

Ҳижрон бўлиб қолди, жон онам?! (25-б.)

Бу ерда *олов ва отаиш, эс-ҳушим* сўзлари ўзаро синоним бўлиб, бу сўзлар жуфтлашиш орқали шеърга ўзгача маъно бахш этган.

Хаста Хизир богисан,

Эзгулик маёғисан.

Мангу ёшлик чогисан,

Завқ-сафолар диёри. (19-б.)

Бу мисрада ҳам *завқ-сафо* сўзлари маънодош бўлиб, фикрни янада кучайтириб тасвирлашга хизмат қилади.

Ижодкорнинг "Онагинам, онажонгинам" лирик достонида жуфт равишлардан унумли фойдаланилиши асарнинг таъсирчанлигини оширган. Масалан:

Тез-тез ункам тулиб туради,

Қўзимга ёш келиб туради.

Яна шу ҳис тугён уради:

Она, сизни ранжитганмидим?! (19-б.)

Ёки:

Фарзанд, дел куйиб ўтдингиз,

Куйиб-ёниб суйиб ўтдингиз.

Эвоҳ, эвоҳ, ёмонлигим ҳам

Яхшиликка йўйиб, ўтдингиз. (26-б.)

Шоирнинг “Наманган ва наманганликлар” шеърларидаги куйидаги бандда синонимик жуфт сўзларнинг келтирилиши наманганлик инсонларнинг гўзал фазилатларини кенгрок ёритишга имкон туғдирган:

Бунда ҳар бир эркак-битта тоғ,

Гарчанд мўмин-қобилдан кўпи.

Белида бор доимо белбоғ,

Бошида бор ҳамиша дўппи.¹

Маҳоратли ижодкор шеърларида антоним сўзлардан ҳосил бўлган жуфт сўзларни ҳам учратамиз. Бир-бирига зид, қарама-қарши бўлган сўзлар иштирокида вужудга келган жуфт сўзларнинг қўлланилиши шеърни янада раван ва мазмундор қилган.

Барча янглиг умр кечирдим,

Гоҳида шод, гоҳида пургам.

Толеимда бор экан кўрдим

Катта-кичик мансабдорни ҳам.²

Тўртинчи мисрада синонимик муносабатдаги *катта-кичик* жуфт сўзини қўллаган. Шоир шеърда куплаб мансабларни кўрдим дейиш ўрнига мана шу жуфт сўздан фойдаланган. Бу эса ўқувчини янада кўпроқ ўйлашга, фикр юритишга ундайди. Бу каби ҳол “Сабоқ” шеърларида ҳам ўз аксини топган.

Аё банда, ўз жисмингдан ола бил сабоқ,

Беҳудага аъзоларинг эмас жуфту тоқ.

Бу дегани: жуфтларини кўп ишлатсанг ҳам

Тоқларини имкон қадар ишлатгин камроқ.³

Бу тўртликда сабоқ сўзи билан *жуфту тоқ* сўзлари кофиядош сўзлар саналади.

Ҳамиша қўллари кўксин

Кучиб тургай тавозеъ-ла.

¹ Мансуров З. Наманган қасидаси. Наманган нашриёти. 2004 йил. 22-бет.

² Мансуров З. Наманган қасидаси. Наманган нашриёти. 2004 йил. 4-бет.

³ Мансуров З. Наманган қасидаси. Наманган нашриёти. 2004 йил. 56-бет.

*Қари-ёшда ажаб таъзим
Бажо бизнинг Наманганда.*

Зиёвиддин Мансуров шеърляти гўё бир хазина. Уни нафақат жуфт сўзлар иштироки буйича, шу билан бирга, бошқа жихатларини ҳам қанчалик кўп таҳлил қилсак, янгидан-янги қирралари очилаверади. Асарларидаги дуру жавоҳир янада ёрқинроқ кўзга ташланаверади.

Фалсафийлик ва руҳият тасвири уйғунлиги

Нозима ҚОЗОҚОВА,
ўқитувчи (НамДУ)

Шеърлят, аввало, инсон руҳияти таржимони, қалб зврилишлари, лирик қаҳрамон сийратидаги ўзига хос хис-туйғулар инъикоси, дунёни ўзгача, бадий руҳда англаш ва тасвирлашдир. Атоқли адибимиз Ғ. Ғулом таъкидлаганидек, шеърлят кўнгил эрмаги эмас; у ўқувчига қанотдай, йўлчига ҳамроҳдай, уй бекасига игнадай зарур нарса.¹ Шоирлар эса Ватан, халқ манфаати, умиди ва истиқболи учун куйиб-ёнсаларгина элу-юрт орасида ҳурмат ва эътирофга сазовор бўладилар. Ана шундай халқимизга ҳам шеърляри, ҳам жамоатчилик фаолияти билан манзур бўлган шоирларимиздан бири Зиёвиддин Мансурдир.

Зиёвиддин Мансур шеърляридаги ўзига хослик шундаки, уларда кўнгил наволари балан файласуфона донишмандлик ҳикматлари бирлашиб кетган. Шоир Ватан ва халқ, муҳаббат, инсон ва унинг умри мазмуни, эзгулик ва ёвузликнинг муттасил равишдаги рақобати, яхшиликнинг абадийлиги каби мавзуларда қалам тебратар экан, шунчаки, мақсадсиз ёзишни ўзига эп кўрмайди ва ҳар бир сатрида халқимизда азалий донишмандлигидан бирор заррани ифода эта олади:

Ҳақ бўлсанг - пок бўлсанг гумон олдида,

Жар солма ҳар яхши-ёмон олдида.

Яъни ҳақ-ноҳаққа ҳакам Худодир,

Хотиржам бўлсанг бас виждон олдида.

(«Мезон»)

Зиёвиддин Мансур ижодидаги яна бир муҳим хусусият шоирнинг воқеабанд лирикадан унумли фойдаланишидир.

¹ Раҳимжонов Н. Ғафур Ғуломнинг адабий-эстетик қарашлари // Ўзбек тили ва адабиети, 2013. - № 3. - Б. 11-15.

Воқеабанд лирикада субъектнинг муайян бир ҳаётий ҳолатда юзага келган ҳис-туйғулари ифодаланади.¹ Зиёвиддин Мансурнинг “Тўтиё”, “Буюклик”, “Диалог”, “Зукколар зуккоси”, “Ноб кашфиёт”, “Тошбодом” каби шеърларида воқеабанд шеърят усулидан фойдаланилган бўлиб, ҳар бир қаламга олинган воқеага муаллиф фалсафий яқун ясайди. Жумладан, “Тўтиё” шеърда Она қурт тилидан айтилган:

-Нолима, тентак

Гардларин юз-кўзингга сурт-

Тўтиё қил,

Чунки шу тунгак-

Аждодларинг яшаб ўтган юрт...

сатрлари орқали Ватаннинг танланмаслиги, аждодлардан қолган улуғ мероснинг авайлаб-асралиши лозимлигини ўзига хос тарзда ифодалаган.

“Тошбодом” шеърда бодом оппоқ бўлиб гуллайди, бутун борлиққа ўз ифорини сочади, бироқ унга ҳеч ким эътибор қаратмайди. Бепарволикдан ўксинган бодом гуллариини бир кечада тўкади, кўкаради, дийдаси қотиб, оддий бодомдан тошбодомга айланади. Шоир тошбодом тимсоли асосида ҳаётда меҳр тополмаган, эътибордан четда қолган ва натижада қалби тошга айланган инсон сиймосини гавдалантиради. Шеърга шундай яқун ясайди:

Ҳар ёш кўнгил, ҳар ниҳол борки,

Меҳр сураб, мурувват тилар,

Дариз тутманг қалб қўрин, токи

Тошбодомдек

Қотмасин диллар!

Шоир қалби ҳар доим табиат билан ҳамнафас яшайди. Борлиқдаги ҳар қандай ўзгариш: кўкламдаги янгилашиш, кеч куздаги ҳазин хазонрезгиликдан тортиб япроқларнинг шивирю чумолипарнинг ғимирлашигача ижодкор қалб эгаси нигоҳидан четда қолмайди. Унда ўзгача завқ, илҳом уйғотади, кўлига қалам тутказади. Зиёвиддин Мансур ижодида ҳам табиат билан ҳамнафаслик туйғулари жўш урган, романтик кайфият уйғотувчи шеърлар мавжуд. Шундай шеърларфан бири “Баҳор бадихаси” шеърдир. Мазкур шеър “Эзгулик элчиси” тўпламига киритилган бўлиб, шеърдаги кўклам тасвири янгича шакл билан яратилгани

¹ Куронов Д. Муталаа ва илҳом машқлари. - Тошкент, 2013, 210-б.

учун ўқувчи эътиборини тортади. Шеърда аллелетерация усулидан фойдаланилгани боис ўзгача оҳанг билан ўқилади:

*Беҳдуд борлиқда бетимсол безак,
Баҳмалга бурканмиш баҳорий боғлар.
Бўйласанг, бол бўйли бўй берар бешак,
Бу боғлар бағрида бўртган япроқлар...*

Кейинги сатрларда шоир бевосита бу баркамоллик бекасига муурожаат қилади:

*Бисотинг бунча бут, баркамол, баҳор?!
Бойвучча бўлибсан бутун борлиққа.
Боғларда болзабон булбуллар бедор,
Байт битар бу барқут бетакрорликка.*

Шеърнинг навбатдаги мисраларида лирик қаҳрамон учун баҳорий бетакрорлик, биҳиштдаги каби бекамлик фақат унинг қалби бекаси билангина тўлиқ бўлиши аён бўлади:

*Боғларда биҳиштда бори бор, бироқ
Булмасанг бу боғлар бепари – биркам...*

“Қалдирғоч”, “Навбаҳор” каби шеърларда ҳам табиат ва инсон қалби уйғунлиги ўз ифодасини топган.

Зиёвиддин Мансур шеърларида халқимизнинг миллий ўзига хослиги, тилимизнинг бой имкониятлари бетакрор тарзда ўз ифодасини топган. Навбатдаги тадқиқотларимизда шоир асарларининг лисоний хусусиятларини ҳам таҳлил қилиш ниятидамиз.

Зиёвиддин Мансур шеърляти ҳақида айрим қайдлар

**Беназир (Гулчехра Зокирова),
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори**

Тарихдан маълумки, гуллар диёри Наманган нафақат ўзининг турфа, анвойи гуллари, балки оташзабон булбуллари билан ҳам маълум ва машҳурдир.

Девонаваш табиати, шоҳ байтлари ила ошиқлар шеърлятининг шоҳи бўлган шоҳ Машраб, назм осмонида чакмоқдай чакнаб эрк қўшигини баралла куйлаган Усмон Носир, Ўзбекистон халқ шоири деган олий рутбага биринчи бўлиб лойиқ топилган Суфизода, оҳанграбо ғазаллари билан дилларни ром айлаган Чустий, Наманганча лутфу назокатни сатрларга жо этган Ҳабиб Саъдулла...

Уларнинг халқимизга қолдирган бой адабий мерослари

даврлар ва тузумлар элагидан мардонавор ўтиб, маънавиятимиз хазинасига айланиб улгурди. Бугунги кунда юқоридаги номдоқ шоирлар рўйхатининг давомида туриш, устозларга муносиб издош бўлиш бахти устоз Зиёвиддин Мансурга насиб этди.

Мустақиллик барча соҳаларда бўлгани каби шеърятда ҳам буюк эврилиш ясаркан, “истиклол шеъряти” деган буюк сўз қўшини майдонга келди. Наманганнинг ҳассос шоири Зиёвиддин Мансур ана шу енгилмас қўшиннинг содиқ ва собит лашқари сифатида она-заминимизда бўлаётган ҳар қандай ижобий ва салбий воқеаларга ўзининг теран мушоҳадалари, юксак маънавий қарашлари ва чин фарзандлик бурчини англаш туйғулари билан муносиб жавоб қайтара олди.

*Боболар сингари қон кечиб абгор,
Ўлимга мардона бормасак-да тик,
Ўтли бир туйғудан дилда ифтихор:
Юртга истиқлолни бизлар бахш этдик!*

*Гарчанд қўлимизга олмадик қурул,
Гарчанд ўқ ёзмади бизнинг бошлардан,
Лекин асрай олдик сени,
Истиқлол!*

Ёвалар ошкор – пинҳон отган тошлардан...

Шоир озми-кўми собиқ тузум даврида яшаб, уша даврда миллатдошлари бошига тушган мусибатларга шоҳид бўлган, ўз тарихи ва бой маданияти, эъозланишга арзийдиган ажодлари туриб, ёт ғоялар ҳамда сохта “даҳо”ларга эргашган халққа ҳуррият нечоғли азиз эканини англатишга уринди ва бунга эришди ҳам:

*Тинглаб “буюк оға” сасини,
Қумсаб она тил нафасини,
Марҳумларин жанозасини
Пинҳона ўқитган халқ бу халқ...*

Озод юртнинг ўтмиши, бугуни ва эртасини самимиятга йўғрилган ашъорларида тараннум этган шоир, она диёр табиатининг гузаллиги, фусункорлигини ўзига хос оҳангларда куйлайди:

*Шунчалар оромбахш тоғи, дараси,
У оғир дардларга ҳам даво этар.
Кузда қирда қолган кетмон дастаси,
Баҳорда дарахтга айланиб кетар.
Бундоқ ҳосилдор ер, айтинг қайда бор?*

Фақат Ўзбекистон деган жойда бор!

Машхур рус шоири Александр Блокнинг “Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан” – деган ҳикматли сўзлари айнан Зиёвиддин Мансурдек ватанпарвар ижодкорларга нисбатан айтилгандек назаримда...

Шоирнинг юртсеварлиги унинг барча вилоятлар, туманлар, қишлоқлар шаънига битган байтларида ўз ифодасини топган. “Тошкент васфи”, “Наманган бадиҳаси”, “Андижон”, “Фарғона газали”, “Марғилон алёри”, “Поп ҳақида энг қисқа таъриф” каби ғурур ва ифтихор туйғулари ила лиммо-лим тўлган шеърлари шулар жумласидандир. Бу тахлитдаги оташин мисралар шоир қалби ватан жуғрофияси янглиғ улкан эканидан далолат беради.

Зиёвиддин Мансур шеърлятида ватанга муҳаббат ва садоқат учкунларини алангалатувчи шеърлар баробарида соф инсоний туйғуларни тараннум этувчи шеърларнинг ҳам ўрни беқиёсдир. Шоир ижодида табиатнинг энг олий мавжудоти саналган инсон шахси ва кечинмалари рўйи рост тасвирланиб, унинг руҳияти иқлимларини ҳис қила билиш етакчи ўрин тутди.

Раҳмон билан Шайтон ўртасидаги абадий ва азалий курашнинг сабаб-оқибатлари фалсафий фикрлар баёнида бир бирини тўлдириб келади:

*Яхши бўлсанг, Раҳмон ўзингсан,
Акси бўлсанг, Шайтон ўзингсан.
Хоҳи Раҳмон бўл, хоҳи Шайтон –
Ҳар иккиси, инсон ўзингсан.*

Шоирнинг узигагина аён, балки ноаён бўлган туйғулари аслида шоирликнинг илоҳий қудрат эканидан далолатдир:

*Ҳисларим илгамас биронта одам
Ўзим сир,
Сўзим сир,
Феъл-атворим сир,
Дўстларим ичра ҳам мен бошқа одам,
Мисоли самодан тушган мусофир.*

Шоир ибрат олса арзийдиган ривоятлардан шунчалар заргарона фойдаланади-ки, халқдан олиб халққа берувчи ровий вазифасини тўлақонли ўтайди. Зиёвиддин Мансурнинг “Аёлнинг қирқ жони” ҳақидаги ривояти бугунги кунда дунё тилларига таржима қилиниб, аёлларга муносиб тухфа бўлди. Дунёда инсон борки, ўз ибтидосига, яъни онасига топиниши рост. Шоирнинг

“Онагинам, онажонгинам” номли достонидаги туркум шеърлари кариб чорақ умрини яшаб, ҳамма ардоқларга сазовор бўлиб ҳам, она муҳаббатига, меҳрига талпинган солиҳ фарзанднинг қалб нолаларидир:

*Гулмидингиз, онажонгинам,
Гуллар аро сархилмидингиз?
Ё боғларга кўрк бўлган шинам
Муаттарбуй жамбилмидингиз?*

Онагинам,

Онажонгинам!

Бир сўз билан айтганда, Зиёвиддин Мансур қайси мавзуда калам тебратмасин, сўзларни, фикрларни виждон мезонига солиб ўлчаб кўради. Одамларга зиё улашиб, янада зиёга тулаётган комил инсон, меҳрибон бахтли онларда устозимни чин шогирдлик муҳаббати ила табриклайман. Сўзга бедорлик ва бурондай шиддат асло тарк этмасин!

Оқайотган бaxт

Mo'tabar Turg'unova.

Namangan shahridagi 62-umumiy
o'rta ta'lim maktabi ona til
va adabiyoti o'qituvchisi

Men ustoz Ziyoviddin Mansuruni uchratganimga 9 yil bo'ldi. O'shanda, “Chortoq haqiqati” gazetasi qoshida tashkil etilga “Bo'stor g'unchalari” to'garagiga uchrashuvga kelgan edilar. Shundan so'ng ustozning “Guldiyor g'unchalari” to'garaklariga qatnay boshladim. Keyinchalik, ustozning bu tarzda hatti-harakatlari ya'ni, tumanlarda chekka qishloqlarda uyushtirilgan uchrashuvlari menga ovchining harakatlarini eslatdi. Chunki ustoz hech qaysi qishloqdan bo'sh qaytmas ya'ni o'sha chekka qishloqlardagi yosh iste'dot egalarini o'z to'garaklariga chorlab (ovlab) kelar edilar. Mana bugun qaysi qishloq qaysi shahar, qaysi viloyatga bormang “Guldiyor g'unchalari” ochilib o'z iforini taratayotganining guvohi bo'lasiz. Bu ham Ziyoviddin Mansurning “ov”lari baroridan kelganini ko'rsatadi. Boisi, buning zamirida yurt manfaatini, uning kelajagi uchun fidoiylilik bilan qilingan mehnat yotardi.

Qomusiy alloma birikmasiga doimo hayrat bilan qarar edim. “Chindan ham qomusiy ilm egalari bo'larmikin?” - deb Ustoz

timsollarida men qomusiy ilm egasini his qildim. Ko'p davralarda: o'qituvchilar o'zlarining fanlari, ustalar qurulishlar, shoirlar she'r va shoirlar, doktorlar bemor va kasalliklar mavzusida suhbatlashishadi. Agar, mavzudan chetga chiqishsa, arzirli gap topolmal qolishadi. Ustozning har bir she'r-u asarlarida buning aksini ko'rishimiz mumkin. Ziyoviddin Mansurga qaysi mavzudan gap ochmang, ustozning ilm ummonlaridan shu mavzuga daxldor, mazmundor va o'ta tabiiy, yorqin fikrlar otilib chiqaveradi. "O'zbekiston" qasidasi, "Shom va Tong" dostonlarida ham bunga yana bir bor amin bo'lasiz.

Kimlarningdir oldiga borib, "vaqti yo'qligidan", soatlab o'tirib ham bir materialingni ko'rsatib, o'qib berolmaysan. Ammo ustozga jo'natilgan hatto to'rt satr ham e'tibordan chetda qolmaydi. Iloji bo'lsa, telefon qilib yutuq va kamchiliklaringni aytib beradilar. Juda iloji bo'lmay qolsa, o'rnida yozma javob qaytarib, keyinroq yana telefon qilib fikr bildiradilar. Siz hozir hech kimsiz, Ziyoviddin Mansur yonida o'zingizni yaxshi ko'rib ketasiz. U kishi sizdagi bir kichik fazilatni ham yuksak mahorat darajasiga ko'taradilar. Ayniqsa, ustoz bilan suhbatdasizning satrlaringizni o'zingizga yoddan aytib berishlari, sizda o'zingiz va ijodingizga bo'lgan ishonchni rivojlantiradi. Bu esa hech qanday manfaatsiz yoshlarga bo'lgan yuksak e'tiborning namunasidir. Ustozimiz Ziyoviddin Mansur biz yoshlarning balki, barcha Namangan faxridir.

Yoshlik xandasi

*Yonib yasha, ishla, ijod et,
Olam tahsin aytsin shaniga.
Ziyoviddin Mansur*

Manzilga yetish-chun umr bir yo'ldir,
Bu yo'ning zahmati, zalvori og'ir.
Yaxshi-yu yomonning javobi bordir,
Niyatga yarasha kun berar oxir.

Ushbu mashaqqatli, og'ir yo'llarda,
Qatordan uzulmay yurish dushvordir.
Shuncha yuraklaru, taqdur oldida,
Qatordan oldinda boorish bir baxtdir.

Hamon qalbingizni tark etmagaydir,

Yoshlik shijoati, yoshlik g'ayrati,
Ayniqsa, doimo sizla birgadir,
Beg'ubor, samimiy-yoshlik handasi.

Oltmish yillik umr - kichik gap emas,
Mudom chehrangizdan kulgu arimas.
Ustoz, siyomgizda shuni ko'rdimki,
Yonib yashaydigan inson qarimas.

Зиёвиддин Мансур лирикасининг айрим қирралари ҳақида

Мадина Толибжонова,
ўзбек тили йуналиши
4-курс талабаси (НамДУ)

Истеъдодли ва ҳозиржавоб шоир Зиёвиддин Мансур шеърларининг мавзу доираси ранг-баранг ва хилма-хилдир. Унинг асарлари бадиий жиҳатдан мукамаллиги билан ҳам ажралиб туради. Шоир асосан бармоқ вазнида ижод қилса-да, аруз вазнидаги шеърлари ҳам салмоқлидир. Жумладан, “Фаргона газали”, “Марғилон алёри”, “Косонсойлик дўстларимга”, “Мусулмонлик тамойили”, “Эътироф”, “Илоҳий ишқ мадҳияси”, “Дўст”, “Ўйлар” каби ғазаллари шоирнинг аруздаги маҳоратини кўрсатадиган намуналардир.

Фаргона шахрини таърифлаганда ҳеч ким илғамаган ҳолатларга, яъни Фаргона сўзида *она* бўғинига эътиборимизни тортади ва буни улуг зот саналмиш *она* сўзига боғлайди:

Сузига она сўзи эш

Вилоят йўқ бу оламда,

Яна не-не улугларга

*Падар Фаргона, Фаргона!*¹

Шоирнинг Марғилон ҳақидаги ғазалида ҳам гўзал мисраларни кўрамиз:

– Кумуш улганда Жулқунбой

Нечун солган, – десам, – уввос?

¹ Мансур, Зиёвиддин. Тугмас. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 38-бет.

– Парилар бир жаҳон ваҳ-ваҳ,
Кумуш бошқа жаҳон, – дерлар.¹

Шоирнинг аруздаги шеърлари ҳақида адабиётшунос олим, профессор Наим Каримов шундай таъкидлайди: “Зиёвиддин Мансурнинг бармоқ вазнида битилган шеърларидан кейин аруз вазни ва арузнавис адабиётнинг яшил япроқлари ҳамон шилдираб турган шеърларини уқиган китобхон шоирнинг ижодий имкониятлари катта эканига амин бўлади”.²

Шоир ижодида киноя ва юмор етакчилик қиладиган ўринларни ҳам жуда кўп учратамиз. Масалан, “Эзгулик элчиси” тўпламига кирган “Тараққиёт” номли шеърда шундай ёзади:

*Ҳайвон эканида
На гап-сўз ёйган
Ва на бир-бировин
Кузини уйган.
Сунг...
Уша ҳоллар авж олгач
Кейинги
Маймунлар одамга
Айланмай қўйган...³*

Аслида шоир инсоният маймундан яралмаганлигини жуда яхши билади, аммо киноя қилиб, одамлар орасида ёмон иллатлар кўпайганлиги учун маймунлар одамга айланмай қўйган дейди.

Шундай мазмундаги сатрларни “Ҳайвонот боғидан репортаж” номли шеърда ҳам кўришимиз мумкин:

– *Турфа ҳайвонларни
Билдим отини.
Лекин кўрмадим ҳеч
Эшак зотини.
– Эшак мижоз каслар
Кўпайиб қолиб,
Эшаклар қайгадир
Кетмиш бош олиб... (38-б.)*

Ҳайвонларнинг хусусиятлари билан боғлиқ юморга йўғрилган шеърлари: алоҳида туркумни ташкил этади, деб бемалол айтиш мумкин.

¹ Уша настр, 40-бет.

² Мансур, Зиёвиддин. Тўғрӣ. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 6-бет.

³ Мансур, Зиёвиддин. Эзгулик элчиси. – Наманган: Наманган шаҳриёти, 2008. – 48 б.

Жумладан, шоирнинг “Бешчанок инжулар” туркумидаги шеърларида ҳам шундай ҳолатларни кузатамиз:

*Туяга илк бора дуч келган одам
– Нега буйинг эгри? – айлабди хитоб,
Худди шу заҳоти зукко туя ҳам.
– Қаерим тўғри? – деб берибди жавоб.
Шунга ўхшаб кетар баъзи баҳслар. (43-б.)*

Шу туркумдаги “Таажжуб” шеърида эса булбул тилини тушунганимиз ҳолда бир-биримизни тушунмаслигимиз шоирни таажжублантиради:

*Тириклик баҳона иложин қилиб,
Ҳайвон ургатмоқнинг тонамиз йўлин,
Ногоҳ хониш келиб қолса завқ олиб,
Сўзсиз ҳис этамиз булбуллар тилин.
Баъзан тушунмиймиз бир-биримизни... (44-б.)*

Зиёвиддин Мансурнинг киноя санъати асосига қурилган “Қўчқалар фалсафаси” шеъри мантиқий хулосаси билан характерлидир.

*Бизнинг қавм ҳар вақт ризқ-рузи бутун,
Туйиниб роҳатда яйқалиб яшар.
Эшаклар меҳнаткаш булгани учун
Ҳамиша заҳматда – қийналиб яшар... (45-б.)*

Хулоса қилиб айтганимизда, шоирнинг ҳайвонлар мавзусидаги киноя ва юмор билан омухталанган шеърлари ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради ҳамда китобхонга завқ-шавқ бағишлайди.

Ziyoiddin Mansur she'riyatida ona madhi

**Dilnoza Asqarova,
kimyo kafedrası
laboranti (NamDU)**

Ziyoiddin Mansur aynan bizni tumandan. Bu uning kitobini varaqlashimga turtki bo'ldi. Shoir ishxonasidagi ota-onasining surat-yu ruhi hamma vaqt uni bolam deb, avaylab-asrashlarini mamnuniyat bilan ta'kidlaydi:

Ishxonada suratingiz bor,

*Menga razm solaverasiz.
Tiriklarday boqib ma'nodor
So'zlaganday bo'laverasiz...¹*

Barcha shoirlar ona haqida qalam tebratganda o'zining onasinigina emas, balki jamiki jon baxsh etagan zotlar timsolini yaratadilar. Shoirming lirik dostonida ham shunday.

Shoir doimo ona sog'inchi bilan yashaydi:

*Sog'inch degan ayovsiz tuyg'u
Xayollarim aylar parishon
Tushimda ham, o'ngimda ham shu
Bo'laverar onam namoyon.*

Balki shoir mazkur satrlarda o'liklar hamisha tirik degan fikrni ilgari surmoqchidir.

*Yoki : Jannatilik ramzi ekanda
Yozda yomg'ir yog'di o'shanda.*

Demak, shoir ana shu tabiat hodisasi misolida ham volidasining jannati ayol ekanligiga yana bir bor ishonadi.

Shoirming ham ota, ham onasidan ajragani, yani otasidan keyin suyangani, yo'g'-u boriga, dil-u joniga oro kirgani, mushtipar, mushfiq onadan ajralgani har qanday kitobxon qalbigaquyidagi misralar orqali etib boradi:

*Ham otam, ham onam edingiz
Suyanganim – qoyam edingiz.*

Shoir onasi timsolini mukammal chizadi:

*Yuzi shirmon onam bor edi,
Ko'zi cho'lpon onam bor edi,
So'zi biyron onam bor edi,
Siz onamni ko'rmaganmidingiz?*

Onasiga bo'lgan mehr-u muhabbatini quyidagi misralarda ifoda etadi:

*Garchand barcha ayollar go'zal,
Barcha sohibjamollar go'zal,
Lek ularning baridan afzal
Mening onam tanho edilar...*

¹ Зисвигдин Мансур Онагиним, онажоним: шэърлар. – Тошкент: Истиқлол, 2014. – 40 б

Muallif alla ohangi-yu sehrini ham mahorat bilan she'rga soladi:

*O'yinqaroq toychog'im
Allayo-alla,
Aqlligim, do'mbog'im
Allayo-alla
Tezroq o's, alp qaddingga
Allayo-alla,
To'lib ketsin, quchog'im
Allayo-alla!*

Ona duosi hamma vaqt kishini halollikka, ezgulikka yo'llaydi, bu ham ta'sirchan ifodalangan:

*Orqamda qol,
Jon bolam,
Dardimni ol,
Jon bolam,
Bo'lgin omon baxtimga
Bo'l barkamol
Jon bolam!*

Asar barcha-barchani onalarni e'zozlashga, qadrlashga chorlasi bilan ham muhim ahamiyatga ega:

*Asrab yashang dil to'ringizga,
Parvarishlang qalb-qi'ringizga,
Jannat-sizning hiziringizda
Onassi bor qadrdonlarim.*

Bir so'z bilan aytganda, doston menga juda yoqdi. Asarda shoiming onasi timsolida butun o'zbek volidayi muhtaramalari, mehrigiyo onajonlari timsoli gavdalangan.



Болалик йиллари



Ёшлик йиллари



Талъбалик – олтин давр



Ўсмирлик йиллари



Вонз минбарда



Таниқли сиёсатшунос Акмал Саидов билан




Ҳақиқат баҳсларда очилади



Сиёсатдонлар



Меҳнат қилган тақдирланади



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Сиёсий маслақдошлар



Нотик доим нутқ сўзлайди



Шоир Марғилонда Увайсий тўғарағи аъзолари билан учрашувда



Жонли мулоқот



Ижодий гурунг



Шогирдлар даврасида



Шоир Эркин Воҳидов билан



Устозлар даврасида



Шоир С.Аҳмад билан



Шоир Ҳабиб Саъдулла билан



Шукурилло билан суҳбат



З.Мансур ва Иқбол Мирзо

**ЗИЁВИДДИН МАНСУРНИНГ
“АЁЛНИНГ ҚИРҚ ЖОНИ
ҲАҚИДА” ШЕЪРИ
ТАЛҚИНЛАРИ ВА
ТАРЖИМАЛАРИ**

Шеърларидан зиё таралувчи шоир

Зоҳиджон Содиков,

ф.ф.н., доц., немис ва

француз тиллари кафедраси мудир (НамДУ)

Ривоят қилишларича Аллоҳ инсонни тупроқдан, руҳни эса нурдан яратган экан. Вақти келгач, Ҳақ таоло инсонга жон бахшида қилиш мақсадида руҳга инсон танасига киришни буюрибди. Руҳ нурдан иборат бўлганлиги учун, тупроқдан ясалган одам танасига сингишни истамабди. Шунда Худо ёқимли бир куй юборибди. Мусиканинг гўзал оҳангига маст бўлган нур лойли танага қандай қилиб кириб қолганини сезмай қолибди. Шеърят ҳам оҳанг, мусиқа билан гўзал. Агар у ҳақиқий санъат асари бўлса, ҳар қандай жонзотни ўзига маҳлиё қилиши муқаррар. Шоирлар ҳам Яратганга яқин кишилар, Аллоҳнинг суйган бандалари. Шунинг учун ҳам уларни халқ яхши кўради. Зиёвиддин Мансур ҳам ана шундай эл суйган, мухлисларини эритиб юбора оладиган даражада асарлар ёзадиган сўз санъати устаси. Зиёвиддин аканинг бир мухлиси ва шогирди сифатида у киши ижоди ҳақида икки оғиз сўз айтишни ният қилдим.

Шеърятда куй, оҳанг бор дедик. Айнан ана шу жиҳат миллат, чегара, ҳудуд танламайди. Чунки куйни таржима қилинмайди. Фақатгина чинакам мусикани таърифлайдиган сўзларнигина бошқа тилга ўтириш мумкин. Камина Зиёвиддин Мансурнинг янги, сара асарларидан бири бўлган “Аёлнинг қирқ жони”ни немис тилига таржима қилишга қўл урдим. Дастлаб мени чиқмаса керак, шеърятни бошқа тилга ўтириш учун нафақат икки тилдан, балки икки шеърятдан ҳам хабардор бўлиш, керак бўлса, шоирлик иқтидори ҳам бўлиши лозим, – деган андиша қийнай бошлади. Бироқ, шеърни қайта-қайта ўқиганим сари унинг оҳанги, мусикасини немис тилида ҳам бериш имкониятлари очила борди. Таржима тилидан бир-бирига яқин маънодаги, қофиядош сўзларни излашга, бир нуқтада бирлаштиришга, аслиятдаги шаклдан қочиб унинг маъносини ўз оҳанги билан таржима тилида беришга интила бордим. Устоз Ғайбулла ас-Саломнинг “Шакл жилвакор, маъно устивор” ёки “Шеърят таржимасида оҳангдошлик, эквиритмия марказий ўринда туриши керак” деган ўғитлари қулоғим тагида доимо жаранглаб турди.

Немисларда насрий таржима – *die Uebersetzung*, яъни *ўтказиш*, *ўгириш* дейилса, шеърий таржима эса алоҳида сўз билан *die Nachdichtung*, яъни *қайта яратиш* деб номланади. Шунинг учун ҳам шеърият таржимасининг анчагина душворликлари бўлиши табиий.

Зиё Мансур ўзини хайратга солган, таажжублантирган воқеа-ходисаларни ифодалаш учун бир-бирига маънодош сўзлардан маҳорат билан, ўз ўрнида фойдаланадиган шоир. “Аёлнинг қирк жони” да қуйидаги бадий кашфиётларга дуч келамиз: қадимий – кўхна, қачонлардир – қайсидир замон, ҳазрати Одам – Одам ато синонимларини немис тилига *weder Wahre noch alte* (на рост, на қадимий), *Irgendwann und in irgendwelcher Zeit* (қачонлардир, қайсидир вақт), *Adam, der geehrte Adam* (Одам, ҳазрати Одам) тарзида таржима қилдик.

Шеъриятда оҳангнинг бирламчилиги таржимада ҳам ўз кучини йўқотмайди. Шу боис қофия, оҳанг яратиш йўлида аслият умумий маъносига путур етказмаган ҳолатда таржима тилида турли мақомдаги сўзлардан танлаш мушкулоти пайдо бўлади. Жумладан, Зиёвиддин Мансур аслиятида шундай сатрлар бор:

*Танҳо яшаш осонмас ахир,
Ёлғизлик минг кўйларга солмиш,*

Турмуш

Юрмиш,

Утирмиш,

Охир

Одам ато зерикиб қолмиш.

Шундан кейин Эгам дафъатан:

Жуфтламоқчи бўлмиш Атони

Ва унинг чап

қовурғасидан

Яратганмиш Момо Ҳавони.

Немисча таржимаси:

Einsamkeit ist eigen nur zum Gott,

Nach langen

Stehen,

Gehen,

Und Sehen

Endlich

*War Adam vom Langweilen zu Satt.
Danach hatte der Allermächtige
Guter Ding - Adam getan,
Und schuf Er von seiner linken Rippe
Die geehrte Fraeulein Eva-chan.*

Агар немисча таржимада қўлланган сўзларга эътибор берадиган бўлсак, аслиятдаги *Эгам* сўзи таржимада икки ўринда, турли синонимлар билан *Gott* (*Худо*) ҳамда *Allermächtige* (*Қодир*) сўзлари ишлатилган. Мазкур муаммо буйича қуйироқда яна тўхталамиз. Бундан ташқари, *турмуш*, *юрмиш*, *утирмиш*, *охир одам ато зеркиб қолмиш* ўрнига *Nach langen Stehen, Gehen, Sehen endlich war Adam vom Langweilen zu Satt*, яъни, *узоқ муддат туриш*, *юриш ва тамошо қилиб*, *ниҳоят Одам ато зеркишдан тўйиб кетибди*, – дейилади. Шеърни рус тилига таржима қилган Розахон Казакбаева эса *Творение Божие гибнет от скуки* (Худонинг яратгани зеркишдан ўлибди), ёш шогирдимиз Дилмурод Жумабоевнинг инглизча талқинида эса *Adam was bored out of his mind* (Одам ўйлайверишдан тўйибди) дейилади. Момо Ҳаво эса, немисчада ҳам ўзининг шарқоналигини сақлаш учун *Eva-chan* бўлишига ҳаракат қилинган.

Зиёвиддин Мансур Яратганнинг гўзал номларини шеърлари шодасига худди марвариддай бирма-бир териб чиққандай. Бу жиҳат таржимага ҳам масъулият юклайди. Аслиятдаги *Эгам* ни – *Gott* (*Худо*), *Er* (*У*), *der Herr* (*Жаноб*), *Ҳақни* – *der Herr* (*Жаноб*), *Худойим* – *mein Gott* (*худойим*), *Аллоҳ* – *der Herr* (*Жаноб*) тарзида немис тилида қайта яратилди.

“Аёлнинг қирк жони” шеърда ҳақиқатдан ҳам қирқта жон, хусусият тўғрисида гап боради. Қизиғи, бу жиҳатларнинг барчасини немис тилига айнан угириш душвор. Чунки бундай “жон”ларни улар узгачароқ талқин қиладилар. Аниқроғи, унинг: ойдан кўрқу тароват – *Schoenheit Mondes Strahlen* (ой нури гўзаллиги), қуёшдан оташ-ҳарорат – *Sonnenfeuers Wärme* (қуёш оловидан ҳарорат), Аршдаги саришталикни – *Aus Himmel die Sauberkeit* (осмондан озодаликни), Фариштадан фаришталикни – *Engels Benehmen* (фаришта хулқини), юксак тоғдан бардош ва қаноатни, сўнг палахмон тошини – *Das Geduld und Langmut gaben die Bergen, wie großer Bergstein* (тоғлар унга бардош қаноатни ҳамда палахмон тошини бердилар), чамандан хуш бўй ва чаман – *Zauber*

und reizen Duft (сехр ва хушбўй хид), асалларидан бол – von der Biene der Hoenig (асалларидан асални), захар – Gift (захар), ишк деган гавҳар - die Liebe wie Saphir (мушк каби севги), чаёндан араз ва рашкни - Als Mittel der Eifersucht und Zanke Skorpion schenkte ihr die Spitze (рашк ва араз қилиш учун чаён унга нишини берибди), эчкидан жаврашни - Ihr Schwatzen gab ihr die Ziege (жаврашни унга эчки берибди), жасурликни шердан, мулойимликни қуёндан - Mut und Weich vom Loewe und Kraminchen (жасорат ва юмшоқликни шер ва қуёндан олибди), итдан олмиш вафодорликни – Vom Hund nahm Sie die Ergebigkeit (садоқатни итдан олибди), Хуркакликни оҳудан олмиш - Die Schrecken von den Gaselen (қўрқувни оҳудан олибди), мусичадан беозорликни – Die Turteltaube gab ihr Harmlosigkeit (мусичадан беозорликни), тишларини дур-инжудан олмиш - Und die Zaehne nahm Sie von Perlen (тишларини марвариддан олибди), яногини лоладан – Die Tulpen geben ihre Wangenhein (лолалар ўз яноқларини берибдилар), дудоғини олмиш гунчадан – Von Rose nahm Sie die Lippe (лабларини атиргулдан олибди), қабоғини бодомдан – Vom Mandel einen Blick wie Sonnenschein (кулиб турган қуёшдек қарашларини бодомдан олибди), отдан тақимини ўпадиган сочни – von Pferdes Maehne bis in die Knie langes Haar (тавонигача тушадиган узун сочни от ёлидан олибди), қўзларига қадамиш мунчоқ - Dem Augen knüpfte sie die Perlen (қўзларига мунчоқ қадабди), лабларига суркамиш гилос – Für die Lippen der rote Suessskirsch (лаблари учун шириг гилос), Мехри илиб пардозлаган чоғ, аёл гулдай очилмиш қийғос - Wenn Sie schön macht vor dem Spiegel, blühte Sie wie ein Wilder-Hirsch (ойна олдида пардоз қилганда худди оҳу каби яйраб кетади) тарзида берилган. Чунки таржима ҳам бир санъат.

Бир сўз билан айтганда, Зиёвиддин Мансур овози икки дарё оралиғида қолиб кетмай, дунёга тарқалиши, унинг гўзал шеърятидан барча баҳраманд бўлиши керак. Биз таржимонлар эса устозларимизнинг “Шакл жилвақор, маъно устивор” деган ўғитларидан оғишмаган ҳолда ўз ишимизни янада пухтарок амалга оширишга интилишимиз лозим. Бизнинг ишимиз янада илгарिलाши учун халқимизнинг ардоқли шоири янги-янги асарлар ёзиб турсалар айни муддао бўларди.

Аёлнинг энг гўзал таърифи

Дилфуза Тожибоева,
катта ўқитувчи (НамДУ)

Дунёда миллатлар кўп. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос бадиий адабиёти бор. Халқнинг аҳволини билмоқчи бўлсанг унинг адабиётига назар солмоқликнинг ўзи кифоя. Ҳақиқий шоир биринчи навбатда ўз она халқининг дардларини куйлайди. Халқи, миллати бахтли, осойишта бўла олгандагина шоир бахтни куйлашга ҳақли.

Истеъдодли ижодкор Зиёвиддин Мансур ижодида гоҳида давлат мустақиллигини шоду хуррамлик билан кутиб олган, танлаган йўлининг нақадар тўғри эканлигини англаб етган лирик қаҳрамон тимсолини, гоҳида эса бахтидан мамнун озод ва обод юртнинг эркин фуқароси образини учратамиз. Шоирнинг ўзига хос услуби, ўзига хос ижод йўли бор.

Шоирнинг янги “Аёлнинг қирқ жони ҳақида” ривояти ўзбек адабиётида ўзига хос янгилик бўлди, десак муболага бўлмайди. Аслида ривоятда келтирилган Одам Атонинг чап қовурғасидан Момо Ҳавонинг яратилиши ва унга қирқ унсурдан жон ато этилиши ҳикоя қилинади. Аёлнинг қирқ жони борлиги ҳақидаги гап аслида янгилик эмасдир, лекин ана шу қирқ жон нимадан иборат эканлиги ҳақидаги фикр ҳали ҳеч қайси халқлар адабиётида мавжуд эмас. Яратган аёлга жон ато этишда асаларидан бол, илондан айёрлик, итдан вафодорлик, мусичадан беозорлик каби хислатларни олади. Аёл яногини лоладан, дудогини ғунчадан, тишларини дуру инжудан яратади. Хуллас, қирқ унсурдан аёлнинг қирқ жони пайдо бўлади. Дарҳақиқат, ривоятда келтирилган фикрлар ҳар қандай инсонни чуқур ўйлашга, мушоҳада юритишга қўрқайди. Аёллардаги мавжуд латофат, сабр-бардош, айёрлик, вафодорлик, самимийликнинг келиб чиқиш сабабларини излай бошлайсиз:

*Бир замонлар борлиқда Худо,
Бунёд айлаб қўрксиз дунёни,
Унга чирой этсин деб ато,
Бино қилмиш Одам Атони.
Танҳо яшаш осонмас ахир,
Елғизлик минг куйларга солмиш.
Турмиш.*

Юрмиш,
Ўтирмиш,
Охир

Одам Ато зерикиб қолмиш.
Шундан кейин Эгам дафъатан:
Жуфтламоқчи бўлмиш Атони
Ва унинг чап қовургасидан
Яратганмиш Момо Ҳавони.¹

Ривоят муаллиф тилидан ҳикоя қилинади. Яратган қовургадан яралган Момо Ҳавога сайқал бериш учун қирк унсур қўшади. Айниқса чамандан олинган “хуш буй ва чирой” аёл кўркини ва тароватини янада ошириб юборади. Унинг ҳусну чиройи мисоли Ойдек ёғду сочади. Асарда ўхшатиш, муболага каби тасвирий воситалардан ҳам ўринли фойдаланилган:

Ундан сунг Ҳақ боқиб чаманга
Олмиш ундан хуш буй ва чирой.
Шу иккиси сингиб баданга,
Аёл бўлмиш мисли тўлин Ой!²

Шеърятни муболагасиз, пича ёлгонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аслида муболага ва ёлгонларда ижодкорнинг орзулари, фантазиялари ётади. Шоир ўз тасаввурларига ишонтира олгандагина ҳақиқий шеър пайдо бўлади. Шеърнинг шеърдан, ижодкорнинг ижодкордан фарқи ҳам шунда бўлса керак. Ҳаёт фалсафасини теранроқ англаб етиш, уни шеърга сола билишнинг ўзи шоирнинг философ эканлигини инкор қилмас эди. Зиёвиддин Мансурнинг бу ривоятидаги оддий сўзлардан таркиб топган мисралар катидаги оддий ҳаёт фалсафасининг таъсир кучи вужудингизни титратиб юборади. Мана ўша шоир англаган ҳақиқат:

Муъжизани қаранг, дуст – ўртоқ,
Бу – илоҳий қудратга асос:
Қаранг,
Қаранг,
Банда яратмоқ
Фақат Аллоҳ ва
Аёлга хос!³

¹ Зиёвиддин Мансур. “Аёлнинг қирк жони ҳақида”. “Наманган ҳақиқати”. 2014 йил 8 март. № 20.

² Зиёвиддин Мансур. “Аёлнинг қирк жони ҳақида”. “Наманган ҳақиқати”. 2014 йил 8 март. № 20.

³ Зиёвиддин Мансур. “Аёлнинг қирк жони ҳақида”. “Наманган ҳақиқати”. 2014 йил 8 март. № 20.

Аллоҳ ва Аёл – оламнинг яратувчилари, мавжудлик сабабчилари. Аёлсиз бу дунёни тасаввур этиб бўлмайди. Аёл яратилишидаги қирқ унсурнинг мўъжизакор кучи аёлни мукаммал яратди. Аёлга қирқ жон бахш этди. Шунинг учун бўлса керак аёлнинг қирқ жони бор дейишади. Аёлга берилган бундай баҳонинг изоҳига ҳожат йўқ:

Хуллас, воқиф бўлдингиз сирдан,

Асли энг зўр мўъжиза бу иш –

Озмас, кўпмас

Қирқта унсурдан

Аёлниг қирқ жони яралмиш.¹

Шоир ривоятда халқ оғзаки ижоди намуналаридан ҳам унумли фойдаланади, яъни халқ орасида юрувчи ҳазиломуз жумлаларни моҳирона қўллайди:

Афсус,

Афсус!

бир ҳолат, бироқ...

Салгина завқ,

Салгина хатар:

Бирига бол қушилмиш кўпроқ,

Бирига сал кўп тушмиш заҳар...²

Маълумки табиатан юмшоқ феълли, ширин сўз аёлларни “тилида боли бор экан” – дейишади. Аксинча, уришқоқ, кибрли аёлларни эса “ тили заҳар” – дея таърифланади. Шоир қайта – қайта афсусланар экан, “салгина завқ, салгина хатар” – дейди. Чунки у фидойи, меҳрибон, вафодор ва самимий ўзбек аёлларини фақат мукаммал кўришни хоҳлайди.

Юмор ва сатирага бой бўлган ўзбек эркаклари орасидаги аёллар борасидаги ҳазил билан йўғрилган гапларнинг ривоятда келтирилиши шоирнинг ўзига хос маҳоратини ифодалайди:

Шундан бирин этиб болга лиқ,

Заҳарга лиқ этмиш қай бирин –

Аччиқлари аччиқдан аччиқ,

Ширинлари шириндан ширин!³

Аския жанрида аёллар алоҳида мавзу ҳисобланади. Аскияларда доимо оилада аёлнинг “устуналигига”, “аёлидан

¹ Зиевддин Мансур. “Аёлнинг қирқ жони ҳақида”. “Наманган ҳақиқати”, 2014 йил 8 март, № 20.

² Зиевддин Мансур. “Аёлнинг қирқ жони ҳақида”. “Наманган ҳақиқати”, 2014 йил 8 март, № 20.

³ Зиевддин Мансур. “Аёлнинг қирқ жони ҳақида”. “Наманган ҳақиқати”, 2014 йил 8 март, № 20.

қўрмайдиган эркакнинг йўқлигига” ишора қилинади. Шоир ривоятда ана шу халқ орасидаги гаплардан фойдаланишга ҳаракат қилар экан, “аёлидан қўрқадиган” эркакнинг сабабларини излай бошлайди. Бунга сабаб эса унинг қирқта жони мавжудлигидадир, дея исботлашга уринади:

*Тагин бир гап:
Асли хотиндан
Қўрқмас эркак борлиги гумон,
Уйланг,
Енга оларми чиндан
Қирқ жонни
Бор – йўғи битта жон?!¹*

Иктидорли шоир ривоятда аёлларнинг ранг-баранг қиёфаларини чизади. Доно ва нодон аёлларни солиштирар экан, “Доносига вафони тутди, Нодонига тутди жафони”- дейди. Шоирнинг назарида қандай бўлса ҳам барибир эркаклар мана шу аёллар билан бахтли. Чунки оилани, жамиятни аёлсиз тасаввур этиб бўлмайди. Гарчи унинг олами сиру синоатларга бой бўлса ҳам аёл қалбига йўл топа оладиган, унинг “қулфини” оча оладиган фақат эркаклардир. Шоир аёлни “қулф”га эркакни “калит”га ўхшатади:

*Лек бахтлидир шу бир урфга
Ўзин иқрор қилолган эрлар:
Аёл, - деган олтин қулфга
Олтин калит бўлган эрлар.²*

Маълумки, халқ орасида “Аёлнинг макри қирқ туяга юк бўлади”- деган иборалар бор. Шоирнинг назарида мана шу юкни ҳар бир эркак кутаришга мажбур ва маҳкум:

*Яна айтмоқ керакки таҳсин,
Бу ҳам эмас ҳазил ё эртак:
Қирқ туяга юк аёл макрин
Кутаришга маҳкум ҳар эркак.³*

Ижодкор назарида шу сабаб ҳам эркак аёлга “қул”дек кўринади ва ҳайратга соладиган жумлалар пайдо бўлади.: “Аёлни ишқ салтанатига, Белгиламиш: Ҳақ этиб подшоҳ”. Ижодкорни ҳайратлантирган бу ҳолат эса аёл ва эркак ўртасидаги ишқ

¹ Зиевддин Мансур. “Аёлнинг қирқ жони ҳақида”. “Наманган ҳақиқати”, 2014 йил 8 март, № 20

² Зиевддин Мансур. “Аёлнинг қирқ жони ҳақида”. “Наманган ҳақиқати”, 2014 йил 8 март, № 20.

³ Зиевддин Мансур. “Аёлнинг қирқ жони ҳақида”. “Наманган ҳақиқати”, 2014 йил 8 март, № 20

муҳаббат муносабатларида, аёлнинг ишқ салтанатига подшоҳлигида ва эркакнинг унга "қуллиги" да эди.

Зиёвиддин Мансур бу асарини ривоят деб номлаган бўлса ҳам, сатрлар тубидан ҳақиқат топиш мумкин. Ижодкорнинг самимий сатрларида оламни безаб турувчи гўзаллик ҳам, уни сақлаб қолувчиси ҳам, эркак, аёл, фарзанд деган тушунчаларни бирлаштириб турувчи қудратли куч ҳам мана шу биргина аёлдир.

Шоирнинг "Аёлнинг қирқ жони ҳақида"ги ривоятидаги самимий сатрлари миллат ва элат танламайди, чунки аёл қандай миллатга мансуб бўлишидан, қандай тилда сўзлашишидан қатъий назар аёллигича қолади. Бу ривоят ҳали жуда кўп тилларга таржима қилинишига, дунё оналарининг, дунё аёлларининг энг яхши шеърига айланишига ишонаман.

*Аёлнинг қирқ жони ҳақида
Ривоят*

*Бу на мавжуд эски ҳикоят,
На қадимий - кўҳна ақида.
Бу - тамоман янги ривоят
Аёлнинг қирқ жони ҳақида:*

*Қачонлардир - қайсидир замон
Эгам бунёд айлаб оламни,
Булсин, -дея унга ҳукмрон
Яратмиш Ҳазрати Одамни.*

*Танҳо яшаш осонмас ахир,
Ёлғизлик минг куйларга солмиш.
Турмиш,
 Юрмиш,
 Утирмиш,
 Охир
Одам Ато зерикиб қолмиш.*

*Шундан кейин Эгам дафъатан:
Жуфтламоқчи булмиш Атони
Ва унинг чап қовурғасидан
Яратганмиш Момо Ҳавони.*

*Не учун чап қовурғасидан?
Қойил, Эгам!
Офарин!
Таҳсин!
Ахир қай зот бермас шунга тан:
Чап қовурга юракка яқин!*

*Эгам яна айласа тусмол,
Янграгандай булмиш шундай сас:
- Қовурганинг узидан аёл
Яратганинг етарли эмас!*

Шундан кейин бир ойжамолни,
Яратай, – деб Эгам бошлаб иш,
Қовурғани – яъни аёлни
Сайқаллаш чун қирқ унсур қўшмиш:

Дастлаб Ойга маҳлиё бўлиб,
Олмиш ундан кўрку тароват.
Кейин эса Қуёшдан олиб,
Қўшмиш унга оташ – ҳарорат.

Аршдаги бор саришталикни
Аёл учун айламиш – да бахш
Фариштадан фаришталикни
Бошдан – оёқ қилиб қўймиш нақш.

Олиб юксак тоғлар бардошин,
Бермиш унга қаноат қилиб.
Сўнг бошига палахмон тошин
Бахш айламиш саодат қилиб.

Ундан сўнг Ҳақ боқиб чаманга,
Олмиш ундан хуш бўй ва чирой.
Шу иккиси сингиб баданга,
Аёл бўлмиш мисли тўлин Ой!

Сўнгра Эгам асаларига
Боқар экан олмиш ундан бол.
Қираркан бол вужуд қаърига
Қаранг,
Болга айланмиш аёл!

Бол, – дея еб қўймасинлар, – деб
Сурмиш пича тилига заҳар.
Сўнг васлига тўймасинлар, деб
Бахш айламиш
Ишқ деган гавҳар.

Булса, – дебон аразчи, рашкчи,
Нишин тортиқ айламиш чаён.

Жаврашини бахш этса эчки,
Аврашини илинмиш илон.

Давом этиб яна Худойим,
Хислатларни йигиб ҳар ёндан
– Булсин жасур ҳамда мулойим, –
Деб руҳ олмиш
Шердан,
Қуёндан.

Итдан олмиш вафодорликни,
Хуркакликни оҳудан олмиш.
Мусичадан беозорликни,
Тишларин дур – инжудан олмиш.

Яногини лоладан,
Қирмиз
Дудогини олмиш зунчадан,
Қабогини бодомга эгиз
Айлаб,
Танин этмиш гулбадан.

Тимсол булсин, – деб иқболидан,
Етмасин, – деб бахтига қулоч
Совға қилмиш отнинг ёлидан
Тақимларин упадиган соч.

Қузларига қадамиш мунчоқ,
Лабларига суркамиш гилос.
Меҳри ийиб пардозлаган чов,
Аёл гулдай очилмиш қийғос.

Хуллас, воқиф булдингиз сирдан,
Асли энг зур муъжиза бу иш –
Озмас,
Қупмас
Қирқта унсурдан
Аёлнинг қирқ жони яралмиш.
Шу тариқа қиймга этиб,

Яшнаб кетмиш бу кўркисиз олам
Яъни убдон ҳафсала этиб,
Аёл зотин урчитгач Эгам.
Афсус, афсус!
Бир ҳол сал чатоқ...
Салгина завқ,
Салгина хатар:
Бир аёлга бол қўшмиш кўпроқ,
Бирига Ҳақ кўп қўшмиш заҳар...

Шундан бирин тўла болга лиқ,
Заҳарга лиқ этмиш қай бирин –
Аччиқлари аччиқдан аччиқ,
Ширинлари шириндан ширин!

Тагин бир гап:
Асли хотиндан
Қўрқмас эркак борлиги гумон.
Уйланг,
Енга оларми чиндан
Қирқ жонни
Бор-йўзи битта жон?!

Боз устига аёлга худди
Рамз этгандай дузах-маъвони
Доносига вафони тутди,
Нодонига тутди жафони.

Лек бахтлидир шу бир урфга
Ўзни иқрор қилолган эрлар:
Аёл, деган олтин қулфга
Олтин калит булолган эрлар

Яна айтмоқ керакки таҳсин,
Бу ҳам эмас ҳазил ё эртак:
Қирқ туяга юк аёл макрин
Кутаришга маҳкум ҳар эркак.

Шу боисдан эр қисматиға

Ёзмиш абад қулликни,
Эвоҳ!
Аёлни ишқ салтанатига
Белгшламиш Ҳақ этиб подшоҳ!

Чунки айлаб илтифот,
Карам,
Бергач ишқнинг муътабар тахтин
Аёлга бахш айламиш
Эгам
Ўғил- қизлар яратмоқ бахтин!

Муъжизани қаранг, дуст – уртоқ,
Бу – шлоҳий қудратга асос:
Қаранг,
Қаранг,
Банда яратмоқ
Фақат Аллоҳ ва
Аёлга хос!

Ҳавойшлик бўлмиш шундан зеб,
Шундан исми аталмиш Ҳаво.
Бирга яйраб –
Яшнасинлар, - деб
Қурмиш Одам Атога раво.

Ҳаво қуркин қурибоқ Одам,
Енга чорлаб бир имо қилмиш.
Момо Ҳаво эшилиб шинам,
-Ўзинг кел!- деб таманно қилмиш.

Кел - э! - дея урганда-ку дуқ,
Келарди у –
Турганди зурга.
Ато ундай қилмаммиш
Йуқ,
Йуқ!
Чопиб бормиш
Мисоли йурга.

Ана холос!
Водариз!
Эвоҳ!
Иш ортди-да,
Ҳатто бизга ҳам...
Бу ишингиз савобми,
Гуноҳ –
Не қилдингиз,
Ҳазрати Одам?!

Уша – уша
Эрлар бериб тан
Эргашамиз аёлга, қизга
Чунки улуғ Одам Атодан
Шундоқ қисмат меросдир бизга.
Майли,
Яшнанг,
Қизлар,
Аёллар!
Қирқ жонингиз
Ҳеч бўлмасин кам.
Эрлар...
Булиб қолсак – да чоллар,
Ортингиздан қолмайлик
Биз ҳам!

Зиё Мансур

Откуда у женщин сорок душ

(Баллада)

Перевод с узбекского языка
Роза Казякбаева

То не старая сказка сказалась,
Я поведаю вам, ладно уж,
Как у женщин наших оказалось
Богом данные, сорок душ.

Всевышний нашу Землю навестил,
Красиво, видит Бог, везде, но пусто.
И тут же Адама Господь сотворил
Из глины, замешенной густо.

Но жить одиноко не просто совсем,
Без пары ты малого стоишь.

Немного

Походишь,

Чуть-чуть

Полежишь

И волком, тоскуя, завогнешь.

Создатель воспринял Адамовы муки:

Творение Божие гибнет от скуки.

Промолвил Господь: «Дать по сему

Из левого рёбрышка деву ему!»

Зачем же из левого?

Честь Вам, Создатель!

Неужто тебе непонятно, приятель?

Не следует видеть здесь

Бога осечку:

Ведь левое рёбрышко

Ближе к сердечку!

Но смотрит Господь: хоним из ребра

Худа, кривовата, в ней мало добра.

– Совсем не подходит она праотцу...

Такое творенье ему не к лицу!

Тут Бог огляделся: планета Земля

Сияла, как рай расцветая...

Решил Он: «Я в деве смогу воплотить

Штук сорок достоинств из рая!»

По Бога приказу ночное светило

Улыбку девы тайной осветило.

А Солнце, в небесах сияя,

Зажгло в лице веселье мая.

*Небожительница дева научила,
Придавать словам очарованье
А у пери дева получила
Свойство неземного обаянья.*

*Бог выдержку взял у заснеженных гор,
И женщина многое терпит с тех пор.
Везенье принёс ей от пращных камней,
Удача – от женщин, а те вслед за ней.*

*Господь оказался среди свежих лугов,
Послал деве запах и яркость цветов.
Теперь она духом подобна весне,
Сверкающим взглядом подобна Луне.*

*Пчёлы поили праматерь нектаром,
Сделали так они вовсе недаром.
Соку альпийских лугов налилась,
Словно медвяной росой налилась.*

*Чтобы не было напасти,
Не должно быть много сласти.
Деве ротик Бог открыл,
Крошку яду положил.
Зажигая страсти пламень,
Вправил в сердце ярый камень.*

*Уж если участвует дева в раздорах,
Как скорпион жалит всех без разбора.
Ей склоки коза отдала, не жалея.
Соблазну она научилась у змея.*

*Взлетел Господь превыше облаков,
Он когти отъял у парящих орлов.
На пальчики их дева прикрепили,
Чтобы держали цепко изобилье.*

Бог первым в мире ювелиром стал,
Из недр камня, золото достал.
Заиграли на пальцах опалов мотивы,
Засяли в ушах серёг переливы.

Ещё два достоинства Бог ниспослал:
Он деве
Решительность льва даровал.
Но тихой ласке милая девчонка
Научилась
У душки-зайчонка.

Стала дева, как собака, верной,
И как лань, пугливой, чуткой, нервной.
Кротость забрала у голубей.
Зубки стали жемчугов милей.

Щёки как тюльпаны заалели,
Губки как бутоны потеплели.
От миндаля
Взяли форму веки.
Стала девушка
Красавицей навеки.

Творенье Божие счастья достойно.
Взять гриву кобылы не очень пристойно.
Но всё ж Его мнение без перемен:
Быть локонам девы ниже колен!

Для девы трели певчих птиц забрали
И речи благозвучие придали:
Как будто в горле горлинка воркует,
А запоёт – как соловей чарует.

Над влажным лугом радуга встаёт,
Но радуге атласный блеск плывёт.
Бог деве радугу с небес совлёк,
Как гурию, её в шелка облёк.

Чёрными бусами блещут глаза.
Алой черешней смеются уста.
Девушки краше теперь не найдёшь,
Хоть сотню галактик ты обойдёшь.

В итоге, читатель, я в общих чертах
Поведал о чуде, что сделал Аллах—
Не много,
Не мало,
Точно в меру,
Сорок душ вложил Он в деву
Себе на славу, нам к примеру.
Завершено прекрасное создание,
Ликует, радуется мирозданье!

Осталось только по планете дев
размножить.
Тут что-то стало Господа тревожить.
Увы, в твореньях
Обнаружился изъян:
Одни их женицин перебрали мёду,
И тем облагородили породу.
Другим достался яд, скандал, обман.

И хочешь ты или не хочешь,
Тусклей твоя жизнь или ярче,
Горькая горького горче,
Сладкая сладкого слаще.

Ещё несуразица вышла потом:
Зря ведь мужчины храбрыя —
С древних времён истина в том,
Что все они женицин боятся.

Своей любимой страшится жены
И самый отважный муж.
Понятно: она — один человек
А в рукаве сорок душ.

Мужьям всегда помнить надо
Премудрых назидания:
Измена жены – символ ада,
Верность жены – признак рая.

Воистину удачлив тот мужчина,
Кто вовремя отыщет половину,
Кто к деве ключик золотой найдёт,
И золотой замочек отпрёт.

Вот сорок верблюдов идут караваном,
Хуржуны наполнены женским обманом.
И весь этот груз – непреложный закон –
Мужчина один выносить обречён.

Будет в рабстве по этой причине
В государстве любви мужчина.
И никуда не денешься, приятель,
Ведь падишах в том царстве –
Сам Создатель.

Особую милость Аллах оказал,
Мальчишек-девчонок на Землю послал.
Бог женщинам даёт детей на счастье
И в хорошую погоду, и в ненастье.

Читатель, посмотри на чудеса,
На Божью мощь
Открой глаза:
Лишь могуществом
Бога и женщин
На свете
В мире бренном
Создаются дети.

Итак, закончен труд.
Легка и воздушна, в очах огонёк,
Красавицу-деву Бог Евой нарёк.

Еву Господь праотцу посылает:

— «Чистую жизнь

Пусть вдвоём начинают!»

Стоит красавица

Под дивной смоковницей

Узрел её Адам, манит десницей.

Но Ева-кокетка себе на уме:

— Иди-ка, дружочек, сам ты ко мне!

— Иди сюда! — вскричал Адам.

Но та жеманилась,

Как принято у дам...

Тут прародитель маху дал —

Не выдержал, сам побежал...

Нет, я не так сказал!

Наш древний первый аксакал

Галопом

К милой поскакал

Привольно жил он раньше

Без заботы.

Теперь ему прибавилось работы.

Увы, и нам...

В крови мужчин зажглась

Любви отвага...

Не знаем мы, грех это

Или благо?

Ты что наделал,

Праотец Адам?

Увы, с тех пор и повелось:

Мужьям и отцам

Подчиниться пришлось

Не только жёнам, даже дочкам.

Судьба нелёгкая —

Адамово наследство,

Переменить её нет средства.

Что ж,
Расцветайте,
Женщины
И девы,
И дай вам Бог
Души не уронить,
И всем дай, Боже,
Под мои напевы
До глубокой старости
Дожить.

Ziyoviddin Mansur

A story about forty souls of the Woman

Translated by Dilmurod Djumabayev

*This is not an ancient myth,
Neither a legend of the Roman.
My new-found story about
Forty souls of the Woman.*

*In the universe a long ago
Unsightly world created God.
And All-mighty shaped Adam,
To be on Earth the bright spot.*

*It is not easy to be alone,
Lonely he was in life this kind.
No living creature to talk around,
Adam was bored out of his mind.*

*The Lord said, "It is not good for him,
A partner, helper him I will give."
And took Adam's part: his left rib,
To create first woman that was Eve.*

*Why the left rib?! God is All-knowing:
He created all things well, no doubt.
Left rib is the nearest to the heart:
"God is All-wise!" we should call out.*

*God thoroughly looked the Woman:
"Not a mortal satisfying deep".
Decided God some features to add
To perfect the Lady of the rib.*

*Thus God, All-mighty began His work,
The ideal Woman was the aim.
Forty add-on features to the rib,
Result of all was a perfect Dame.*

*First God added beauty and good look
That He found and took from the Moon.
Hot-blood, emotions all from the Sun,
So God went on refining Eve soon.*

*He gifted her neatness of Throne,
This change made Eve tidy and clean.
Angels' nature were lavished her,
Make Eve ideal God was very keen.*

*Mountains' great patience He added -
Became able she wait calmly long.
The Lord gave her solidness of rock,
This made Eve's mind very strong.*

*Sweet smell and beauty of flowers
God took both from Garden of Eden.
When these two ran at her blu blood,
Eve's beauty envied Moon even.*

*God pointed the view at the Bee,
And for her took honey flowing.
What a great decision this was:
It made Eve so sweet and loving.*

*"Men may eat her as she 's so tasty, " -
A bit poison God put on her tongü.
But added her feel of love a lot,
So that her always serenades sung.*

*A claw her presented the Crab,
Eve received caprice-jealousy shake.
Rambling was taken from Goat,
Charming was the gift of the Snake.*

*God designed hands and feet of Eve
As the means of rearing bumper crop.
From the Eagle that flied on high
Her He nails took, and so she at top.*

*To her fingers and then God gave rings,
With the wish that they would turn gold.
And He put on pair of earrings her,
Thus her look was pleasure to behold.*

*God went on to collect things for her,
Suitable all that possibly be.
Her courage was spirit of Lion,
From Rabbit got her softness she.*

*Dog gave her the sense of devotion,
Shyness of Eve taken from Deer.
Her calmness from Turtledove,
And pearls string instead her teeth.*

*Her eyelids were almond shaped,
From the petals of flower her lips.
Figure of Eve 's great beauty
Imitated glamour of tulips.*

*Then the Lord took the Horse 's mane,
Gave them Eve as hairs length of knee.*
As the symbol of her great delight,*

And showed her His infinite mercy.

*The next move of the All-mighty
And eyes of Eve became sapphire.
A lovely Flower instead of Woman:
Oh Adam, what you felt, sire??...
The Lord took the smell of Nature,
And gave her this nice, lovely odor.
Then gathered amazing birdsong,
Woman with this got exciting more.*

*"What more to add?" – God weighed all up,
Shade and colors from the Rainbow,
Sheer beauty and grace of the angels,
This adds made Eve so suited to bow.*

*This is almost all about Eve,
Now you hold the truth her about.
To create a mortal of forty souls,
Great and magic, beyond any doubt.*

*When the Lord's work came to the end,
Introduced He her to the Man.
This started a new age of life,
The Earth faced major changes then.*

*One problem, a technical hitch,
God to the some features overdid:
Added one poison more than need,
To other put honey beyond her limit.*

*That's why ones are sweetened much,
And the others are like poison oak.
Sweet women sweeter than honey,
Bitters for men are just their yoke.*

*And what's more, there is no husband,
Not scared of his wife, believe!
Think, how man with a soul can oppose*

A woman of forty souls that is Eve?

*Another thing, through the women
Heaven and Hell God wanted to show:
With good of them days are full of joy,
With bad women life is under snow.*

*But happy the men who is in belief
With the written below golden rule:
To win woman's hearts and minds
Is the sole way to the bonds loveful.*

*One more point should be stated else,
Be in earnest, it is not a tale:
Men should stand for tricks of women
That is freight for ten wagons on rail.*

*For this reason, the destiny of man
Forever be slave in Woman's reign.
God's decision to set her to rule
The Empire where love always shine.*

*This is for her not a simple crown,
God, All-knowing had a big target:
She has power to child birth to give,
So never stops life on the Planet.*

*Is not this essence of Creation,
Nine months a baby to lift?
Only the Lord and the Woman have
Ability new lives to gift.*

*Such ideal Woman He shaped
And named so perfect mortal Eve.
For Adam she was intended, hence
God let them for life together live.*

*When Adam saw her beauty first,
He signaled her closer to come.*

*However, Eve turned on the charm,
Her appeal blew his mind some.*

*He could shout and she'd surely come
She, the Woman was just waiting this.
Nay, nay, Adam did not made her move,
Instead, he dashed up her at ease.*

*Oh, oh Adam, look what you have done,
What a headache you caused for us!
Was it good or bad for future sons,
It is always matter of discuss!*

*Since that event, beyond dispute
We men always follow women.
As this is the left by Adam fate,
Not accept his trodden path is sin.*

*Oh, ladies! All the will of God!
Such style of life may last forever!
We men good and ready follow you
At advanced age and pause never!*

VIERZIG SEELE DER FRAU

Übersetzung vom Usbekischen
Dozent Zohid Sadikov

*Das ist keine alte Legende,
Weder wahre, noch alte Treu.
Es ist für uns ganz neue Sage
Über vierzig Seele der Frau
Irgenwann und in irgendwelcher Zeit
Hat der Gott diesen Welt geschafft,
Um zu Führung über den Allen
Hat geehrten Adam gesandt.
Einsamkeit ist eigen nur zum Gott,
Nach langen*

Stehen,
Gehen,
Und Sehen

Endlich

War Adam vom Langweilen zu Satt.
Danach hatte der Allermächtige
Guter Ding - Adam getan,
Und schuf Er von seiner linken Rippe
Die geehrte Fraulein Eva-chan.
Warum ist Sie aus linken Rippe?
Gott sei Dank!
Lobpreisung!
Beifall und Ja!
Wer kann nicht einverstanden sein?
Weil die Rippe zum Herzen nah.

Der Gott machte sein nächsten Blick,
Hört von der Welt noch weiteren Klang:
- Für mich ist nicht genug, mein Herr!
Aus der Rippe nur eine Frau gelang!
Der Herr stellt seine Schöpfung dar
Schöne Madel aus schöner Rippe,
Schenke für schöne Gestalt
Vierzig Mittel Schritt für Schritte.
Erst bezaubert vom Mondes Strahlen
Für die Nahme seiner Schönheit bemüht,
Mit Erhaltung Sonnenfeuers Kräfte
Hat er noch die Wärme hingefügt.
Aus Himmel hat er noch bekommen
Die Sauberkeit als Geschenk, ein Stück,
Schmückt Sie mit Engels Benehmen
Bis in die Zähne der Frau mit Glück.
Das Geduld gaben die Bergen
Als Langmut für Frauen aus,
Dann fiel Sie wie großer Bergstein
Um zu Leben im fremden Haus.
Danach achtet der Herr an Blumen,
Erhielt ihren Armut und reizen Duft.
Die beiden drängen ihren Körper ein,
Die Madel wurde wie ein voller Mond!

*However, Eve turned on the charm,
Her appeal blew his mind some.*

*He could shout and she 'd surely came
She, the Woman was just waiting this.
Nay, nay, Adam did not made her move,
Instead, he dashed up her at ease.*

*Oh, oh Adam, look what you have done,
What a headache you caused for us!
Was it good or bad for future sons,
It is always matter of discuss!*

*Since that event, beyond dispute
We men always follow women.
As this is the left by Adam fate,
Not accept his trodden path is sin.*

*Oh, ladies! All the will of God!
Such style of life may last forever!
We men good and ready follow you
At advanced age and pause never!*

VIERZIG SEELE DER FRAU

Übersetzung vom Usbekischen
Dozent Zohid Sadikov

*Das ist keine alte Legende,
Weder wahre, noch alte Treu.
Es ist für uns ganz neue Sage
Über vierzig Seele der Frau
Irgenwann und in irgendweilcher Zeit
Hat der Gott diesen Welt geschafft,
Um zu Führung über den Allen
Hat geehrten Adam gesandt
Einsamkeit ist eigen nur zum Gott,
Nach langen*

Stehen,

Gehen,

Und Sehen

Endlich

War Adam vom Langweilen zu Satt.
 Danach hatte der Allermächtige
 Guter Ding - Adam getan,
 Und schuf Er von seiner linken Rippe
 Die geehrte Fraulein Eva-chan.
 Warum ist Sie aus linken Rippe?
 Gott sei Dank!
 Lobpreisung!
 Beifall und Ja!
 Wer kann nicht einverstanden sein?
 Weil die Rippe zum Herzen nah.

Der Gott machte sein nächsten Blick,
 Hört von der Welt noch weiteren Klang:
 - Für mich ist nicht genug, mein Herr!
 Aus der Rippe nur eine Frau gelang!
 Der Herr stellt seine Schöpfung dar
 Schöne Mädels aus schöner Rippe,
 Schenkte für schöne Gestalt
 Vierzig Mittel Schritt für Schritte.
 Erst bezaubert vom Mondes Strahlen
 Für die Nahme seiner Schönheit bemüht,
 Mit Erhaltung Sonnenfeuers Kräfte
 Hat er noch die Wärme hingefügt.
 Aus Himmel hat er noch bekommen
 Die Sauberkeit als Geschenk, ein Stück,
 Schmückt Sie mit Engels Benehmen
 Bis in die Zahne der Frau mit Glück.
 Das Geduld gaben die Bergen
 Als Langmut für Frauen aus,
 Dann fiel Sie wie großer Bergstein
 Um zu Leben im fremden Haus.
 Danach achtet der Herr an Blumen,
 Erhielt ihren Armut und reizen Duft.
 Die beiden drängen ihren Körper ein,
 Die Mädels wurde wie ein voller Mond!

*Am nächsten Reihe stand die Biene
Die gab ihr Honig bitte einmal schau.
Mit Aufsaugen in Körpers Tiefe,
Sieh mal,
An süßen Honig verwandelt die Frau.
Damit Sie zum Esstisch nicht zu stellen
Ihre Zunge mit Gift beschmiert.
Um Begehren mit Ihr zu Treffen
Man schenkt
die Liebe wie Sappir.
Als Mittel der Eifersücht und Zanke
Skorpion schenkte ihr die Spitze.
Die Zauber nahm Er von Schlange
Ihr Schwatzen gab ihr die Ziege
Der Gott setzt seine Arbeit fort
Zu sammeln weiter die Eigenschaft.
- Nahm Mut und Weich für Mädchen
Vom Löwe
Und Kraminchen
Die Kraft.
Vom Hund nahm Sie die Ergebigkeit,
Die Schrecken von den Gaselen.
Die Turteltaube gab ihr Harmlosigkeit
Und die Zähne nahm Sie von Perlen.
Die Tulpen geben ihre Wangenhein,
Von Rose nahm Sie die Lippe, mein Herr.
Vom Mandel einen Blick
Wie Sonnenschein,
Und verwandelt sich an Blumenkörper.
Als Talisman die Zukunftspläne
Und ihr Glück nicht angestartet war,
Der Gott schenkte von Pferdes Mähne
Bis in die Knie langes Haar.
Dem Augen knüpfte sie die Perlen,
Für die Lippen der rote Süsskirsch.
Wenn Sie schön macht vor dem Spiegel,
Blühte Sie wie ein Wilder-Hirsch.
Ich denke, alles ist für Euch klar,
Aber wichtigste Zauberei – zwar*

Nicht so wenig,
 Nicht so viel
 Die Frauen-Seele
 Aus vierzig Zelle
 Stellt mein Gott dar.
 Mit Schaffen der schönen Frauen
 Kam zur Welt der lebendigen Luft.
 Die Himmel glühen, die Garten blühen
 Die Männer füllen angenehme Duft.
 O Gott! Wie viel Schaden!
 Es ist nicht so gut ...
 Bisschen Freude
 Doch, gefährlich ist –
 Eine Frau mit viel Hönig,
 Die andere sehr bittere Gift...
 Darauf eine - mit dem Hönig voll
 Die andere - mit Gift für Ewigkeit.
 Die Bittere – noch bitterer, nicht toll,
 Die Liebliche – mit der Süßigkeit.
 Noch ein Wort:
 Sagen Sie mir mal!
 Gibt es Kerlchen,
 Der fürchtet nicht von Frau?
 Es ist – Unsinn
 Ganz einziges Herz
 Gegen Vierzig
 Ist nur ein Traum.
 Damit der Gott gibt seinen Weib
 Wie Symbol der schrecklichen Holle:
 Zu den Klugen – die echte Treu
 Zu den Bösen – die Leiden wie Feuer.
 Wirklich glücklich? - ist der echte Mann,
 Die Frauenwünsche sich erfüllen kann.
 Goldenem Schloss mit dem Namen Frau
 Ist bereit er ein golden Schüssel sein.
 Man muss sagen: "Bravo! Männer!"
 Es ist nicht Witz, nicht über den Märchens
 Sondern ein Ding in vierzig Kamele
 Mit Kabale des schonen Mädchens.

*Darauf schreibt man dem Stirn des Mann
"Arme Sklave für Ewigkeit zu sein".
Die Frau stellte mit der Angebot:
Königin der Lieben-Schlusses ein.
Es ist wirklich die grosse Ehre
Zu besitzen Liebes-Landes Thron.
Der Gott schenkte der geehrten Frauen
Zu gebären - Mädchen und auch Sohn.
Liebe Freunde,
Es ist Grund, eine Wunder:
Sieh mal,
Sieh mal,
Das Schaffen des Menschens
Ist es üblich für Frau
Und Herr!
Dafür wurde Geschmack – der Hochmut,
Daraus kommt die Name – Eva,
Dem geehrten Adam befahlte
Mein Gott.
Sei für Sie der treue Ehe.
Evas Hochmut bezauberte ihn
Gibt ein Zeichen – "Bitte, komm hier!"
Koketierend antwortete Sie:
"Mach Schritte in Richtung an mir!"
Er würde sofort kommen
Ob Sie ruft ihn mit Anfahr:
"Komm!"
Nein,
Nein!
Der Adam macht das nicht
Kaum,
Er reitet schnell
Das war sein Traum.
Ach!
O mein Gott!
Oh wehl!
Was hast Du
Für uns auch getan?
Ist das Sünde*

Oder guter Ding
Sag uns
Der geehrte Adam?!

Seit dieser Zeit wurde eben geführt:
Wir, die Männern
Unterwerfen zu den Frauen und die Mädchen.
Das ist Schicksal –
Adams Erbe,
Sie zu verändern es gibt kein Mittel.

Also
Blühen Sie auf,
Die Frauen
Und der Jungfrauen,
Eben gib Ihnen der Gott
Die Seelen nicht fallen zulassen,
Und allem gib Gott
Unter meine Melodien
Bis zum tiefen Alter
Zu erleben.

Les quarante ames de la femme

Husanboy Tursunov,
Shahnoza Ahmedova
Nemis va fransuz tillari

kafedrasi katta o'qituvchisi (NamDU)

*Cela le conte de fée non vieux s'est fait sentir,
Je raconterai à vous, bien vraiment,
Comme chez nos femmes il se trouva
Par le Dieu les données, quarante âmes.
Une fois en créant le terne Monde,
Et pour qu'il l'embeli
Et ici Adam le Dieu a créé
De l'argile pétrie épais.
Mais vivre solitairement n'est pas simple tout à fait,
La solitude te tourmente
Il se lève*

*Il s'assoie,
Enfin
Adame s'ennuie.*

*Le créateur a perçu Adame du tourment :
La création de Dieu pèrit de l'ennui.
Le Dieu a prononcé : «Faire selon celui-ci
De gauche de la cote la vierge à lui!»
Pourquoi du gauche ?
L'honneur à vous, le Créateur!
Il t'est incompréhensible, l'ami ?
Il ne faut pas voir ici
Du Dieu le raté :
En effet, gauche de la cote
Plus près vers le cœur
Mais regarde le Dieu : de la côte
Est pauvre, courbe dans elle est peu bonne.
- Elle ne convient pas du tout à l'aïeul ...
Une telle creation à lui non chez la personne!
Ici le Dieu a regardé tout autour : la planète la Terre
Rayonnait, comme le paradis en s'épanouissant ...
Il a décidé : «je dans la vierge pourrai réaliser
Des pièces de quatante dignités!»
Selon le Dieu à l'ordre l'astre de nuit
La beauté de la vierge par le secret a éclairé.
Mais le Soleil, dans les cieux en rayonnant,
A ajouté du chaleur .
Habitante des cieux la vierge a appris,
Donner de la parole enchantée
Mais chez la vierge a reçu
La propriété céleste du charme
Le Dieu a pris la tolérance aux montagnes pleines de neige,
Et la femme supporte plusieurs depuis ce temps-là.
La chance lui a apporté le hasard
Comme le bonheur pour elle
Le Dieu s'est trouvé parmi les prairies fraîches,
A envoyé à la vierge l'odeur et l'éclat des couleurs.
Maintenant elle par l'esprit est semblable au printemps,
Par le regard étincelant est semblable à pleine Lune.
Les abeilles faisaient boire l'aïeule par le nectar,*

Ils ont fait ainsi du tout non sans raison.
 Au jus des alpages a bu,
 Comme la rosée douceâtre a coulé.
 Pour qu'il n'y avait pas malheur,
 Il n'y avoir pas être beaucoup de sucreries.
 A la vierge de la bouche le Dieu a ouvert,
 La miette au poison a mis.
 En allumant les passions flammes
 A remis au cœur l'amour pressieuse
 Pour qu'elle soit capricieuse et jalouse
 Comme le scorpion mord tous sans choix.
 La chèvre lui a rendu les chamailleries, sans regretter.
 Elle a appris la tentation chez le dragon.
 A décollé le Dieu par-dessus des nuages,
 Lui les griffes a annoncé chez les aigles planant.
 Sur les doigts à leur vierge ont fixé,
 Pour qu'ils tiennent est à chaîne de luxe
 Le Dieu par le premier bijoutier dans le monde est devenu,
 Pour augmenter son prix l'or a pris
 Ont joué sur les doigts des opales les motifs,
 Ont brillé dans les oreilles des boucles d'oreille les modulations.
 Encore le Dieu a envoyé des dignités :
 Lui à la vierge
 Le courage du lion accordait.
 Mais la caresse calme la gamine gentille
 A appris
 Chez les légères odeurs-levrant.
 La vierge, comme le chien est devenu fidèle,
 Et comme la biche, craintif, sensible, nerveux.
 La douceur a pris aux pigeons.
 Les dents des perles sont plus gentils.
 Les joues comme les tulipes a rougi,
 Les lèvres comme les boutons se sont faites plus chaudes.
 De l'amande
 Ont pris la forme les paupières.
 La jeune fille est devenu
 Par la belle femme de peau de rose.
 La création du bonheur est digne.
 Prendre la crinière de la jument pas trop décentement.
 Mais toute Son opinion sans changements :

*Aux boucles de la vierge être plus bas au genou
Par les colliers noirs brillent les yeux.
Par la cerise vermeille rient les bouches.
La jeune fille maintenant tu ne trouveras pas,
Au moins tu contourneras centaine de galaxies.
Est déplacé selon le sens après «Comme une femme du paradis ...»
Pour la vierge du parfum du monde chanteurs ont pris
Et les paroles ont donné l'euphonie :
Comme si dans la gorge roucoule,
Mais entonnera - comme le rossignol charme.
Sur la prairie humide l'arc-en-ciel se lève,
Selon l'arc-en-ciel l'éclat de satin va.
Le Dieu à la vierge a détourné l'arc-en-ciel des cieux,
Comme une femme du paradis à la soie l'a revêtu.
Au total, le lecteur, moi en gros
A raconté sur le miracle qu'Allah - a fait
Non il y a beaucoup de,
Non il y a peu de,
Exactement dans les limites raisonnables,
Les pies de l'âmes étaient mises par celui-ci dans la vierge
À lui-même à merveille, nous par exemple.
La création Est bien terminée,
Triomphe, se réjouit la terre
Il restait seulement selon la planète des vierges
Multiplier.
Ici qūlqū chose a commencé à inquiéter le Dieu.
Hélas, à la création
Il y avait un défaut :
Unes leurs femmes ont trié au miel,
Et celui-là ont ennobli la race.
Il avait aux autres le poison, le scandale, la tromperie.
Tu veux ou tu ne veux pas,
Plus faiblement ta vie ou est plus vive,
Amer, plus amer,
Sucré sucré est plus sucré.
Encore l'absurdité est sortie ensuite :
En vain en effet, les hommes font le brave -
Dès d'anciens temps la vérité dans celui-là,
Qu'ils craignent les femmes.
De l'aimée redoute la femme*

*Et le mari le plus courageux.
Il est clair : elle est une personne
Mais dans la manche des quarante âmes.*

*Les maris doivent se rappeler toujours
Sage les édifications :
La trahison de la femme - le symbole de l'enfer,
La fidélité de la femme - le signe du paradis.
Est chanceux en vérité cet homme,
Qui recherchera à temps la moitié,
Qui chez la vierge la clé d'or trouvera,
Et le fermail d'or ouvrira.
Voici les quarante des chameaux vont par la caravane,
Les sacs sont remplis de la tromperie féminine.
Et toute cette charge - la loi immuable -
L'homme porter un est condamné.
Sera dans l'esclavage pour cette raison
Dans l'État de l'amour l'homme.
Tu ne disparaîtras nulle part, l'ami,
En effet, le padischah dans ce règne -
Le Créateur lui-même.
Allah a envoyé la faveur spéciale,
Les gamins-gamines sur la Terre a envoyé.
Le Dieu donne aux femmes les enfants sur le bonheur
Au beau temps, et au mauvais temps.
Le lecteur, regarde les miracles,
Sur la puissance De Dieu
Ouvre les yeux :
Seulement par la puissance
Du Dieu et les femmes
Dans le monde
Dans le monde périssable
Il y a des enfants.
Donc, on finit le travail.
Est facile et l'air en yeux le feu,
La belle femme-vierge le Dieu par Eve
Le Dieu envoie Eve à l'aïeul
- «La vie Propre
Qü commencent à deux!»
Il y a une belle femme*

Sous le figuier admirable

Son Adam a vu, attire par la dextre.

Mais Eve-coquette à lui-même sur l'esprit :

- Vais-y, l'ami, toi-même, chez moi!

- Va- ici! - a poussé des cris Adam.

Mais celle-là minaudait,

Comme il convient chez les dames ...

Ici l'aïeul a donné au tour de main -

N'a pas subi, s'est mis à courir ...

Non, je non ai dit ainsi!

Notre ancien premier vieux

Par le galop

Vers la gentille a pris le galop

Librement il vivait plus tôt

Sans soin.

Maintenant à lui s'est ajouté les travaux.

Hélas, et nous ...

Dans le sang des hommes s'est allumée

De l'amour le courage ...

Nous, le péché ne connaissons pas cela

Ou le bien ?

Tu qu'as fait,

L'aïeul Adam ?

Ainsi de ceux-là a été remué :

Aux maris et les pères

Il fallut se soumettre

Non seulement les femmes, même aux filles.

Le destin difficile

Nous a laissé un prétre à l'héritage,

En échange il n'y a pas de moyen.

Qu,

S'épanouissent,

Les femmes

Et la vierge,

Donne vous le Dieu

L'âme ne pas laisser tomber,

Et à tout donne, Mon Dieu,

Sous mes mélodies

Jusqu'à la vieillesse avancée

Qu nous vous suivions.

ТИЛШУНОСЛИК

Ибрatнинг топонимик талқинлари

Носиржон Улуқов,
филология фанлари доктори
Солихужаева Ҳавасхон,
ўзбек тили йўналиши
магистранти (НамДУ)

Араб географи ва сайёҳи Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Муқаддасийнинг “Аҳсан ат-таққосим фи маърифат ал-ақолим” (“Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма”), муаллифи номаълум илмий манбаларда қисқача “Худуд ул-олам” шаклида танилган “Китоб худуд ул-олам мин ал-машриқ ила-л-мағриб” (982-983), Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Исоқхон Ибрatнинг “Тарихи Фарғона” асарлари Фарғона водийси, жумладан, Наманган вилояти тарихий топонимияси, хусусан, ойконимиясининг тарихий манбаларидир. Айниқса, Исоқхон Ибрatнинг “Тарихи Фарғона” асари айнан водий тарихига бағишланганлиги, ўзида кенг қўламли материалларни жамлаганлиги билан тарихий ва илмий нуқтаи назардан диққатга молик.

Исоқхон Ибрat маърифатпарвар шоир, забардаст тилшунос, илк матбаачи, публицист, моҳир педагоггина эмас, тарихшунос олим ҳам бўлган. Олим Шарқ тарихчиларининг асарлари билан бир қаторда Европа ва рус шарқшунослари, жумладан, В. В. Радлов, В. В. Бартольд, Ҳ. Вамбери, В. П. Наливкин асарларини ўрганди ва юздан ортиқ муътабар тарихий манбалардан, илмий асарлардан фойдаланди ҳамда уларга танқидий-ижодий ёндашди.¹ Аниқроғи, олим Ғарб тарихшунослиги анъаналарини чуқур ўргангани ва ундан ўз илмий фаолиятида самарали фойдаланади. Тўпланган тажрибалар асосида “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон ул - замон” каби тарихий асарлар яратади. Ибрatнинг “Тарихи Фарғона”, айрим манбаларда эса “Фарғона тарихи” деб юритиладиган асарида Қўқон хонлигининг вужудга келишидан то XX асрнинг 30 йилларигача бўлган давр ёритилган. Айниқса асарда Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва у келтирган

¹ Қаранг: Долимов У. Исоқхон Ибрat. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б.33-35.

фожиалар кенг ёритилган. Муаллифнинг асарлари тарих фани нуқтаи назаридангина эмас, бир неча фанларга оид муътабар манбадир. Бу асарлар юртимиз, хусусан, Фаргона водийси тарихи, географияси ва этнографиясини, олим ҳаёти ва ижодини, илмий фаолиятини, педагогик-маърифатпарварлик қарашларини ўрганишда ҳам муҳим тарихий манбадир. Ибрат тилшунос, тарихчи ва географ олим сифатида Фаргона водийси, ундаги шаҳар ва қишлоқларнинг тула тарихий, географик тавсифини, номланиш хусусиятларини, географик номларнинг тарихий вариантларини, юзага келиш тарихи ва этимологик талқинларини берган. Шу боис “Тарихи Фарғона” асари Фаргона водийси, хусусан, Наманган вилояти тарихий топонимиясининг ўрганишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Асар тили ва услубининг соддалиги, халқчиллиги билан характерланади. Олимлар фикрича, муаллифнинг яна бир ютуғи шундаки, у ўз асарини содда, ўша давр адабий тил меъёрига тула риоя қилган ҳолда яратган. Услуби, тасвирлаш доирасининг кенглиги жиҳатидан Ибратнинг “Тарихи Фарғона” Бобурнинг буюк “Бобурнома” асари таъсирида ёзилгани сезилиб туради.¹

Асарнинг “Таърихи Намангон” номли бобида *Наманган* полисоними, *Сардоба*, *Лаббайтога*, *Дегрезлик*, *Косонсой*, *Турақўрғон* каби ойконимлар хусусида тарихий нуқтаи назардан фикр юритилган. Биз ана шу манбага таянган ҳолда Исҳоқхон Ибратнинг топонимик талқин ва қарашлари хусусида фикр юритмоқчимиз.

Наманган астионими ҳақида Ибрат ҳам анчайин атрофлича фикр юритиб қуйидагиларни ёзади: *“Наманган янгилик жиҳатидинму ёки биз аҳли ислом диний китобларга аҳамият беруб, тарихларга аҳамият йўқлиги сабабду, бу Намангонга ҳеч ким равшан тарих қилмаган экан. Бу сабабдан бир китоб кўрилмайди. Қариялар огзидан огиз эшитилуб, ҳадди тавотурга етуб, ёнида бўлак қилу қол бўлмай, ҳаммани масмуъи бўлган равшан сўзлар билан адо қилинадур. Чунончи, бу Намангон асли намангон эмасдур. Форсий лафзи бирла намакон – намак кондур. Муни маъниси шу эканки, бизни Чигатой тилида асли гон йўқ экан, бу шеваи форсийдур. Чиқайтойда кон ёки гон ё қон бўладур. Бу лафзи гон конни осон қилибдур. Ёки форсийлар ихтилоту ва ҳам буёни лафзи форсий учун гон деб машҳур ва бу лафзда мазкур*

¹ Долимов У. Ўша асар, 43-бет.

бўлди. Чунончи, Намангон аввали ҳолда, яъни мунда тўққиз юз йил илгари ерларда ҳеч ким бўлмай ётган биёбон - қўлтуз бўлиб, ул вақтда Бухоро хонликлариндан Абдуллоҳхон бу Фарғона тарафларига келиб, ҳар ерга гоҳ сардобалар кавлаб, саққойи мўминингга чоҳлари тепасига гумбазлар қилиб, қўб халқга кафлик ишларни қилган хон экан. Ул киши бул Намангонни ерига келиб, алҳолда сардоба деган мадраса бордур // бир чуст ва бир аминлик маҳалладур, ул ерга тушуб, дарҳол сардоба кавлатиб, неча кунлар тутуб, бир тарафли дарё ва бир тараф тоғ ҳавоси яхши учун бу ерга бир шаҳар бино қилмоқ бўлуб ўз ичларидан бир оғолик мансабида турган кишини амр қилиб, шаҳар қилмоқ бўлганда, ушал ерни дарё тарафи бутун шўр қўл бўлуб ётган туз экан. Бинобарон, намак кон деб, яъни туз кон деб атаган экан. Бу намак кон лафзини форсийда гон қилиб ёзуб, намакконни намангон деб, бир нуни зоида илан намангон бўлди, асли намаккондур.¹ Ибрат “Наманган топоними “намак кон”, яъни “туз кони” бирикмасининг даврлар давомида сайқалланиш маҳсули деган хулосага келади. Унинг фикрича, Наманган полисонимининг этимони туз кони, шўр қўл маъносидаги намак кон бирикмасидир.

Наманган шаҳри марказида сардоба ва унга нисбат бериб аталган Сардоба маҳалласи бўлган. Сардоба илмий манбаларда изоҳланишича, сунъий сув иншоотидир. Сардоба форс-тожикча бўлиб, «совуқ», «муздек», «салқин» маъноларини англатувчи сард сўзига сув тушунчасини англатувчи форс-тожикча об сўзини ва унга нарса-предмет оти ясовчи -а қўшимчасининг қўшилиувидан ясалган: сард+об+а > сардоба. Ўзбек тилидаги изоҳли лугатларда сардоба «усту гумбаз шаклидаги гишт қурилма билан беркитилган сунъий ҳовуз» дея изоҳланган.²

Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарининг «Тарихи Намангон» бобида шаҳардаги Сардоба ойконими ҳақида қуйидагича маълумот берилади: «...Бухоро хонлариндан Абдуллоҳхон бу Фарғона тарафларига келиб, ҳар ерга гоҳ сардобалар кавлаб, саққойи мўминингга чоҳларни тепасига гумбазлар қилиб, қўб халқга нафлик ишларни қилган хон экан. Ул киши бул Намангоннинг ерига келиб, алҳолда сардоба деган мадраса бордур, // бир чуст ва бир аминлик маҳалладур, ул ерга тушуб, дарҳол сардоба кавлатиб, неча кунлар тутуб, бир тарафи дарё ва бир тараф тоғ ҳавоси яхши учун бу

¹ Ибрат. Ўша асар. 325-бет.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Москва: Рус тили, 1981. – II т. – Б. 22.

ерга бир шаҳар бино қилмоқ бўлуб ўз ичларидан бир оголиқ мансабида турган кишини амр қилиб, шаҳар қилмоқ бўлганда, ўшал ернинг дарё тарафи бутун шўр кўл бўлуб ётган туз экан...».

Олим бошқа бир ўринда: «Наманган тарихи Абдуллоҳхон тарихидур. Абдуллоҳхонни тарихи «замона хароб»дур, яъни тўққиз юз олтинчи ҳижрийда бўлубдур. Бу Наманган тўрт маҳалла бўлуб, биринчи маҳалла Сардоба маҳалласидурки, аввали Абдуллоҳ сардоба бино қилган еридур», – деб ёзади.¹ Ибратнинг кўрсатишича, Наманган шаҳри тарихи Бухоро хони Абдуллоҳхон тарихи билан бошланган. У ҳозирги Наманган шаҳрига келиб, ҳижрий тақвимга кўра 906 йилда, милодий сана билан 1500 йилларда сардоба курдирган, бироқ бу сардоба бизгача етиб келмаган, бузиб юборилган. Ана шу сардобага нисбат бериб, унинг атрофидаги Наманганнинг энг катта тўрт маҳалласидан бири Сардоба ва шу жойдаги мадраса (ҳозирда масжид) Сардоба деб аталган. Бу ном ҳозиргача яшаб келмоқда. Демак, мазкур манбага кўра Наманган шаҳрининг Сардоба маҳалласи 500 йиллик тарихга эга.

Ибрат Наманган шаҳрига мансуб Лаббайтоғо, Дегрезлик, Чуқуркўча, топонимларининг шаклланишини эса талқин этади: «Иккинчи маҳалласи Лаббайтоғодуки, ани ваъжҳи тасмияси мулла Бозор охунд деган киши бор эканлар, ул кишининг бир жиянлари бор экан. Ҳар икки азиз ўрталари овоз етадургон масофат экан. Гоҳо жиянларини чақирганларида жавобан тоғаларига «лаббай тоғо» деб овоз берганларида аксар кишилар ул маҳаллани «лаббайтоғо» деб атаб «лаббайтоғо» мусаммо бўлган маҳалладур. Бир маҳалласини «Чуқур кўча» дерларки, ул Намангонни ҳамма кўчасидин чуқурроқ учун Чуқуркўча тасмия бўлган. Ва бир маҳалласи Дегрезликдурки, ул ҳамма шаҳарларда бор бир жамоа қазон қуядургонлар келиб жойлашган бир маҳалладур.»²

Демак, Ибрат фикрича, Наманган шаҳридаги Лаббайтоғо топоними оддий ҳаётий воқеага, Чуқуркўча топоними эса аҳоли манзилининг географик тузилишига нисбат бериш асосида, Дегрезлик номи маҳалла аҳолисининг касб-корини эътиборга олиш асосида юзага келган.

Ибрат ўзи туғилган юрт – Турақургон ойконимининг номланиш тарихи ҳақида ҳам фикрларини баён қилган: «Бу Намангон атрофида бўлган қасаботлари ижмолан ёзмоқ лозим

¹ Ибрат. Тарихи Фарғона. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 325-326.

² Ибрат. Фарғона тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 326.

бўлди. Булардан Намангоннинг зарбида бир бозорлик қасаба бу муаллиф ватани аслийсидурки, мунн Дашти қипчоқ хонларидан Аҳмадхон, яъни Шизайхон бино қилган экан. Ул вақт муаррихлари Аҳмадхон исмига қалъа қилиб, Қалъайхон деб исм қўюб, бу лафз биносига таърих бўлган экан, 861-нчи ҳижрийда бино бўлган экан. Аммоки, Турақўргон демак маъноси – Шизайхонни Юсуф Тура ва Яъқуб Тура деган ўғиллари бино қилиб, Шизайхон тарафидан Қалъайхон исм қўйсалар ҳам, уларни исмларига Турақўргон деб шуҳрат бўлган эди».

Шунингдек, олимнинг мазкур асарида таҳлил қилинмаган бўлса-да, Чуст, Чортоқ ойконимлари ҳам тилга олинган: «Бу Намангонни ҳокимига қарашли тўрт қасобот бўлуб, Турақўргон, Чуст, Чоҳортоғ, Косон деган ерлар бўлуб, ҳар бири бир беклик ер эди». Лекин Чуст, Чоҳортоғ (ҳозирги Чортоқ) ойконимлари ҳақида кенг маълумот берилмаган.

Исҳоқхон Жунайдулло ҳужа ўғли Ибрат Косонсой топонимининг юзага келиш мотиви, луғавий асоси ва тарихи ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради: «Косоннинг вазҳи тасмияси Косонга мўғул замоннда бўлгон бинолар алҳолда мавжуд, аммоки, Косон демак шул эканки, араблар тарафидан маданияти арабни маҳкам қилмоқ учун Бағдод шаҳридан ўн икки султон лақаблик кишилар келиб, дийни Муҳаммадияни интишор қилмоқда, илм ўргатмоқда бўлуб Косонда турган эканлар. Косонийлар аларни ҳурмат қилиб, ўзлари форсий сугд тили илан султонлар зикр қилган касон деб зикр қилур эканлар. Касон демак кишилар демак. Форсийда бу алфоз кўб айтилуб исми Касон бўлиб кетган экан. Чунончи, ўшал султонлар бирлари султон Жалолиддин Сомоний, яъни Ғузая мазордаги гунбазда ётган кишидурлар. Иккинчилари Қалмоқ ариги бўйида гунбазда ётган султон Муҳаммад қози деган киши. Бўлаклари атрофи Косондадурлар». Бошқа бир ўринда: «Бу Намангонни ҳокимига қарашли тўрт қасобот бўлуб, Турақўргон, Чуст, Чоҳортоғ, Косон деган ерлар бўлуб, ҳар бири бир беклик ер эди», – деб ёзади.¹ Демак, Ибрат фикрича, Косон топоними кишилар маъносидаги «касон» сўзи асосида шаклланган, кейинчалик сўзнинг биринчи бўғинидаги *a* унли товуши *o* га айланган: *кас* – «киши» + *он* - *лар* > *касон* > *Касон* > *Косон* каби. Бизнингча, бу анча содда талқин. Шаҳарнинг тарихи ва у ердаги

¹ Ибрат. Фаргона тарихи. Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 282-327.

тарихий-археологик ёдгорликлар *Косон* (ҳозирги *Косонсой*) полисоними *Кушон* сўзининг лисоний тараққиёти маҳсули деган хулосага келиш имконини беради. *Косонсой* топоними қадимги хитой манбаларида *Кэсай*, *Гессей* шаклида қайд этилган. Топонимист олимларнинг кўрсатишича, *Косон* топоними *Кушон* подшолиги номи билан боғлиқ.¹ Тарихчи олим А.Муҳаммаджонов фикрича, *Косон* топоними *кос* (*кот*) – «қишлоқ», «шаҳар» сўзидан олинган бўлиши ҳам мумкин.²

Ибратнинг асари 1925 йилда ёзиб тугатилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, шаҳар ана шу даврга қадар ҳам *Косон* деб аталган. Юқорида келтирилган далиллардан англашиладики, *Косонсой* жуда қадимий шаҳар бўлиб, ўтмишда *Косон* деб аталган, ҳозирги шакли кейинги тараққиёт маҳсули.

Тарихда шаҳар ҳақиқатда *Косон* деб аталган. Шаҳар ўртасидан Чотқол тоғ тизмасидан Чилқудуқсой номи билан бошланган сой оқиб ўтади.

Косон шаҳридан оқиб ўтган сой ўрнига нисбат бериб, *Косонсой* деб аталган. Аниқроғи, *Косоннинг сойи* бирикмаси тил тараққиёти жараёнида *Косон сой* шаклига, ундан *Косонсой* тарзидаги морфемик тузилишига кўра қўшма таркибли гидронимга айланган. Кейинроқ сой номи ўзининг шаклланиши учун асос бўлган шаҳар номи (полисоним)га ўтди, яъни *Косон* шаҳри *Косонсой* деб аталган 1926 йил 29 сентябрида маркази *Косонсой* шаҳри бўлган туман ташкил этилгач, у ҳам шу ном билан атала бошланган. Албатта, туманни номлашда айнан 1926 йил 29 сентябрда Қашқадарё ва Наманган вилоятларида ташкил этилган туманларни ўзаро фарқлаш омили ҳам асос бўлган. Шу боис Қашқадарё вилоятидаги туман ва шаҳар *Косон*, Наманган вилоятидаги туман ва унинг маркази *Косонсой* деб аталган. Бирок Наманган вилояти маҳаллий шеваларида кексалар нутқида топонимнинг *Косон* шакли ҳам фаол қўлланади. Шунингдек, шаҳардаги санатория, сув омбори ҳам *Косонсой* деб аталади. Юқоридагилардан англашиладики, дастлаб шаҳар номи сойнинг номланиши учун, кейин сой номи шаҳар ва туманнинг номланиши учун асос бўлган.

Ибратнинг топонимик таҳлилари асосан халқона этимологияга асосланган. Шундай бўлса-да, *Лаббайтога*,

¹ Корвев С. Географик номлар мавноси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978. – Б. 68.

² Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг сугорилиш тарихи. – Тошкент: Фан, 1972.

Чуқурқуча, Турақурғон топонимлари талқини анча мантикли, *Косон, Наманган* ойконимларига оид қарашлар мунозарали ва ўта содда, илмий жиҳатдан мунозарали.

Таҳлиллардан кўринадики, Ибратнинг «Фарғона тарихи» асари ўз мазмун-моҳияти билан тарих, география, этнография, тилшунослик фанларига оид тарихий манба бўлиб, Наманган вилояти топонимиясининг тарихий вариантларини, халқона этимологик талқинларини, номинатив-мотивацион хусусиятларини тадқиқ этишда ҳам аҳамиятга эга.

Белги узвли аргументларнинг шаклланиши

Хуринисо Усмонова,
филология фанлари доктори

Анора Суярова,
ўқитувчи

Уюштирувчи маркази белги англатувчи лексема бўлган пропозитив номланишлар от предикатли курилмалар орасида анча кўп учрайди. Белги узвли пропозитив номланишлар таркибидаги белги англатувчи узвлар қандай белгини ифодалашига кўра айрим муаллифлар томонидан иккига бўлинади:

1) сезги органларимиз билан идрок қилинадиган ёки турли физик ўлчов тизими билан ўлчаш мумкин бўлган белги;

2) физик ўлчов тизими билан ўлчаб бўлмайдиган, сўзловчининг маълум позиция нуктаи назаридан баҳосини билдирувчи белги¹.

Буларнинг ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида ЛСГни ташкил қилади. Шу билан бирга, ҳар икки гуруҳ муайян белгиларига кўра яна майда ЛСГларга бўлинади. Масалан, иккинчи гуруҳ С. Ғиёсов томонидан яна саккиз ЛСГга бўлинади:

1) умумий ижобий баҳога эга бўлган ЛСГ: *яхши, дуруст, тузук*;

2) белгининг ноодатий эканлигини билдирувчи ЛСГ: *қизиқ, ажойиб, галати*;

3) предметнинг ташқи белгисини билдирувчи ЛСГ: *сўлим, чиройли, гўзал*;

¹ Ғиёсов С.Т. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Т., 1983. - С.8.

4) субъектнинг ақлий тавсифини билдирувчи ЛСГ: *доно, ақлли, одил;*

5) таъсирга муносабат қобилиятига кўра субъект баҳосини билдирувчи ЛСГ: *ҳушёр, сезгир, зийрак;*

6) ҳаракатни бажариш қобилиятига кўра субъект баҳосини билдирувчи ЛСГ: *чаққон, эччил, уддабурон;*

7) субъектнинг эмоционал ҳолатини билдирувчи ЛСГ: *хурсанд, шод, қувноқ;*

8) ҳулқ нуқтаи назаридан субъект баҳоси: *шўх, қувноқ.¹*

Ана шундай турлича белги англатувчи узвлар уюштирувчи марказ сифатида предмет ва ўрин узвлари воситасида кенгайиб, ахлит бўлак позициясидаги пропозитив номланиш ҳосил қилади.

Асрора ўзининг шўхлиги, оғзи ботирлиги

билан бутун қишлоқда ном чиқарган эди (С.Аҳмад)

$N + \text{Ғron (нинг)} + \text{AdV} + \text{AdV}_{\text{билан}} + \text{Ғron} + \text{N}_{\text{да}} + \text{V}_{\text{ф}}$

Гапнинг асосий предикати *ном чиқарган эди* қурилмасининг кенгайтирувчилари сифатида эга позициясидаги *Асрора*, тўлдирувчи позициясидаги *ўзининг шўхлиги, оғзи ботирлиги билан*, ҳол позициясидаги *бутун қишлоқда* ифодаларини кўрсатиш мумкин. Гап доирасида бошқа бўлақлар сингари мавқега эга бўлган пропозитив номланиш ўз ичида қатор узвлардан иборат қурилма ҳисобланади. Ушбу қурилма таркибида қаратувчи + қаралмиш типидagi боғланиш мавжуд бўлиб, уюшиб келмоқда. Уларнинг иккинчиси барқарор бирикма воситасида шаклланган бўлишига қарамай, трансформацияга қадар *оғзи ботир* тарзида фақат кесимдан иборат бўлган.

Бу ҳақда Н.Ортиқова баҳс юритар экан, қуйидагиларни ёзади:

«Белги узвли аргументларнинг шаклланишида от туркумидаги лексемалар белги валентлигининг реаллашуви муҳим. Бироқ белги узвининг субстанционал шакли фақат сифат учун хосланмай, сон, равиш, феъл, ёки от бўлиши мумкин. Маъно жиҳатдан улар хусусий, ҳажм, маза, ҳид, ҳолат, ранг-тус каби гуруҳлардан иборат»².

Кўринадики, пропозитив номланиш трансформацияланишига қадар икки содда гап шаклида бўлган:

ўзи шўх - предмет + белги

¹ Ғяёсов С.Т. Ўша асар, 9-б.

² Ортиқова Н. Ҳ. Гап тузилишида аниқловчининг ўрни: Филол. фанлари йомғоли дис ... авторсф. - Фарғона, 2005. - Б. 16

(у) огзи ботир - (предмет) + белги

Бу гапда предметга хос бўлган хулқ белгиси намоён бўлмоқда.
 $s + [s + Ak(p) + Ak(p)] + lok + Pv$

Бу ерда *ўзининг шўхлиги* билан ва *огзи ботирлиги* билан восита маъносида келяпти, шу сабабли мазмуний узвларни шартли ҳолда шундай белгилаш мумкин:

$s + [s + inst(p) + inst(p)] + lok + Pv$

Турсунбойнинг сал нотоб бўлиши икковини оёқдан йиқитарди (С.Аҳмад) гапида пропозитив номланиш эга позициясида келяпти. *Турсунбой сал нотоб* шаклидаги содда гап трансформацияга учраши натижасида қаратувчи + қаралмиш типдаги яхлит қурилмага айланяпти ва ушбу ифода асосий предикат ҳисобланган *оёқдан йиқитарди* кесимининг аргументи бўлиб келяпти. Пропозитив номланиш тўлдирувчи позициясидаги *икковини* лексемаси каби гапда фақат битта функцияни (эга) бажариш учун хизмат қиляпти. Ушбу қурилма предмет англатувчи узв *Турсунбойнинг* лексемаси билан белги англатувчи узв *сал нотоб бўлиши* ифодаси ўртасидаги боғланишни кўрсатяпти.

От лексемалар (предмет узвлар) орқали уюшган пропозитив номланишлар сингари, белги англатувчи узвлар ҳам айрим вазиятларда олмош туркумидаги лексемалар воситасида юзага чиқиши мумкин. Бунда улар англатган белги маъноси анча мавҳум хусусиятга эга бўлиш кузатилади.

Масалан, *Унинг қанақалиги кишининг хаёлига ҳам кириб чиқмас* (О.Ёкубов)

Берилган гапда *кириб чиқмас* предикати эга позициясидаги *унинг қанақалиги*, тўлдирувчи позициясидаги *кишининг хаёлига* бирикмаларини тобелантириб келмоқда. Пропозитив номланиш саналган *унинг қанақалиги* ифодаси *У қанақа?* йиғиқ содда гапининг трансформацияланиши натижасида юзага келган. Эга (у) + кесим (*қанақа*) типдаги содда гапдан қаратувчи (*унинг*) + қаралмиш (*қанақалиги*) ички боғланишидаги яхлит бўлаққа айланган. Белги ифодаловчи лексема *қанақалиги* ноаниқ, мавҳум маънони акс эттириши билан юқоридаги узвлардан фарқланади. Улар боғланишига эътибор қиламиз:


Унинг қанақалиги

кишининг хаёлига

ҳам

кириб чиқмас

Яъни:



Бу гап қуйидагича мазмуний узвлардан ташкил топган:

Бунда: s – субъект, Ak – белги, P – предикат

Ўзбек шевалари қариндошлик терминларининг шаклланиши

Муҳаббат Саидова,
доцент (НамДУ)

Ҳар бир тилнинг лексик қатлами унинг фонетик ва морфологик қурилишига нисбатан ўзгарувчан бўлиб, асрлар оша ҳар бир даврга хос ўзгаришларни ўзида акс эттира боради. Лекин қон-қариндошлик термин-лари лексиканинг бошқа терминларига нисбатан турғун ва консерватив бўлиб, маънодаги силжишлар (торайиш, кенгайиш)ни ҳисобга олганда, яратилган даврдаги шакллари деярли сақлаб қолган.

Ўзбек тили лексикасининг негизини аслида туркий тилларнинг ўзиники бўлган туб туркий сўзлар ташкил этади. Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили луғат таркибидаги ана шу луғавий фонд туркологияда умумтуркий сўзлар деб юритилади. Э. Бегматов умумтуркий сўзлар тушунчасини қуйидагича изоҳлайди: “Сўзнинг умумтуркий бўлиши сўзнинг бирдан ортиқ туркий тилда учраши эмас, балки бу лексиканинг аслида битта туркий манбага тегишли эканлигидадир. Умумтуркий сўзлар қадимги бир манба тил – умумтуркий тил даври маҳсулидир”. Демак, умумтуркий сўзларнинг барча туркий тилларда учраши бир туркий тилдан иккинчи тилга ўтганлигини эмас, балки уларнинг бу тилларда жуда қадимдан асос тил туфайли мавжудлигини кўрсатади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида сақланган умумтуркий сўзлар орсига қон-қариндошлик терминлар ҳам бор. Улар қадимий терминлар сифатида мавжуд бўлиб, ўзбек тилида узоқ даврлардан бери қариндош-уруғчилик муносабатларини ифодалаш учун қўлланиб келади. Бу терминлар бадий асарлар тилида маълум вазифани бажаришга кўра ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Умумтуркий асосдаги қон-қариндошлик терминларни *ота* (ата), *она* (ана), *ўғил* (оғул), *қиз* (қиз), *сингил* (синил), *ака* (ака), *қўё* (куйягу), *хотин* (қатун), *амаки* (ама+ака), *тоза* (тай+ога), *эр* (ер) ва бошқа бир қатор терминларни келтириш мумкин. Юқорида

таъкидлаганимиздек, ўзбек тили тараққиёти жараёнида умумтуркий сўзларнинг баъзилари сақланган бўлса, кўпчилиги бутунлай истеъмолдан чиқиб кетган, айримлари эса ўзбек халқ шевалари лексикасида диалектал меъёрда сақланиб қолган. Масалан, Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида ҳамда Алишер Навоий асарларида учрайдиган кўпгина умумтуркий атамалар ҳозирда истеъмолдан чиққан. Чунончи *ача, аба, обога, езна, болдиз, ума, ута* атамалари ўзбек шеваларида қўлланиб, ҳозирда ўзбек адабий тилида эскирган сўз ҳисобланади. *Куёв* атамаси *куйягу* шаклида *қизнинг турмуш ўртоғини* ифодалаган. Ҳозирда бу атама *куёв* кўринишида шаклланиб, маъно доираси ҳам кенгайди. *Қизнинг турмуш ўртоғи* маъноси билан бирга, умуман, ўзидан кичик ёшдаги аёл қариндошнинг турмуш ўртоғига нисбатан ишлатилмоқда. Шунингдек, янги уйланаётган ёки уйланган йигитга нисбатан ҳам *куёв* атамаси қўлланилади.

Ҳозирги кунда *ота, ога(ака), она* атамалари ўз маъносидан бошқа маъноларни ифодалаш учун ҳам қўлланилади.

Соф ўзбек тили лексик қатламига ўзбек тилининг мустақил тил бўлиб шаклланган давридан бошлаб то бугунги кунга қадар ясалган сўзлар киради. Бу сўзлар фақат ўзбек тилининг ўзида пайдо бўлганлиги сабабли умумтуркий ҳамда ўзлашма сўзлардан фарқ қилади. Ўзбекча сўзлар ўз ички манбалари асосида юзага келган. Ўзбекча сўзларнинг умумтуркий сўзлар ҳамда ўзлашма сўзлардан фарқли томонлари билан бирга алоқадор жиҳатлари ҳам бор. Чунки ўзбекча сўзлар учун манба материал-негиз бўлиб туркий ва ўзлашма сўзлар хизмат қилган ҳолатлар ҳам кузатилади. Ўзбекча сўзларни яшаш учун хизмат қилган ясовчи қўшимча ўзбек тилининг ўз материали ёки ўзга тил материали бўлиши мумкин. Шунга кўра ўзбекча ясама қон-қариндошлик атамалари икки турга бўлинади:

1. Ўз тил материали негизида ҳосил қилинган атамалар.

2. Ўзлашма материаллар асосида ҳосил бўлган атамалар.

Ўзининг ички имкониятлари доирасида ҳосил қилинган ўзбекча терминларнинг ўзи икки йўл билан юзага келади:

1. Ўзбекча қўшимчалар воситасида ўзбек тилининг ўзида ясалган қариндошлик атамалари.

2. Умумтуркий атамалар асосида юзага келган қон-қариндошлик атамалари: *катта она, катта ойи, оппоқ ойи, оппоқ дада, оппоқи, ичкуёв, ўгай она, ўгай ота, ўгай бола, келинойи, вақил*

ота, вакил она, қарши қуда, келин биби, катта ака, кичик сингил, сингил аба, бича, бувича, катта хотин каби.

Оппоқ ойи, катта ойи атамалари тарихий асарларда икки маънода қўлланилади:

а) кўп хотинлик даври маҳсули сифатида бир эркак никоҳидаги бир неча хотинларнинг энг каттаси;

б) кекса аёлларга ҳурмат билан мурожаат маъносида.

Ҳозирги ўзбек тилида бу атамалар *она ёки отанинг онаси* маъносида ҳам қўлланади.

Баъзи қариндошлик атамалар форс-тожикча сўзларга умумтуркий сўзларни қўшиш асосида ясалган. Жумладан, *холавачча, тоғавачча, амакивачча, набира куёв, набира келин* каби. Мазкур атамалар ўзбек адабий тили ҳамда унинг шеваларида ҳам умумий маънога эга. Мурожаат этишда шахс ўзидан катта бўлса *ака, она*, кичик бўлса, *сингил, ука, жиян* ҳамда *келин, ўғлим, болам* каби сўзлардан фойдаланади. Ўзбек шеваларидаги қон-қариндошликка оид бундай атамларнинг тарихий-этимологик манбасини, маъносини билиш уларни тўғри ишлатишга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985.
2. Кошғарий, Маҳмуд. Девону луготит - турк. – Тошкент: Фан, 1963.
3. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. – Москва, 1961.

Чустий ҳикматларининг лингвопоэтик хусусиятлари

Носиржон Улуқов,
филология фанлари доктори

Муқаддас Тўраева,
ўзбек тили йўналиши магистранти

Машхур сўз санъаткори, газалнавис шоир Набихон Хўжаев – Чустий мумтоз ўзбек шеърини анъаналарини давом эттириб, муҳаббат, меҳнат, Ватан ва ахлоқ-одоб каби турфа мавзуларда газаллар яратган.

Шоир шеърларида ёрга муҳаббат ва садоқат, вафо, она-Ватанга фидойлик, дўстлик ва қардошлик, меҳнатсеварлик, мардлик, жасорат, ахлоқий комиллик ғоялари юксак маҳорат билан халқчиллик руҳида тараннум этилган. Шоирнинг кўп ғазаллари қушиқ қилиб айтилган ва ҳозирга қадар айтилмоқда. Шу боис Чустий қушиқчи шоир сифатида шуҳрат қозонган. Чустий шеърлари ўз мусиқаси, жаранги билан туғилган.

Чустийнинг “Садоқат гуллари”, “Кўзғол” (1942), “Лолазор” (1945), “Ҳаёт завқи” (1950), “Тул мавсуми” (1969), “Ғазаллар” (1970) каби шеърӣй тўпламлари нашр этилган. Шоир “Зафарнома”, “Тирик жаннатга кирган кампир”, “Кийикнома”, “Боги Эрам” сингари дostonлар, ҳаммуаллифликда “Даврон ота”, “Қурбон Умаров”, “Қучқор Турдиев” каби драмалар ҳам яратган.

Чустий шеърӣяти панднома характердалиги билан ўзига хослик касб этади. Шу боисдан шоир шеърӣятида ҳаётӣй тажрибалар асосида туғилган, яралган ҳикматлар салмоқли ўрин тутди.

*Ҳаётни ўрган, эй ўғлон, ҳаётдан,
Ҳаёт мактаб, ҳаёт дорилфунундир*

(“Ҳаётни ҳаётдан ўрган”, 212-б.)¹

Шеърӣй ҳикматлар шоир мактаб, дорилфунун дея фалсафона таърифлаган ана шу ҳаёт гулшанида юзага келганлиги, яъни ҳаётӣйлиги ва амалӣй исботига эгалиги билан диққатга молик. Юқорида парча келтирилган шеър сарлавҳаси ҳам фалсафӣй ҳикматли ундов руҳи билан суғорилган.

Шоир муҳаббатни таърифлар экан, анафора санъати асосида мазмунан тўқ ҳикматлар яратади. Ҳозирда эскирган сўзлар қатламига мансуб *гизо сўзи овқат, озиқ, егулик* маъноларини англатади. Унингча, муҳаббат хаста дилларга даво, “руҳи гизо”, яъни руҳӣй озикдир:

*Муҳаббат хаста дилларга даводир,
Муҳаббат руҳи ҳам руҳи гизодир,
Муҳаббат бирла тупроқ кимёдир.*

Муҳаббат ширинлиги боис бодом магзига ўхшайди, номлар, яъни сўзлар ичра шоҳ:

*Муҳаббат магз эрур бодом ичинда,
Муҳаббат шоҳ эрур кўп ном ичинда...*

(“Муҳаббатнома”, 251-б.)

¹ Чустий. Садоқат гуллари. – Тошкент, 1992. – 343 б. Барча мисоллар шу манбадан олинганлиги боис кейинги ўринларда шеър номи ва саҳифаси кўрсатилади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур шеър ўз номи билан муҳаббат ҳақидаги кўшиқ, сара асар. Унинг ҳар бир мисра-ю банди ҳикмат янглиғ янграйди:

*Муҳаббат қуёшидир нурафшон,
Бусиз зулматда қолгай еру осмон.
Муҳаббат элни айлаб марду майдон,
Муҳаббат ошиқу-маъшукқа имон,
Муҳаббат мими ҳам имон ародир.*

(“Муҳаббатнома”, 251-б.)

Бошқа ўринда шоир инсон инсофни қариндош, адолатни улфат тутиш асносида давлат ва бойликка эришиши, ҳурмат-эътибор қозониши мумкинлигини поэтик қиёс, ташбеҳ, жонлантриш санъатлари воситасида уқтиради:

*Бўлса гар инсоф қариндошинг, адолат улфатинг,
Кўргали қошингга ҳар кун давлату ҳурмат келур.*

(“Фурсат келур”, 221-б.)

Чустийнинг аксарият ҳикматли мисралари табиат ва жамиятдаги ҳодисаларнинг контрастлари, яъни бадий, лисоний чоғиштируви асосига қурилган. Чунончи, шоир инсоннинг ҳаддан ошиши, яъни бирор иш, хатти-ҳаракатда тартиб-қоида, меъёр доирасидан чиқмоғи элга фойдадан кўра зиён келтиришини кўп ёгингарчиликдан кулфат келишига қиёслаш тарзида уқтиради:

*Ҳаддан ошсанг элга нафингдан зиёнинг кўп эрур,
Кўп ёгин, қаттиқ чақиндан доимо кулфат келур.*

(“Фурсат келур”, 221-б.)

Ўқимоқ ва уқмоқ эгиз тушунчалар бўлиб, бир-бирига узвий боғлиқ. Уқмоқ ўрганилаётган билимнинг мазмунини чуқур ўзлаштириб, англаб, тушуниб етмоқдир. Азалдан “Ўқиган – ўқиган эмас, Уққан – ўқиган”; “Ўқиган – яхши, Уққан – ундан ҳам яхши” каби ўнлаб халқ мақолларида¹ билим олиш бобида уқиб ўқимоқ лозимлиги уқтирилади. Шоир халқ мақолларидаги ана шу мазмунни ў ва у унли товушлари аллитерацияси ҳамда ўқиш, уқиш сўзлари такрори воситасида қайта такрорлабгина, зарурлигини уқтирибгина қолмасдан, ўқишни ўту оловга, уқишни эса ўтинга ўхшатади. Унинг талқинича, тушуниб, англаб уқимоқ ўтин оловни кучайтиргани каби билимларни бойитади:

*Ўқиш яхши, уқиш ундан зарурроқ
Ўқиш бир ўт, уқиш унга ўтиндир.*

(“Ҳаётни ҳаётдан ўрган”, 212-б.)

¹ Қарағ: Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Мавнолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – Б.404.

Шоир билим, ақл, идрок, ахлоқ-одобни ойу юлдузга ташбех этади ҳамда кишида ана шулар бўлмаса, унинг кундузи ҳам мисоли тун, яъни қоронғу эканлигини таъкидлайди:

*Ҳаётда ақлу идрок, илму одоб,
Чароғу ою юлдуз бирла кундир.
Кишида бўлмаса бу тўрт фазилат,
Йўлида кундузи ҳам мисли тундир.*

(“Ҳаётни ҳаётдан ўрган”, 212-б.)

Бошқа ўринда шоир инсон қалбини бинога ўхшатар экан, яхши хулқ, ақл, илм, виждон унинг стунлари бўлса, бундай бинони ҳар қандай мавжли сел ҳам ололмаслигини уқтиради:

*Гар дилиннга хулқу, ақлу, илму виждондир стун,
Бу бинони сел ололмас мавжу гирдоби билан.*

(“Нури одоби билан”, 157-бет)

Мазкур шеърий парчада у юламаси ҳам ўзига хос поэтик вазифа бажарган, дилга стун бўлувчи воситаларни таъкидлаш, умумлаштириш, узилмас занжирсимон боғлашга хизмат қилган.

Шоир шеъриятида нутқ одоби: маъноли, ўринли ва рост сўзлаш борасидаги панду ўғитлар ҳам салмоқли ўрин тутайди:

*Тилга сўзу кўзга ёш дилдан келур,
Келса бошингга нақ иш, тилдан келур.*

(“Тилдан келур”, 220-б.)

Ёки:

*Тилни ёлгондан йироқ тут, дилни пок эт фитнадан,
Эларо ҳар бир сўзинг бир гавҳари якто бўлур.*

(“Ҳалво бўлур”, 217-б.)

Ёки:

*Қўлинг югуриклиги ошга, тилинг югуриклиги бошга
Етар дерлар, бу сўз ҳақ, қилмагил ҳаргиз гумон, ўғлим.*

(“Жон ўғлим”, 141-бет)

Юқоридаги мисраларда шоир инсон бошига балоу офатлар ҳам, эзгуликлар ҳам тил орқали келишини халқ мақоли воситасида таъкидлаш баробарида инсонларни рост, маъноли сўзлашга ундайди.

“Зиён бўлмас” ғазали тўла нутқ одобига бағишланган бўлиб, унинг илк бандида шоир кишиларни иғво ва бўҳтондан тийилишга чорлайди:

*Бировни чайнама, извою бўҳтон – ошу нон бўлмас,
Тилингни тишласанг, одамни чақувчи илон бўлмас.*

(“Зиён бўлмас”, 228-бет)

Бошқа бир байтда эса таъсирчан метафоралар – содда халқона кўчимлар воситасида маъноли, ҳаёу андиша билан сўзлаш лозимлигини уқтиради:

*Ялонгоч сўзлама, айла сўзингни сатри авратлик,
Тириксан-ку қара, ҳатто ўлик ҳам бечопон бўлмас.*

(“Зиён бўлмас”, 228-бет)

Чустий аксарият шеърларида меҳнатни мадҳ этади. Чунончи, шоирнинг “Ҳалол меҳнат” ғазалининг деярли барча бандлари ҳикмат янғлиг янграйди:

*Туганмас бахт келтиргай, зафардан тахт келтиргай,
Қуёшдан тик берур байроқ ҳалол меҳнат, ҳалол меҳнат.*

Ёки:

*Дилингда бўлса муз тоғи, эритгай, айлагай дарё,
Оловдан тафти зўр қайноқ ҳалол меҳнат, ҳалол меҳнат.*

(“Ҳалол меҳнат”, 230-бет)

Шоир шеъриятини безаган ҳикматли мисраларда эзгу ва ёмон фазилатларни қиёслаш ҳамда уларни мажозий ифодалаш, инсонни эзгуликка чорлаш руҳи кучли:

*Бахиллик ўлимдир, сахийлик ҳаёт,
Сахо қил, сахо қил, сахо устига.*

(“Ҳаволаяма”, 21-бет)

Сахо саховат сўзининг фонетик варианты, эски ўзбек адабий тилига хос кўп маъноли сўз бўлиб, саховат, сахийлик, кўти очиклик мурувват, жумардлик каби маъноларни англатади.¹ Демак шоир тазод ҳамда такрир санъати асосида қайта-қайта уқтириш билан инсонни сахий, саховатли бўлишга ундамоқда.

Бошқа бир ўринда Чустий халқона матални ўринли қўллаш эи унга монанд “Мағзи йўқ ниста агар очса лабин расво бўтур” мисраларини ижод этиш билан кишиларни сазорли бўлишга чақиради:

*Дейдиларки, сабр қилсанг зўрадин ҳалво бўтур,
Мағзи йўқ ниста агар очса лабин расво бўтур.*

(“Ҳалво бўтур”, 21-бет)

“Яхшидир” радифли ғазалининг қуйидаги бандларида эи оддий ҳақиқатни шоирона уқтиради:

*Гарчи ёлғизлик ёмондир, яхши ҳамдан яхшироқ,
Бўлса нодон улфатинг, ундан кўра мен яхшироқ.*

(“Яхшироқ”, 21-бет)

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг иттиҳод дугати. Тошкент, 1980. 8-б.

Шоирнинг “Тинч” номли газалида ҳам фалафий хулосалар, ҳикматомуз мушоҳада поэтик такрор воситасида содда ва халқона ифода этилган:

Замон тинч, осмон тинч, хонадон тинч...

Ёки:

*Кишида тансиҳатлик бўлмагай ҳеч,
Томирда оқмагунча тоза қон тинч.*

Ёки:

*Иморатга путур етмайди ҳаргиз,
Эса ҳар хонадонда икки ён тинч.*

(“Тинч”, 236-бет)

Аксарият ҳикматларда контраст асосида тағмаънолилик кузатилади:

*Ерни сел бузса, ёмон одам бузар одам дилин,
Сухбат эт одамуносу оламоролар билан.*

(“Донолар билан”, 150-бет)

Чустийнинг шеърий ҳикматларининг мавзу кўлами ҳам кенг. Таъкидлаш жоизки, шоир шеъриятида барча масалага, хусусан, ахлоқ-одоб, ростгўйлик, камтарлик, самимийлик, ота-онага, Ватанга, дўстга, ёрга вафо-садоқат ҳақидаги ҳикматлар кузатилади:

*Жону тан бирлан Ватан пайванд мураккаб бир бадан,
Меҳнату роҳатни бир билгай Ватан ҳам жону тан.*

(“Тошкентдаман”, 151-бет)

Албатта, Ватан ҳақидаги мазкур ҳикматли мисраларга тарду акс санъати ҳам янада ўзгача жило ва оҳанг бахш этган.

Ҳикматли мисралар яратиш осон эмас, бу ўзига хос билим, тажриба ва маҳоратни талаб этади. Таҳлиллардан кўринадики, шеърий ҳикматларда шоирнинг дунёқараши, ахлоқий қарашлари, сўз бойлиги, фикрлаш тарзи ва чустийона услуб ўз ифодасини топган. Чустий яратган ҳикматли мисралар кучли халқона руҳ билан суғорилган, содда, дабдаба ва баланпарвозликдан йироқ, кишини фақат эзгуликка етаклайди ва чорлайди. Шоир ҳикматларида афористик, яъни доно, фалсафий ғояларни ифодалашдан ташқари сентенциозлик – панд-насиҳат руҳи кучли.

Шоир ҳикматлари контраст (зидлик) усулига қурилган бўлиб, жамият ва табиатдаги айрим уйғунликларни ҳам ифодалаган ва шу тарзда ҳаётийлик касб этган. Контраст усули негизида образлар, фикрлар, ҳаракатлар, хулоса ва ҳукмлар зидлиги бадий маҳорат

билан ифода этилган. Ахлоқий панднома-ю ўғитлар чустиёна ташбеҳлар, қиёслар, сифатлашлар билан ўзига хос тарзда сайқал топган, улар тилининг соддалиги, услубан равонлиги ва халқоналиги билан характерланади.

Хуллас, Чустиё бадий маҳорати-ла сайқал топган ҳикматлар шеърларда панду ўғит характеридаги ғояларни фалсафий, ахлоқий, ҳаётий ва амалий жиҳатдан мантиқий асосли ифодалашга, образлилик, таъсирчанлик, оҳангдорлик, жозибадорлик ҳамда мусиқийликни таъминлашга, уларни халқ севган қўшиқларга айланишига хизмат қилган.

Таржимада аслият матни

Раҳимжон Каримов,
филология фанлари номзоди,
доцент (НамДУ)

Ёқубжон Солиев,
катта ўқитувчи (НамДУ)

Кейинги йилларда ўзбек ва хорижий тадқиқотчилар эътиборини Мирзо Бобурнинг шоҳ асари «Бобурнома» жалб этиб келмокда. Бобур ўз ижодида ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, маснавий, муаммо жанрларидан кенг фойдаланган. Бу жанрларнинг ҳар бири шоирнинг ўзига хос бадий маҳорати маҳсулидир. Бобур мазкур жанрларнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланибгина қолмай, ўз навбатида, уларни ижодий ривожлантиришга ҳам улкан ҳисса қўшган буюк сўз санъаткоридир.

«Бобурнома»нинг 1525 йил воқеаларига бағишланган қисмида Бобурни Хожа Калонга бир фармоннинг орқасига битиб юборилган форсча байти келтирилади. Бу байтнинг инглиз тилига қилинган таржимаси айнан форсий матн мазмунини аниқ ифода этганлиги билан характерлидир:

*Сабо ба лутф бизу, он газоли раъноро,
Ки сар бакўху биёбон ту додаи моро (309).*

Хожа Ҳофиз ғазали матлаъининг ўзбекчаси қуйидагича:

*Эй тонг ели, у гўзал оҳуга юмшоқлик била айтки,
Бизни тоғ ва саҳроларга улоқтирган сенсан (309).*

А.С.Бевериж хоним таржимаси:

*Say sweetly o breeze, to that beautiful fawn,
Thou hast given my head to the hills and the wild* (411).

Лейден-Эрскин таржимаси:

*O, Zephyr! kindly say to that beautiful fawn-
Thou hast condemned me to wander in the hills
and deserts* (p. 132).

Куриниб турибдики, ҳар икки таржимон асосий мазмунни инглиз ўқувчисига катта маҳорат билан етказа олган. Уларнинг ҳар бири бу мазмунни мукамал ифода этишда ўзига хос услубий йўллари қўллаган. Шу билан бирга, ҳар икки таржимада бироз эркинликка йўл қўйилганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқ керак. Масалан, Лейден-Эрскин таржимасида асосий матндаги «лутф» сўзи «оҳиста» сўзи орқали ифодаланган бўлса, Бевериж хонимда «ширин» сўзи билан алмаштирилган. Иккинчи мисрадаги «сар бақўху биёбон ту додаи моро», «бизни тоғу биёбонга улоқтирган сенсан» жумлалари ҳар икки таржимада ҳам: бирида «бошимни унинг боис дашту биёбонга олиб кетдим» тарзида таржима қилинган бўлса, иккинчисида, шунга қўшимча қилиб, «ақлдан оздим – девонаман» тарзида, яъни матнда йўқ сўзга асосий урғу берилган.

«Бобурнома»нинг 174-саҳифасида Бобурнинг машҳур бир газали матлаби келтирилади. Бу байтнинг яратилиш тарихи куйидагича: Муҳаммад Шайбонийхоннинг хатти-ҳаракатларидан ташвишга тушган Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари ва вазирлари, ниҳоят унга қарши кураш чора-тадбирларини кўра бошлайдилар ва маслаҳат учун барча темурий шахзодалар қатори, Бобур Мирзони ҳам таклиф қилдилар. Бу вақтда Ҳиротда қўшҳокимиятчилик ҳукм сураб – Бойқаронинг ўғиллари Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Ҳусайн Мирзо биргаликда подшоҳлик қилишарди («Бу ғариб амре эди, ҳаргиз подшоҳлиқта ширкат этилган эмас» (165), - деб ёзади Бобур бу ҳақда). Шахзодалар ичида яқдиллик, ишида қатъият йўқлигини кўрган Бобур улар билан бир иш чиқаришга кўзи етмайди («Бу мирзолар. агарчи суҳбат ва суҳбат ораликда ва ихтилот ва омизишта таври эдилар, вале сипоҳилик рева ва рангидан йироқ ва мардоналик жадал ва жангидан йироқ эдилар» (169). Бунинг устига, Ҳиротда қишлашни ҳарчанд таклиф этмасинлар, Бобурга муносиб шароит яратиб бермайдилар («Мени қишланг деб,

Муҳаммад Бурундукбек ва Зуннунбек¹ ба жид саъй қиладурлар эди вале қишлоқ ери ва қишламоқ асбобини яхши сомон бермайдурлар эди» 173). Натижада ғурури камситилган Бобур қаҳратон қиш бўлишига қарамай, Кобулга қайтади. Бироқ йўлда қор бўронига учраб, йўлдан адашади. Бобурнинг ўзи ҳам кўкрагига қор кечишига тўғри келади. Одамлар қўл-оёқ, қулоқларини совуққа олдирадидлар. Табиатнинг бу «номардлик»лари, тақдирнинг найрангларида бағри зардобга тулган шоирнинг қалбидаги «дарду алам сандиғи»ни очиб юборади ва у ўз руҳий изтиробларини куйидагича бадий сувратлантиради:

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдимۇ?

Хаста кўнғлум чекмаган дарду балоси қолдимۇ?

Бу матлаъ ҳам инглиз таржимонларининг диққат марказида бўлиб, у ҳар бир мутаржим томонидан ўзига хос усул ва услубда таржима қилинган.

Лейден-Эрскин таржимаси:

(Turki)- There is no violence or injury of fortune that

I have not experienced;

This broken heart has endured them all. Alas!

Is there one left that I have not encountered?

А.С.Бевеиж хоним таржимаси:

Is there one cruel turn of fortune's wheel unseen of me?

Is there a pang, a grief my wounded heart has missed? (p. 309).

А.С.Бевеиж хоним бу матлаъни эркин таржима қилади. Лекин таржима эркин бўлишига қарамай, барибир туркий тилдаги шеърнинг асосий мазмунини айтарли даражада тўлиқ ифодалаган, дейиш қийин. Бундан ташқари, Бобур А.С. Бевеиж хоним таржима қилган «бахт ғилдираги» ҳақида эмас, мана шу «ғилдирак»нинг (чархнинг) унга кўрсатаётган сон-саноксиз жабру жафолари ҳақида сўз юритмоқда. Шоир ифодасида бу чарх шу қадар жабру жафо кўрсатмоқдаки, муаллиф уларнинг барисини ўзининг кўнғил ойнасидан ўтказиб келмоқда. Иккинчи мисрада эса, шоир хаста кўнғили бу жабру жафолар туфайли барча дардларни бирма-бир бошдан кечирганлиги ва энди у чекмаган дарду бало қолмаган бўлса керак, деган хулосага келмоқда. А.С. Бевеиж хоним таржимасида «*гаму қайғую азобларни юрагим согинганмиди?*» деб

¹ «Бобурнома»да ёзилишича, Муҳаммад Бурундукбек Музаффар Хусайн Мирзо, Зуннунбек Бадруззамон Мирзо эшигида соҳиб ихтиёр бўлганлар (165).

таржима қилиш асосий шеър мазмунидан анча йироқ бўлишидан ташқари, шеър руҳиятига ҳам мос келмайди. Бунинг устига, Бобур А.С. Бевериж хоним таржима қилганидек, «виждон азоби» ҳақида эмас, чархнинг Бобурга кўрсатаётган ҳам руҳий, ҳам жисмоний беадад азоб-уқубатлари ҳақида гап бормокда. Кўриниб турганидек, Лейден-Эрскин таржимаси ҳам асосий матн мазмунидан анча узоқлашган ва натижада шеърдаги асосий ғоя инглиз ўқувчиларига асл нусха ҳолатида етиб бормаган. Хулоса қилиб айтганда, таржимада аслият матни ҳажман, мазмунан ва маъновий (семантик) тарафдан муқаррар ўзгаришга учрайди.

Файдаланилган адабиётлар:

1. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Девон. – Тошкент, 1994.
2. З. М. Бобур шеърятидан. С. Ҳасанов. – Тошкент, 1982.
3. Бевериж. А.С. Бобурнома. – Лондон, 1905.
4. Babur The Tiger. By Herold Lamb. – Printed in Great Britain. 1962.

Oksyumoron birikmalar haqida

Shavkatjon Abdurahmonov,
filologiya fanlari
nomzodi (NamDU)

Odatda, har qanday soʻzlar birikib, gaplarni, soʻz birikmalarini hosil qilavermaydi.

Soʻzlarning bogʻlanishi uchun mazkur soʻzlar grammatik va semantik jihatdan aloqador, bogʻlana oladigan, binobarin, soʻzlarning bogʻlana olish imkoniyati boʻlishi zarur. Demak, soʻzlar faqat shakliy tomondangina emas, balki shu bilan birga, semantik nuqtayi nazardan ham bogʻlanadi. Soʻz birikmasi komponentlari ifodalagan tushunchalar, ularning semantik strukturasi oʻzaro sigʻishadigan boʻlishi kerak. Maʼlumki, soʻz birikmasi soʻzlarning semantik va sintaktik kengayishi natijasida hosil boʻladi. Soʻzning soʻz birikmasi yoki gap shaklida sintaktik kengayishi uning sintaktik valentligiga bogʻliqdir. Sintaktik valentlik esa soʻzning semantikasi, semantik valentligi bilan uzviy bogʻliq chunki sintaktik valentlik – bu maʼlum bir mustaqil leksik maʼnoga ega soʻzning boshqa mustaqil leksik maʼnoli soʻz bilan birika olish imkoniyati ekan, sintaktik valentlik soʻz maʼnosi bila bevosita

bog'langan, demak u semantik valentlik bilan chambarchas bog'liqdir.¹ Semantik sharoit so'zning aktual manosini aniqlaydi hamda uning kontekstdagi imkoniyatlarini ko'rsatadi so'z birikmasining komponentlari faqat grammatik jihatdan emas, semantik nuqtayi nazardan ham o'zari bog'lanar ekan, semantik aloqodorlikda so'z birikmasining komponentlari umumiy sema asosida birikadi. Ma'lumki, umumiy semani lingvistik adabiyotlarda klassema, sintagsema atamallari bilan ham nomlanadi. Semantik jihatdan bog'lanadigan so'zlarning, ayniqsa, aniqlovchi+aniqlanmish munosabatida birikadigan leksemalarning semalar tarkibida o'xshash va farqlovchi semalardan tashqari, ikkala leksema uchun umumiy bo'lgan semalar ham mavjud bo'ladi. Bunday birikma komponentlari ana shu umumiy sema asosida ma'no jihatdan bog'lanadi. Bunday umumiy sema bog'lovchi zanjir vazifasini o'taydi. Shunga qaramay, badiiy adabiyotda, ayniqsa, hajviy janrdagi asarlarda g'ayritabiiy so'z birikmalari, metaforalar, oksyumoron va boshqa shakllar ham uchraydiki, ular ma'lum bir uslubiy maqsadlarni ko'zda tutadi. Bu kabi uslubiy figuralar nutq ta'sirchaligini oshirish, tasviriylkni kuchaytirishga yordam beruvchi maxsus sintaktik qurilishlardir. Bulardan oksyumoronlar va ularning hosil bo'lishi, strukturaviy komponentlari, birikish usullari, ayniqsa, o'ziga xosdir.

Oksyumoron (grekcha oxumoron-o'tkiru, lekin bema'ni) mantiqan biri-ikkinchisini inkor etadigan, bir-biriga qarama-qarshi bo'lgan ikki tushunchani (mazmunan bir-biriga zid ikki so'zni) o'zaro qo'shishdan iborat uslubiy figuradir.² Shuningdek, adabiyotlarda oksyumoronlarni antiteza yoki zidlash munosabatining ko'rinishlari sifatida talqin qilinadi. Kishi yoki predmentning tabiyati, voqea-hodisa va tushuncha mohiyatiga zid belgini unga nisbatan qo'llash orqali zidlash munosabatining yuzaga kelishi oksyumoronlarni hosil qiladi.³

O'zbek tilidagi ba'zi ishlarda oksyumoronlarning hususiyatlari haqidagi ayrim mulohazalar uchraydi.⁴ Shuningdek, oksyumoron birikmalarga bag'ishlangan Dinora Zaynutdinovaning "rus va o'zbek tilidagi noodatiy birikmalar" mavzusidagi alohida nomzodlik ishi

¹ Nurmonov va boshqalar. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi. Toshkent, "Fan", 1992, 43-bet.

² Axmanova O. Slovar lingvisticheskix terminov. - M., 1966. - S. 286

³ Lapasov J. Badiiy matn va lisoniy tahlil. - Toshkent, 1995 - B. 42

⁴ Shomaqsudov A va boshqalar. O'zbek tili stilistikasi. -Toshkent, 1983.; Karimov S. O'zbek tilining badiiy uslubi. Dok. dis.-Toshkent, 1993. - 293 b.

bo`lib,¹ unda muallif oksyumoron birikmalarni qiyosiy aspektda batafsil tadqiq etadi hamda ularning strukturaviy komponentlar, birikish usullarini aniqlaydi. Unda qarama-qarshi ma`noli belgilarga ega bo`lgan so`zlarning o`zaro birikib, oksyumoron hosil qilish uchun muayyan sharoit, ya`ni qarama-qarshi ma`noli belgilarning birikishi uchun umumiy sterjen vazifasini bajaruvchi yashirin umumiy ma`no mavjudligini to`g`ri ko`rsatib o`tadi. Muallif oksyumoron bog`lanishlarning bir necha modellarini aniqlaydi. Jumladan, birinchi modeldagi oksyumoron butunlay qarama-qarshi tushunchalardan hosil bo`lib, umumiy sema mavjudligi holda, qismlardan birining ma`nosi kuchsizlashadi. Masalan, yorug` tun, qora quyosh kabi. Ikkinchi modeli oksyumoronlarga qismlari o`z ma`nolarini to`la saqlagan birikmalar kiradi. Masalan, shirin tashvish, suyuqli xoin kabi. Bunday birikma tarkibidagi so`zlar salbiy va ijobiy ma`nolarini bir paytning o`zida saqlay oladi. Uchinchi modelida analogiyaga ko`ra hosil qilinadi. Bunda turg`un birikma komponentlaridan biri boshqa komponent bilan almashtiriladi. To`rtinchi modelga komponentlari Asiz+A shaklidagi birikmalar kiritiladi: so`zsiz suhbat kabi. Ba`zi oksyumoronlar alohida tipga bo`lib ko`rsatiladi. Bunday oksyumoronlar boshlanmay tugatilganlik, bajarilmay bajarilganlikni ifodalaydigan (uzilmay uzilgan umidlar), komponentlaridan biri mavjud bo`lmagan narsani ifodalaydigan (hech narsani so`zlar yana til) birikmalardir. Shuningdek, dissertatsiyaning alohida bobida oksyumoronlarni grammatik strukturasi ham tadqiqot ob`ektiv sifatida o`rganiladi.

Demak, bunday uslubiy figuralarni hosil qilgan birikma komponentlarini semantik jihatdan bog`lovchi umumiy sema bo`lmaydi. Aksincha, ular tarkibida o`zaro zid semalar mavjud bo`ladi oksyumoron qismlaridan birining semasi ikkinchi qism klassemasini inkor etadi. "Birikmaydigan" bunday qismlarning birikishlari uchun esa sharoit, imkoniyat zarur. Bunday sharoitning oksyumoronlarda ifodalangan kommunikativ niyat va ma`lum bir maqsad bilan bog`liq oksyumoron ishora qilgan yashirin ma`nolar yaratadi. Oksyumoron birikmalarda ifodalangan ana shunday kommunikativ niyat yoki maqsadlar hamda ularning ifodalanish shakllari (shakl va mazmun) ayniqsa, hajviy matnlarda kommunikativ maqsad va so`zlovchining subektiv munosabati bilan bog`liq holda ma`lum bir presuppozitsiyalarga ishora qiladi.

¹ Zaynutdinova D.T. Neobichniye slovosochetaniya v russkom i uzbekskom yuzikax. Dis.kand.fil.nauk. T.,1990. 132 s.

Kiyim nomlarining uslubiy xususiyatlari

N.Umarova,
dotsent (FarDU)
M.Usibjonova,
talaba (FarDU)

Alisher Navoiyning turkiy til ravnaqi borasidagi buyuk xizmatlarini Husayn Boyqaro quyidagicha baholaydi: *“Turkiy tilning o‘lgan jasadig‘a Maseh nafasi bila ruh kiyurdi va ul ruh topqonlarga‘a turkiy alfoz toru pudidin to‘qulg‘an hulla va harir kiyu-di”*¹. Bu kabi e‘tiroflardan Alisher Navoiy turkiy tilga yangi jon va mumtoz ruh baxsh etdi, degan ma‘noni anglash qiyin emas. Navoiy bu yangi ruhga turkiy tilning o‘rish-arqog‘idan to‘qilgan go‘zal harir kiyimlar kiygazdi. Navoiygacha hech kim “bokira ma‘nolar” (P.Qodirov) tanasiga bunchalik go‘zal turkona liboslar kiydira olmagan edi.

Yuqoridagi fikrlar garchi majoziy asosga ega bo‘lsa-da, aslida libos tushunchasi Navoiy ijodida o‘ziga xos o‘rin tutadi va bunday birliklar badiiy matnda uslubiy imkoniyatlarining rang-barangligi bilan ajralib turadi. Shoir asarlarining bir jildlik lug‘ati asosida 110 dan ortiq kiyim-kechak nomlarini quyidagicha tasnif etish mumkin: **tananing muayyan qismiga tegishliligiga ko‘ra**(bosh kiyim, ustki kiyim, oyoq kiyimi nomlari, shuningdek, bu paradigma a‘zolari tarkibiga kiyim detallari nomini ham kiritish mumkin); **kiyim yoki uning uchun asos ekanligiga ko‘ra**(kiyim va kiyimlik nomlari); **mavsumiy xususiyatiga ko‘ra**(yozgi va qishki mavsumda kiyiladigan kiyim nomlari); **qaysi ijtimoiy tabaqa va toifa kiyimi ekanligiga ko‘ra**(darvesh va qalandarlar kiyimi, shohona kiyimlar va qimmatbaho matolar, g‘arib va qashshoqlar kiyimi, harbiylar kiyimi, temirchilar kiyimi, hofizlar kiyimi, g‘ayridinlar kiyimi nomlari); **qaysi tilning ifoda birligi ekanligiga ko‘ra** (turkiy, forscha va arabcha kiyim nomlari).

Shoir ijodida nafaqat libos nomlari, balki kiyim uchun asos bo‘lgan mato nomlarini ham uchraydi. Kiyimlik nomlarini ishlangan materialiga ko‘ra ham tasniflash maqsadga muvofiqdir. Masalan, bu davrga mansub liboslar uchun *bo‘z, atlas, ipakli, zarli, jundan va tuya yungidan to‘qilgan, teridan ishlangan, to‘r ko‘rinishidagi, po‘stin ko‘rinishidagi, paxta va kanopdan to‘qilgan* matolar ishlatilgan.

¹ Qarang: Qodirov P. Mumtozlik chukkasiga zltuvchi yullar / Til va sl. –T.:Ma’naviyat, 2010. – B. 122.

Harbiy kiyimlar esa metallardan tayyorlangan. Shunday ekan, bu paradigma a'zolarini tashkil etuvchi mato nomlari semantik xususiyatiga ko'ra alohida-alohida uyalarni tashkil eta oladi. Masalan, *'tuya jundidan to'qilgan mato'*, *'ipakdan to'qilgan mato'*, *'ipakdan to'qilgan mayin mato'*, *'qimmatli mato'*, *'naqshli ipak mato'*, *'zarli mato'*, *'paxtali dag'al mato'*, *'to'qima mato'*, *'ipakdan to'qilgan ingichka yo'lli mato'*, *'ipakli, yupqa guldor mato'*, *'arpagulli atlas'*, *'qora atlas'*. Bu paradigma a'zolarini so'zning lug'aviy ma'nosi orqali aniqlash imkoniyati mavjud. A'zolar orasida ipakli matolar yanada kichikroq semantik uyani tashkil etadi. Ushbu uyadosh birliklarning integral semasi *'ipakli'* ekanligidadir. Birliklarning differensial semalari *'ipakdan ekanligi'* (*xazz, kimxo*), *'tarkibida qisman ipak borligi'*, *'yupqa'* va *'guldor'* (*parniyon*), *'ingichka yo'lli'* (*pari magas*), *'naqshli'* (*debo*), *'mayin'* (*volo*) kabi semalarda namoyon bo'ladi.

Kiyim nomlari matnda rang va harakat tushunchali birliklar bilan sintagmatik munosabatga kirishadi va bu kabi qo'shniçilik munosabatlari reallashuvining o'ziga xos uslubiy jihatlari mavjud. G'azallarda barcha ranglar ham kiyim uchun belgi bo'la olmaydi. To'plangan misollar tahlili asosida libos nomlarining rang tushunchali atributlarini jadval asosida quyidagicha aks ettirish mumkin:

№	Ranglar	"Libos" arxisemali birliklar	№	Ranglar	"Libos" arxisemali birliklar
1	<i>axzar</i>	<i>xil'at</i>	18	<i>la'lgun</i>	0
2	<i>axmar</i>	0	19	<i>la'tiy rang</i>	0
3	<i>arg'uvoniy</i>	<i>to'n</i>	20	<i>limuvi</i>	<i>bo'rk</i>
4	<i>gulbun</i>	<i>Bar</i>	21	<i>lojuvard</i>	<i>atlas</i>
5	<i>gulgul</i>	<i>libos, harir</i>	22	<i>lolagun</i>	0
6	<i>gulgun (a)</i>	<i>ko'nqlak, to'n, rishta,</i>	23	<i>moviy</i>	<i>Katon</i>
7	<i>gulnor</i>	0	24	<i>noranji</i>	<i>libos</i>
8	<i>gulrang</i>	<i>Yilak</i>	25	<i>obgun</i>	<i>kisvat</i>
9	<i>za'faroniy</i>	<i>ko'ylak</i>	26	<i>oq</i>	0
10	<i>qaro</i>	<i>bo'rk</i>	27	<i>otashin</i>	0
11	<i>qizil</i>	<i>to'n, fo'ta</i>	28	<i>sabza</i>	0
12	<i>qonlig'</i>	<i>Momug</i>	29	<i>sarig'/sorig'</i>	<i>Bo'rk</i>
13	<i>kofuriy</i>	<i>Harir</i>	30	<i>siymgun</i>	<i>libos</i>
14	<i>ko'k</i>	<i>to'n</i>	31	<i>siymobiy</i>	<i>libos</i>
15	<i>ko'kumtul</i>	0	32	<i>surmagun</i>	0
16	<i>la'l (i)</i>	0	33	<i>shabgun</i>	<i>Parda, hulla</i>
17	<i>shafaagun</i>	0	34	<i>shingarf</i>	0

Ta'kidlash lozimki, shoir lirikasida *qora* leksemasi motam kiyimi sifatida libos tushunchasini ifodalagan o'rinlar ham bor. Bunday hollarda *qora* so'zi metonimiya (aloqadorlik) asosida kiyim tushunchasini ifodalaydi. Bu tushunchaga matnda *kiymoq* fe'li ishora qilib turadi. Metonimik asosda kiyim tushunchasini ifodalash faqat shu rang bilangina chegaralanadi. Masalan:

Bu motam noma yozgan kilki cholok,

Qaro mundoq kiyib aylar yaqo chok (FSH)

Bayt quyidagi mazmunga ega: "*Bu motamnomani yozgan epchil qalam, qora kiyib, yoqasini yirtib, shunday hikoya qiladi*".

"Kiyim" semantik maydonida ot leksemalar qanchalik ko'p bo'lmasin, bu maydonga aloqador fe'l leksemalar juda ham oz. Navoiy g'azallarida kiyim tushunchasi bilan bog'lanuvchi *kiymoq, o'ramoq, yopmoq, ochmoq, kirmoq, tikmoq, bog'lamoq, chok kilmoq, eskildi tut* fe'l leksemalarigina mavjud. Mazkur fe'llar g'azallarda ifoda va atash semalari bilan qatnashishi mumkin. Fe'llar ifoda semasiga ega bo'lganda fe'l argumentlari mavhum tushunchali so'zlardan tanlanadi:

Tikti ko'ksum chokinu tiyg'in tanimda qildi gum,

El eshikni qulf etib tufroqqa ko'mgandek kalid (G'S)

Badiiy tilda kiyim-kechak nomlari ham muayyan stilistik imkoniyatlarga ega. Chunki tasvir va tavsifda badiiy obraz, aniqroq aytadigan bo'lsak, lirik qahramonning liboslari ham shoir tasavvurining badiiy ifodasi sifatida she'riy matni shakllantirishda muhim vositaga aylanadi. Libos nomlarining qo'llanishida ijodkorning muayyan poetik maqsadi yotadi. Maqsadlarning xilma-xilligi ular uslubidagi o'ziga xosliklarni belgilaydi. Ana shu jihatlarni lingvo-poetik tadqiqi orqali ularning stilistik imkoniyatlarini aniqlash mumkin bo'ladi.

Arab tilidagi o'zlashma so'zlar

Yunusxon Rahmatullayev,
katta o'qituvchi (NamDU)

Leksika - tillarning o'zaro yaqinlashuvi omillaridan biridir. Tildagi so'z o'zlashtirish hodisasi xalq tomonidan kirib kelganligi yangi hodisa, yangi tushunchalar ifodalashning o'zlashtirish ko'rsatkichidir, barcha o'zlashma so'zlar, odatda, yangi predmet va yangi voqealarning ifodalanishidan kelib chiqadi.

O'zlashma so'z-bu chet tilidan ko'chgan leksema bo'lib, o'zlashtiruvchi tilining fonetik, leksik-semantik, grammatik qobig'iga bo'ysungan bo'ladi.

Inson nutqining ijtimoiy xarakteri jamiyat taraqqiyotini ko'rsatuvchi tarixiy faktlar bir til elementlarining boshqa til tomonidan o'zlashtirilishi, bir tilning boshqa tilga ta'sir etishini ko'rsatadi.

Har qanday til "o'z" va "begona"so'zlardan iborat bo'ladi. Bu so'zlar xalq tili leksikasida o'z aksini topadi. O'zlashma so'zlar tillar leksikasini boyishining asosiy manbalaridan biri hisoblanadi. O'zaro munosabat va uzoq muddat aloqada bo'lish tilda o'z aksini topmay qo'ymaydi. Ayniqsa, bu hodisa tilning eng harakatchan va ta'sirga tez beriluvchi qatlami bo'lmish leksikada juda seziladi..

Vorisiylik an'analari bilan nom chiqargan arab tili lug'atda kelib chiqish jihatidan boshqa tillarga mansub so'zlar nihoyatda ko'p uchraydi Ushbu ko'rsatkich bo'yicha arab tili somiy tillar orasida haqli ravishda eng boy til hisoblanadi. .

Arab tilining o'zlashma so'zlar bilan to'ldirish jarayoni turli sur'atlarda ushbu til tarixiy rivojlanishning barcha bosqichlarida amalga oshirildi. Albatta ushbu jarayonni ko'zdan kechirar ekanmiz, shu narsaga amin bo'lamizki, turli bosqichlarda o'zlashtirma so'zlarning predmetlik- ma'noviy doirasi, o'zlashtiruv manbalari, boshqa tillar bilan o'zaro munosabatga kirishish xususiyatlari va sharoitlari, o'zlashtirilgan so'zlarning arab tiliga qorishuv darajasi hamda ushbu tilda so'zlashuvchilarning o'zlashtirma so'zlarga nisbatan munosabatlari o'zgarib turadi va bu narsa o'z navbatida, arab tilining o'zlashtirma so'zlar hisobiga boyish va to'ldirish jarayonining sur'atlarini belgilab boradi. Bu o'rinda local voqealik va adabiy til qo'llanishi diapozonini belgilashda muhim ro'l o'ynovchi jug'rofiy faktorlar bilan ham hisoblashish zarur.

Arab tili uchun o'zlashtirish davrlarini aniqlash katta ahamiyatga ega, ya'ni klassik mumtoz davrda o'zlashtirilgan va arab tilida muqim o'mashib qolgan so'zlar ushbu til qonuniyatlari bilan to'la qorishib ketgan bo'lsalar, hozirgi zamonda yevropa xalqlari tillaridan arab tiliga kirib kelgan aksariyat so'zlar oxirigacha o'zlashtirilmagandir.

Arab tili tomonidan to'la o'zlashtirilgan va bu tilda asrlar osha muqim o'mashib qolgan o'zlashtirma so'zlarni sof arab leksikasi bilan qiyoslash arab tili lug'aviy tarkibini tarixiy o'rganish natijasi bo'lib, eng avvalo etimologik va tarixiy-madaniy nuqtai nazardan qiziqarliidir, zero umumiy ko'rinishda sof arab so'zlaridan unchalik farq qilmaydi.

Arab tilining o'zlashtirma so'zlar hisobida boyishi jarayonining qadimiy davri arab tilida so'zlashuvchi aholi dunyoqarashining kengayishi bilan, keyinroq esa arablar jamiyatidagi tub o'zgarishlar hamda arab tilini so'zlarining asosiy qismini ungacha ma'lum bo'lmagan hayvonot va nabodot dunyosiga xos voqealar nomi, dehqonchilik, hunarmandchilik bilan bog'liq atamalar tashkil etadi. Shu sababli arab tilining og'zaki rivojlanish davrida chet tillarga mansub so'zlar ko'plab uchraydi.

Shu davrda arab tilining boyishida o'rta davr fors tili katta ro'l o'ynaydi. Bular asosan "madaniy" leksika hisoblanib, o'troq turmush tarzida qo'llanuvchi predmetlar, mehnat qurollari, hunarmandchilik buyumlari, qimmatbaho toshlar va minerallar, dorivorlar nomi bilan bog'liq so'zlar. Bular qatoriga xo'jalik buyumlari, idishlar hamda ba'zi oziq-ovqat va ichimliklar nomini kiritish mumkin. Quyida hozirgi kunlarga saqlanib qolgan fors tilidan o'zlashtirilgan so'zlardan misollar keltiramiz: *Ibriq- dastakli ko'za, tist- yoki tisht- tog'ora, finjaan- piyola, hanjar- hanjar, xavaan- tushlik stoli, jullab- gulob, sham'adon-shamdon, siraaj- chiroq, kasquban- angishvona, zinjir- zanjir.*

Ba'zi bir binolar va uy qismlarining nomlari: *Dihliz- dahliz, suraadiq- kapa, sirdaab- yer to'la, xandaq- xandaq.*

Ba'zi bir matolar va liboslarning nomlari: *ibraysam- bahmal, xadibaaj- parcha, javrab- paypoq, tarbuush- hoji do'ppi,*

Qimmat baho toshlar va minerallarning nomlari: *javhar – gavhar, jamast- ametist, fiiruzaj- feruza, yaaquut – yoqut, kahraboa – qahrabo.*

Musiqqa asboblari nomi: *Kamanjaan- g'ijjak, nay- sivistig'a, nay.*

Bog' va poliz o'simliklari nomi: *narjiiz- nargis, banafsaj- binafsah, yasmin- yosuman, baabuunaj- moychechak, xiyyar- bodiring, biittix- qovun.*

Hozirgi davrda ham keng qo'llanilayotgan u yoki bu darajada o'zining dastlabki ma'nosidan uzoqlashib ketgan quyidagi so'zlar ham fors tilidan kirib kelgandir: *ustaz- ustoz, barnaamaj- progromma, bustaan- bog', askar- qo'shin, namuuzaj- namuna.*

Shu bilan birgalikda fors tili vositasida boshqa tillardan quyidagi so'zlar kirib kelgan: *daftar- daftar, sukkar- shakar, uruzz- guruch, shatranj- shaxmat, bitaaqa- kartochka.*

Arab olimi Al-Javoliqiy shu munosabat bilan quyidagi fikrlarni aytgan:

Aksariyat hollarda klassik shoirlar qofiya uchun forsiy so'zlarni ishlatganlar. Arab tili lug'atini boyitishda oromiy tilidan uning lahjasi

bo'lmish suryoniy tili vositasida o'zlashtirilgan so'zlarning ham o'ziga xos o'rni mavjud.

Ushbu tildan o'zlashtirilgan so'zlarning asosiy qismini hayvonot va nabotot olami hamda dehqonchilik va hunarmandchilik bilan bog'liq so'zlar tashkil etadi. O'simliklar nomi bilan bog'liq so'zlar ko'pchilikni tashkil etadi. Masalan: balluut- qarag'ay, safsaaf- majnuntol, qaranful- chinnigul, tuut- tut, tiin- anjir, tufaah- olma

Hayvonot olami bilan bog'liq so'zlar: *hayvaan- hayvon, ivazz- g'ozlar, dajaaja- tovuq, farruuj- jo'jalar.*

Dehqonchilik va o'troq turmush tarzi bilan bog'liq so'zlar guruhiga quyidagilarni misol keltirish mumkin: *buurr- ishlov berilmagan yer, tur'a- sug'orish kanali, taahuun- tegirmon, tannuur- tandir, mismaar- mix.*

Bundan tashqari, inson liboslaridan ba'zilari hamda ba'zi bir kasb- hunar nomlari arab tiliga oromiy tilidan kirib kelgan: *ikliil – toj, qub'a- bosh kiyim, tikka- kamar, xayyaat tikuvchi, fallaah- dehqon, naajjaar- duradgor.*

Shu bilan nasroniy-pravoslav cherkovi bilan bo'liq bir qator so'zlar ham oromiy tilidan kirib kelgan masalan: *kaniisa- cherkov, dayr- monastir, raahib- rohib, qisiyy-ruhoniy, naaquus- qo'ng'iroq.*

Bulardan tashqari turli xil so'zlar ham oromiy tiliga mansubdir: *'aalam – olam, hayaat – hayot, salaat – namoz, kitaab – kitob, taabi"- muhr*

Artab tilidagi Vizantiya davri yunon tilidan o'zlashtirilgan so'zlar ham talaygina. Ushbu o'zlashtirma so'zlar ichida oromiy tili vositasidagi tarjimonlik faoliyati orqali kitobiy so'zlar, xususan, turli fanlar atamalari alohida o'rin tutadi: *asiir – efir, ustuura – afsona, funduq – mehmonxona, ustuul – flot dirham – dirham, qalam – qalam .*

Bunday misollarni juda ko'plab keltirish mumkin va xulosa o'rni professor A. Borovkovning quyidagi ta'birini aytib o'tish joizdir." Tilning ichki taraqqiyot qonuni, uning grammatik qoidalari va talaffuz normalari boshqa tildan kirgan so'zlarni o'ziga bo'sunishga majbur qiladi".

Adabiyotlar:

1. Yakubovskiy N. Izbranni trudi. – M., 1957.
2. Vandries J. Yazik. – M, 1937.
3. Al Javolqiy Abu Mansur. Minal kalam ala xurufil mu'jam. – Qohira, 1361.
4. Borovkov A. Izbranniye trudiye. – M. 1964.

Айрим тахаллуслар хусусида

Носиржон Улуқов,
филология фанлари
доктори (НамДУ)

Нигора Усмонова,
Ўзбек тили йўналиши
магистранти (НамДУ)

Ўзбек антропонимларининг номинатив бирликларидан бирини тахаллуслар ташкил қилади. Тахаллуслар ҳам шахс исми – асосий номга нисбатан қўшимча номдир.

Тахаллусларни ономастик аспектда ўрганиш ҳам лингвистик, ҳам бадиий-эстетик хулосалар чиқаришга имкон беради.¹ Ўзбек тилшунослигида тахаллуслар махсус тўпланмаган ва монографик тадқиқ қилинмаган.

Тахаллусларнинг бир тури адабий тахаллуслардир. Адабий тахаллусларни давр нуқтаи назаридан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) тарихий адабий тахаллуслар;
- 2) замонавий адабий тахаллуслар.

Тарихий адабий тахаллуслар – ўтмишда ижод қилган шоир ва адибларнинг тахаллусларидир.

Тахаллусларнинг бу икки тури вазифаси, моҳияти нуқтаи назаридан умумийлик касб этса-да, луғавий асоси, шакли, таркиби жиҳатидан бир мунча ўзига хос фарқли хусусиятларга эга. Ўзбек тили, хусусан, Наманган шаҳри ижодкорлари тарихий тахаллусларида яшаш жойига нисба бериш (*Нодим Намангоний*, *Рожий Намангоний* каби), таркибида шахс исми билан келадиган, вазифасига кўра тахаллусга яқин турадиган қуйидаги бирликлар қўлланади: Шайх, Ҳаким, Нисба, Амир, Мавлоно, Мавлавий, Махдум, Хожа, Мирзо, кунья кўринишлари “аб”, “абу”, “аби”, “ибн”, “ун”, “бинти”, “бону”, “нисо”, “хоним” ва бошқалар: *Эшон Муҳаммад Амин Хўжа (Қиёсий)*, *Эшон Шайх ул-ислом Намангоний*, *Хожаи Калон* (Зокир-хўжа Муҳаммад Аминхўжа ўғли), Мавлоно Абдулкарим (Фазлий), Мулла Абдулазиз Мулла Ҳасан Кўчак ўғли (Мажзуб) каби.

Э.Бегматов кўрсатишича, булар тахаллусга ёндош ҳодисалардир.²

¹ Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б.

² Бегматов Э. Уша асар. – Б.

Наманган шаҳри тарихий антропонимиясида ҳам тахаллуслар салмоқли урин тутади. Наманган адабий муҳитига доир тахаллусларни туллашда ва тадқиқ этишда Исҳокхон Ибрат,¹ Пулатхон Қаюмов,² Алихон Халилбеков³ асарлари муҳим манбадир.

Қадимги замонлардан ХХ асргача бўлган давр адабий муҳитида Наманган шаҳри антропонимиясига мансуб куйидаги адабий тахаллуслар кузатилади: *Машраб, Қиёсий, Зокирий, Фазлий, Мажзуб, Нодим* каби.

Қиёсий - XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX аср бошларидаги адабиётнинг таниқли вакилларида бири Эшон Муҳаммад Амин Хужанинг тахаллусидир.

Зокирий – XVIII аср ўрталарида Наманган шаҳрида туғилган, машхур шоир ва олим Зокирхўжа Муҳаммад Аминхўжа ўғлининг адабий тахаллуси-дир. Уни Фазлий устозим деб ардоқлайди ва тазкирасининг дастлабки саҳифаларидан урин беради.

Зокирхўжа Муҳаммад Аминхўжа ўғли Амир Умархон даврида Қўқонда мударрислик қилган, шайхулислом мартабасига ҳам кўтарилган. Бу мақомда у Эшон Шайх ул-ислом Намангоний, Хожан Калон номлари билан машхур бўлган.⁴

Зокир – *зикр айтувчи, ҳамд-сано айтувчи, ибодатга машғул бўлувчи.*⁵

Рожий Намангоний, Излат, Риндий – “Тазкирани Қайюмий” да тилга олинган наманганлик истеъдодли шоирлардир. Мазкур манбада уларнинг исмлари берилмаган.

Рожий – *қайтувчи; боғлиқ, тегишли.*⁶

Ўзбек адабиётида Рожий тахаллуси кенг тарқалган. Манбаларда келтирилишича, бир неча Рожий тахаллусли шоирлар бўлган: *Рожий – Идрисхўжа Маҳдум Бухорий Набирахўжа ўғли, Рожий – Муҳаммад Юсуф Маҳзум ибн Хўжамберди, Рожий Маргилоний – Хўжажон Хўжа Низомиддин Хўжа ўғли, Рожий – Сулаймонкул уста Суяркул ўғли* каби.⁷

Изз – куч, қудрат; шараф; қиймат.⁸

Ринд – майпараст.¹

¹ Ибрат. Тарихи Фарғона. – Тошкент: Камалак, 1991.

² Қаюмов П. Тазкирани Қайюмий. – Тошкент, 1998.

³ Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. – Наманган: “Наманган” нашрияти, 2007.

⁴ Қаранг. Халилбеков А. Уша асар, 48-бет.

⁵ Алишер Навоий асарлари изоҳли лугати. – Тошкент: Фан, 1983. I том. –Б. 644.

⁶ Алишер Навоий асарлари изоҳли лугати. – Тошкент. Фан, 1983. II том. –Б. 626.

⁷ Қаранг. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 7-ж.

– Б. 345-346.

⁸ Алишер Навоий асарлари изоҳли лугати. – Тошкент: Фан, 1983. II том. –Б. 17.

Машраб, Махдий, Риндий, Умам – машхур наманганлик шоир Бобораҳим (Раҳимбобо) Валибобо ўғлининг тахаллусларидир. Шоир Машраб тахаллусини унга устози Офок Хожа қўйганлигини айтади: “Қуддиси сирруху Хожам отимни Машраб дедилар”.

Машраб тахаллусининг лугавий асоси – *машраб* сўзи омоним бўлиб, қуйидаги маъноларни англатади:

1) *табиат, хулқ, атвор; ичимлик, май; ишратхона.*

2) *йўл-йўриқ; гоя, маслак, хислат; майл.*²

Махдий – *раҳнамо, йўлбошчи.*³

Умам сўзи *умматлар, бир тилда сўзлашувчи инсонлар; бир пайгамбарга тобе кишилар* маъносини англатади.⁴

Алихон Халилбеков таъкидлаганидек, булар шоирнинг табиати, дунёқараши ва ижодиёти руҳини тўла ҳолда ва рамзий тарзда ифода этади.⁵

Фазлий Намангоний – Наманган шаҳрининг Анорзор маҳалласида туғилган шоир, адабиётшунос, тарихнавис Мавлоно Абдукаримнинг тахаллусидир. У Қўқон хони Амир Умархон топшириғи билан “Мажмуаи шоирон” тазкирасини тузган.

Ибн Фазлий, Бандазод – Фазлийнинг ўғли шоир Охунжон тахаллуси.

Мажзуб – XVIII асрнинг охирида туғилган ва XIX асрнинг 50-йиллари ўрталаригача яшаб ижод қилган тасаввуфий шоир Мулла Абдулазиз Мулла Ҳасан Кўчак ўғлининг тахаллуси.

Мажзуб сўзи *ҳайратланган, жазаваланган, девона* маъноларини англатади.

Мухлис – XVIII асрнинг чорагида Наманган шаҳрининг Чуқуркўча даҳасидаги Қоратут маҳалласи (ҳозирги Чорсу маҳалласи Кўзагарлик кўчаси) да туғилган шоир ва воиз, нотик Мулла Ёрмуҳаммаднинг тахаллуси.

Нодим – эл орасида Эшон Бобоҳон номи билан машхур бўлган шоир Сулаймонхон тўра Улуғхон тўра ўғлининг (1844 – 1910) тахаллуси. Шоир ижодини тадқиқ этган Алихон Халилбеков талқинича, нодим сўзи “*пушаймон қилувчи*”, “*афсусланувчи*” маъноларини билдиради.⁶

¹ Алишер Навоий асарлари изоҳли лугати. – Тошкент: Фан, 1983. II том. – Б. 623.

² Алишер Навоий асарлари изоҳли лугати. – Тошкент: Фан, 1983. II том. – Б. 266.

³ Алишер Навоий асарлари изоҳли лугати. – Тошкент: Фан, 1983. II т. – Б. 287.

⁴ Алишер Навоий асарлари изоҳли лугати. – Тошкент: Фан, 1983. III т. – Б. 287.

⁵ Қарант. Халилбеков А. Ўша асар. 60-бет.

⁶ Қарант. Халилбеков А. Нодим Намангоний. – Наманган, 2004. – Б. 5.

Предикативлик – коммуникативликни шакллантирувчи восита

Анорахон Суярова,
ўкитувчи (НамДУ)

Тилнинг асосий функцияси коммуникативлик, инсонлар ўртасидаги фикр алмашинувга хизмат қилиш, шунингдек, сўзловчининг борлиққа ва тингловчига муносабатини акс эттириш, таъсир кўрсатиш, яъни эстетик вазифа бажаришдан иборат. Тилнинг бу функциялари фақат гап орқали амалга ошади. Гапнинг асосий функционал белгиси коммуникативлик, яъни фикр ифодалаш ва баён қилиш вазифасидир. Гап бошқа синтактик бирликлардан предикативлик белгиси орқали фарқланади. Гапни коммуникатив бирлик сифатида шакллантирувчи восита предикативликдир. Масалан, *дарс бошланди* ва *дарснинг бошланиши* курилмаларининг ахборот ҳажми бир хил. Улар фақат шу объектив мазмунни қандай ифодалашни жиҳатидан фарқ қилади. Биринчисида предикативлик бор, иккинчисида йўқ.

Айрим тилшунослар гапни гап қилиб шакллантирувчи асосий белги сифатида модаллик категориясини қайд этадилар. А.Нурмонов эса модаллик предикативликнинг таркибий қисми эканлигини таъкидлайди.¹

Предикативлик кесимлик шакли деб ҳам юритилади. Чунки туркий тилларда гапнинг таянч маркази кесим бўлиб, кесимлик шаклида белгини ташувчи шахс иштирок этади.²

Предикативлик қуйидагилар асосида юзага чиқади:

- а) тасдиқ/инкор маъноси;
- б) майл-муносабат маъноси;
- в) замон маъноси;
- г) шахс маъноси;
- д) сон маъноси;

е) кесимни шакллантириш ва уни гапнинг эгаси ҳамда холи билан боғлаш.

Демак, кесимлик категориясида бешта маъновий хусусият ва бир синтактик вазифа мужассамдир.

¹ Нурмонов А. Тавланган асарла - Тошхент. "Академинашр", 2012. 3 жилдлик. 1-жилд. Б. 375.

² Нурмонов А. Тавланган асарлар.- Тошхент. "Академинашр", 2012. 3 жилдлик. 1-жилд. Б. 296.

Предикативликнинг гапларда ифодаланишидаги икки ҳолат фарқланади:

1) предикативликнинг грамматик (морфологик) шакллар орқали ифодаланиши;

2) предикативликнинг семантик-функционал ифодаланиши.

Предикативликка дастлаб мантикий категория сифатида қаралган. Кейинчалик бу ҳодиса грамматик категория сифатида ўрганила бошланган. Ўзбек тилшунослигида А.Нурмонов, Н.Маҳмудовларнинг бир неча асарларида предикативликнинг моҳияти ёритиб берилган.

Предикативлик гапнинг грамматик маъноси. У гапнинг шакллар системасидаги қисмларга ажралмайдиган грамматик маънодир.

Предикативлик шахс, замон, майл, тасдиқ-инкор маънолари ва бу маъноларни ифодаловчи шакллар йиғиндисидан ташкил топади. Демак, шундай грамматик маънога ва уни ифодаловчи шакллар системасига эга бўлган ҳар қандай энг кичик синтактик бирлик гап ҳисобланади.¹

Предикативликнинг шаклланиши хилма-хил:

1) ҳар бир предикатив маъно компоненти алоҳида-алоҳида шакллар орқали ифодаланади. Масалан, *ўқимадингиз* қурилмасида 3 та предикатив маъно компоненти 3 та грамматик шакл орқали ифодаланган: *-ма* (инкор), *-ди* (замон), *-нгиз* (шахс -сон);

2) бир формант ёрдамида синтезлашган ҳолда ифодаланиши мумкин. Масалан, *ўқий* (тасдиқ, аниқлик майли, келаси замон, биринчи шахс);

3) ҳеч қандай қўшимчаларсиз, феълнинг асоси орқали предикативлик ифодаланиши мумкин. Чунки ўзбек тилида ҳар қандай феъл бош шаклига кўра иккинчи шахс буйруқ майлини ифода этади: *ўқи, ёз, чиз* каби;

4) атов гапларда ҳеч қандай гарамматик шаклларсиз, фақат нутқ вазияти орқали предикативлик ифодаланади. *Болалик! Бегубор онлар!* Бу ердаги сўз алоҳида олинганда ўзининг шакл парадигмасида бош шакл сифатида номинатив бирлик, гап эмас. Парадигмадан ташқарида предметнинг умумлашган номини аташ йўли билан шахс, сон, замон, тасдиқ маъноларининг ифодаланиши уни гапга айлантиради;

5) предикативлик тўлиқсиз феъллар орқали ифодаланади. *Борган экан, талаба эди* каби;

¹ Нурмонов А., Искандарова Ш. Умумий тилшунослик. – Фарғона, 2007. – Б. 96.

б) предикативликнинг юзага чиқишида сўз тартиби ҳам аҳамиятга эга. *Қизиқарли китоб ва китоб қизиқарли* бирикмаларини таққосласак, бу кўзга ташланади.

Хуллас, предикативлик гапнинг грамматик асоси бўлиб, у коммуникативликни шакллантирувчи воситадир.

“Луғати салос” асарида қардош туркий тиллар лексикасига оид сўзлар

Сурайё Ғофурова,
Укитувчи (ФарДУ)

Салоҳиддин Тошкандий қаламига мансуб бўлган ХХ аср бошларининг нодир манбаларидан бири “Луғати салос” – уч тилли лугат (арабча, форсча ва туркча) ҳисобланади. Унда турли тематик гуруҳларга оид сўзларнинг мазкур уч тилдаги эквиваленти (муқобили) қайд қилинган. Лекин туркий қатлам ўз ичида турли қариндош туркий тилларга оид сўзларни ҳам қамраб олганки, бу ҳақда муаллиф ўрни билан маълумот бериб кетади. Бунда у китобнинг ҳошиясидан фойдаланган. Бу усул шарқ китобати тарихида кенг қўлланилган.¹

“Луғати салос”нинг 48-саҳифасида, ҳошияда тасдиқ маъносидаги сўзнинг уч тилдаги муқобил берилган: *бали – ори – ҳова*. Сўнгра «Қозоқ тилинда “*ҳайя*” ҳам дер”, деб илова қилинган. Яна: “Элнинг маъноси “*жамоа*” ва “*аҳли жинс ва жамоа*” бўлур. Эл «*қисм ва наймон*” ва “*хеш*” ва “*қўшнилик*” бўлур. Сурён тилинда эл деб *тангрини* айтур” (18-бет).

Луғатда сўзлар устига қўйилган Ў (*т*) ишораси “туркий” деган маънода қўлланган. Бунда у кенг маънони ифодалаган, яъни “арабий” ва “форсий” деган маънолардан ажратиш учун хизмат қилган ва аксар ҳолларда “ўзбекча” деган маънони ифодалаган. Масалан, *энглик, китоб, қўйлак, юзук, тугма, чакман, тўн, қалпоқ* (43-44-бетлар).

Луғатда “туркий” деб қайд қилинган сўзларнинг баъзилари туркий тилларнинг ҳаммасида эмас, балки айримларида қўлланади, холос. Ана шундай сўзларнинг айримларига тўхталиб ўтамыз:

1) Уғуз тиллари, хусусан, усмоний турк тилига хос сўзлар:

¹ Шарафмедова Н.И. Словарь “Халса бо халли лугат” как источник узбекской исторической лексикографии”: АР канд. дис. –Ташкент, 1990.

ақиб – пошна – тавон – ўкча, алоб – пай

Л.Будагов туркий (усмонли турк) деб қайд қилган “пята”, “пятка”, “каблук” деб таржима қилган.¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғатида унинг диалектик сўз эканлиги таъкидланиб, “пошна” деб изоҳланган.²

Буоқ – мўйлаб, В.В.Радлов – “чигатойча” деб қайд қилади.³

Дегил Шоруб – бурут – буоқ – мўйлаб,

Дахи лахя – сақолу риш, эшит гап .

Оғиршиқ – турк тилида “чарх”, “чигириқ” маъноларини англатади.⁴

Фарис ул чанбарак – фалака – оғиршиқ,

Яна чарх маъни бил маҳлож – чигириқ .

Чўлмак – қозон. Бу сўз турк, татар, озарбайжон тилларида чўлмак, чўмлак шаклларида қўлланади ва “қозон”, “идиш”, “горшок” каби маъноларни англатади.⁵

Бўлур зарф қоп – ованд англа эй бек,

Чу маржал – қидр – чўлмак ҳам қазон – дек

Лачак – Л.Будагов бу сўзни “аёллар елкасига ташлаб юрадиган рўмол” деб изоҳлайди ва унинг чигатой (эски ўзбек тили) ва озарбайжон тилларига хос эканлигини қайд қилади.⁶

Явлуқ – турк, татар, озарбайжон, қирғиз тилларида қўлланиб, “рўмол”, “рўмолча” маъноларини англатади.⁷

Хамор – меъжар – рўмолу, лунгу – явлуқ,

Арақия – лачак – рўмолча бил, уқ .

2. “Луғати салос” ёзилган давр (XX аср бошида) ўзбек тилига татар тилининг таъсири кучли бўлган. Бу ҳол луғатнинг айрим ўринларида, хусусан, муқаддима қисмида ўз аксини топган. Масалан:

Куфв маъниси ҳамто яна тенгдош,

Назир ила шабиҳ - ибдош – якдош .

Бешинчи фаслда алвондан сўйланур .

Баъда улой бўлсун, булой .

¹ Будагов Л. ССТТН, т1, – Б. 145.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том, 502-бет.

³ Радлов В.В. ОСТН. IV, 2, стр.1743.

⁴ Будагов Л., т I, стр.62.

⁵ Ўша асар, т I, 499т.

⁶ Будаков Л., т II, 188-бет.

⁷ Будаков Л., т II, 345-бет.

Дахи *тотордан* туркий китоблар ва газидлар келур ... Эмди *қардошлар* сўзин манъ қила олмайин ... ноилож таъбиға саъй айладук .

*Де зайф – меҳмон – қўноқдур, эй биродар,
Дахи жор – қўнгиши – ҳамсоя муқаррар .
Каравиз – қарсаб – сосиз ўтдир, аё кал .*

В.Радлов *каравиз* сўзини усмонли туркча эканлигини кўрсатиб, араб тилидан ўтганлигини қайд қилади.

Мантар – туркий сўзи бўлиб, “замбуруғ” маъносини ифода-лайди, форсча “саморух” дейилади. Л.Будагов бу сўзни “қўзиқо-рин” деб таржима қилади ва қадимги грек (юнон) тилидан келиб чиққанлигини таъкидлайди.²

Луй – тимсоҳ. Тўртинчи бобнинг иккинчи фаслида ўн икки йил исмлари берилган. Уларнинг ҳар қайсиси маълум ҳайвон номи билан аталган: *сичқон, сийир (сигир), порс (барс), товушқон (қўён), луй (тимсоҳ, аждар), йлон (шлон), от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз* .

Мучал йилининг бешинчиси *луй* деб аталган. Бу сўз луғатларда ҳар хил берилган: *тимсоҳ, наҳанг, аждар, аждаҳо, дракон*. Л.Будагов уни “чиғатойча” деб беради ва *дракон (тимсоҳ)* деб таржима қилади ҳамда унинг уйғур, хитой мўғул, олтой тилларидаги вариантларини келтиради.³

Олчи. Бу сўз туркча бўлиб, форсча “оҳак”, арабча “калс” ва “соруж” дейилади:

Де калсу соруж – оҳак – олчи, эй бек .

Кейинги байтда шу маънодаги “кираж” сўзи ҳам келтирилган:

*Жису шид - киражу⁴ - гач, маъдан эрур кон,
Дахи махзан – хазина – канз – ганжон .*

Темирчилар ишлатадиган асбоблардан *сандон* турк тилида “урс” дейилади:

*Шарот – наштар – кулуб, қисгоч – анбур,
Алот – урсда – сандон, эй баҳодур.*

Оғ – тур (туркча). Ов сўзининг фонетик шакли бўлиб, қуш, балиқ ва бошқа жониворларни овлаш учун ишлатиладиган тур.⁵

¹ . Радлов В.В. Опыт словаря., II 2, стр. 1094.

² . Будагов Л. Срав. словарь. II, стр. 256.

³ . Будагов Л. т. II, стр. 193.

⁴ . Уша асар, 121-бет.

⁵ . Будагов Л., I, 60-бет.

*Ваҳақ банду каманд – қайд – ул кишан, бог,
Кафа шабка – тузогу дабақ, – дом – оғ .*

Катук – тешик (37-бет):

*Чу суқба – панжара, суроқ– равзан,
Тешук – салма, катук – раҳна, аё тан .*

Соғиш – санок (48-бет). Л. Будагов луғатида бу сўз “чигатойча”, “туркча” деб берилган. Олтинчи бобнинг иккинчи фасли “Исми аъдод соғишлари” деб номланган (48-бет).

Мазкур мақола юзасидан куйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. “Луғати салос”да турли системага оид бўлган уч тил: араб, форс ва туркий тиллардаги сўзларнинг маънолари изоҳланган.

2. Луғат шеърий усулда аруз вазнида ёзилган.

3. Ҳар бир сўзнинг қайси тилга оидлигини кўрсатиш учун махсус ишоралардан фойдаланган: ع – арабий, ف - форсий, ت - туркий. Агар бир сўз икки ёки учта тилда қўлланидиган бўлса, унинг устига ўша тилларнинг ишораси қўйилган, масалан:

анор (ф, т – форсий, туркий), **турп** (ф, т – форсий, туркий), **жаҳаннам** (ф, а – форсий, арабий) каби.

4. Луғатда “туркий” сўзи кенг маънода, яъни барча туркий тиллар маъносида қўлланган. Лекин маълум бир туркий тилда ишла тиладиган сўз бошқасида учрамаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда В.В.Радлов ва Л.З.Будаговларнинг «Опыт словаря тюркских наречий» ва «Сравнительный словарь турецко-татарских наречий» номли луғатларига мурожаат қилишга тўғри келади. Масалан, **чулмак** сўзи “туркий” деб қайд қилинган (41-бет). Аммо у барча туркий тилларда эмас, балки фақат усмонли турк, татар, озарбайжон тилларида қўлланилади.

Европада яратилган ўзбек филологиясига оид дарслик ва қўлланмалар

**Мусоҳон Тоджиходжаев,
Шерали Жалолов,
Наманган давлат университети
ўқитувчилари**

Ўзбек тили ва адабиёти намуналари Ўрта асрлардан бошлаб Фарбий Европа мамлакатларига ёйилган. Мумтоз адабиётимизнинг мазмунан гузаллиги, бадий санъатларга бойлиги ва маънавий-

ахлоқий жиҳатдан бетакрорлиги Европа халқларида ҳам катта қизиқиш уйғотди ва мазкур тилни ўрганувчилар сони кўпая борди ва араб ва форс тиллари қатори ўзбек тили дарсликларини яратиш устида изланишлар олиб борилди. Дарсликлар, кўпинча Шарқнинг машҳур шоири ижоди ёки халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқиб ўрганиш мақсадини кўзда тутган ва мазмунан тилни янги ўрганаётган ёки тил ҳақида муайян билимга эга бўлган ўқувчини эътиборга олган ҳолда тузилган. Китобнинг ҳажмини муаллифнинг билим ва тажрибаси, у томонидан тўпланган материал, шунингдек, муайян ҳудуддаги китобга бўлган талаб белгиланган. Асардаги грамматик, фонетик, лексик, стилистик қоидаларни мустаҳкамлаш учун бадиий адабиёт намуналаридан кенг фойдаланилган. Можоролмон шарқшуноси Ҳерманн Вамберининг 1867 йилда нашр этилган “Caghataische Sprachstudien” (“Чигатой тили сабоқлари”) дарслигида¹ туркий адиблар ҳақида умумий маълумотлар бериш мақсадида бир қатор мумтоз адабиёт вакиллари ижодидан намуналар берилган. Китоб сўнгидаги юздан зиёд адабиётлар рўйхати муаллиф ақлий заковатининг беқиёслигини кўрсатади.

Австриялик В. Томашек 1880 йилда “Centralasiatische Studien”² (“Марказий Осиё сабоқлари”) номли китобини нашр эттирди. Шунингдек инглиз туркшуноси Р.Б. Шоунинг “Sketch of the turky language”³ (“Турк тилидан очерк”), Абел Ж. Ф. ва Паве де Куртейл ҳаммуаллифлигида ёзилган “Turkish literature”⁴ (“Турк адабиёти”) каби дарсликлари Европада ўзбек тили мухлисларига узоқ вақт муҳим дарслик вазифасини бажарди. Бу дарсликлардаги ўзбек мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки ижоди намуналари ўзбек халқининг бой маънавий қиёфасини Европа китобхонларига янада яқинроқ таништирди.

XX аср бошларида дарсликларга эҳтиёж янада кучайди. Немис шарқшунос олими, профессор Мартин Хартманн 1901 йилда Ҳайделберг шаҳрида “Caghataisches” (“Чигатой тили”) дарслигини нашрдан чиқарди. Китоб 108 саҳифани ташкил этса-да, Европада янги авлод дарсликлар яратиш жараёнида унинг аҳамияти катта бўлди. У кейинги даврларда яратилган дарсликларга намуна бўлди. Китоб 1888 йилда Истамбулда нашр қилинган “Усси лисони турки” китобининг кўплаб камчиликларини тузатиш мақсадини кўзда

¹ Vambery H. Chaghataische Sprachstudien. – Leipzig, F.A. Brockhaus, 1867, SS.400.

² Tomaschek W. Centralasiatische Studien. – Wien, 1880

³ Shaw Robert Barkley. Sketch of the turky language. – Lahore, 1875.

⁴ Abel J.B. M.M. Pavet de Courteille. Turkish literature. – London, 1902.

тутган бўлиб, асосий мақсад Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини немис тилида гапирувчи мамлакатларда тарғиб этиш эди. Юқорида таъкидланганидек, Хартманн гача бўлган дарсликларда ўзбек тили ва адабиёти ҳақида умумий маълумотлар бериш кўзланган бўлса, эндиликда Европада туркийшунослик сиёсатининг юритилишини ҳисобга олган ҳолда асар яратиш зарурияти эди. Чунки XX асрнинг дастлабки йилларида Вамберидан кейин туркшунослик соҳасида янги ишлар қилиш заруриятсиз, турк тили ва адабиёти ҳақида Ғарб шарқшунослари етарли маълумотга эгалар, туркий тилли ўлкалар аҳолиси яқин орада Ислом динидан Христиан динига ўтадилар деган даъволар ўрмалаб қолган эди. Шундай бир вазиятда Европа шарқшунослари асосан, япон, хитой ва араб тиллари ва адабиётини ўрганишга жаҳд қилдилар.

Мартин Хартманн 1900-1902 йиллар оралиғида ёзган асарлари ва таржималари билан туркий тиллар ва адабиётларини ўрганишда ҳали кўплаб янги ишлар қилиш лозимлиги, туркий тиллар умумжаҳон маданияти ва адабиётининг битмас-туганмас манбаи эканлигини кўрсата олди.¹

Тилшунослар орасида дарсликлар яратишга бутун умри давомида тайёргарлик кўрганлар ҳам бор. Машхур олмон шарқшуноси Ислом фалсафаси, араб, турк ва форс филологияси бўйича мутахассис Карл Броккельманн Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарини олмонзабон халқларга етказиш учун “Kaschgaris Wortschatz” (“Кошғарий луғати”) номли қўлланма яратди. Грамматик ва услубий қоидаларни мустаҳкамлаш учун китобнинг хрестоматия қисмида “Девони луғотит турк”дан кўплаб намуналар берилган. Броккельманн туркий тиллардан тўплаган тил ва адабиётга оид материалларини жамлаб кейинги асари “Osttürkische Grammatik der islamischen Literatursprachen Mittelasiens”³ (“Ўрта Осиё ислом адабий тилининг шарқий турк тили грамматикаси”) дарслигини нашр эттирди.

Машхур олмон шоири Йохан Вольфганг Гётенинг “Wenn du den Dichter willst kennen, sollst in seine Heimat gehen” (шоирни ўрганмоқчи бўлсанг унинг юртига боргин) деган ўғити барча европаликларнинг, аксари олмон шарқшуносларининг дастуриламали бўлди. Бунинг исботини 1929–30 йилларда ўзбек фольклоршунос олими Ғози Юнус раҳбарлигида ўтказилган лингвистик-этнографик экспедициянинг

¹ Бу ҳақда к. Hanisch L. “Machen Sie unseren Islam gar nicht zu schlecht”. Der Briefwechsel der Islamwissenschaftler I. Goldzieher und M. Hartmann 1894-1914. Leipzig: Otto Harrasowitz Verlag, 2000.- 400 S

² Brockelmann K. Kaschgaris Wortschatz. - Leiden. 1928.

³ Brockelmann K. Osttürkische Grammatik der islamischen Literatursprachen Mittelasiens. - Leiden, 1934

хорижий аъзоси бўлган Карл - Хайнрих Менгеснинг фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Менгес 1929 йилда тўрт ой давомида (16. 05 - 13. 09. 1929 йил) Москва, Волгабўйи, Кавказ ва Марказий Осиёнинг бир қатор шаҳарларида тадқиқотлар олиб борди. У Тошкент, Марғилон, Самарқанд, Китоб, Бухоро, Ашхобод ва Красноводск шаҳарларини бориб кўрди, кўплаб маориф ташкилотларида учрашувлар ўтказди, маҳаллий аҳоли вакиллари - олимлар, адиблар, эртақчилар, лапарчилар, оқинлар ва бахшилар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг оғзаки ва ёзма асарларини қоғозга туширди. Шу тадқиқотлар натижасида "Drei o'sbekische Texte"¹ (Уч ўзбекча матн) номли дарслик ёзилди. Китоб европаликлар учун 20 асрнинг 30-йилларида ўзбеклар тили ва адабий-маданий ҳаёти билан таништирган йирик ҳажмли дарсликлардан бири бўлибгина қолмасдан, ўзбек халқ оғзаки ижодининг янги намуналарини жаҳонга танитишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди. Дарслик ноанъанавий равишда тузилган. Олдинги муаллифлар дарсликларда грамматика ва фонетикага асосий эътиборни қаратган бўлсалар, бу дарсликда мамлакатимиз аҳолиси ҳақидаги маълумотлар ва маънавий-бадиий обидалар – халқ оғзаки ижоди намуналари берилган. Асар таҳсилига киришган ўқувчи аввал ўзбекча матн билан танишади, сўнгра шу манба учун зарур бўлган грамматик, фонетик, лексик ва стилистик қоидаларни ўрганади. Манба сифатида йигирманчи асрнинг дастлабки йилларида севиб кўйланган кўшиқ ва лапарлар, ҳикмат, ҳикоят ва латифалар олинган. Ўзбекча матнлар билан ёнма-ён немисча таржималар берилган. Шунингдек, китобда ўзбек тили шевалари тарқалган ҳудудлар ҳақида маълумотлар, олимлар томонидан ўрганилган шевалар ва ҳозирда ўрганилиши зарур бўлган соҳалар ҳақида мулоҳазалар ва тавсиялар ёзилган.

Атоқли немис туркшуноси Анна-Мария фон Габайн хоним ўзининг "Osbekische Grammatik"² (Ўзбек тили грамматикаси) деб аталган дарслигини 1944 йилда чопга топширди. Аммо асар бир йил кейинроқ 1945 йилда нашрдан чиқди. Гарчи китобда грамматикага кўпроқ ўрин берилган бўлса-да, Габайн хоним тадқиқотларининг бош мавзуси – Туркистон миллий озодлик ҳаракати намояндалари бўлмиш жадид адабиёти намуналари китобнинг хрестоматия қисмида берилди. Бошқа дарсликлардан фарқли ўлароқ, бу дарсликдаги ўзбекча асарлар таржимасиз берилди. Унга киритилган айрим асарлар ҳали ўзбек адабиётида ҳам чоп қилинмаган. Улар махсус

¹ Menges K.-H. Drei o'sbekische Texte. In: Der Islam. Berlin, 1933

² Gabain von A.-M. Osbegische Grammatik. Leipzig. Wien: Otto Harrasowitz Verlag, 1945

тадқиқот объектидир. Габайн хонимнинг бу китоби Европада уруш туфайли тўхтаб қолган туркшунослик фанининг ривожига катта туртки бўлди.

Ўзбек тили дарсликларини яратиш ҳозир ҳам давом этмоқда. Аммо XIX – XX асрларда нашр қилинган дарсликлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бинобарин уларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиш, назарий ва амалий хулосалар чиқариш бугунги кунда ўзбек тили ва адабиёти бўйича Европада мукамал дарсликлар ва қўлланмалар яратишга катта ҳисса бўлиши тайин. Шунингдек, бугунги кунда ватанимиз олимлари томонидан хорижий тиллар дарсликлари яратишда катта тажриба тўпланган. Ўзбек германистлари эндиликда Европа ўқувчилари учун ўзбек тили дарсликлари яратишлари мумкин ва лозим деб ўйлаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии. – М., Л.: Изд-во АН СССР, 1948.- стр.78.
2. Abel J.B., Pavet de Courteille. Turkish literature. – London, 1902 .
3. Brockelmann Karl. Kaschgaris Wortschatz. – Leiden, 1928.
4. Brockelmann Karl. Osttuerkische Grammatik der islamischen Literatursprachen Mittelasiens. – Leiden, 1954.
5. Gabain von A-M. Ösbegische Grammatik. Leipzig, Wien: Otto Harrasowitz Verlag, 1945
6. Tomaschek W. Centralasiatische Studien. – Wien, 1880.
7. Shaw Robert Barkley. Sketch of the turky language. – Lahore, 1875.
8. Menges K-H. Drei o'sbekische Texte. In: Der Islam. – Berlin, 1933.

Ундошларнинг айрим диалектал комбинатор вариантлари

Иброҳим Дарвишов,
ўқитувчи (НамДУ)

Жонли нутқ жараёнида ундошлар ёндош товушлар билан синтагматик муносабатда бўлиб, турли хил вариантларга эга бўлади. Муайян ундош фонема маълум фонетик қуршовда турли ўзгаришларга учрайди. Бу ўзгаришлар маълум белгиларига кўра комбинатор, позицион, факультатив ва индивидуал вариант типларига бирлаштирилади.

Ассимиляция ва диссимиляция ҳодисалари лингвистик адабиётларда турлича талқин қилинган. Профессор А.А.Реформатский

ундошларнинг ён товушлар таъсирида акустик ва артикуляция жиҳатидан ўзгариши, яъни жаранглашуви ёки жарангсизлашуви, ҳосил бўлиш ўрнига кўра ва ҳосил бўлиш усулига кўра ўзгариши ассимиляция ҳисобланади. Бу ҳодисани контакт ёки дистант, прогрессив ёки регрессив, тўлиқ ёки тўлиқсиз бўлишини айтган.¹

Икки бир хил товушнинг пайдо бўлиш ўрни ва усулига кўра бир типга кирувчи товушларнинг, ассимиляцияга зид равишда, икки ҳар хил товушларга ўзгаришини диссимиляция ҳисоблаб, ассимиляция каби турлича бўлишини кўрсатган.²

Кўпчилик туркологияга оид илмий адабиётларда товушларнинг ён товушлар таъсирида тўлиқ (*туссиз-тузсиз*) ёки қисман (*сизди-сизни*) ўхшаши ассимиляция саналади.³

Диссимиляция ҳодисаси турлича талқин қилинади. Масалан, А.Н. Кононов ва Э.В. Севортянлар [дж] ва [тж] африкаталарининг [д] ва [т] портловчи элементларини йўқотиб, [ж] ва [ш] сирғалувчи товушларга айланиши, шунингдек, икки бир хил товушнинг бирини бошқа товушга ўзгаришини диссимиляция ҳисоблайдилар.⁴

В.В. Решетов эса *зарар > зарал > залал*, *анжир > анжил* типдаги ўзгаришни диссимиляция деб айтади.⁵ Шунингдек, пайдо бўлиш ўрни жиҳатдан аввалгисидан фарқ қиладиган товушга ўтиш ходисаси ҳам диссимиляция деб кўрсатилган.⁶ Куринадики, бу фонетик ҳодисалардан ассимиляция ҳақида, асосан, бир хил қараш бўлса-да, диссимиляция ҳақида бир неча хил қараш мавжуд. Диссимиляциянинг туркий тилларда ассимиляцияга нисбатан анчайин кам учраши деярли барча илмий адабиётларда таъкидланган.

Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида ён товушлар таъсирида рўй берадиган комбинатор ўзгаришлар орасида энг кўп учрайдиган фонетик ҳодисалардан бири ассимиляциядир. Бу шева вакиллари нутқида ассимиляциянинг контакт ва дистант хиллари, прогрессив тўлиқ, тўлиқ бўлмаган, регрессив тўлиқ, тўлиқ бўлмаган, мураккаб тўлиқ, тўлиқ бўлмаган шакллари мавжуд.

Ёндош ундошлар ассимиляцияси (*контакт*)да барча шеваларда ва адабий тилдаги каби бу шевада ҳам морфологик

¹ Реформатский А.А. Введение в языковедение. Москва, 1960. - С. 165.

² Шу асар. 168-бет.

³ Будагов Р.А. Введение в науку о языке. Москва, 1958. - С. 58.

⁴ Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.-Л, 1956, С. 28-40.

⁵ Севортян Э.В. Ассимиляция и диссимиляция согласных в южных тюркских языках. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. I Фонетика М., 1955, С.313.

⁶ Решетов В.В. Узбекский язык. Ч.- I, Т., 1959, С.301.

⁷ Ишаев А. Мангит шевасида ассимиляция ва диссимиляция, Тошкент, 1959, 52-бет.

категориялар билан боғлиқ: *йўқоттим* < *йўқотдим*, *апкэтти* < *олиб кетди*, *тэлла* < *терла*, *йиллор* < *илонлар* каби.

Ёндош бўлмаган ундошлар ассимиляцияси (дистант)да бошқа шеваларда ва адабий тилдаги каби бу шевада ҳам мазкур фонетик ҳодисанинг бу тури камроқ учрайди: *мичича* < *мусича*, *муҶо* (*мун-го*) < *бунга*, *минам* < *билан* каби.

Прогрессив тўлиқ ассимиляциянинг жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларидаги энг характерли томони шундаки, қарлуқ лаҳжалари прогрессив тўлиқ ассимиляциясидаги жараёнлар бу шевада прогрессив тўлиқсиз ассимиляцияда кечади: *тэмир-ри* < *тэмйрди* < *темирни* каби. Прогрессив тўлиқ ассимиляция мазкур шевада жуда кам, фақат узак *к* ва бошқа жарангсиз ундош билан тугаган сўзларда учрайди: *сутти* < *сутни*, *тутти* < *тутни* каби. Сўз ўзаги тил олди, сиргалувчи жарангли ва жарангсиз ундош товушлар билан тугаса, бу ҳодиса рўй бермайди.

Прогрессив тўлиқсиз ассимиляция жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида салмоқли ўрин тутади. *қишти* < *қишни*, *кэлиш-та* < *келишда*, *апкэ* < *олиб кел*, *пулди* < *пулни*, *қирғолти* < *қирқ олти* каби.

Регрессив тўлиқ ассимиляция ниҳоятда кўп учрайди. (Айникса, Поп, Мингбулоқ туманида, Турақўрғон тумани жануби-ғарбий ҳудудларида): *кулларда* < *кунларда*, *кэсиллар* < *келсинлар*, *каннай* < *карнай*, *кэссин* < *кетсин*, *қолўрроқ* < *қалинроқ*, *биннарса* < *бир нарса* каби,

Регрессив тўлиқсиз ассимиляция жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларида асосан жарангсиз ундошлар доирасида учраганлиги боис кўп эмас: *тўхсон* < *тўқсон*, *ҳовлиҳмо* < *ҳовлиқма*, *чихти* < *чиқди* каби.

Мураккаб тўлиқ ассимиляция бошқа қипчоқ шеваларида бўлганидек, шевада нисбатан кўпроқ учрайди: *бўппон* < *булибман*, *билла* < *бирга*, *балаллик* < *баландлик* каби.

Мураккаб тўлиқсиз ассимиляция жануби-ғарбий Наманган қипчоқ «ж» ловчи шева вакиллари нутқида ҳам, «й» ловчиларда ҳам бошқа турларига нисбатан кўп кузатилади: *терагди* < *терақнинг*, *қилиштон* < *қиличдан*, *маҳтапка* < *мактабга*, *тиндақ* < («ж» ловчиларда) *тирноқ*, *қудугди* < *қудугни* каби.

Диссимиляция ҳодисаси юқорида таъкидлаганидек, туркий тилларда, жумладан, ўзбек тили шеваларида ассимиляцияга нисбатан камроқ бўлса ҳам, у мавжуд. Жануби-ғарбий Наманган

қипчоқ шевалари вакиллари жонли тилида сўздаги икки бир хил товушнинг талаффузда бир-бирига таъсир кўрсатиши натижасида бошқа товушларга ўтиши (*зарил* < *зарар*, *морол* < *малол* каби) ҳамда қосил бўлиш ўрни ва усули жиҳатидан бир хил товушларнинг бир-биридан фаркли товушга айланиши («й» ловчиларда: *дувол* < *девор*; «ж» ловчиларда: «*девор*» ва «*девол*»; Турақўрғон туман худудида: *икор* < *укор* < *укол* каби) ўзига хос ўрин тутлади.

Демак, жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шевалари ундошлар тизими ва ундаги фонетик ҳодисалар республикамиздаги бошқа қипчоқ шевалари билан умумий ўхшашликка эга бўлса-да, ўзига хос характерли жиҳатлари ҳам бор. Бошқа шевалардагидек, бу шевадаги ассимиляция ҳодисасида ҳам ўзбек тили консонантизмидаги барча ундошлар иштирок этади. Диссимиляция ҳодисасида эса, асосан, сонор товушлар *p* титроқ ва *л* ён товушларининг фаоллиги кузатилади.

Фитонимияни ўрганишга доир айрим вазифалар

Носиржон Улуқов,
филология фанлари доктори
Наргиза Пазлиддинова,
тадқиқотчи (НамДУ)

Ўзбекистон флораси ўсимликларга бой. Ҳозир Фанлар Академияси Ўзбекистон институтидаги марказий гербарийда 1 миллиондан ортиқ ўсимликлар намунаси ва 1000 дан зиёд ўсимликлар намунаси бор.¹

Масалан биргина далил, Ўзбекистон ўрмончилик илмий текшириш институтида жийданинг 20 га яқин тури таърифланган: *Раъно*, *Урганч*, *Хурмоц*, *Тошкент диссертси*, *Їули қандақ*, *Қизил қандақ* каби.²

Ўсимликларнинг номларига нисбатан тилшуносликда ўсимлик номи, фитоним терминлари қўлланади. Фитоним термини ва тушунчаси Г. Неъматова тўғри таъкидлаганидек, ономастик ва ономасиологик маъно ва қўлланишларга эгадир. Ономастикада ўсимликларга қўйилган махсус атоқли номларни англатади. Ономасиологияда эса ўсимлик номлари маъносида қўлланиб, ўсим-

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — Тошкент, 2005. — 2-жилд. — Б. 167.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — Тошкент, 2002. — 3-жилд. — Б. 601.

ликларнинг туркум, нав, хил кўринишларини атаб келувчи апеллятивларни, яъни оддий сўзлар мажмуини билдиради.¹ Г. Неъматова ана шу ўсимликларни оддий номларини, аниқроғи апеллятивларнинг қўлланиши ва услубий, бадий хусусиятларини ўрганган.

Демак, ўсимлик номлари ўзига хос бир тизим сифатида маълум поғонавий бўлиниш хусусиятига эга. Бу бўлиниш нав, туркум, оила, тур, хил каби бирликларда ва уларнинг махсус номларида ифодаланadi.

Нав – селекция натижасида яратилган муайян морфологик, физиологик ва хўжалик белги ҳамда хусусиятлари турғун ва наслдан ўтиб борадиган маданий ўсимликлар учун энг кичик тасниф бирлиги; бир турга мансуб ўсимликлар мажмуи.²

Туркум (Генс) – филогенетик жиҳатдан яқин (қардош) турларни бирлаштирувчи асосий таксономик категория. Туркумлар битта, бир нечта, ўнлаб ҳатто юзлаб турлардан ташкил топади.³

Тур – ҳамма органлари бир-бирига ўхшаш маълум майдонда учрайдиган ўсимликлар гуруҳи.

Оила – тузилиши ва келиб чиқишига кўра яқин бўлган уруғлар, туркумлар мажмуи. Масалан, қоқидошлар 100 мингга яқин, анордошлар битта туркумдан ташкил топган. Оилалар ботаникада тартибларга бирлаштирилади. Масалан, олма – раънодошлар оиласига мансуб, барг тўқувчи дарахтлар ёки буталар туркуми. Олманинг 25-30 тури мавжуд. Олманинг *Самарқанд аълоси*, *Афросиёби*, *Меҳмоний*, *Тилла олма*, *Нафис*, *Самарқанд эртагиси* каби,⁴ узумни *Жўраузум*, *Тарнов*, *Ризамат*, *Шишров*, *Октябрь*, *Ғалаба*, *Ўзбекистон мускати* каби ўнлаб навлари бор.⁵

Албатта, мазкур навлар ўз ичида маълум хилларга бўлинади. Масалан, *Халилий* – эрта пишар узум нави. Бу навнинг Қора Халилий ва Оқ Халилий, Қизил Халилий каби хиллари бор.

Ёки бир статистик далил: Ўзбекистонда 250 га яқин узум навлари районлаштирилган. 40 яқин узум навлари давлат реестрига киритилган.

¹ Қараңг. Неъматова Г. Ҳ. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва бадий қўлланиши: Филол. фан. номзоди ... диссер. автореф. - Тошкент, 1998. - Б. 11. Бегматов Э., Улуҳова Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли лугати. - Наманган, 2008.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент, 2003. - 6-жилд. - Б. 224.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент, 2004. - 8-жилд. - Б. 670.

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент, 2004. - 6-жилд. - Б. 511.

⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Тошкент, 2005. - 9-жилд. - Б. 50.

Илмий-оммабоп манбаларда кўпинча узум навлари ўз ичида 3 гуруҳга бўлинади:

1) хўраки: *Нимранг, Паркент, Каттакўрғон, Султоний, Чарос, Китоб сурхаки, Хусайни, Қоражанжал, Чиллаки, Даройи, Хўжа Аҳрорий, Ризамат* каби;

2) майизбоп: *Оққишмиш, Шакарангур, Султоний, Каттакўрғон, Нимранг* каби;

3) винобоп: *Бахтиёрӣ, Тарнов, Рислинг, Биҳишти* каби.¹

Ўқоридаги далиллардан кўринадики, Ўзбекистон ўсимликлар дунёси бой бўлгани каби ўзбек тили фитономияси ҳам катта салмоққа эга. Таъкидлаш жоизки, ўзбек тили фитонимлари тўпланмаган ва тартибга солилмаган, ботаника, ўсимликшунослик соҳалари бўйича айрим ишлар қилинган бўлса-да, тилшунослик нуқтаи назаридан, яъни лингвистик аспектда тадқиқ этилмаган.

Ўсимликлар оламига доир *нав, туркум, тур, ошла, хил* каби бўлинишларга мансуб апеллатив ва атоқли номларни тўплаш, картотекасини тузиш, муқобилларини аниқлаш, тартибга солиш юзасидан маълум тавсиялар бериш, фитонимларнинг номинацион-мотивацион хусусиятларини, погонавий (иерархик) бўлинишини, луғавий асосини, тарихий-этимологик манба ва хусусиятларини, бошқа атоқли от турлари билан муносабатини ҳамда улардан фарқли хусусиятларини тадқиқ этиш ўзбек ономастикасининг муҳим, долзарб вазибаларидан биридир.

Э. Воҳидов шеърларидаги юкламаларнинг услубий хусусиятлари

Анорахон Суярова,
ўқитувчи (НамДУ)

Э. Воҳидов ўзбек адабиётининг энг таниқли вакилларидадан бўлиб, асарларининг нафақат мавзу ва ғоялар кўлами, тасвир воситаларига бойлиги, лирик ҳис-туйғуларни теран ақс эттириши билан, балки сўз қўллаш маҳорати билан ҳам шеъриятимизда мактаб яратган ижодкордир. Э. Воҳидовнинг сўз қўллаш маҳорати ҳатто ёрдамчи сўз туркумларидан ҳам ўринли ва унумли фойдаланиб, услубий бўёқдорлик ва таъсирчанликни оширишида кўзга ташланади. Э. Воҳидов шеърларида қўлланган юкламаларни

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — Тошкент, 2005. — 8-жилд. — Б. 478-479.

кузатганимизда, бу туркумга оид бирликларнинг турли маъно оттенкаларини юзага чиқаришга хизмат қилганини куришимиз мумкин.

Юкламанинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар сўз ёки гапга сўроқ, таъкид, кучайтирув, айирув-чегаралов, ўхшатиш каби қўшимча маъно беради ва функционал “боғлаш” белгисига нисбатан беқарор, ўзгарувчан саналади, яъни “боғлаш” белгиси унда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.¹ Маълумки, юкламаларнинг функционал ва маъновий жиҳатдан сўроқ, айириш-чегаралаш, таъкид, кучайтирув, ўхшатиш-қиёслаш турлари мавжуд. Бу юкламаларнинг ҳар бири нутқда ўзига хос услубий хусусиятларга эга бўлади. Айниқса, шеърин нутқда юкламаларнинг услубий хусусиятлари яққолроқ намоён бўлади. Жумладан, Э. Воҳидов шеърларида сўроқ юкламаларидан –ми ва –чи кенг учрайди. Бу юклама турли сўз туркумига қўшилиб, сўроқ маъносини билдиради. Баъзан, сўроқ маъносидан ташқари, таажжуб, ҳайрат маъносини ҳам ифодалайди, риторик сўроқни юзага келтиради:

Дунё экан...

Ишқ деган савдо

Борми фақат менинг бошимда?!

(“Кимни этмас бу кунгул шайдо”)²

–чи юкламаси Э. Воҳидовнинг аксарият шеърларида буйруқ гап кесимига қўшилиб, илтимос модал маъносини, ҳаракатни бажаришга ундаш маъносини ифодалаган:

Айт-чи, шоир, учар бўлсанг фазоларга...

Сен кеманга нималарни солар эдинг?

(“Космонавт ва шоир”).

Худди шу позицияда кескин буйруқ маъносини сусайтириш вазифасини бажарган:

Ақл айтар:

Севдинг, уша қиз

Айт-чи, сенга қилурми вафо?

(“Юрак ва ақл”)

Фақат, -гина(-кина/- қина) айириш-чегаралаш юкламалари:

1. Нарса ва ҳодисани ажратиб кўрсатиш учун қўлланган:

Кундуз эса барча нуридан яратибди биргина куёш (“Кеча ва кундуз”).

¹ Сайфуллаева Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 2009, 259-б.

² Vohidov E. Kuy avjida uzilmasin tor. –Toshkent, 1991. Barcha misollar shu to'plamdan olindi.

2. Ҳаракатни чегаралаш учун қўлланган:

*Юрак бўлса ён дейди фақат,
Ҳаёт бизга берилар бир бор*

(“Юрак ва ақл”)

-гина юкласи предмет ёки ҳаракат белгисини билдирувчи сўзлардан сўнг келиб, ўша белги камлигини ёки кучсизлигини ҳам ифодалайди:

*Мулки борлиқ ичра бир маҳал
Курксизгина олам яралган*

(“Гузаллик”).

Фақат ва -гина юкламалари бирга келиб (фақатгина каби) айириб, чегаралаб кўрсатиш маъносини яна кучайтиради:

*Унинг кўз ёшидан орол тўлмайди,
Фақатгина ер бўлар шўрроқ.*

(“Орол ўлаётир...”)

Э. Воҳидов шеърларида ҳам кучайтирув-таъкид юкласи фаол қўлланган. Ҳам юкласи ўзи кучайтириб ёки таъкидлаб кўрсатадиган сўзлардан кейин келади:

*Куйларнинг ҳам энг дилбари, энг созини...
Олар эдим чапандозин ҳам баётин...*

(“Космонавт ва шоир”)

Бу юкламанинг таъкидланаётган сўздан олдин келиши ҳам учрайди. Ҳам юкласи такрорланган ҳолда, фақат такрорланган бўлақлар олдигагина учраши мумкин. Бундай чоқда такрорланган санаш оҳанги билан боғланган бўлади:

*Сен ҳам уни, у ҳам сени кўрмаган,
Қаердадир яшар лекин дунёда*

(“Учрашувга ошиқади дугонанг”)

Ҳам юкласи мустақил сўзларни таъкидлаб кўрсатади:

*Олов бўлиб бир дам ёнсам,
Сўнг очсам ҳам майлига*

(“Йўқ, ҳаловат истамайман”)

Тўсиқсизлик маъносини билдиради. Бунда у шарт майлидаги феъллар ва ўрин келишигидаги сифатдошлардан кейин келади:

*Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак...*

(“Камтарлик ҳақида”)

*Ҳеч сўнмасин, чарақлаб турсин,
Сўнганда ҳам менинг юлдузим*

(“Юлдуз”)

Таъкид юкламаси -да айрим ўринларда феълга қушилиб, тезда содир бўлиш маъносини ифодалаган:

*Уфқларга қўйиб гулдаста,
Тог ортидан кутарди-да бош,
Пастга боқди чуққидан аста
Олтин қалам тутган бир наққош*

(“Тонг лавҳаси”)

-ку таъкид юкламаси шарт майлидан кейинкелиб, истак-хоҳиш маъносини ифодалашга хизмат қилади:

*Сен кабилар йўқолса-ку,
Яшар эдик тинч-омон*

(“Рухлар исёни”)

Э.Воҳидов шеърларида наҳот, наҳотки таажжуб юкламалари ҳам фаол қўлланади ва риторик сўроқни юзага келтиради. Шоир ўз ҳаяжонини муҳрлаш ва пафосни кучайтириш мақсадида риторик (ундовли) сўроқ беради:¹

*Бу адоват
Наҳот, мангу?
Наҳот, битмас бу қирон?*

(“Рухлар исёни”).

Қўринадики, юклама асосан сўз мазмун планига алоқадор ҳолда услубий вазифа бажара олади.

Бадий нутқда таъсирчанликни юзага келтиришда экспрессив-стилистик воситаларнинг ўрни

**Умида Абдурасулова,
ўзбек тили йўналиши
I-курс магистри (НамДУ)**

Кишилар тил воситасида ўзаро алоқа қиладилар, бир-бирларининг фикрларини тушунадилар. Фикр эса тилнинг энг муҳим элементларидан бири бўлган сўз ва турли грамматик воситалар орқали юзага чиқади. Тилнинг вазифаси бу билан чекланмайди, у ҳис-туйғу ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Сўзловчи предмет, ҳодисалар тўғрисида ёки суҳбатдоши ҳақида хабар берар экан, борлиққа нисбатан объектив муносабатда бўлади. Бундай пайтда у ўз фикрини нейтрал сўзлар ва интеллектуал нутқ шакли воситасида

¹ Xudoyberdiyev E. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent, 2008, 149-b.

ифодалайди. Бунда белгининг микдори, ҳаракатнинг нормал оддий темпи, воқеаликнинг объектив ҳолати, сўзловчининг тингловчига ёки ўзга шахсга нисбатан бетараф муносабати баён этилади.¹ Фикримизни қуйидаги мисоллар асосида кўрамиз:

*Онам кўз ёш тўкиб йиғламади, “оҳ, чолим ундоғ эди, бундоғ эди”, деб санамади ҳам. Жимиб қолди, холос.*²

Мисолдаги *жимиб қолди* жумласида воқеликнинг объектив ҳолати ифодаланган, таъсирчан. Турмуш ўртоғи вафот этган бўлса-да, сабр-тоқат билан қайғуни кўтарган аёл гавдаланади. *Жимиб қолди* бирикмаси замирида аёлнинг шодлиги, унинг ўтмиши яширинган.

*Боладан гап очилдими, тамом, бир-бирига гап бермай эртани кеч қилишади, кечни эрта.*³ Бу ўринда *эртани кеч қилишади, кечни эрта* жумласи орқали фарзанд она учун энг улуг неъмат эканлиги, она фарзандини ҳар қанча таърифласа ҳам унинг фазилатлари тугамаслиги ифодаланган.

Тил жамият тараққиёти, инсон тафаккури, ҳиссиёти билан узвий боғлиқ бўлганлиги туфайли қиёс қилиш жараёнида инсон онгида пайдо бўлган тушунчалар ва субъектив муносабатлар ҳам нутқ орқали юзага чиқади, воқе бўлади. Сўзловчининг воқеликка бўлган бундай муносабати тилда турли модал шакллар, эмоционал, экспрессив-стилистик воситалар ёрдамида реаллашади. Шундай қилиб, инсон ўз нутқида объектив олам нусхасини ҳақиқатга ўзининг шахсий муносабатини ҳам қўшиб ифодалаши мумкин. Масалан: *Аттанг .. Бизнинг факультетда ҳам мажлис бор. Озгина туриб кетмасам бўлмайди.*

- *Уфф!* – *Жаҳонгир жиндай пахтани наридан-бери думалоқлаб қулоғи га тикқандай бо`лди. Мотор гуриллади.*⁴

Тилшунос олим А.Абдуллаевнинг фикрича, сўзловчининг воқеликка нисбатан бетараф ва субъектив муносабатига кўра нутқнинг икки хил шакли:

а) интеллектуал нутқ;

б) интеллектуал-эмоционал нутқ формалари юзага келади.

Сўзловчининг мана шу психо-физиологик ҳолати унинг нутқида ўз аксини топади.⁵ Масалан,

Тилдан қолсам кўзда қотиб ёшларим,

¹ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлиқнинг ифодаланиши. – Т: Фан, 1983.

² Солиқова Т. Яшаш тилсини –Т: 2004. 9-бет.

³ Умарбеков О. Соғв а – Т: 2012. Адабиёт, III китоб, 458-бет.

⁴ Хошнӯв У. Танланган асарлар – Тошкент: Шарқ, 2009. - Б.177.

⁵ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлиқнинг ифодаланиши. – Т: Фан, 1983.

Кўнглимдан бошқа бор ахир, не зарим?

Ерларга эгилган куни бошларим,

Йиғлашни ҳам билмас менинг қизларим! (Муҳаммад Юсуф,

“Хавотир”)

Тилнинг икки хил: а) коммуникатив; б) стилистик функцияси борлиги олим томонидан баён этилган. Сўзловчининг интеллектуал ҳолати тилнинг коммуникатив функциясида, эмоционал ҳолати эса стилистик функциясида намоён бўлади. Интеллектуал ва эмоционаллик категория сифатида бир – бирига зид қўйилса–да, улар ўзаро ажратиб бўлмайдиган, бири иккинчисини тақозо қиладиган ходисалардир.²

Ҳар қандай эмоционалликда интеллектуал мундарижа бўлади.

Хатто ундов сўзларда ҳам маълум даражада интеллектуал бўлади. Лекин эмоционаллик баъзи гапларда сезилмас даражада бўлса, бошқа бирида бу маъно бўртиб туради. Эмоционал нутқ шакли деганда, ана шу кейинги турдаги гаплар назарда тутилади.

Тилнинг икки хил функцияси бўлиб, у икки хил нутқ шаклида намоён бўлади:

а) интеллектуал нутқ шакли;

б) интеллектуал эмоционал нутқ шакли.

Нутқнинг биринчи кўриниши нейтрал сўзлар ва одатдаги грамматик воситалар орқали реаллашади. Иккинчи ҳолати махсус экспрессив-стилистик бўёққа эга бўлган сўзлар, аффикслар, сўз шакллари, махсус гап турлари, сўз тартиби воситасида реаллашади. Экспрессивликнинг, эмоционалликнинг тилда қай усул, қандай воситалар ёрдамида реаллашиши текшириш обектимиз ҳисобланади. Ҳар бир ҳодиса категория сифатида ўзининг оппозицион томонига нисбатан белгилангани каби образлилик, тасвирийлик, экспрессивлик, эмоционаллик каби категориялар ҳодиса, белги ва фикрнинг нейтрал ҳолатига нисбатан белгиланади. Бу ходисалар фикрнинг таъсирчанлигини оширишига хизмат қилиши жиҳатидан ўзаро умумийликка эга. Лекин иш кўриш кулами, тил услубларига хослиги жиҳатидан улар ўзаро фарқ қилади. Образлилик, тасвирийлик каби ҳодисалар асосан ёзма нутққа, бадий услубга хос воситалардир. Экспрессивлик ва эмоционаллик эса нутқнинг барча услубига мансубдир. Шунга кўра образлилик, тасвирийликка мансуб бўлган бадий воситалар адабиётшуносликнинг текшириш объектидир. “Экспрессивлик фақатгина санъаткор тилигагина эмас,

¹ Муҳаммад Юсуф. Шоир севгиси – Т. Нотир. 2013. 65-бет.

² Абдураҳмонов Ш. Ўзбек бадий нутқида кулги кўзгатувчи лисоний воситалар –

жамоат арбоблари, публицистлар, ҳатто олимлар тилига ҳам хосдир”.¹ Экспрессивлик тил бирликларининг махсус қўлланиши асосида яратилади. Ўзбек тили бўйича чиққан дарслик ва қўлланмаларда экспрессив лексикага алоҳида ўрин ажратилган. Масалан, М. Мирзаев, С.Усманов ва И. Расуловларнинг китобида, тушунча ифодалашдан ташқари таъсирчанликка эришиш ва нутқнинг маълум стилини яратиш мақсадида қўлланадиган сўзлар экспрессив-стилистик лексика дейилади, деган таъриф берилган.

Экспрессивликни одатда икки гуруҳга: экспрессив-субъектив баҳо маъноларига ажратадилар. Экспрессивлик белгиларининг маъно жиҳатидан бир хил бўлмаслигини ҳисобга олиб, сўзларнинг экспрессив-эмоционал ва экспрессив-баҳолаш турларига ажратиш одат бўлган. Экспрессивлик ва эмоционаллик бир-биридан ажратиладиган ҳодисалар эмас. Бу ҳодисаларнинг бирида экспрессивлик устун; бошқасида эмоционаллик устун, яна бирида ҳар иккиси тенг бўлиши мумкин. Шунга кўра, биринчисини экспрессивлик, иккинчисини эмоционал, учинчи хилини эса эмоционал-экспрессив, деб аташ мақсадга мувофиқдир.

“Нутқни янада ёрқинроқ, таъсирчанроқ, таассуротлироқ қиладиган нарсаларнинг ҳаммаси экспрессивдир. Демак, нутқ экспрессивлиги – нутқни ёрқин, таъсирчан, тасвирий, таассуротли қилувчи воситалардир”.

Лексик – фразеологик усул деганда экспрессив эмоционалликнинг луғавий бирликлар воситасида, яъни сўз ва фразеологизмлар билан ифодаланиши тушунилади.²

Тилнинг аҳволи ва унинг лексика соҳасида ривожланиши даражаси сўзларнинг фақат умумий миқдори сони билангина белгиланмайди. Сўзларнинг сон жиҳатдан кўп бўлиши билан бирга уларнинг ҳар томонлама ва хилма-хил маънога эга бўлиши, сўз систематикасининг тобора кенгроқ тармоқ ёйиши ва энг нозик маъно оттенкаларини ифода этиши. Турли синонимлик сўз ва бой стилистик хусусиятлар тилнинг бойлигини билдиради. Ўзбек тили ҳам мана шундай ресурсларга бой тиллардан ҳисобланади. Троплар, стилистик синонимлар, баъзи бир чегараланган лексик қатлам ва фразеологизм³ каби тил ҳодисалари асосида экспрессивлик ва эмоционаллик ҳосил қилинади. Масалан, *Темир шапка кийган*

¹ Қўнгуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т. 1977, 12-бет

² Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлиқнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983.

³ Асаллаев А., Раҳмонов Б., Мусулмонқулов Ф. Бадий санъат жозибаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.

одамлар осмон баравар нарвон келтириб амаллаб тушириб олишган. Мен ана ўша ёнгоқнинг қир учидан йиқилиб тушганман.¹

Қўшнисига тушган қизи оиласи билан андармон, қўли теккан маҳалдагина кириб турарди.²

Ўзбек тили лексик қатламининг анчагина қисмини кўп маъноли сўзлар ташкил қилади. Маълумки, полисемантик сўзлар бир маъноси билан тўғри, яна бир маъноси билан экспрессив-эмоционал фикр ифодалашда қатнашади. Сўз маъносидаги бошқа томонга силжиш эса кўпинча унинг ўзи учун хос бўлмаган матн ичида келганда юз беради³. Масалан,

Эсимни танибманки, дадам пулат пероли ручкада сиёҳ билан шеър ёзар эдилар. (Олмос, “Бодом гули”, 7-бет).

У ҳозир самоварга кириб битта чой ичмоқчийди. (Саид Аҳмад, “Қочоқ” (“Уфқ” романидан парча), 244-бет)

Сўзни ўзига хос матнда, сўзлар қуршовида қўллаш, воқеликни махсус таърифлаш асосида троплар ҳосил қилинади. Троплар сўз маъноларини турли хил принцип асосида янги маънога кўчириш усулидир. Шунга кўра, тропнинг хилма-хил турлари бор: метафора, метонимия, синекдоха, эпитет, аллегория, ирония, муболаға, литота каби. Улар мана шу хусусияти билан ўзига хос градация ҳосил қилади. Масалан, *яхши-бинойи-дуруст-тузук; аччиқланмоқ, газабланмоқ, қаҳрланмоқ* каби.

Синонимлар воситасида экспрессивлик, эмоционаллик ифодаланиши юзасидан хулосага келиш мумкин:

1. Ўз сўзи билан четдан кирган сўз синонимик муносабат ҳосил қилган бўлса, чет сўз экспрессивликка бой бўлади.

2. Ўз маъноси ва фигурал маъноси билан синонимлик муносабат ҳосил қилган қаторда фигурал маъноси экспрессив бўёқдор бўлади. Тилда экспрессивлик ифодоловчи воситалар анчагина, лекин фразеологизмлар бундай хусусиятнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Фразеологизмлар номинатив маъно ва қўшимча оттенкаларнинг ажралмас бирлигидан иборат бўлган махсус нутқий фигуралардир. Фразеологизмларнинг айримларида экспрессивлик сўзловчининг воқеа, белги, нарса предметга нисбатан субъектив муносабатига, шу жумладан, салбий ёки ижобий муносабатига (*муққасидан кетган, учига чиққан, оғзи ката - салбий; чехраси очик, қалби пок, теша тегмаган, қирови тўқилмаган-ижобий*) нисбатан,

¹ Ҳошимов Ҳ. Танланган асарлар – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.291.

² Аъзамов Э. Кўк эшик. – Тошкент, 2012. – Б. 551.

³ Болтабоев Ҳ. Ажратилган бўлақлар ва ажралнишга доир// Ўзбек тили ва адабиёти, 1974.

баъзиларида эса ҳодиса, нарса, белгининг сифат ёки микдор характеристикаси нуқтаи назаридан бўлади.

Кечқурун оғзим қулғимга етгудек бўлиб бир дунни ёнғоқ қутариб келдим. (Уткир Ҳошимов, Энг оғир гуноҳ, 18-бет).

Демак, фразеологизмлар экспрессивликка бой бўлган нутқий фигуралардан бўлиб, улар орқали ифодаланадиган маънолар кўп қиррали ва ранг-барангдир.

Frazeologizmlarning leksik-semantik xususiyatlari

Hilola Burhonova,
talaba (NamDU)

Frazeologizmlar ham, xuddi soʻzlar kabi, shakl va maʼno butunligiga ega. Soʻzning shakliy tomonini tovushlar hosil qilsa, iboralarning shakliy tomonini esa soʻzlar tashkil etadi: *yon bosmoq*, *koʻngli boʻsh* kabi.

Frazeologizmlarning komponentlari faqat shakl-tovush tomoni bilan soʻz holida boʻladi. Frazeologizm tarkibida u maʼno butunligiga ega boʻlmaydi. Shu sababli frazeologizm tarkibidagi biror soʻz isteʼmoldan chiqqan boʻlsa ham, frazeologizmlar yoʻqolmaydi, boshqa til birligiga, aytaulik, soʻzga aylanmaydi. Misollar: *U qizning burnini asta chimchilab, qulogʻidan choʻzib jigʻiga tegdi-da, moʻylovlarini selkillatib koʻrdi. Shanba kuni Koʻtir dala tomondan koʻtarilgan chang odamlarning enka-tinkasini chiqarib yuborgandi.* (Mirmuhsin)...

Frazeologizmlar lugʻoviy birlik boʻlganidan, xuddi soʻzlar kabi, gapda bir boʻlak vazifasida keladi. Misollar: *Qosh qoʻyaman deb koʻz chiqaradigan bunday hodisalar hali ham onda-sonda roʻy berib turibdi. Koʻz ochib yumguncha ming piyoda va suvori kishilar paydo boʻldi.* (A.Qahhor) Birinchi gapdagi frazeologizm aniqlovchi, ikkinchi gapdagisi hol boʻlib kelayapti.

Frazeologizmlarning semantik strukturasi frazeologik maʼno va qoʻshimcha ottenkalardan iborat boʻlmaydi. Belgi, harakat kabilar haqida frazeologizm ifodalaydigan maʼlumot frazeologik maʼno deyiladi. Masalan, *Bu yerda ekanligingizni eshitib koʻzimga hech narsa koʻrinmadi.* Gapdagi frazeologizm harakatni bildiradi.

Frazeologizmlar, soʻzlar kabi yaxlit bir maʼno (belgi, harakat kabilarni) ifodalasada-da, lekin frazeologik maʼno koʻp jihatdan leksik maʼnodan farq qiladi. Shu sababli frazeologizmlar soʻzlarga ham frazeologik maʼno leksik maʼnoga teng boʻlmaydi. Qiyoslang: *oʻta*

ketgan uchiga chiqqan, beqiyos - yer bilan osmonga, albatta - turgan gap, hech qachon - ikki dunyoda (ham), yashirin (hufiya) - eng ichida. Keltirilgan frazeologizmlar o'z sinonimlarini so'zlarga nisbatan birinchidan, ma'noni kuchli darajada ifodalasa, ikkinchidan ular obrazlilikka ega.

Frazeologizmlar garchan so'zlar kabi yaxlit ma'no ifodalsa-da, dalillar frazeologik ma'no bilan leksik ma'noning tabiati bir xil emasligini ko'rsatadi. Frazeologizmlar sintaktik jihatdan so'zlardan farqli belgi-xususiyatlarga esa bo'lganligi uchun ham tilda paydo bo'lgan va yashab keladi.

Frazeologizmlar birdan ortiq so'zdan tashkil topishini ko'rdik. Lekin frazeologizmlar tarkibidagi so'zlarning leksik-grammatik imkoniyatlari, ularning to'g'ri ma'nolari asosida birikishidan hosil bo'lmaydi. Masalan, *qo'yniga qo'l solmoq, tarvuzi qo'ltig'idan tushmoq* frazeologizmlarining ma'nosi tarkibidagi so'zlar ma'nolaridan kelib chiqmaydi, chunki frazeologizmlar so'z birikmasi tarkibidagi biror so'zni yoki butun birikmani ma'lum bir obraz asosida ko'chma ma'noda qo'llash yo'li bilan hosil bo'ladi, uning ma'nosi ham shu yo'l bilan hosil bo'ladi. Misol: *Yaxshi odam oshini yer, yomon odam boshini yer* (Maqol) ... *bo'ynida qip-qizil galstuk loladek yashnab turar, og'zi qulog'ida edi* (A.Mirahmedov). *Boshini yemoq* frazeologizmining ma'nosi *emoq* fe'lining ko'chma ma'nosi asosida hosil bo'lgan. *Og'zi qulog'ida* frazeologizmining ma'nosi esa butun birikmani obrazli tarzda ko'chma ma'noda qo'llash asosida hosil bo'lgan.

Frazeologiyada bunday emas. Frazeologizmlarning asosiy qismi bir ma'noli. Lekin ikki va undan ortiq ma'noga egalik frazeologizmlarda ham uchraydi. Masalan, *Eskini yamaguncha essing ketadi deb bekorga aytilmagan axir.* (Sh.G'ulomov) *Mana hatto Kimsan uch kundani beri normani oshirib ketayapti. Prorabi maqtab esi ketdi.* (As.M. bu kunlarda jangchi goh o'ziga kelib, goh bexush bo'lib ketdi. (As. M.) *Ayb menda, -dedi Jo'ra dangal- Ana, endi o'zinga kelding* (N.S.) *Ishning ko'zini biladigan kishining qo'lga tushgan mashina yomon ishlashi mumkin emas. Qo'lga tushgansiz.... Hafa bo'lmang, jonim!*

Xuddi leksikada bo'lgani kabi, frazeologiyada ham omonimiya, sinonimiya, antonomiya kabi hodisalar bor. Bir xil komponent (so'zlardan tuzilgan frazeologizmlar o'zaro bog'lanmagan (tomoman boshqa-boshqa) ma'no ifodalashi mumkin. Bu hodisa frazeologik omonimiyadir. Masalan: *Elmurod uning gapini jiddiy, lekin og'rinib tingladi. Keyin chug'urlashib, uyni boshiga ko'targan bolalarga*

qayrildi. (P.T.)... *Kun peshindan oqqanda, cho'l changini boshiga ko'tarib, ichkari uyga kirib ketdi. (Sh.G'ulomov).*

Siz xalqimizning baxt-saodati uchun kurashdingiz. Xalqimiz sizni hurmatlab, olqishlar bilan boshiga ko'taradi. Frazeologizmlar so'zlardan tarkib topish tufayli tilda frazeologizm-omonimlar juda kam miqdorni tashkil etadi.

Sinonimiya (ma'nodoshlik) hodisasi frazeologiya uchun ham xarakterli: kayfi buzuq-ta'bi tirriq, toqati toq bo'lmoq-sabr kosasi to'lmoq, yaxshi ko'rmoq-ko'ngil bermoq kabi: *U bir qarashda yonoq suyaklari chiqqan, kampirda xon yuzi trtishib, lablarining qimtinib turishidan Jonuzoq otaning ta'bi tirriq ekanini payqadi. (S.An.)*

Yodgorbek kayfingiz buzuqroq ko'rinadimi? (N.S.) Tojiboy o'z qiliqlari bilan uning sabr kosasini to'ldirdi. (P.T.) Qabulxonada ktib o'tiraverib toqati toq bo'lgan arzgo'ylar rais oldiga kirishga intilardilar. (N.S.)

Antonimiya. Qarama-qarshi ma'no ifodalovchi iboralar antonim-frazeologizmlar deyiladi: ko'kka ko'tarmoq-yerga urmoq, yuzi yorug'-yuzi shuvit, ko'ngli joyiga tushmoq-yuragiga g'ulg'ula solmoq kabi: *Ahli majlis ko'klarga maqtar edi. (A.Qodiriy) Ular ham necha yil non-qatiq bo'lgan raislarni erga urdilar (Sh.Rashidov) G'ulomjon paxtalarni qiyg'os ochilib turganini hali qo'shnisini terim boshlamaganini ko'rib ko'ngli ancha joyiga tushdi. (M.Ism) Rahmatulla bir tomondan yuragiga g'ul-g'ula tushib, bir tomondan, ko'nglining bir burchagida esa bir umid paydo bo'lib oblastga bordi. (A.Qodiriy)*

Xuddi leksikadagi kabi, frazeologiyada ham o'z va o'zlashgan qatlam bor. Frazeologiyaning asosiy qismi o'z qatlamiga oid frazeologiyalardan iborat, o'zlashma qatlam kam miqdorni tashkil etadi. Lekin, birinchidan so'z o'zlashtirishga nisbatan frazeologiyani juda kam darajada bo'lsa, ikkinchidan, frazeologizmlar o'ziga tildan aynan o'ziga emas, asosan kalkallab olingan. Masalan: g'isht qolibdan ko'chdi frazeologizm tojikcha g'isht as qolip barxestan frazeologizmning qalqallab o'zlashtirishdan kelib chiqqan. Tojik va o'zbek tillaridan bir xil ma'noli juda ko'p frazeologizmlar mavjudki ularning qaysi tildan qaysinisiga o'zlashtirganini aniq aytish qiyin. Qanday shamol uchirdi-qadam shamol paront. Boshi toshdan bo'lsin-sarash as sang shavat-gap sotmoq-gap firo'xtan.

Keyingi vaqtlarda rus tilining ta'sirida ham ko'pgina frazeologizmlar paydo bo'ldi: temirmi qizig'idq bos (kuy jelezo-paka gorachyo) barmoq orasidan (smotrit skvos palsi) kabilar.

Xuddi leksikada bo'lgani kabi frazeologiyada ham ayrim birliklarni eskirishi va yangi frazeologiyalarning paydo bo'lish xodisasi bor. Frazeologizmlarning asosiy qismi zamonaviy qatlamga oiddir. Eski qatlamga oid frazeologizmlarga misol sifatida Alisher Navoi asarlarida qo'llangan quyidagi iboralarni keltirish mumkin:

*Yo ulus ichra yuz suyun sochib,
Yo olibon boshini bir yon qochib*

(“Xayrat-ul abrор”)

Yuz suyini sochib-obro'sini yo'qotib.

Begunoh to'ksang Navoi qonini yo'qdir g'ami

Kim seni ko'rgan dame qoshim senga qilish halol

(“Navodir ush-shabob”) qonini halol qilmoq-o'ldirmoq

Afrim frazeologizmlar variant sifatida eski qatlamga oid bo'ladi, hozirgi adabiy tilda ularning qandaydir varianti qo'llanadi.

Misollar:

Lahza-lahza chiqdimu chekdim yo'lida intizor

Keldim jon og'zimgayu, ul shoxi badxo' kelmadi

(“Bado'ul vasat”)

Silkibon ul yaxshi yomonga yeng,

Anglab ulus yo'qina borini teng

(“Xayratul Abror”)

Bu misollardagi joni og'ziga kelmoq, yeng silkimoq frazeologizmlari o'rinda hozirgi o'zbek tilida joni xalqumiga kelmoq, qo'l silkimoq frazeologiyalari qo'llanadi: joni xalqumiga kelgan kapitan qayoqqa borishini bilmay, kemani kechasi bilan noma'lum yo'llardan ilon izi qilib aylantirib chiqdi. (As.M.) Bas, siz bilan biz, Tojiboy aka bu ishga rahbarlik qilish o'rninga qo'l siltar ekanmiz, jinoyat qilgan bo'lamiz va buning uchun xalq oldida javobgar bo'lamiz. (P.T.)

Xuddi so'zlar kabi frazeologizmlar ham stilga nisbatan neytral yoki uslubning biror turiga mansub bo'ladi. Lekin, frazeologizmlarning asosiy qismini neytral frazeologizmlar juda ko'p tashkil etadi. Stilning biror turiga xoslangan frazeologizmlar juda kam miqdorni tashkil etadi. Masalan: ko'ngli to'q, aqlini emoq, boshi qatmoq, yo'ldan urmoq, ichi toshmoq, zardasi qaynamoq, tili bir qarich frazeologizmlari stilga nisbatan neytraldir. Stilistik xoslangan frazeologizmlarga misol sifatida quyidagilarni ko'rsatish mumkin: Tezdan maktab qurilishi amalga oshishini o'ylab xursand bo'lgan Elmurod dadil odimlar tashlagan holda qandaydir bir kuyni xirgoyi qilib borar edi. (P.T.)

U keng yag'rinli, quloch ko'krakli, butun dov jussasidan quvvat barq urar edi (O.) Xaqqiqatdan ham Ashuraliev sog'aygach vrachga bitta quling o'rgilsin qora ko'l teri keltirib berdi.

Bu misollardagi amalga oshmoq, ko'proq yozma (rasmiy) usulhga, barq urmoq oddiy so'zlashuv uslubiga oiddir.

Jak London hikoyalarda uchraydigan frazeologik iboralarning tarjimasini haqida

S. Daminjanov,
o'qituvchi (NamDU)

M. G'ofurova,
ingliz tili yo'nalishi
2-kurs magistranti (NamDU)

Tilning lug'at tarkibi faqat so'zlar emas, balki turg'un bo'lib qolgan so'z birikmalari ham kiradi. Tarkibi ancha murakkab bo'lgan turg'un birikmalar frazeologizmlar yoki frazeologik birikmalar (iboralar) deb ataladi. Tilshunoslikning frazeologizmlarni ilmiy tadqiq qiluvchi soxasi frazeologiya (grekcha phrasis "ibora", logos - "ta'limot" "ibora to'g'risidagi ta'limot") deyiladi. Frazeologizmlar tilning leksikaga kirishi sababli frazeologiyaga tilshunoslikning leksikologiya sohasiga kiruvchi bir bo'lishi sifatida qaraladi.¹

Odatda frazeologizmlar tildagi erkin so'z birikmalari asosida hosil bo'ladi. Biroq ular ko'chma ma'no kasb etib, komponentlari o'zaro birikib yaxlit holda qo'llanishi natijasida singib ketadi, Frazeologizmlarning ko'chma ma'nolari nutq situatsiyasi yoki kontekst yordamida oydinlashadi. Frazeologizmlar turli tillarda o'sha xalqning ba'zi urf-odatlarini aks ettiradi. Ularni bir tildan ikkinchi tilga tarjima qilishda iboraning komponentlarini so'zma-so'z ag'darmay, to'g'ri keluvchi iboralardan foydalaniladi.

"Frazeologiya masalalari va turli tillarda so'zlarning har-xil birikishiga oid umumiy muammo, tarjima amaliyoti bilan birga, tarjima nazariyasi uchun ham g'oyat muhimdir. Chunki turli tillarda moddiy ma'nosi bir xil bo'lgan so'zlarning ma'no va uslub funktsiyalari bir-biridan tafovut qilishi, turli tillarda bunday so'z birikmalarning farq qilganligi uchun, tarjima amaliyotida katta mushkullik tugdirib, nazariy jihatdan ham juda katta kiziqish uygotadi".²

¹ Sodiqov A., Abduazizova A., Irisqulov M. Tilshunoslikka kirish, T.: O'qituvchi, 1981, 108-bet.

² А.В. Федеров Введение теории перевода, М., 1953 стр. 169.

Bunday iboralar muqobil variantlar deyiladi. Muqobil variantlar deyilganda, bir-birlariga ma'no va stilistik funktsiya jihatlaridan mos bo'lib, leksik sostavi jihatidan farq qiladigan, ba'zan esa bittadan tayanch komponentlari o'xshash ikki til iboralarini tushunamiz. Masalan, "sharoitga moslashish" ma'nosining ifodasi uchun ingliz tilida "*When in Rome, do as the Romans do*" frazeologik iborasi qo'llanilgan ekan, shu ma'noning ifodasi uchun o'zbek tilida "*Qo'shning ko'r bo'lsa, ko'zingni kis*" va rus tilida "*S volkami jit po volchi vyit*" iboralari qo'llaniladi.

Dunyodagi ko'p tillarda, jumladan, ingliz va o'zbek tillarida ham bir-birlariga muqobil son-sanoqsiz frazeologizmlar mavjudki, bu turli xalqlarning hayotidagi voqea-hodisalarga nisbatan bo'lgan munosabat-larning asosan o'xshashligini bildiradi. Chunonchi, jahondagi barcha xalqlar o'zaro xurmatni ulug'laydilar. Binobarin, bu xislatni aks ettira-digan frazeologik iboralar boshqa tillar qatori ingliz va o'zbek tillarida ham mavjud. Lekin shuni aytish kerakki, hech bir tilda, mavjud tushunchalarning hammasi uchun frazeologizmlar yaratilgan emas. Jumladan, "*arzimagan ko'ngilsiz votseadan kutilish uchun katta narsani kurbon silmots*" ma'nosini ifodalaydigan inglizcha "*to burn ones house to get rid of mise*" iborasining o'zbek tilida "*Burgaga achchik qilib ko'rpani kuydirmots*" muqobil variantiga ega bo'lgani holda, rus tilida bunday variantga ega emasligi ajablanarli emas.

J.London hikoyalarning ingliz tilidan o'zbek tiliga tarjima qilishda tarjimon F.Abdullaev hikoyalarda muallif tomonidan qo'llanilgan frazeologizmlarni o'zbek tiliga to'la va aniq yetkazib berishga harakat qilgan. Har bir tilda uning o'ziga xos o'xshatish ob'ektlari asosida tuzilgan yoki frazeologik shtamp shakliga kirib qolgan iboralar bo'ladiki, ularni biz o'xshatma frazeologik ibora deb ataymiz.

Har qanday hollarda ham o'xshatma frazeologik iboralarning ob'ektini saqlashga intilish tarjima tilining shirasiz, g'aliz bo'lib qolishiga sabab bo'ladi. Shuning uchun bunday birikmalarda, asarning milliy xususiyatiga zarar yetmaydigan bo'lsa, asl nusxa an'anaviy ob'ekta bilan almashtirish ma'qul.¹ Aks holda, tarjima asarning tili bo'sh, tasvir quvvati zaif, ta'sirsiz bo'lib qolishi mumkin.

Quyida hikoyalardan olingan misollarda ingliz, o'zbek va rus tillarida o'xshatma frazeologik iboralarning an'anaviy ob'ektlari bir-biriga mos kelganini ko'rishimiz mumkin:

Asl nusxada: As strong as a bull *Danny 'I1 be as*

¹ Salomov G'. Til va tarjima. Toshkent: Fan, 1966, 294-bet.

O'zbek tilida: Xo'kizdan baquvvat *Denni xo'kizday*

<i>Strong as a bull</i>	<i>baquvvat bo'ladi</i>
<i>Pitiless as steel</i>	<i>Po'lat kabi ayovsiz</i>
<i>Cold as frost</i>	<i>Muz kabi sovuts</i>
<i>He has no heart</i>	<i>Unda shafkat</i>
<i>He is pitiless as</i>	<i>degan narsadan</i>
<i>steel, keen and</i>	<i>asar yo'ts. U po'lat</i>
<i>cold as</i>	<i>kabi ayovsiz, muz kabi</i>
<i>frost (Mp89).</i>	<i>sovuq (M. 37-bet).</i>

Bu misollardan ko'rinib turibdiki, o'zbek tarjimoni frazeologik iboralarining muqobiligini aynan bera olgan va bu to'la adekvatlikni ta'minlangan.

Tarjimaning yuqorida ko'rsatilgan fazilatlarini bilan bir qatorda, fikrimizcha, ayrim kamchiliklar ham mavjud:

Well, this little yellow streak has the gall to blow in today and say he'll take Cfrthey'splace (M.p.94).

O'zbek tilida: *Endi mana shu meksikalik shumtaka Kartining o'rniga mana men chitsaman, deb ishontiribdi. (M.44-bet).*

Yuqorida ko'rsatilgan *little yellow streak* frazeologik birligi o'zbek tiliga *shumtaka* deb tarjima qilingan. *Little yellow streak* frazeologik iborasi "Meksikalik" hikoyasi bosh qahramoni Filipe Riveraga qarata qo'llanilgan.

"Tarjimada muallif uslubini aynan berish uchun leksik-frazeologik vositalarini tanlay olib bilish hal qiluvchi ahamiyatga egadir"¹ Shunday ekan, tarjimon qo'llagan *shumtaka* so'zi noo'rin ishlatilgan bo'lib, u kitobxon hayolida nixoyatda sho'x, to'polonchi bolaning timsolini gavalantiradi. Riveraning fe'l-atvoriga bu tamoman teskari tafsifligani hikoyani o'qigan kitobxon darrov ilg'aydi.

Xuddi shu hikoyada uchraydigan yana bir frazeologik birlikning tarjima qilinmay, tushurib qoldirilganligi esa bizni ajablantirdi.

And he never talked eleven words in a string since I know him. He saw wood and does work (M.p.96).

O'zbek tilida: *U bilan tanishganimdan beri o'nta so'z aytganini eslay olmayman (M.4b-6et).*

Ko'rinib turibdiki, *saw wood* frazeologizmi qatnashgan ran tarjima qilinmay qolgan. Vaholanki, bu gapda qahramonning xarakteriga xos bo'lgan xislat haqida so'z boradi. Tarjimon ingliz tilidagi *saw wood* frazeologizmini ma'nosidan kelibchiqadigan o'zbek tilida sirini hech

¹ Рецкер Я.И. Задачи сопоставительного анализа переводов (ТКП, 45).

kinga bildirmaydigan, o'z ishiga pishiq, quv, ma'nolarini o'zida mujassamlashtirgan "ichidan pishgap" frazeologik iborasini qo'llasa, qahramon xarakterini to'la ochib bergan bo'lar edi.

Tarjima ishiga katta iste'dod talab qiladigan ijodiy ish deb qaralsa, asarning badiiy qiymatiga, muallifning uslubiga, uning individualligiga, obrazlarining ifodali buyoqlariga zarracha bo'lsa ham putur yetkazmaslik niyatida tarjima qilinayotgan tilning so'z xazinasida sinchiklab izlansa, ijodiy izlanish o'z mevasini berishi mukarrardir.¹

Yuqorida ko'rsatilganidek, ayrim kamchiliklarga qaramay, tarjimon J.London hikoyalarning tarjimasidagi frazeologizmlarni zo'r muvaffaqiyat bilan kitobxonga yetkazib bera olgan. Tarjimon frazeologizmlarni aniq va to'g'ri berish nihoyatda muxim ahamiyatga ega ekanligini qalbdan chuqur his qilgan.

Demak:

- tarjimada muallifning individual uslubini aks ettirishda frazeologizmlar tarjimasining ahamiyati katta;
- badiiy tarjima tufayli tilning frazeologiyasi boyiydi;
- badiiy asar tilida ifodalangan milliy ruxni aks ettirishda frazeologiyaning roli katta; frazeologizmlarni buzib tarjima qilish asar tilini nursizlantiradi va uning badiiy qiymatiga putur yetkazadi.

Tarjimon F.Abdullaev bu masalani chukur tushungan va his qilgan holda o'z vazifasini ado etganligini yana qayd qilamiz. Bunda uning keng mushohadali tilshunos ekanligi katta ahamiyatga ega bo'lgan, albatta.

Jek London hikoyalari tarjimalarida kishi ismlari, geografik nomlar va milliy xususiyatlarni aks ettiruvchi so'zlarining berilishi

M. G'ofurova,
ingliz tili yo'nalishi
2-kurs magistranti (NamDU)

Bir tildan ikkinchi tilga qilingan tarjima xalqlarning o'zaro aloqasini mustahkamlaydi, bir xalq tomonidan yaratilgan madaniy merosni ikkinchi xalqqa tanishtiradi. Shu bois badiiy tarjimada kishi ismlari, geografik nomlar va milliy xususiyatlarni aks ettiruvchi so'zlarning

¹ Левинская Т.Р., Фитрман А.М. Проблемы перевода. М.: Международные отношения, 1976, стр. 202.

berilishi ham alohida o'rin tutadi. Ularning tarjimasini xaqida bir qancha manbalarda xilma-xil fikrlar bayon qilingan.

Ma'lumki, badiiy tarjimada qilish qiyin bo'lgan, qo'shimcha izohtalab so'zlar - *realiya* deb ataladi. Kishi ismlari, geografik nomlar va milliy xususiyatlarni aks ettiruvchi so'zlar ham realiya hisoblanadi. Mashhur olim A.V.Fedorov o'zining badiiy adabiyot tarjimasini muammolari bo'yicha yozgan nazariy ishlarida bir xalq realiyalarining boshqa tilga tarjimasining quyidagi usullarini aniqlaydi:

1) transliteratsiya¹ orqali (to'lik yoki qisman);

2) tilda mavjud bo'lgan elementlar va morfologik munosabatlar asosida yangi so'z, so'z birikmasi yoki qo'shma so'z yasash orqali;

3) funktsional jihatdan o'xshash, yaqin bo'lgan so'zni qo'llash orqali tarjima qilish. Bu taxminan moe keladigan, kontekstdan tushuniladigan, ba'zida esa tasvirlanishi jixatdan cheklangan tarjimadir.²

Kishi ismlari transliteratsiya qilingan: Bill-Bill, Porfirio Dias-Porfirio Dias, Felipe Rivera-Felipe Rivera, Paulina Vera-Paulino Vera, May Sethby-Mey Setbi, Arrelano Ramos-Arellano Romos, Juan Alvarado Xuan Alvarado, Danny Ward-Denni Uord, Billy Carthey-Villi Karti, Roberts-Robers, Spider Hagerty-Spayder Xagerti, Fernandes-Fernandes, Rosalie Martines-Rosilo Martines, Delaney-Dileni, Jose Amarillo-Xoce Amarilo, Prayne-Preyn;³

Shuni aytib o'tish kerakki, badiiy asar yaratishda laqab nomlar muxim stilistik vositalardan biri bo'lib, talqin etilayotgan obrazning ichki xususiyatlarini ochib beradi. Shuning uchun bunday nomlarning ichki mazmuni bilan kitobxonni tanishtirish maqsadida ular aynan tarjima qilingani ma'qul.

Albatta, har bir badiiy asar tarjimasini jarayonida izohtalab so'zlar ko'p uchrab turadi. Biz tahlil qilayotgan hikoyalar ham bundan mustasno emas. Tarjimon F.Abdullaev ana shunday so'zlarni ba'zilariga izoh berib tarjimada asliyat ohangini saqlab qolgan. Biz "Meksikalik" hikoyasida uchraydigan tarixiy shaxslar, tashkilotlar nomlariga yuqorida aytib o'tilganidek tagida izoh berishni qo'llaganini nazarda tutaymiz: *Nobody knew history - they of the Junta least of all* (p. 86) O'zbek tilida: *Hech kim uning o'tmishini bilmas Xunta odamlari esa bu bolani mutlatso tanimas edilar* (32-bet).

They day he first drifted into their crowded, busy rooms they already suspected him of being a spy — one of the bought tools of Dias secret service (p. 86)

¹ Федорова А. В. Введение теории перевода, М., 1953 стр. 139.

² Transkriptsiya - (lot. Transcripitio - ko'chirib yozish)

³ Po'latov Yu. Badiiy asarda nomlar tarjimasini. T.:Fan, 1967, 37-bet

O'zbek tilida: *U xuntachilarning tor va odam to'la xonasigya kirib kelganda, uni Diasning¹ sottsini va maxfiy agentlaridan biri deb shubha qildilar* (32-bet).

Asl nusxada ham yuqoridagi so'zlarga izoh berilgan. Tarjimon ham shu yo'nalishda ish yuritgan va bu uning yutuqlaridan biri desak mubolag'a bo'lmaydi.

Badiiy tarjimada milliy xususiyatlarni aks ettiruvchi so'zlarni tarjima qilish masalasi qiyin, lekin muhim va aktual masalalardan biridir. Bu asosan, ikki holatning, yani qaysi so'zlarni tarjimada transliteratsiya qilib berish kerak: va qaysi so'zlarni bevosita tarjima qilish lozim, degan fikrning o'rta qo'yilishi bilan bog'liqdir. Bu masalalarga ha yoki yo'q tarzida javob berib bo'lmaydi, albatta. Buning uchun muxim ilmiy-tadqiqot ishlar olib borish, tajribalarni umumlashtirish va shundan keyingina biror xulosaga kelish lozim bo'ladi. Shu nuqtai nazardan J.London hikoyalarining tarjimasida milliy xususiyatlar va realiyalarni aks ettiruvchi qator so'zlar aynan (o'zbek tili fonetikasiga moslashtirilgan xolda) o'zbek tiliga kiritilganini to'g'ri deb hisoblaymiz.

Yana shu mavzuga tegishli tarjimon tomonidan yo'l qo'yilgan ba'zi bir yutuk va kamchiliklarga to'xtalsak.

And his father saw, large big-mistashed, and deepchested kindly above all men whose heart was so large that these was love to overflowing still left for the mother and the little chuchacho playing in the corner of the patio. (Mp 102).

O'zbekchada: *Uning ko'z oldida otasi gavdalanadi. Otasi chorpaxil, shopmo'ylov, muloyim tabiatli kishi edi. U shu qadar oqko'ngil, shu qadar mehri keng odam ediki, uning mexridan ona ham, xovlichaning bir burchagida o'ynab yurgan o'gilchasi xam baxramand bo'lardi* (M.54-bet).

Yuqorida asl nusxa va uning o'zbek tilidagi tarjimasidan parcha keltirilgan. Asl nusxadagi ajratib ko'rsatilgan *muchacho* va *patio* so'zlarini o'qigan kitobxon ularning inglizcha so'z emasligini darrov ilg'aydi. Bu so'zlar ispancha so'zlar bo'lib, J.London ularning ma'nosini hikoya yakunidagi izohda bergan. Muallif hikoyada bosh qaxramon meksikalik bolakay -Riveraning hayolidan kechirayotgan fikr-o'ylarini tasvirlar ekan, kitobxon hayolida meksikalik ispan bolasini tasavvur qilishi uchun uni aynan bolaning ona tilida, ya'ni ispan tilida bergan desak xaqiqatga to'g'ri keladi.

¹ Dias Порфирно (1830-1915) - Мексиканинг реакцион хуқудори. Халқ омиёсининг ҳаракати натижасида (1911 йилда) Dias диктатураси ағдарилди

Tarjimon F.Abdullaev esa bu soʻzlarni toʻgʻridan toʻgʻri *hovlicha* va *oʻgilcha* deb tarjima qilgan. Bu tarjimaga kolaversa asl nusxaning oʻziga ham hech qanday putur yetkazmagan. Faqatgina oʻzbek kitobxonining koʻz oʻngida oʻzbeklarning kichkina hovlichalari paydo boʻladi, vaholanki, xar bir xalk oʻziga xos yashash sharoiti va turar joylarining boshqachaligi bilan bir-biridan tubdan farq qiladi. Shuni xisobga olgan holda tarjimon *muchaho*¹ va *patio*² soʻzlarini transliteratsiya orqali berib, pastda ularga izoh keltirganda, bu asliyat ohangiga yanada moe hamda kitobxon dunyoqarashining ozgina boʻlsa ham kengayishiga sabab boʻlar edi.

"Hayotga muhabbat" hikoyasida:

Also, he could find flour — not much — a piece of bacon , and some beans

Oʻzbekchada:

Bundam tashqari, oʻsha yerda oz boʻlsa ham un, bir parcha goʻsht, loviya ham bor.

Maʼlumki, ingliz, oʻzbek, rus va boshqa tillarda goʻsht uning qaysi xayvonniki ekanligi nuqtai nazaridan ajratib aytiladi. Masalan, ingliz tilida: beef, bacon va hokazo. Oʻzbek tilida: qoʻy goʻshti, mol goʻshti, ot goʻshti va hokazo. Rus tilida: govyadina, telyatina, svinina va hokazo. Bular hammasi goʻsht turlari. Eʼtibor bersangiz, uchchala tilda goʻsht turlarini aytishda faqat oʻzbek tilida ularning qaysi hayvonga tegishligi bilan birga *goʻsht* soʻzi qatnashayapti. Asl nusxada Bacon³ (bekon) deb yozilgan boʻlsa, oʻzbekcha tarjimada esa tarjimon uni goʻsht deb oʻgʻirgan. Agar asl nusxa muallifi goʻsht turi *Besop* emas, fakatgina umuman goʻshtni nazarda tutganida, u bu soʻzni oddiygina - *meal* (goʻsht) deb berar edi. Shunday ekan, tarjimon F.Abdullaev bu soʻzni transliteratsiya yoki transkripsiya qilib, pastga olib unga izoh bersa maqsadga muvofiq boʻlar edi.¹

"Hayotga muhabbat" hikoyasida *moccasin* soʻzi ishlatilgan (19-bet). U oʻzbekchaga transliteratsiya orqali *mokassin* deb toʻgʻri tarjima qilgan (9-bet). Biroq, unga alohida izoh bermagan. Oʻzbek kitobxon hikoya matnidan uning poyafzalligini tushunib yetsada, uning qandayligi toʻgʻrisida tasavvurga ega boʻlishi uchun:

Xullas, tarjimon izohtalab soʻzlarga izoh berishi, ularni tugʻri tushuntirishi, demak, kitobxonda soʻz ketayotgan predmet, voqea-hodisa toʻgʻrisida aniq va mukammal tasavvur hosil qilishi mutlaqo zarurdir.

¹ Мучачо - исп. muchacho - бола.

² Патно - исп. patio - ховлича

³ Bacon - бекон - камуог' choʻchqaning nimtasidan dudlab alohida usul bilan tayyorlangan goʻsht.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Юсуф пироханининг уч хислати

Ҳамиджон Ҳомидий,
филология фанлари доктори

Ҳаҳон адабиётининг буюк сиймоларидан бири, форсий тил ва ундаги бадий адабиётнинг асосчиси “шоирлар Одам Атоси” Абу Абдуллоҳ Рудакий шеърларини ҳар гал мутолаа қилсам, оламжаҳон завқ оламан, Шарқ поэтикасининг янги қирраларини ўзим учун кашф этгандай бўламан. Ҳайратланарлисиз шундаки, ўрта асрларда ҳали китобий мавзуларга айланмаган, анъанавий тимсоллар сирасига кириб улгурмаган кўп сюжетларга шоир асарларида аниқ ишоралар бор, у ёки бу муносабат билан улар тилга олинган. Булар фикрни таъсирчан, ўта қабарик ифодалашда, бадий жонлантиришда бир лавҳа – восита вазифасини бажарган. Жумладан, маъшуканинг чиройи тасвирида, ишқ йўлида жонфидалиқ, покдомонлик хусусида фикр юритганда шоир Юсуф образидан кўп фойдаланади. Чунончи, бир ғазалида шундай дейди:

*Нигорини, шунидастам, ки гоҳи меҳнату роҳат,
Се пероҳан салаб будаст Юсуфро ба умр-андар.*

(Эй нигорим, гоҳ меҳнат, гоҳ роҳат, деб эшитганман, ҳа Юсуфнинг уч кўйлаги умри давомида унинг муҳофизини бўлган экан).

Байт мутолаасидан сўнг Юсуф кўйлагининг бу хислатлари нималарда экан? деган ўй билан Рабғузий, Қул Али, Дурбек, Жомий ҳамда Ҳозикларнинг “Юсуф ва Зулайҳа”ларини қайта синчиклаб, имкон доирасида қиёслаб ўқиб чикдим, бу сеҳрни аниқлагандай бўлдим ва уни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишга қарор қилдим.

Сюжети тарихи Инжил ва Қуръон сингари илоҳий китобларга бориб тақаладиган бу қиссада тасвирланишича, Қанъон подшоси пайғамбар Яъқубнинг ўн бир ўғли бўлиб, улардан Юсуф ва Ибни Ямин бир онадан, ўзга тўққизтаси бошқа онадан туғилган. Ота ҳам, маҳалла-қўй, хешлар ҳам ҳаммадан кўра гузал, ақлли, хушқомат, ширинкалом барча юксак инсоний фазилатлар мужассамлашган Юсуфни яхши кўришади, унга алоҳида меҳр билан қарашади. Бу оғалар қалбида рашк, норавобинлик ҳиссини аланга олдиради;

Натижада улар Юсуфни ўлдириш режасини тузадилар. Шу орада Юсуф ғаройиб бир туш кўради:

Тушида кўёш, ой ва бир юлдуз унга сажда қилаётган эмиш. Сесканиб уйғонган Юсуф тушини отасига айтиб берибди. Яъқуб бу тушини акаларига айтмаслиги лозимлигини уқтирибди. Лекин покдомон Юсуф ўз жигарларимку, деб тушини уларга изҳор этибди. Акаларининг бахиллиги янада хуруж қилибди. Улар Наврўз кунларида “лола сайлига” олиб бориш баҳонасида Яъқубни кундириб, Юсуфни саҳрога элтадилар. Оқибатда уни уриб ҳаммаёғини мўматалоқ қилиб, ўлдирмоқчи бўлишибди. Шунда катта акаси Яхудо “қўлимизни қонга беламай, қудуққа ташлаб юборайлик, ўз ажали билан ўлсин”, дебди. Шундай қилиб улар Юсуфни судраб бориб, карвон савдоси йўли ёқасидаги қудуққа ташлаб юборишибди. Аллоҳ амри билан қудуқнинг ярмида бир супа пайдо бўлади. Кўйлаги Юсуфни ана шу супага юмшоқ кўниб олишини таъминлайди. Айрим асарларда акалари Юсуфнинг кўйлагини қонга белаб, Яъқубга бўри еди, деб кўрсатишади, дейилса, баъзи асарларда овчи домига тушган болаларини излаб юрган чўлоқ бўрини уриб, оғзини қонатиб, “мана шу бўри еди” деб судраб келганда илоҳий қудрат билан бўри тилга кириб, оғаларининг макрини фош этади. Бари бир бу ерда ҳам сирнинг фош бўлишида кўйлак бир восита вазифасини ўтаган.

Шоир Кул Али (XIII аср)нинг “Юсуф ва Зулайхо” достонида тасвирланишича, Юсуфнинг тушидан воқиф бўлган акалари бадбинлик қилиб уни саҳрога олиб чиқадилар, уриб калтаклаб қудуққа ташлайдилар. Тангри инояти билан Жаброил Алайҳиссалом келиб, қудуқ тубидаги улкан тошни деворга ўрнатади. Юсуф ўша ерда жон сақлайди. Ғаламислар бир эчки боласини ўлдириб, кўйлакни унинг қонига белаб, “Юсуфни бўри еди” деб нола чекиб келадилар. Бунга ишонмаган Яъқуб: “Ўша бўрини менинг хузуримга келтиринглар”, - дейди. Аллоҳнинг инояти билан бўри тилга кириб: “Мен бир йўқсил касал бўриман. Юсуфнинг емадим. Умуман ўғлингни бўрилар еган эмас. Истасанг, саҳродаги барча бўриларни хузурингда ҳозир қиламан” деб қотилларни фош этади.

Юсуф Баширдан кўйлагини бериб юборади. Канъонга келган Башир кир ювиб ўтирган онасини топади ва унинг ёрдамида Яъқубни топиб кўйлакни беради. Уни хидлагач, Яъқубнинг кўзи очилади.

Дурбек тасвирида фарзанд доғида йиғлай-йиғлай онанинг ҳам кўзи кўр бўлиб қолади. Юсуф кўйлагини ушлаб олган Башир она кучоғига отилгач, аввал унинг кўзи очилади. Демак, Кул Али достонида кўйлакнинг рамзий – илохий кучи, бадий хислати бироз заифроқ тасвирланган. Унинг асарида ўн етти кунлик гўдакни шариат қозиси эмас, Миср Азизининг ўзи сўроқ қилади. Кул Али достонида зиндонбанд Юсуфнинг туш кўриши ва тушида бир мўсафиднинг гувоҳликка чақалоқни олиб келиш ҳақидаги башорати лавҳаси йўқ. Бу дostonда Зулайҳо икки марта Юсуфга ёпишиб, кийимларни йиртиб “Юсуф менга зўрлик қилмоқчи бўлди” деб қасддан зиндонбанд қилдиради. Бу сафар энди Аллоҳ томонидан юборилган Жаброил “тақдир ҳукмига сабр қилсанг Миср Азизи бўласан”, – дейди.

Маълумки, Яқуб онаси ўлгач Юсуфга бир бева хотинни кул бозоридан сотиб олиб, тарбиячи қилиб қўйганди. Аёлнинг орқасида Башир деган боласи ҳам бор эди. Канъон шоҳи “ўғли билан овора бўлиб, Юсуфга эътиборсизлик қилмасин” деб Баширни кул бозорига элтиб сотади. Уни Азиз харид қилиб, Мисрга элтади. Тақдир ана шу гуноҳи учун Яқубни жазолайди. Мисрга савдога кетаётган карвон кудук бошига тушади. Молики Тожир сув олиш учун кудукка пақир туширади. Юсуф ана шу челақка ўтириб олади. Карвондагилар уни сув ўрнига тортиб чиқарадилар. Манзарани узоқдан кузатиб турган Юсуфнинг акалари келиб:

– Бу бизнинг қулимиз эди. Қочиб кетувди, беринглар, – деб жанжал кўтаради. Молики Тожир улар билан келишиб, Юсуфни арзимаган баҳога сотиб олади ва Мисрга элтиб, кул бозорида ўз вазни миқдорида олтин баҳо кўяди. Уни ҳам Миср Азизи сотиб олиб, саройда Зулайҳога хизматкор этиб кўяди: Яқубнинг арзандаси ҳам Миср бозорида кул сифатида савдо қилинди. Марғиб шоҳининг якка-ю ягона қизи Зулайҳо туш кўради. Тушида Зулайҳо жаннатоса бир боғда сайр этиб юрса, қибла томондан бир тўлин ой чиқиб келиб, ёқасидан кириб этагидан чиқиб, бир барно йигитга айланиб боғнинг қуйи томонида кета бошлабди. Унга маҳлиё бўлиб қолган қиз интилиб:

– Ҳой, кимсан, қаёққа кетяпсан, мени ташлаб кетма, – дебди.

– Мен Миср Азизиман, мени қидирсанг Мисрдан топасан, – деб кўздан ғойиб бўлибди йигит.

Тушидан уйғонган Зулайҳо ўша йигит ишқида девона бўла бошлабди. Ота-онаси табибларга қаратибди, дунёнинг энг гўзал гўшаларига сайрга олиб боришибди. Лекин қизнинг кўнгли

ёришмас, кундан-кунга ранги заъфарон бўлиб, чўпдай озиб кета бошлабди. Ва ниҳоят, шоҳ Зулайҳони катта сеп-карвон билан Мисрга элтиб Азизга никоҳлаб берибди. Қиз қараса Азиз тушида кўрган барно йигит эмас, қартайган бир чол бўлиб чиқибди. Зулайҳо нола-фиғон чекиб мунгли бир ҳолатда яшай бошлабди. Буни кўрган Миср Азизи хотинини эркалаб, барча истакларини бажо келтириб юрибди. Зулайҳо ҳамон тушида кўрган йигит ишқи изтиробида уртаниб юрар эди. Аслида ҳам Юсуф Мисрга келиб улгурмасдан Зулайҳо Миср Азизига узатилган эди.

Қисса воқеасининг энг даҳшатли, изтиробли онлари шу сониялардан сўнг кечади: Кунлардан бир кун Зулайҳо кўшкни айвонига чиқиб, бутун Мисрни томоша қилиб турса тушида ёқасидан кириб, этагидан чиқиб кетган ой – Юсуф кул бозорида савдога солинётганмиш. Дарҳол айвондан тушиб, Азиздан ўша кулни сотиб олишни илтимос қилади. Натижада унинг бу истаги бажарилади. Энди Зулайҳо қандай қилиб бўлса ҳам Юсуф висолидан сероб бўлиш, у билан суҳбат қуриш пайдан бўлади. Юсуф бўлса, хожасининг никоҳидаги, номаҳрам аёлдан ўзини олиб қочиб юради. Зулайҳо ўз мақсадига эришиш йўлида турли ҳийла, макрлар ўйлаб чиқади. Миср Азизига айтиб, ўзига ойнаванди хос хона қурдиради. Унинг деворлари-ю шифти, бутун саҳни ойнадан ясалган бўлади. Хона битгач, меҳмондорчилик анжомларини муҳайё этилиб, энагадан Юсуфнинг чой келтиришини буюради. Юсуф чойнак кўтариб уйга кириб келади. Ерга қараса ҳам, атрофу шифтга қараса ҳам ўзи билан Зулайҳони кўради. Уялиб, хижолат тортган Юсуф хонтахта устига чойнакни қўйиб, ташқарига юзланади. Орқасидан етиб келган Зулайҳо тухтатмоқчи бўлиб қўйлагидан тутади. Аслида чидамли бўлган қўйлакнинг ёқаси Аллоҳ инояти билан йиртилади. Ҳовлида юрган Миср Азизи бу ҳолни кўриб, “Хожасининг ҳарамига бостириб кирган Юсуфни” зиндонбанд қилади.

Бу можаро шариат қозиси ҳукмига ҳавола этилади. Бошига тушган кулфатдан йиглаб ухлаб қолган Юсуфнинг тушига бир мўйсафид кириб:

– Эй фарзанд! Қайғурма, тонгла шариат судда бешикда ётган чақалоқни гувоҳликка сўрагин, – дейди.

Эртаси кун шариат қозиси сўрови пайтида Юсуф ўзининг беғуноҳлигини айтади.

– Далилинг борми? Ўзингнинг покизалигингни нима билан исботлайсан? Гувоҳинг қани? – сўрабди қози.

– Эй шарият ҳаками! Бешикдаги чақалокни келтиринг, ўша орани очик қилиб беради, – дейди Юсуф.

Бир хизматкорнинг уйдан бешикда ётган чақалокни келтиришади.

– Эй норасида гўдак! Айтгинчи, бу можарода ким гуноҳкор-у, ким бегуноҳ, – унга мурожаат қилади қози.

Шу пайт Аллоҳнинг изни билан чақалок тилга кириб, шундай дейди:

– Текшириб кўрилсин-чи, Юсуфнинг кўйлаги олд томондан йиртилганми, ёки орқа томонданми? Агар пирохан орқа томондан йиртилган бўлса, унда Зулайҳо гуноҳкор бўлиб чиқади, – дейди чақалок. Тафтиш қилинса, ҳақиқатда ҳам кўйлак орқадан – Зулайҳо чанг солган жойдан йиртилганлиги аниқланади. Миср Азизи Зулайҳога ғазаб қилади. Шунда Юсуф:

– Илтимос, у бегуноҳ мазлумани жазоламанг, бу можароларга менинг даргоҳингизга келганим сабаб, Зулайҳони кечиришингизни илтимос қиламан, – дейди.

Миср Азизи хотинини ўта ардоқлагани учун унинг гуноҳидан ўтади ва Юсуфни зиндондан чиқаради. Демак, Юсуф кўйлагининг хосияти туфайли у тухматдан қутқарилиб қолади.

Юсуф қул қилиб сотилгандан сўнг Канъондан файзу баракот кўтарилади: кетма-кет қурғоқчилик, қаҳатчилик рўй беради. Орадан йиллар ўтади. Миср Азизи вафот этиб, севишганлар мурод-мақсадларига эришадилар. Юсуф Мисрга шоҳ бўлади. Канъон аҳли қийналгач, Мисрдаги фаровонликни эшитган шаҳзодалар Яҳудо бошчилигида савдо учун Мисрга жўнайдилар. Юсуф ака-укаларини яхши пешвоз олиб, Башир билан ўзларини танитмай, арзон гаровга галла берадилар. Юсуф омборчига галла ўлчайдиган олтин тосни яширинча укаси Ибни Яминнинг қопига солиб кўйишни буюради. Карвон ярим йўлга етганда чопарлар орқадан келиб “Жомни ўғирлабсизлар” деб карвонни текширишга тушишади. Натижада жом Ибни Ямин туясидаги қопдан чиқади. Уни “ўғри” деб ушлаб қолишади.

Ибни Яминни саройга элтганда оға-инилар учрашиб зор-зор йиғлашади. Яқубнинг Юсуф доғида йиғлай-йиғлай басир бўлиб қолганини айтишади. Баширнинг онаси ҳам фарзанд доғида кўр бўлиб қолган эди. Шунда Юсуф бир кўйлагини бериб, Башир билан Ибни Яминни Канъонга жўнатади. Шаҳарга боргач, Башир аввал ўз онасини топиб, унинг оғушига отилади. Она-бола висолга эришган онда Юсуф кўйлаги шарофатидан беванинг кўзлари равшан

тортади. Шундан сунг Башир Яъқуб зиёратига бориб, Юсуфнинг тириклиги ҳақидаги хабарни етказди ва далил сифатида кўйлагини кўрсатади. Яъқуб уни ҳидлаб, ўғлини туяди, юзига суртса, кўзлари очилади. Бу лавҳа китобдан – китобга ўтиб, такомиллашиб, сайқалланиб борган, кўйлак поэтик детал вазифасини ўтаган.

Абдурахмон Жомий, Жунайдулло Ҳозик дostonларида Юсуф кўйлагининг воқеалар жараёнидаги вазифаси ўзига хос тарзда такрорланиб келган. Аммо Жомий дostonида Тул хотин ва унинг ўғли Башир образи йўқ. Унда тасвирланишича, Юсуф кўйлагини акаларидан бири отасига келтириб беради. Зуллисонайн шоир олим девонининг Юсуф ва Зулайҳо севги саргузашти тасвирланган, 1861-1862 йиллар орасида ёзилган “Равзат-ус -асрор” дostonининг филология фанлари номзоди, шоир Исмаи Санаевнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган нусхаси билан танишиб чиқдик. Бу асарда воқеа севишганларнинг мурод-мақсадларига етишиши тасвири билан яқунланади. Натижада Юсуф кўйлагининг учинчи сеҳри билан боғлиқ лавҳа бу дostonда йўқ. Афтидан шоир дostonни яратишда Абдурахмон Жомий даҳосидан кўпроқ файз топган кўринади. Зероки, Жомий асарида ҳам сюжет Юсуф ва Зулайҳоларнинг оламдан ўтиши тасвири билан ниҳоясига етади. Демак, Жомий дostonида илоҳий ишқ тамойили анча баланд пардаларда акс этган.

Демак, халқ оғзаки ижоди, Шарқ диний китобларини ёшлигидан пухта ўрганган Рудакий ҳали китобий қиссаларга айланиб улгурмаган Хусрав ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро ҳамда Юсуф ва Зулайҳо сингари севги саргузаштларини мукамал билган. Зеро, бу тимсоллар шоир ғазаллари, қасида ва маснавийларида бир бадиий восита сифатида кўп қўлланилган. Юсуф кўйлагининг уч хислатига ишора ҳам шундан далолат беради.

Титроқни киприкка жойлаган шоир

А.Сабиринов,
филология фанлари
доктори (ФарДУ)

Улуғ мутафаккир Иоганн Вольфон Гёте “Шеърят инсоният мулкидир: у ҳамма ерда, ҳамма замонларда минг-минглаб инсонларда намоён бўлади”, – дея ёзган эди. Ана шундай инсоният мулкига айланиб, қалбларда намоён бўлиш бахти Ўзбекистон халқ

шоири Муҳаммад Юсуф асарларига насиб этган, десак хато қилмаган бўламиз.

Муҳаммад Юсуф шеърларининг шаклан ва мазмунан миллийлигини таъминлаш, бу борадаги узоқ асрлик тажрибаларни ўзлаштириш ва замонавий ўзбек шеъриятига тадбиқ этиш борасида ўзига хос изланишлар олиб бориб муваффақиятларга эришди.

Халқ ашула ва лапарларига хос лундалик ва соддалик, маъно товланишлари ва оҳангдорлик, ифода усулларидаги аниқлик ва равшанликдан ижодий фойдаланган шоир ҳаётининг ҳақиқатларни, даврнинг долзарб муаммоларини шеърга олиб кирди. Юртимизнинг гўзал, бетакрор манзараларини, халқимизнинг юксак фазилатларини, маънавий-ахлоқий қадриятларни, урф-одат ва анъаналарни мадҳ этишни ижодининг кредоси деб билди. XX аср ўзбек шеъриятидаги *гул, шабнам, олма, ой, ялпиз, мажнунтол, жийда, майса, оҳу, от* каби тимсол ва образлар талқини унинг асарларида миллий ифодалар учун хизмат қилади. Масалан, шоирнинг кўплаб шеърларида акс этган *қизгалдоқ* образи табиатнинг бетакрор жонли бўлаги сифатида ҳам талқинини топган. Ёки “Жайрон” шеърисидаги қаттол сиёсатнинг таҳқирига учраган халқнинг ҳам тимсоли бўлган Жайрон билан *лолақизгалдоқ* параллел ифодаланади:

Юрак қонинг тўкилган сўқмоқ,

Бағри алвон лолақизгалдоқ.

Сенга тошлар отди қай гумроҳ,

Жайрон, нега кўзинг тўла ёш, -

тарзда фикр салмоқдорлиги, ифода кўламдорлигини таъминлайди.

Муҳаммад Юсуф шеърлари таъсирчанлиги, фалсафий талқини, салмоқдорлигида мақоллар алоҳида ўрин тутди. Халқ мақоллари унинг “Бободехқоним” шеърисида “Арпа эккан – арпа ўрар, Бугдой эккан – бугдойинг” тарзда айнан, “Мунчок” шеърисида “Одамнинг тафтини – хайвон олади” тарзда ижодий ёндошилган ҳолда қўлланган.

Халқ оғзаки нутқидаги “узукка кўйилган кўздек”, “палаҳмон тоши”, “сув кечмоқ” каби сўз ва иборалардан таъсирланиш унинг “Яшайлик бир ўзбек бўлиб, бир узукка кўздек бўлиб”, “Йиғлама ёр, киз бола палаҳмоннинг тошидир”, “Қиз кутмаса, йигит олов кечармиди?” сатрларида ифода аниқлигига хизмат қилади. Ёки “Ифтихор” шеърисидаги “кулча”, “соч” сўзлари билан боғлиқ ўхшатиш, сифатлашлар ёрдамида “Ширмон кулча юзлар Райҳон исдир бу элнинг, узун сочи қизлари Тумарисдир бу элнинг”

тарзида юртимиз кишилари, хотин-қизлари қиёфасини акс эттиришда муҳим аҳамиятга эга бўлса, аёлларимиздаги ҳаё-ибо, сажияларидаги хусусиятлар “Жилмайса нур ёғар гул ёноқлардан, Сир яширар ҳатто қизғалдоқлардан. Офтоб ботгандан сунг ҳилват боғлардан Бехуда изламанг сира изларин” тарзида акс эттириб, миллий чизгиларини намоён этгандир.

Шарқ халқларида оила муқаддаслиги, унинг бардавомлиги “Келар даврон, кетар даврон, Ўзингдан ўзга йўқ армон. Ўзингдан ўзга ёлгон, Қора кумгон, қора кумгон” (“Қора кумгон”) тарзида ифодаланса, кишиларимизга олис сафар ёки ҳарбийга жунатиш олдидаги нон тишлатиб қолиш одатимиз “Уч оғайни ботирлар” шеъридаги “Уларни тилаб-тилаб олган эди Офтоби, Қиргин жангга кузатиб Қолган эди Офтоби, Бир кўйнига учта нон солган эди Офтоби” тарзида 2-жаҳон урушида уч ўғлидан жудо бўлган марҳаматлик Офтоб момо қиёфасини акс эттиришда фойдаланган. Кишиларимиздаги андишалилик, меҳр-оқибатнинг улуғлиги “Шифохонада” шеърида ўзбек мумтоз адабиётимиздаги тарду акс санъатидан фойдаланиб яратилган:

*Шундай беморлар борки,
Тушакда михланиб ётар бенажот.*

*Уялиб кетасан тузалганингдан.
Шундай шифокорлар борки,*

*Тугишган акангдек қарайди сенга
Тузалиб кетасан уяганингдан.*

Халқимизда “Қувонч ва кулфатнинг ораси қош билан қабоқ ўртасида”, деган мақол бор. Шеър унинг орасини янада яқин эканлигини

*Сўрсанг севинчимдан ўқингим кўпроқ,
Сендан-да қумушроқ сочимдаги оқ,*

*Йилим келмай туриб йилим келмоқда,
Кўзда табассуми киприкда тироқ, -*

тарзида ифодаланган дардини, кулфатини ўзгаларга доим ҳам ошкор қилавермайдиган матонатли, мустаҳкам иродали кишиларимиз ички дунёсини акс эттиришга эришади.

Хуллас, Муҳаммад Юсуф шеърларидаги миллийликнинг доираси кенг. У келгусида кўплаб тадқиқот ва изланишларни талаб этади.

Муҳаммад Юсуф ижодида аёллар мадҳи

Мўминжон Сулаймонов,
филология фанлари
номзоди (НамДУ)

Эътиборхон Ғойиббоева,
ўқитувчи

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини мамлакатимиз миқёсида нишонлаш ҳақидаги Президентимиз қарори ҳамма қатори бизни ҳам хурсанд қилди. Кейинги 20-30 йил давомида бирорта шоир Муҳаммад Юсуф даражасида машҳур ва маълум бўлмади. Шоирнинг шуҳрати сабаби нимада, деган ҳақли савол кўпчиликини ўйлантириши табиий. Зеро, халқимизнинг етти ёшидан етмиш ёшигача шоирни билади, асарларини севиб ўқийди, кўшиқарини тинглайди. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, аксарият китобхонлар Муҳаммад Юсуфни кўшиқ қилиб айтиладиган шеърлари орқали билади, танийди. Халқнинг кўнглидагини шеърга солиш ҳар қандай ижодкорнинг кўлидан келавермайди.

Профессор Озод Шарофиддинов айтганидек, "Муҳаммад Юсуф деган шоир шеърятга қандай кириб келганини адабиётимиз сезмай ҳам қолди." Шоир мисоли яшиндек чақнаб, оламни бир зум ёритгандек, ўзбек адабиётини яшнатди, кетди. Шу даврда ухлаётган ҳисларимизни, мудроқ шууримизни уйғотишга, жонлантиришга улгура олди. Муҳаммад Юсуф ўз шеърларида халқ дилидаги, қалбининг тўридаги ҳис-туйғуларни равон, содда усулда, аммо бадий жиҳатдан пишиқ, пухта тарзда баён қилди. У энг оддий фикрларни айтишдан, ҳатто ўзини танқид қилишдан ҳам тоймади. Шоир ўлмас мавзу ҳисобланган, минг йиллар давомида куйлаб келинган муҳаббат мавзусида ўзининг гўзал, инжа туйғуларини ўзига хос тарзда оҳорли мисраларда айта олди.

Биз бу ўринда шоир ижодида катта ўрин эгаллаган ва жўшиб куйланган аёллар мавзусида фикр юритмоқчимиз. Инчунин, шоир ижодида "Ўзбек момо", "Оқ рўмол кизлар", "Ўзбекнинг аёллари", "Онамга", "Онам йиғлар", "Уч ўғил ва бир қиссаси", "Биби", "Кумуш", "Кундошли уй", "Зайнаб кўшиғи", "Кумушбиби ноласи", "Туркман қиз", "Қизлар кўшиғи", "Фарғонамининг паривашлари", "Бибижон", "Бир қиз йиғлар", "Қиз кўшиғи", "Келинчак", "Зеби-Зеби", "Зебижон", "Чимилдик", "Тилла балдоқ", "Ўн саккизга кирган

қиз", "Асакалик қиз" каби ўнлаб гўзал шеърлар бор. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шоир "Ўзбекнинг аёллари" шеърида шундай ёзади:

*Ухламайди тунлари
Ой нурлари таралган.
Ўзбекнинг хотинлари
Фарзанд учун яралган.
Йилдан узун кунлари
Ким кўнглини сўролган.
Ўзбекнинг хотинлари
Меҳнат учун яралган.*

Бир қараганда бу мисралар оддийгинага ўхшаб туюлади. Аммо ҳозирга қадар бирон бир ижодкор ўзбек аёлининг фарзанд учун яралганини бунчалик содда ва равон оҳангда баён этолмаган.

Бир куни йилдан узун эканлиги ўзбек аёли меҳнаткашлигининг бадиий ифодасидир. Ўзбек аёлининг вафодорлиги ҳақида кўп ёзилган. Жумладан, Абдулла Ориповнинг "Муқаддас аёл" шеъри жуда машҳурлигини таъкидлаш мумкин. Муҳаммад Юсуф бу масалада ҳам ўзининг гўзал ҳис-туйғуларини оригинал тарзда айта олган:

*Қирқ йил қиргин бўлса ҳам,
Ўз аҳдида туролган.
Ўзбекнинг хотинлари
Тоқат учун яралган.*

Ана шундай меҳнаткаш, фидойи, садоқатли аёл иззат ва ҳурматга лойиқ, дейди шоир.

*Ўзбекнинг аёллари,
Ўзбекнинг хотинлари,
Сувдан ҳалол,
Гулдан пок,
Қўллари - олтинлари,
Қай томонга
Бурса юз,
Йўллари ойдинлари -
Иззат учун яралган.*

Бундай самимий мисраларни бошқа шеърларида ҳам учратиш мумкин:

*"Ўзбекмомо" шеърида шоир шундай ёзади:
Фаришталар файзи ёғар юзларингдан,*

*Аримасин қувонч энди, Ўзбекмомо.
Юрсанг, офтоб эргашиди изларингдан,
Офтоб бўлиб нур соч энди, Ўзбекмомо.*

Бу шеърда истиқлол шукронаси, аср давомида қилинган тилаклар амалга ошганининг фахрияси мужассам. Шоир Мустақиллик туфайли миллий кадриятларимиз тикланаётганидан ғурурланади:

*Озод юртда, обод юртда бор келажак,
Хур ўлкага мудом йўлдош, ёр келажак.
Ҳали не-не Алпомишлар тугилажак,
Бахтинг бошга гултож энди, Ўзбекмомо.*

Шоирнинг "Оқрумол қизлар" шеъри ўзбек қизларининг гўзал фазилатларидан бирини улуғлашга бағишланган.

*Утиб туринг кўчамдан гоҳ-гоҳ,
Кўнгил яйрар кўрганам сари.
Эй гулбадан, эй кийикнигоҳ,
Ўзбек ойим набиралари-
Ойдин қизлар, ойжамол қизлар,
Ойдан тушган оқрумол қизлар.*

Шоир бу шеърда ўзбек қизларининг бетимсол гўзаллигини турли ўхшатишлар билан таърифлайди: кўзлари кийик нигоҳига, юзлари ой жамолига ўхшатилади, қисқаси, ҳақиқий Ўзбек момо набиралари эканлигини айтади. Шеърнинг навбатдаги мисраларида ўзбек қизлари гўзаллигининг янги-янги қирралари очилади:

*Усма ўпган қошми бу зулук,
Бунча поксиз, бунчалар суюк.
Сиз борсизки, муҳаббат ҳам бор,
Сиз борсизки, Муҳаммад буюк.
Ойдин қизлар, ойжамол қизлар,
Ойдан тушган оқрумол қизлар.*

Ўзбек қизининг поклиги, суюклиги, зулук мисол қошларини ўсма ўпиши, буларнинг бари шоир – Муҳаммад Юсуф буюклигининг сабабчисидир.

Шоирнинг ўзбек қизлари, ўзбек аёллари ҳақидаги шеърларини ўқиган саринг ўқигинг келаверади. Зеро, бу мавзудаги шеърлар бизнинг кадрдонларимиз, яъни оналаримиз, сингилларимиз, муҳаббатимиз ҳақидадир. Шунинг учун Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳақида қанча ёзсак, суюкли шоиримизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз алангаланиб, "Қани ўша

халқ севган шоир" деган сас келгандай бўлади. Лекин шуни аниқ биламизки, севимли шоиримиз ўзининг ўлмас, умрбоқий шеърлари билан доимо бизга ҳамнафас, ҳамроҳ. Шоирнинг халқи бор экан, ўқувчилари бор экан, у ҳеч қачон ўлмайди, мухлислари сони йилдан-йилга ортиб боради, унинг шеърляти булоғи сарчашмасидан тўйиб-тўйиб ичади ва маънавий чанқоғини кондиради.

Хулоса қилиб айтганимизда, шоир гузал шеърлари билан ўзига ўлмас ҳайкал қўйди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юсуф, Муҳаммад. Сайланма. - Тошкент: Шарқ, 2012, 5-бет.
2. Юсуф, Муҳаммад. Халқ бўл элим. - Тошкент: Ўзбекистон, 2019, 44-бет.
3. Юсуф, Муҳаммад. Биз бахтли бўламиз. - Тошкент: Нихол, 2011, 10-бет.
4. Юсуф, Муҳаммад. Биз бахтли бўламиз. - Тошкент: Нихол, 2011, 32-бет

Муҳаммад Юсуф шеърлятида мактубнинг ўрни

Гузалхон Муҳаммаджонова,
доцент (ФарДУ)

Ўғилой Имяминова,
талаба (ФарДУ)

Нома ўзбек адабиётда алоҳида ўрин тутди. Кўзланган объектга хабар етказиш жихатидан муштарақлик касб этувчи нома, муҳаббатнома, саёҳатнома, мактублар хос хусусиятларига кўра фарқланади. Муҳаббатнома ошиқнинг маъшуқага соғинчли дил изҳорлари бўлиб, ўзига хос композицияга эга. Саёҳатнома йўлчининг йўл таассуротлари баёни бўлиб, маърифий мақсадга эга.¹ Шунинг учун у содда ва халқчил ифода йўсинида баён этилади. Мактубларда катта бадий-эстетик, руҳий-экспрессив таъсир кучи мужассам. Унда лирик қаҳрамон бу - шоирнинг ўзи, яъни шоир "мен"идир. Мактубларда шоирнинг дилга яқин инсонларига бўлган ҳиссий кечинмалари талқин этилади.

Мактуб инсоннинг руҳий эҳтиёжи маҳсулидир. Бадий мактубларнинг тарихий илдиэлари халқ оғзаки ижоди асарлари-достонлар таркибидаги намуналарга бориб тақалади. "Девону луғатит турк" асарида хабар етказувчи- "арқиш" сўзи изоҳида "бу

¹ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. -Т.: Академнашр, 2010. -Б.265.

сўз мактуб, нома тарзида ҳам қўлланиши” айтилиб, шеърӣ нома мисол тариқасида келтирилади.¹ Мактуб муайян адабий жараёнларда ривожланиб, адабиётда етакчи ўрин тутмаган бўлса-да, миллий адабиётимизда унинг яхшигина намуналари яратилган. “Муҳаббатнома”, “Латофатнома”, “Саёҳатнома”, “Таашшукнома” кабиларда шоир ва лирик қаҳрамон руҳий эҳтиёжининг рангин жилоларини кузатиш мумкин. Халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодида ҳам мактуб шоир ижодининг индивидуал хусусиятни касб этади. Шоирнинг мактублари онасига, синглисига, севиқли ёрига бағишланган.

Туғилган қишлоғи, туғишганлари, дилга яқин инсонларидан олисда бўлган шоирнинг қалб изтироблари, соғинчлари, инжа туйғулари тўкилган шеърӣ сатрлар шоир сиймосига ўзига хос чизгидек. Бу изҳорлар заминида она меҳри олдидаги қарздорлик туйғусини юрак-юрақдан англаган ўғил, онага, яқинларига тутаётган меҳридан кўнгил тўлмаган талабчан инсон, акалик бахтини катта ҳазина билган, аммо “уни етарли қадрлай олмайман”, - дея ўкинаётган ака, шоирлик қисмати ва инсонийлик масъулияти ўртасида тўлғанаётган чин инсон сиймосини англаймиз. Уларни ўқиш мобайнида меҳр илиқлиги, қалб ҳароратини, инсоний муносабатлар тафтини ҳис этамиз.

Муҳаммад Юсуф шеърларида эпистоляр жанр ҳисобланган мактуб ва хат шоирнинг ички руҳий оламини янада теранроқ очиб берган. Шоирнинг “Онамга хат” шеърисида сирдош, дарддош, маҳрам соғинчи билан ёнаётган фарзанд тимсоли гавдаланади : *Мен сизни ўйлайман, шому саҳарда,/ Она, соғинсам ҳам бора олмайман./ Тунлари тўзгиган шундай шаҳарда,/ Ҳеч кимга дилимни ёра олмайман.*

Шаҳар кенг ва чароғон, обод ва гавжум, лекин булар шоир юрагига бир қатим нур бера олмайди. У ўзининг меҳр-муҳаббат билан йўғрилган оддий уйи, камтар ва хокисор онасини кўмсайди. Онасига дилини ёриб, у билан дилдан суҳабатлашишни хоҳлади.

Инсон ўзи қизиқ, ёнидаги нарсанинг қадрига етмай, ундан узоқлашган ёхуд айрилганидан сўнг уни кўмсайди, излайди. Ана шу йўқотилган нарса эса – Меҳр. Мана шу туйғунинг яққол ифодаси мактублар орқали етказилади: *Қачон хат ёзгандим сенга, билмайман,/ Қофия билан банд бугун тош кўнглим./ Ёлғиз аканг*

¹ Жамолова М. Ўзбек адабиётида нома жанри. –Т.: Фан, 1992. –Б.14.

бўлиб / Ёнингда юрмайман.../ Кечир мени, синглим,/ Кечир мени, синглим.

Меҳр илиқлиги қора кўзларнинг қорачигида жаъм. Олисдаги дийдор ва меҳр тафти инсонни ўртагувчидир. Инсон бутун умри мобайнида меҳрга талпиниб яшайди. Аканинг сингилга мактубида шоирлик қисмати ва акалик масъулияти орасида тақдир гирдобиди айланаётган иложсиз ака тимсоли яратилган. Шеърятнинг соҳир оламида “товонини чақир тошлар тишлаб олган” “қўлларини кийикчалар ушлаб олган” шоир ёлғиз ака бўлиб синглисининг ёнида юролмаганидан армон қилади.

“Муҳаббат куйчиси” дея ном олган шоир ўз шеърларида ошиқ ва маъшуқ қиёфаси, ишқий кечинмалар талқини жуда чиройли ифодалаган. Улар зоҳиран оддийдек туюлса-да, бу оддийлақ замирида катта самимият мужассам: *Севгилим/ Севгилим,/ Оғрийди дилим./ Жоним оғрийверар сизни ўйласам./ Гулдай юзингизни силар энди ким,/ Мени эслармисиз -йўқми ўшал дам?*

Севгилисиз ҳижрон ва соғинч ўтида ёнган шоир тилидан ифодаланган гўзал ўхшатмалар, мактуб ўқувчисинигина эмас, шеърхонни ҳам ўзига маҳлиё этади.

Тақдир суронлари, турмуш ташвишлари ёҳуд ҳою-ҳаваслар йўлида ота-она ва фарзанд ўртасида сарсон бўлган Меҳр, қалби кемтик Соғинчни шоир она мактуби орқали таъсирли ифодалайди: *Ўғлим, жигаргўшам, айтгин-чи, наҳот,/ Ачинмайди жонинг онанг ҳолига./ Мени тушакларга михлаб қўйди бод,/ Келсанг бир курсаму... ўлсам майлига.*

Шоир ижодидаги халқона йўсинда меҳр илиқлиги билан битилган мактублар бугунги техника асрида телефонлар ва интернетларларга тобора боғланиб бораётган инсонлар орасида мактубнинг ўзгача ҳиссий-эмоционал таъсирини, унинг инсоний кадрятлар ривожидидаги ўрнини яна бир бор ёдга солади.

Мактублар ўзбек адабиётшунослигида тадқиқ этилиши лозим бўлган масаладир. Мактублар генезиси, унинг тараққиёти, сўз санъатидаги бадий мактубларнинг ўрни ва унга ёндош шеърый шаклларни ўрганиш муҳим маълумотлар беради. Бу борада шоир Муҳаммад Юсуф ижоди сара намуналар тўхфа этиши билан аҳамиятга моликдир.

Сиддиқий Ажзий ижодида мумтоз адабий анъаналар

Муқаддас Тожибоева,
филология фанлари номзоди

Жадид адабиётининг илдизи, пайдо бўлиши, асосий белгилари, тараққиёт босқичларини тайин этишда Сиддиқий Ажзий (1864-1927) ижодиётини эътироф этиш зарурати туғилади. Айтиш керакки, барча жадид ижодкорлари қаторида Сиддиқий Ажзий ҳам инсон қисмати, унинг эрки, миллат тақдири, Ватан озодлиги каби ўткир ижтимоий мавзуларда бир қанча асарлар яратди. Шоир шеърляти ва унинг ифода тарзи, мавзулар олами тасодифан пайдо бўлган тасодифий адабий ҳодиса эмас, у миллий ўтмиш адабиёт заминида туғилиб шаклланган, унинг мантиқий давоми бўлиб кириб келган шеърятдир. Жадид шоирларини Навоий, Бобур, Ҳофиз, Огаҳий каби шоирлардан таъсирланмаган, уларнинг асарларида акс этган ғоявий-бадий жиҳатларни ўз онги шуурига сингдирмаган дейиш мантиққа тўғри келмайди. Масалан, Сиддиқий Ажзий ижодида Шарқ адабиётига чуқур кириб борган тасаввуф таълимоти ва унинг тимсолларига йўғрилган ғазаллар учрайди. Тўғри, шоир ғазалларида тасаввуфона оҳанг Навоий, Машраб-дагидек бўртиб турмайди, аммо Ажзий дунёқараши ва адабий меросининг фалсафий теранлигини, мумтоз адабиётдан айро ҳолда талқин қилмаслик имконини беради. Масалан, куйидаги ғазални олайлик:

*Бу кун ашҳоду зотинг ила гуфтор айларам ишо,
Вужудинг “ло”дин исбот этмака аллола истисно.*

*Кузум ашки-ла бағрим қони тасдиқ этса аҳволим,
Бу мазмун ила ишқинг иштиёқин айларам даъво.*

*Ибодат-ла жаннат истамак одобдин бесалим
Қабулинг ўлғали жон нақди-лан бан этмишам савдо.*

*Санинг-лан ошнолиқ халқ икромин писанд этмаз,
Надур Мажнуна мажнунлиқ-ла Лайли ишқида парво.*

*Ҳариминг дуфроги ўлмоқ хаёлати-ла тарк этдим,
Ҳалойиқ эътиборин зарратек кўйингдаям шайдо.*

*Ишим ҳам тешаси-лан жисмими доғини қазмоқдур,
Бани Фарҳода бенгзатмак лагил инсофдин хошо.*

*Вужудим ўтда ёндирмоқ-ла дўнмам ишқ куфрдин,
Муҳаббат кўйида чўқ меҳнат илан этмишам адо.*

*Фано даштинда беному нишонлиқ эътиборимдур,
Ҳузури боргоҳинг узра агар бир лаҳзаям пайдо.
Не ҳам Ажзий, агар оламда расволиқда машхурам,
Ҳақиқат салтанатга манда султон этмая расво¹.*

Тўққиз байтли бу ғазал ҳазажи мусаммани солим баҳрида ёзилган (мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун) бўлиб, мазмунига кўра ошиқона, яъни муҳибнинг изтироби, кечинмалари ифодаланади. Зоҳирий жиҳатдан қараганда ошиқона бўлиб кўринган бу ғазалда орифона маънолар ҳам ифода этилади. Ғазалда ишқнинг инсон қалбига ўтказган таъсири ҳақида зикр этилади, тариқат йўлининг таҳликаси шоирона талқин қилинади. Шу боисдан ҳам мисралар ўзаро мусалсал боғланмайди, ғазалдаги қофия, оҳанг ва мавзу муштараклиги байтларни бирлаштириб туради. Биринчи байтда ишқнинг ишқ дардидан хушнудлиги, иккинчи байтда маъшуқа фироқида қийналиши, учинчи ва тўртинчи байтларда ишқнинг қудрати ва муъжизалари ҳақида мулоҳазалар, бешинчи ва олтинчи байтларда манзилдаги руҳий ҳолат ва бу манзилларни кашф этишдаги маънавий қийинчиликлар акс этган. Буюк Илоҳнинг “ҳузури боргоҳи” га талпиниш, маънавият неъматидан сархушлик, “ҳақиқат салтанати”ни қўмсаш ва унга ташналик ўзига хос суврату санъатлар орқали талқин этилган. (Пароканда) Сиддиқий Ажзий мазкур ғазалида турк тасаввуф адабиётининг пирлари Аҳмад Яссавий, Имодиндин Насимий, Атойи, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий ва Амирий кабиларга эргашиб ва ғазалнинг кўҳна шаклидан фойдаланиб, бу майдонда анъанавий мавзуни янги руҳ, янги туйғу ва янги фикр билан тўлдириш йўлини тутди.

Ғазалдаги руҳий ҳолат, тасвир тарзи, бадий санъатлар мунтазамлиги ва мутаносиблигининг мувофиқ уйғунлашуви асарнинг ғоявий-бадий етуқлигини таъминлаган. Ғазал ўз асл

¹ Иброт. Ажзий. Суфизода. –Т.: Маънавият, 1999. –Б.137.

манбасига таянган ҳолда вужудга келгани боис руҳий товланишларни нозик ишоралар ва ифодаларда акс эттириш имконига эга бўлди. Бу ҳолат шоирнинг тасаввуфий қарашлари ифодасида устозлар анъанасига таянганлигидагина эмас, балки ўзига хос янгича тасаввуфий тимсоллар яратишида ҳам сезилади. Яъни “ишқ иштиёқи”, “жон нақди”, “Мажнунда мажнунлик”, “ҳарим дуфроғи”, “жисм доғи”, “ишқ куфри”, “ҳузури боргоҳ”, “ҳақиқати салтанат” каби нозик талқинлар орқали янги бадий тимсоллар яратади. Бу тимсоллар воситасида кўз ёши бағир қонини тасдиқловчи гувоҳ, бу мазмун эса ишққа иштиёқмандлик ҳолати. Байтдаги тасвир анъанавий тасаввуфий талқиндаги солиқнинг руҳий ҳолатидан фарқли. Чунки лирик қаҳрамон фироқининг сабаби “ҳузури боргоҳ”га эришишигина эмас, балки “ҳақиқат салтанати”нинг фуқароси бўлиш. Бунда “Мажнундаги мажнунлик” фақат бизга таниш анъанавий тимсолнинг кейинги асрдаги такрори эмас, балки ҳузури боргоҳ - маълум маънода янгиланаётган маънавий Ватан. Унинг салтанати фуқароси бўлишлик эса ватансеварликнинг шеърдаги ифодаси сифатида талқин этилади. Қўринадик, XX аср шоири гарчи тасаввуфий тимсоллар билан иш кўрса ҳам ундаги тимсоллар солиқнинг сулуқ йўлининг янгиланишига эмас, балки Ватан йўлида эркак интилаётган ватансеварнинг кураш йўли сингари тасаввур беради.

Паҳлавон Маҳмуднинг “Мажолис ул-ушшоқ”даги васфи ёхуд пурёввалий лақаби баҳси

Жасурбек Маҳмудов,
филология фанлари
номзоди

Паҳлавон Маҳмуд ҳақида маълумот берувчи манбалардан бири муаллифи ихтилофли асарлардан бири, яъни баъзи катологларда Темурийзода Султон Ҳусайн Бойқарога, баъзиларида эса Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий Фаноийга нисбат бериб келтирилган «Мажолис-ул-ушшоқ» тазкирасидир. Орифлар тазкирасининг ошиқлар мажлиси тарзида, форс-тожик тилида ёзилган ушбу асарнинг "Достони Паҳлавон Маҳмуд Пурё" деб номланган 37-мажлиси кўйидагича бошланган: *تکيه دار دار الصفای اولی*: *«Тақядори*

дор ус-сафо, улул-айди вал-абсор Паҳлавон Маҳмуд Пурёр дар Хоразм бакўшти иштигол минамуда... (Софлик уйининг таянчи, қудрат ва басиратда дастёр, Паҳлавон Маҳмуд Пурёр Хоразмда кураш тушиш билан машғул эди...) {Камолиддин Ҳусайн Фаноий. Мажолис ул-ушшоқ. ЎЗРФАШИ, қўлёзма № 10160. – В. 104^а}

Асардаги бўлимлар асосан сажъ усулида, яъни насрдаги қофия шаклида келтирилган бўлиб, зикр қилинаётган шахс исмига монанд ибора ёки иқтибос қўлланган. Масалан, «Дор ул-мулки маоний, Амир Саййид Али Ҳамадоний» ёки «Андалиби ва руқас-сарои мақомоти маънавий, Амир Хусрав Дехлавий» ва ҳоказо. Бу ҳолат Паҳлавон Маҳмуд зикрга ҳам тегишли бўлиб, юқорида келтирилганидек, ундаги сажъни ҳосил қилувчи жумла *أولئ الأیدی والأبصار* дир. "Улул-айди вал-абсор" жумласи аслида Қурони каримдан олинганлиги, унинг сўзма-сўз таржимаси эса "қўллар ва кўзлар соҳиби" экани ҳамда тулиқроқ изоҳи ҳақида куйида, "Мажолис ул-ушшоқ"нинг Эронда нашр этилган нусхаси асосида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Эронда Ғуломризо Таботабойий Мажд томонидан тайёрланган "Мажолис ул-ушшоқ" тазкирасининг иккинчи нашрида жумла (улул айди вал-абсор) изоҳда Қуръони каримнинг «Сод» сурасидаги 45 оятнинг бир бўлаги эканлиги айтилган {Мажолис ул-ушшоқ. Нависанда: Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий. Ба кушеш: Ғуломризо Таботабойий Мажд. -Техрон, интешороти Заррин, чопи дуввум – 1376. -С.196.}

Асарнинг бу каби сажъ услубида бошланиши Паҳлавон Маҳмуд лақабининг тўғри ёзилишини ҳам белгилаб беради. Чунки, сажънинг талабига кўра, жумла охиридаги сўз, кейинги жумла охиридаги сўзга қофиядош бўлиши лозим. Шунга кўра "улул-айди вал-абсор" жумласи кейинги жумлада келтирилган охириги сўз "Пурёр" бўлишини талаб қилади. Демак, бундан маълум бўладики, Паҳлавоннинг лақаби, Пурёрвалий бўлган. Бироқ, гарчи ушбу фикр юритаётган тазкирада далиллар етарли бўлса-да, эронлик олимлар томонидан Паҳлавон Маҳмуд лақаби ҳақида бирор тўхтамга келинмаган. Гарчи булар кундек равшан бўлса-да, асарни нашрга тайёрлаган Ғуломризо Таботабойий Мажд бу масалада доктор Абдулҳусайн Зарринкуб маълумотларига таяниб, шундай ёзади: "Ўзида футувват ва ирфон камолотининг талаб этилган даражасини мужассум қила олган ушбу "Паҳлавонлар пири"нинг нафақат таржимаи ҳоли, балки номи ҳам афсоналар қарига кириб кетган.

Исми Паҳлавон Маҳмуд Хоразмий эканлиги маълум, бироқ нега "Пурё" дейишади, шуниси қоронғу? Бу сўзни баъзилар "Пурбой" деб келтиришади ва айтишадики, отаси "бой" (бек) лақабига эга бўлгани сабабли, уни ҳам ушбу лақаб билан чақиришган. Баъзилар эса "Бегёр" дейишадики, унинг биринчи бўлаги "бег" юқоридаги сўзнинг дастлабки қисми эканидан эҳтимол шундай аташгандир. Бошва қарашларда, жумладан "Бугёр" ва "Бирёр" номларини ҳам унга нисбат беришади. Тазкираларда гоҳида унинг "Қитолий" – "Қитолий Хоразмий" деган номи эслаб ўтилади. Хоразмда уни Маҳмуд Ота ва Паҳлавон Ота деб ҳам улуғлашадики, булар Маҳмуд бобо ва Паҳлавон бобо исмларининг айна ўзи бўлиб, булар эҳтимол бизга яширин бўлган "Пурё" лафзининг маъноларидир ("Жустижу дар тасаввуфи Эрон" асари 352 саҳифасидан қискартириб олинди. Матннинг ўзида ҳам ушбу ҳолатларга ишора қилиб ўтилган). { Мажолис ул-ушшоқ. Нависанда: Камолитдин Хусайн Гозургоҳий. Ба кушеш: Ғуломризо Таботабойи Мажд. - Техрон, интешороти Заррин, чопи дуввум – 1376. -С.196. }

Энди бу масаладан бироз четлашиб, юқоридаги оятдан олинган жумлалар изоҳига диққат қаратсак, "Сод" суранинг 45-ояти қуйидагичадир: *وَ اَنْزَلْنَا اِبْرَاهِيْمَ وَ اِسْحٰقَ وَ يَعْقُوْبَ اَوْلٰى الْاَيْدِى وَ الْاَبْصَارِ.* (Ва узкур ибадана Иброҳийма ва Исҳақа ва Яъкуба, улул-айди вал-абсор.)

Ўзбекча изоҳли таржимадан суранинг 45-47 сураларининг таржимасини олдик: «45. (Эй Муҳаммад), сиз Бизнинг куч-қувват ва фаҳм-фаросат эгалари бўлган бандаларимиз – Иброҳим, Исҳок ва Яъкубларни эсланг! 46. Дарҳақиқат биз уларни бир тоза (хислат – мудом охират) диёрини эшлаш (хислати) билан холис қилдик – покладик. 47. Ҳақиқатан улар Бизнинг ҳузуримизда танланган, яхши кишилардандир» {Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 336.}.

Мазкур оят Қуръон тафсиларидан бири Хусайн Воиз Кошифийнинг «Тафсири Хусайний» асарида шундай изоҳланади: *«وَيَا كُنْ بِنْدَگَانِ مَا رَا اِبْرَاهِيْمَ خَلِيْلَ الرَّحْمٰنِ رَا وَيَسْرَ وى اِسْحٰقَ رَا وَيَبْرَةَ وى يَعْقُوْبَ رَا خَدَاوَنَدَانِ دَسْتَهَا وَبِدْهَا مَرَادِ اَعْمَالِ شَرِيْفَه وَعِلْمِ نَافِعَه اَسْتِ تَعْبِيْرُ كَرْدِ بِنَسْتِ اَز عَمَلِ كَه اَكْثَرُ اَنْ بِيْمَاشَرْتِ اَيْدِى بَاشَدِ وَبِدِيْدَه اَز مَعَارِفِ كَه اَقْوَى مِيَادِى اَنْ اِبْصَارِ اَسْتِ يَا مَرَادِ اَز اَيْدِى* (Ва эсла бандаларимдан, Иброҳим(а.с)ни, унинг ўғли Исҳок(а.с)ни ва унинг набираси Яъкуб(а.с)ники, қўллар ва кўзлар эгаси эдилар. Кўллар ва кўзлардан мурод – шариф амаллар ва фойдали илмлардир... Йоки «айди»дан

мурод – тоатдаги қувват бўлса, «абсор»дан мурод – диндаги басират(кўнгил кўзининг очиклиги)дир) { Хусайн Воиз Кошифий. Тафсири Хусайний. 1297 ҳижрий. – В. 732.}

Қуръони каримнинг Байрутда Муҳаммад Махлуф тафсири билан чоп этилган нусхасида шундай маълумотлар келтирилади: *أولى الأيدي* – асҳобал-қуввати фит-тоъати; *و الأبصار* – вал-басоири фид-дийни вал-илми. («улул-айди»дан мурод – мукамал тоат-ибодат эгалари, «вал-абсор»дан мурод – дин ва илмдаги соҳиб назарликдир) { Тафсир ва баён калимот ил-Қуръанил Карийм. Тафсил: Муҳаммад Махлуф. Дамашқ-Байрут. 1419 ҳиж. қам. 1998 милодий}.

Ушбу учта изоҳли таржимадан "Тафсири Хусайний"да келтирилган таржима, яъни худовандоне дастхо ва дийдахо (кўзлар ва кўллар соҳиблари) ушбу матнга, яъни Паҳлавон Маҳмуд зикри келган ўринга мос келади. Дарҳақиқат, Паҳлавон ҳам илоҳий бир қувват – полвонлик ва нафсини енгиши натижасида басират (атайлаб енгилиб бериши натижасида юқори оламга боқиб, фаришталарни кўрганлиги ва рижол ул-ғайблар билан мулоқотда бўлганлиги) соҳиби даражасига эришганлар.

Мазкур оятда улуғ пайғамбарлар Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқуб (а.с.)лар ҳақида сўз юритилган ҳамда уларнинг «улул айди вал-абсор» фазилатига эга эканлиги ҳамда бу билан айнан шу сифатнинг Паҳлавон Маҳмудга алоқадорлиги ҳам таъкидлаган. Демак, ўзининг ҳам жисмоний, ҳам руҳий-маънавий куч-қудрати билан бутун Турону Эронзаминда доврўғ қозонган Паҳлавон Маҳмуд хислату. фазилатда Қуръони каримда тавсифланган улуғ пайғамбарлар даражасида бўлган. Бу ўринда лақаб масаласидан ташқари яна бошқа масала, яъни Паҳлавон Маҳмуднинг футувват-жавонмардлик маслагига мансублиги ҳам ойдинлашади. Бир қатор тадқиқотларда айтиб ўтилганидек, айниқса эронлик олимларнинг тасаввуфга оид асарларида, жумладан Саид Нафисийнинг "Сарчашмаи тасаввуф дар Эрон" асарида келтирилишича, диний-тасаввуфий қарашлар бўйича Иброҳим Халилуллоҳнинг унвони "абул-фатийён", "фатийлар отаси" деб юритилган. Дастлабки, футувват-номаларда Одам Сафиюллоҳ, Иброҳим Халилуллоҳ, Муҳаммад Ҳабибуллоҳ, улардан сўнг эса ҳазрат Али к.в., ундан кейин Салмони Форсийни ушбу маслакнинг пешволари қаторида эслаб ўтилади.

Унинг футувват пешвоси эканлигини Қуръони каримдаги бир неча оятлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Қуръони каримнинг "Анбиё" сураси 60 оятида шундай марҳамат қилинади: *قَالُوا سَمِعْنَا فَتَىٰ يَذُكُرُهُمْ يُقَالُ لَهُ إِبْرَاهِيمُ*

"Улар (айримлари) айтишди: "Уларни гапириб (айблаб) юрадиган Иброҳим деган бир йигитни эшитгандик". (Анбиё, 60). Оятдаги "фата" сўзи шунга ишора бўлиб, таржимада у "йигит" тарзида таржима қилинган. Бундан Паҳлавон Маҳмуднинг футувват, яъни жавонмардлик маслагига мансуб авлиёлигини унга салафлари қатори берилган сифат ҳам тасдиқлаб турганини айтиш мумкин.

"Мажолис ул-ушшоқ"нинг зикр давомида келтирилган ривоятда ҳам биз юқоридаги ҳар икки ҳолатга мос, яъни ҳам лақаби масаласи, ҳам жавонмардлиги масаласи ҳақидаги қарашларга жавоб топамиз. Зикрда Паҳлавоннинг авлиёликда олий мақомга эришишининг сабаби, яъни унинг Ҳиндистонда бева аёлнинг ўғлига атайлаб енгилиши берилади: «Айтишадики, курашчи йигит Паҳлавоннинг кўксига ўтирган (ва Паҳлавон Маҳмуднинг нигоҳи осмонга қараган) пайтда, у (Паҳлавон)нинг басират (қалб) кўзи олдидан барча пардалар кўтарилади ва ҳақиқат офтоби ёришиб кетади, натижада у ўз талабига эришади. Аслида фано (мақоми)нинг чўққиси шундай бўладики, нафсни ана шундай енгадилар. Авлиёлар зумра(сулуки)да нима бўлса барчасини топдилар ва рижол ул-гайблар билан алоқа боғладилар. Ана шу сабабдан замона нуктадонлари (номбахше замон) уни Пурёр деб аташди. Ва баъзилар Букёр дейишадики, бу мазкур жой тилида «енгилмас паҳлавон» маъносини беради» { Камолиддин Хусайн Фаноий. Мажолис ул-ушшоқ. ЎзРФАШИ, қўлёзма № 3066}.

Ушбу парчада Паҳлавон Маҳмуднинг қандай қилиб авлиёликнинг олий мақомига эришганлиги ва Пурёр номига сазовор бўлганлиги таъкидланган. Демак, у ҳиндистонлик курашчига атайлаб енгилиши натижасида ўз нафсига қарши борган, натижада унга юқори (файз) оламидан, аниқроғи рижол ул-гайб(ғойибдаги эранлар)дан файз ва муроқабача ҳосил бўлган. Натижада ана шу муқаддас авлиёлар Паҳлавон Маҳмудни ўзларига ўғил қилиб олишган. Шунинг учун унга замонасининг уламолари Пурёр лақабини беришган.

Эронлик элчи Ризоқулихон Ҳидоят ўзининг "Сафаратномаи Хоразм" (Хоразм элчилиги хатлари) асарида бу ривоятни шундай

изоҳлайди: «Айтадиларки, ул зотнинг руҳоний даражасидаги тараққиётига сабаб шу бўлган эдики, у бир шаҳарга боради, шаҳар подшоҳининг бир паҳлавони бўлиб, подшоҳ уни ҳазрат Паҳлавон Хоразмий билан курашга солади...» {Мирзо Ризоқулихон Лолобоши. Сафаротномаи Хоразм. ЎзРФАШИ, қўлёзма № 9129. – В. 37.}.

Эронлик тасаввуфшунос Абдулхусайн Зарринкуб эса қуйидагича ёзади: «Унинг маънавий оламига юз тутишига шу сабаб бўлганки, у Бенгалия («Мажолис ул-ушшоқ»да – подшоҳ *Жуна ҳузурига*)га боради. Мазкур ўлка подшоҳининг номдор паҳлавони бўлиб, уни Паҳлавони Хоразмий билан беллаштиришни ният қилади...» {Зарринкуб А. «Жустижу дар тасаввуфи Ирон» – Техрон. – Б.354.}

Хуллас, мазкур курашда ўз нафсини мағлуб қилган Паҳлавон Маҳмуд юқори (файз) олами билан алоқа боғлайди ва унга Пурёввалий лақаби берилади.

Шу ўринда савол туғилади: Рижол ул-ғайб кимлар? Манбалардан маълум бўлишича, рижол ул-ғайб – бу ғойибдаги эронлар бўлиб, муқаддас руҳлар, яъни авлиёуллоҳлардир. Улар маънавий олам (файз олами)ни бошқариб турувчи бир гуруҳ кудсий зотлар бўлиб, Оллоҳ изни билан олам аҳли ишларини назорат қилиб туришар экан. Муҳаммад Аваз ибн Садриддин Қаротосийнинг "Мажмуат ул-аҳком" рисоласининг "Рижол ул-ғайбнинг баёни" деб номланган тўхкизинчи бобида шундай ўқиймиз: "Аммо, билгилким, ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу ва таоло оламини кутб-улақтобнинг тахти тасарруфида қилибдур. Уч юз эллик беш ғойиб ёронларни уларнинг хизматларида мусаххар (таслим) қилмиш. Қачонким, субҳ намози бўлса, Маккада кутб ул-ақтобга иқтидо килурлар. Андин кейин Ҳазрат кутб ул-ақтобнинг рухсатлари бирла оламга тарқалурлар. Аҳли олам халқи аҳволига назар килурлар" {Муҳаммад Аваз ибн Садриддин Қаротосий. Мажмуат ул-аҳком. – Т.: "Шарқ баёни". 1993. –Б.27.}.

Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асаридаги Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги зикрида давомида «андоқки, файз оламидин чошни етган эрмиш» ёки Муҳаммад Боқирнинг "Тазкираи Муҳаммад Боқир" асарида «аз олами боло файз ба у мерасида» (юқори оламдан унга файз етишарди) каби эътирофлари бежиз эмас экан.

Демак, "Мажолис ул-ушшоқ"да унинг рижол ул-ғайблар билан мулоқотда бўлгани ва уларнинг Паҳлавонни ўзларига ўғил, давомчи қилиб олишгани учун «Пурёр» лақаби берилганлиги мазмуни англашилади. Шундай экан, мазкур сўз маъноси ҳам айти шу ҳолат билан боғлиқ бўлиши табиийдир. Маълумки, Пурёр лақабида иккита сўз, яъни «ўғил, фарзанд» маъноларини берувчи «Пур» ҳамда «ёр, дўст» маъноларини берувчи «ёр» сўзлари мавжуд. Демак, бу лақаб «ёрларнинг ўғли» ёки "ҳақиқий дўстларнинг ўғли" деган маънони беради. Шунингдек, ушбу исмнинг учинчи қисми, яъни валий, қисми ҳам борки, асосан тўлиқ ҳолатда Пурёрвалий айтиш одат бўлган. Гарчи валий сўзининг ўзи ҳам "дўст, ёр" маъносини берса-да, бу ерда у сифат, унвон шаклида берилган бўлиб, Паҳлавон Маҳмуднинг валийлик даражасини билдирувчи сўз шаклида келтирилган. Шу жиҳатдан Пурёрвалий исмини "Ёрларнинг ўғли бўлган валий" шаклида таржима қилишимиз ва шуни охирги ва тўғри вариант деб олишимиз мумкин.

Шунингдек, "Мажолис.."нинг мазкур бўлими охиридаги «тарих етти юз йигирма иккида оламдин борди ва қабри Хоразмдадур» жумлалари Паҳлавон Маҳмуднинг вафотининг ҳижрий 722, милодий 1322 йилда содир бўлганлиги ва мақбараси Хоразм (Хива)да жойлашганлигидан хабар берувчи дастлабки маълумотлар сифатида ҳам қадрлидир. Чунки, агар, бу тазкирадан олдин ёзилган "Нафаҳот ул-унс" ҳамда "Насойим ул-муҳаббат"да мазкур сананинг берилмаганини ҳисобга олсак, "Мажолис" ушбу санани берган биринчи тазкиралардан ҳисобланади.

Хуллас, "Мажолис ул-ушшоқ" тазкираси ўзининг Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги қуйидаги муҳим маълумотлари билан аҳамиятлидир:

1. Шу пайтгача Пирёрвалий, Пирёйвалий, Пурёйвалий каби турли вариантлар орасидан "Пурёрвалий"нинг тўғрилигига изоҳ берилиши ҳамда далилланиши.
2. Паҳлавон Маҳмуднинг авлиёлик даражасида олий мақомга эришгани ва бунинг сабаби кўрсатилиши.
3. Яқин-яқинларгача Паҳлавон Маҳмуд вафоти санаси тўғрисидаги турли, яъни 1325, 1326 йилларга аниқлик киритилиб, бу санасининг ҳижрий қамарий 722, милодий 1322 йилда эканини кўрсатилиши. Кези келганда айтиш лозимки, шоир яшаган даврга яқин ёзилган ҳеч бир тазкирада Паҳлавон Маҳмуднинг туғилган санаси аниқ кўрсатилмаган.

Юз: тасаввуфий маънолар олами

А. Курбонов,

катта ўқитувчи (НамДУ)

*Юз¹ – илоҳий ҳусн тажаллийси ёки илоҳий ҳусн
жилваланиб турадиган мазҳардир. Атоий дейди:*

*Эй малоҳат богининг бир сарви гулрухсораси,
Кашфи анвори тажаллийдур юзунг наззораси.²*

*Юз бадий адабиётда яна рух, рухсор, ораз, узор, чехра, рӯ,
рӯй сўзлари билан ҳам ифодаланади. Кўзгу эса юзнинг энг кўп
истифода этиладиган сўфиёна истиоравий ифодасидир. «Миръоти
ушшоқ» муаллифи юз ҳақида шундай деб ёзади: «Рух (юз) ёки
рухсор (юз) деб зотий ҳусн мазҳари ёки жамолий тажаллийтга
айтилуру. Байт:*

*Рух инжо мазҳари ҳусни Худойи-ст,
Мурод аз хат ҳижоби Кибриёйи-ст».³*

*(Мазмуни: Юз бу ерда илоҳий ҳусн мазҳаридир, Хатдан
мурод эса Улуғликни тўсувчи пардадир).*

Мазкур таърифда шарҳланиши лозим бўлган икки тушунча бор: 1) зотий ҳусн мазҳари; 2) жамолий тажаллийт.

"Ҳайрат ул-аброр"нинг "Аввалги муножот"ида айтилишича, азал чоғида бекиёс гузаллик, куч-қудрат ва фазилатларнинг кони бўлган Парвардигорнинг ёлғиз ўзидан бошқа ҳеч нарса бўлган эмас. У пайтларда на Унинг тенгсиз ҳусну жамоли, на гузал исмлари, на яширин сирларидан хабардор бир зот ва на Унинг ишқида багрини ўртагувчи бир ошиқ бор эди. Илоҳ ҳусни ўз-ўзида жилва қилар, Унинг зоти ўз ҳуснига мазҳар бўлиб, ҳусн ҳам, бу ҳуснни мушоҳада қилувчи ҳам, шоир сўзлари билан айтганда, нозир ҳам, манзур ҳам Унинг ўзи эди:

*Андаки бор эрди ниҳон бу жаҳон,
Балки ниҳон доғи жаҳондек ниҳон.*

Не еру не ер юзида бир киши,

Не кўку гайри ситам ер иши.

Ҳусн ўти ҳангома фуруз ўлмайн,

¹ Е.Э.Бертельснинг «юз» ва «сулф»нинг сўфиёна таловига бағишланган гўлт сермазмун мақоласи бор. Қаранг: Е.Э.Бертельс. Лоқон и лицо/Суфизм и суфийская литература. Москва: из-во «Наука», ГРВЛ, 1965, с.109-125.

² Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008, 226-бет.

³ Миръоти ушшоқ/Е. Э. Бертельс. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – М.: Издательство "Наука", ГРВЛ, 1965, С.132.

*Ишқ элига моййи сўз ўлмайин.
Сен эдингу бас, яна мавжуд йўқ,
Жилва қилиб ҳуснунга ўз ҳуснунг-ўқ.
Мазҳар ўлуб ҳуснунга миръоти гайб,
Жилва қилиб анда хаёлотти гайб.
Нозир ўзинг эрдингу манзур ўзунг,
Ишқингга хуш, ҳуснунггу мағрур ўзунг.¹*

Ҳақ таоло гўеки бир яширин хазина эди. У ўзини маълум қилишни истайди, токи Унинг тенгсиз ҳусну жамоли, куч-қудрати ва фазилатлари худди кўзгудагидек акс этсин. Тангри таоло оламни шу мақсадда яратиб, уни ўз ҳусну жамоли, куч-қудрати ва фазилатларининг кўзгуси қилди:

*Қилди мазоҳирда хаёли зуҳур,
Топқали ул ҳусн камоли зуҳур.
Жилваи ҳусн ўлгали зоҳир анга,
Бўлди бу миръот мазоҳир анга.²*

Шундай қилиб, олам «миръоти мазоҳир» – бир кўзгу бўлиб, Оллоҳ жамоли ҳамма нарсада: еру кўкда, сувда, тоғу тош, гуллар ва ўсимликларда, хуллас, жонли ва жонсиз мавжудотларнинг ҳаммасида, жумладан, оламнинг гултожи бўлган инсон ҳусну жамолида, куёш нурлари кўзгуга тушиб, унда қандай жилва қилса, шундай жилваланиб туради. Алишер Навоий бир ғазалида ушбу фикрни турли бадийий тимсоллар воситасида юксак бадийят билан ифодалаб, шундай дейди: олам чаманининг оташгоҳига оташин гулдан ўт солиб, булбулни самандардек кулга ботирган ҳам; Лайли ҳуснининг кўзгусида аксини кўргизиб, Мажнунни кўзгу аксидек беором қилган ҳам; ҳусн гулшанида юз минг гули раъно яратиб, куёшни хижолатдан гоҳ қизартириб, гоҳ сарғайтирган ҳам; Узронинг узори боғида юзининг гулини очиб, Вомиқни юз гул очирган ҳам; каломини Ширин лабига яшириб, Фарҳоднинг кўз ёшларини қип-қизил лаълга айлантирган ҳам шу ҳусндир:

*Зиҳий, ҳуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз гавго.
Чаман оташгоҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.
Не ишка бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,*

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Еттинчи том. – Т.: "Фан" нашриёти. 1990. 20-бет.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Еттинчи том, 20-бет.

*Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло.
 Куёшқа гаҳ қизармоқ, гоҳи саргармоқ эрур андин,
 Ки сунъунг богида бор ул сифат юз минг гули раъно.
 Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул каби Вомиқ,
 Юзингдин гар узори богида гул очмади Узро.
 Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,
 Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро...¹*

Бироқ, шу билан бирга, олам ва одам кўзгу бўлиб, бу кўзгуда илоҳий ҳусн куёш нурларидай жилваланиб турса ҳам, «мирьоти мазохир» Ҳусни Мутлақнинг айнан ўзи ҳам эмас. Чунки илоҳий ҳусн қандай бўлса, шундай эмас, балки олам ва ундаги хилма-хил ва сон-саноксиз нарсалар шаклида намоён бўлган. Бинобарин, олам илоҳий ҳуснни жилвалантириш билан бирга, ўз қиёфасида ҳам намоён бўлиб, оламдаги ҳар бир нарсада икки хусусият зоҳирдир:

- 1) илоҳий ҳусн жилваси;
- 2) нарсаларнинг ўз сурати.

Бошқача қилиб айтганда, булбулни самандардек кулга ботирган гул, Мажнунни кўзгу аксидек беором қилган Лайли, куёшни хижолатдан гоҳ қизартириб, гоҳ сарғайтирган минглаб гули раънолар, Вомиқнинг юзида юз гул очирган Узро, Фарҳоднинг кўз ёшларини қип-қизил лаълга айлантирган Ширин, бир тарафдан, илоҳий жамол тажаллийси бўлса, иккинчи тарафдан, гул – гул, Лайли – Лайли, куёш – куёш, Узро – Узро, Ширин – Шириннинг ўзи ҳам. Бинобарин, олам ва одам Аллоҳ жамолини қанчалик жилвалантирса, уни шунчалик кўздан яшириб ҳам туради, бошқача қилиб айтганда, Аллоҳ ўз жамолини қай даражада олам ва одамда намоён қилган бўлса, уни шу даражада олам ва одам суратларининг ортига яширган. Аллоҳ ва олам ўртасидаги ушбу мураккаб ва зиддиятли ҳолатни Алишер Навоий бир байтида шундай тасвирлайди:

*Юзига кўзгуни ҳар дам қилур ул сиймбар моний,
 Анингдекким куёш рухсориға бўлгай қамар моний.²*

Байтда тасвирланган «ул сиймбар»дан мурод Аллоҳ, «кўзгу»дан мурод эса олам. Улуғ шоир Аллоҳ жамолини куёшга, оламни эса қамар, яъни ойга ўхшатади. Маълумки,

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Янгирма томлик. Учинчи том. – Т.: "Фан" нашриёти. 1990. 26-бет.

² Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 294-бет.

қоронғи кечада қуёш кўринмай, ойнинг ўзи нур сочаётганга ўхшаб туюлса ҳам, аслида ой қоронғи жисм бўлиб, ойнинг ўз нури йўқ, у нурни қуёшдан олади. Улуғ шоир шу ҳолатга ишора қилиб дейдики, «ул сиймбар, яъни Аллоҳ ҳар дам оламни жамолининг жилвасига парда қилади. Бу, гарчи ой қуёшдан нур олса ҳам, қоронғи кечада қуёш кўринмай, ойнинг қуёш рухсорига парда бўлишига ўхшайди». Демак, Аллоҳ қуёш бўлса, олам – ой. Ойда қуёш нурлари жилва қилганидек, оламда ҳам Аллоҳ нурлари жилва қилади. Бироқ қуёшнинг ўзи кўринмай, қуёш нурлари ой нурлари бўлиб кўринганидек, оламда ҳам илоҳий жамол кўринмай, оламдаги нарсаларнинг жилваси ва шаклу шамоили уларнинг ўз жилваси ва шаклу шамоили бўлиб туюлади. Бинобарин, ой қуёш рухсорига қандай парда бўлса, оламдаги нарсалар ҳам Аллоҳ жамолига шундай пардадир.

Хуллас, олам, бир тарафдан, ой қуёш нурларини ўзида жилвалантиргандай, илоҳий жамолни ўзида жилвалантирувчи кўзга бўлса, иккинчи тарафдан, ой қуёш юзига монё бўлганидек, илоҳий жамолни назардан яширувчи парда ҳамдир. Бу ҳақда Навоий дейди:

*Сени топмоқ баса мушкулдурур, топмаслиг осонким,
Эрур пайдолигинг пинҳон, вале пинҳонлигинг пайдо.¹*

(Мазмуни: Эй Парвардигор, бу оламда) сени топмиш гоят мушкул, топмаслик осон, чунки пайдолигингда пинҳон бўлсанг, пинҳонлигингда пайдодирсан). Албатта, ҳақ жамоли ҳамма учун ҳам пайдоликда пинҳон эмас. Ёр юзидан олам пардаси кутарилмоғи, Унинг беқиёс жамоли кўнгилда жилва қилмоғи учун кўз пардасини «ғайр нақши» – Аллоҳдан ўзга нарсаларнинг суратларидан ювиб покламоқ лозим:

*Назар йўли сиришким пок юб, кўз пардасин очти,²
Ки чиққач пардадин кўргаймен онинг чеҳраи покин.²*

«Назар йўли пок» ланиб, «кўз пардаси очилган» «пок ишк» эгаларининг назарида Ҳақ жамоли борган сари ёруғроқ жилваланиб бораверади:

*Кўзума ҳар дам ёруғроқдур юзунгунг кўзгуси,
Хосият мундоқ эмиш ҳар кимда бўлса пок ишқ.³*

¹ Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 25-бет.

² Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 346-бет.

³ Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 313-бет.

Сўфиёна фалсафага кўра, Аллоҳнинг оламда ўзини намоен қилиши Унинг лутфи бўлса, ўзини олам пардаси ортига яшириши Унинг қаҳридир. Тасаввуф фалсафасида Аллоҳ лутфининг жилваси жамолий тажаллий, қаҳрининг намоен бўлиши эса жалолий тажаллий номланган.¹

Айтилганлардан келиб чиқилса, «юз» шундай сўфиёна маъно ифодалаши маълум бўлади: Юз илоҳий ҳусннинг мазҳари, жилвагоҳи бўлиб, юз деганда, 1) зотий тажаллий – Ҳусни Мутлақнинг ўз-ўзида, ваҳдат ёки ғайб оламида зухур этиши тушунилса; 2) жамолий тажаллий – Ҳусни Мутлақнинг зоҳирий оламда лутф сифатлари билан тажаллий қилиши назарда тутилади.²

Атойининг юз яширин тарзда ой билан кунга ташбеҳ қилинган куйидаги байтида бу фикр шундай ифода этилган:

*Мен нечук ташбеҳ этай ул юзни ою кунгаким,
Нисбати йўқтур тажаллий юзининг кўзгу била.³*

Аллоҳ жамоли поёнсиз, чексиз-чегарасиз нурдир, ойю кўёш қанчалик нурафшон бўлмасин, илоҳий нурнинг бир заррасини ҳам акс эттиришга қодир эмас. Шунинг учун *Мен ул юзни қандай қилиб ою кўёшга ташбеҳ этишим мумкин*, – дейди шоир, – *чунки юз тажаллийсига ҳеч нарса, ҳатто ою кўёш ҳам кўзгу бўла олмайди!* Байтда юз тимсолида Мутлақ Ҳусннинг ваҳдат ва ғайб оламидаги жилваси назарда тутилганлиги сезилиб турибди: оламдаги ҳеч бир нарса Ҳусни Мутлақнинг зотий жилвасига тенглашиши мумкин эмас.

Куйидаги байтда айтилишича, юз – тажаллийи жамол:

*Ушул Сониъки, сунъидин тажаллийи жамол айлар,
Юзунг миръоти ҳуснидин юз изҳори камол айлар.⁴*

Байтда тилга олинган «Ушул Сониъ» – Аллоҳ, «сунъ» – Аллоҳ яратган нарсалар. *Аллоҳ ўз ҳунарини кўрсатиб, яратган*

¹ *ناروت - جنات نعريعت و تاج الطبا. عجاج رفيع ديس. ۲۲۷. ص. ۲۲۷. كىروط تاجىرشين*

² «Юзга турли муаллифлар томонидан берилган таърифларда ҳам асосан ана шу маънолар ўз ифодасини топган бўлиб улар бир-биридан унчалик кўп фарқ қилмайди. Масалан: «Рух (юз) деб соф тажаллиётга айтилу» (Номаълум муаллиф // Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийская литература. Москва: из-во «Наука», ГРВЛ, 1965, с.113). «Рухсор (юз) тилга олинганда, рухсордан мурод мавжудлик олами бўлади» (Номаълум муаллиф // Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийская литература. Москва: из-во «Наука», ГРВЛ, 1965, с.358. «Рух: Сўфиёна истилоҳда жамолий тажаллийнинг зухурирки, жамолий тажаллий олам аёнларини ошқориди» – келиш ва Ҳақ нисмларининг зухур этиш сабабчиси» (*جنات نعريعت و تاج الطبا. عجاج رفيع ديس*)).

³ *ناروت - جنات نعريعت و تاج الطبا. عجاج رفيع ديس. ۲۱۲. ص. ۲۱۲. كىروط تاجىرشين*

⁴ Атойин. Девон. – Тошкент: Фан, 2008, 31-бет.

⁵ Атойин. Девон. – Тошкент: Фан, 2008, 55-бет.

нарсаларида жамолини жилвалантириб туради, – дейди шоир биринчи мисрада. Мисрадаги «тажаллийи жамол» иборасининг «жамолининг жилваси» деган маънодан ташқари, «жамолий тажаллий» деган маъноси ҳам бор. Шунинг учун мисрани ана шундай деб тушуниш мумкин: *Аллоҳ ўз ҳунарини кўрсатиб, яратган нарсаларида жамолий тажаллий қилади.* Иккинчи мисрада айтилишича эса, маъшукнинг юзи Аллоҳ яратган нарсалар ичида энг мукамал кўзгу бўлиб, Аллоҳ жамолини юз комиллик билан зоҳир айлайди: *(Эй маъшукам,) Юзунгнинг кўзгуси (Аллоҳнинг) ҳуснидан юз изҳори камол айлар.* Мисрада иккита «юз» деган сўз бор. Иккинчи «юз» миқдор маъносидан ташқари, чехра маъносида ҳам келган. Бу ҳолда юз «ўшул Сониъ»нинг юзи бўлиб, мисрада шундай мазмун юзага чиқади: *(Эй маъшукам,) Юзунгнинг кўзгусида (Аллоҳ) ўз жамолини юз комиллик билан изҳор қилади.*

Алишер Навоий қуйидаги байтда юзни «лутфи бениҳоят» деб атайди. *Юзинг зарварақлари ҳадсиз-ҳисобсиз лутфдир,* – дейди шоир жамолий тажаллийнинг маъносига аниқлик киритиб, – *бу лутфларнинг ҳар бири жамолинг «мусҳаф»ида гўёки бир оятдир:*

*Юзунгда зарварақ ҳар ёнки, лутфи бениҳоятдур,
Жамолинг мусҳафида ҳар бири гўё бир оятдур.*¹

Байтда шоир маъшук жамолини «Қуръони карим»га ташбех қилади: унинг жамоли «Мусҳаф», яъни «Қуръони карим», икки юзи эса «Мусҳаф»нинг икки зарҳал саҳифаси, икки зарҳал саҳифа эса «лутфи бениҳоят» бўлиб, гўёки «Мусҳаф»нинг икки саҳифасидаги икки оятдир. Шоир дейдики, «Қуръон», *ундаги оятлар Тангрининг ўз бандаларига лутфи бўлганидек, Тангри жамолининг маъшук юзида тажаллий қилиши ҳам Унинг ошиқларга кўрсатган ниҳоятсиз лутфидир.*

Юз сўфиёна руҳда талқин қилинган мазкур байтларда юзнинг кўзгу ва «Мусҳаф»нинг зарҳал саҳифаларига ташбех қилиниши бежиз эмас. Юзнинг сўз санъатида қайта-қайта мадҳ этилган фазилатларидан бири унинг оқлиги бўлиб, юзнинг сўфиёна талқини ҳам ана шу оқ ранг билан узвий боғлиқ. Оқ рангнинг ишқий шеърятда, жумладан, сўфиёна адабиётда тасвирга тортилган икки қирраси бор: 1) тиниқлик; 2) нур. Ўзга нарсаларнинг аксини жилвалантириш тиниқликка хос хусусиятдир. Юзнинг кўзгуга ёки кўзгулик хусусиятига эга бўлган бошқа нарсалар,

¹ Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 25-бет.

масалан, сувга нисбат берилиши унинг тиниклиги билан боғлиқ бўлиб, юз кўзгуси билан «мазҳар» ўртасида тўла ўхшашлик бор: Аллоҳ жамоли олам мазҳарларида қандай тажаллий қилса, юз кўзгусида ҳам шундай жилваланиб туради. Куйидаги байтда юз ҳам сув, ҳам кўзгу сифатида талқин қилинган:

*Хатда рухсоринг су эркинму ёшунган сабзада,
Йўқса кўзгудурки, қолмиш ҳар тараф зангор аро.¹*

(Мазмуни: Кўкимтир хатларинг ўртасидаги рухсоринг майсалар ичидаги сув (чашма)микин ёки ёнлари кўм-кўк товланувчи кўзгумикин?)

Юзнинг нур сифатига келадиган бўлсак, юз нури билан илоҳий жамол тажаллийси ўртасида ҳам тўла ўхшашлик мавжуд, чунки илоҳий тажаллий нур сифатида тасаввур қилинган. Юқорида юзнинг сўфиёна маъносига мисол тариқасида келтирилган байтда Атоий илоҳий ҳусн тажаллийсини нур деб атайди:

*Эй малоҳат богининг бир сарви гулрухсораси,
Кашфи анвори тажаллийдур юзунг наззораси.²*

«Эй ҳусну малоҳат богининг сарви гулрухсораси, – дейди шоир илоҳий маъшуқага мурожаат қилиб, – юзунгга назар солган киши тажаллий нурларини кашф этади». Илоҳий тажаллийнинг юзга нисбат берилиши юзнинг яна бир муҳим сифатининг юзага келишига асос бўлган: нури ҳидоят! Мутлақ Хусн бу оламда тажаллий этибгина қолмай, нур бўлиб, ошиқларнинг йўлини ёритиб ҳам туради. Атоийнинг, Навоий каби, юз «Мусҳаф»га, юздаги холнинг нуқтаси эса оятга ўхшатиш қуйидаги байтида айтилишича, юз – Ҳақ ошиқлари учун мақсадга элтувчи нурдир:

*Эй мусҳафи ҳуснунгга менгинг нуқтаси оят,
Ислом элига бўлди юзинг нури ҳидоят.³*

Ислом аҳлига «Мусҳаф» тўғри йўл кўрсатувчи нур бўлганидек, маҳбуб чехраси, яъни илоҳий ҳусн жилваси ҳам ошиқларни асл мақсад – Ёр висолига етишиш, У билан ваҳдат ҳосил қилиш йўлини ёритиб турувчи нури ҳидоят. Юзнинг ҳидоят нурларига қиёс қилиниши сўфиёна адабиётда кенг тарқалган ташбеҳ-истиора бўлиб, Навоийнинг қуйидаги байтида ҳам маъшуқанинг «зарфишон чехраси» «ҳидоят шамъи»га ўхшатиш:

Сочингда зарфишон чехранг залолат шомида ҳар ён

¹ Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том. 41-бет.

² Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008, 226-бет.

³ Атоий. Девон. – Тошкент: Фан, 2008, 43-бет.

Тажаллий машъалидин ёругон шамъи ҳидоятдур.¹

Сочларинг гумроҳлик кечасидир, – дейди улуғ шоир байтда, – нурафшон чехранг эса тажаллий машъалидан нур олиб, ошиқлар қоронгида адашиб қолмаслиги учун ҳар ёнга ёқиб қўйилган ҳидоят шамъидир.

Навоийнинг бошқа бир байтида ҳам ёрнинг сочи зулматга, юзи эса шамъга ташбеҳ қилиниб, маҳбуб юзи ҳидоят нурлари сифатида талқин қилинган:

*Зулфин очганда занаҳ чоҳига тушгай минг кўнгул,
Қўймаса ул чоҳ уза рухсори шамъин ёрутиб.²*

(Мазмуни: Агар ёр юзининг шамъини ёритиб қўймаганда эди, у зулфларини ёйганда, минглаб кўнгуллар ёр кулдиргичининг зиндонига тушиб кетган бўлар эди).

Шундай қилиб, юз – нур, нур бўлганда ҳам, оддий нур эмас, Ҳақ ошиқларини залолатдан қутқариб, уларга тўғри йўлни кўрсатувчи ҳидоят нуридир. Юзнинг сўфиёна адабиётда купинча шамъ, субҳ (тонг), кундуз, ой ва қуёш каби нурафшон нарсаларга, баъзан эса иймонга нисбат берилиши ҳам шу туфайлидир. Жумладан, қуйидаги байтда айтилишича, куфр зулмат бўлса, иймон нуридир:

*Зулфи зуннорига чирманган узорин очди ёр,
Зулмати куфр ичра элга нури иймондир даво.³*

Байтда тилга олинган «зуннор» мусулмон мамлакатларида ғайридинлар мусулмонлардан ажралиб туриш учун белларига боғлаб юрадиган махсус ип. Шеърятда эса ёр сочининг истиоравий ифодаси. Тамсил санъатининг ноёб намунаси бўлган мазкур байтнинг биринчи мисрасида айтиладики, «ёр зулфининг зуннори билан яширган юзларини очди». Иккинчи мисрада шоир бу ҳолатни изоҳлаб дейдики, «ахир куфр зулматига иймон даво бўлади-да!» Тамсил санъатининг қонуниятларидан келиб чиқиладиган бўлса, соч (зулф) – куфр, юз (узор) эса – иймон. Агар куфрнинг сўфийлик фалсафасида илоҳий маърифатдан беҳабарлик, иймоннинг эса илоҳий маърифат эканлиги эсга олинса, байтда шундай мазмун ифодаланганлиги маълум бўлади: *Кўнглимдан Ҳақдан ўзга нарсаларнинг суратлари зойиб бўлиб, илоҳий жамол*

¹ Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 171-бет.

² Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 65-бет.

³ Алишер Навоий. Муҳалла асарлар тўплами. Ингиризма томлиқ. Бешинчи том. – Т.: “Фан” нашрияти. 1990. 33-бет.

жилва қила бошлади, зеро, кўнгил ойнасидаги олам хираликларини кетказишнинг энг яхши чораси маърифат нурларидир.

Куйидаги байтда ошиқ кўнглининг паришон ҳолати ифодаланган. Байтда айтилишича, мосиваллоҳ – Аллоҳдан ўзга нарсаларнинг ҳаваси кўнгилдаги илоҳий ҳусн жилвасини хиралаштириб қуйган:

*Юзига тушти зулф, айланг наззора,
Ки бўлди қуфр иймон бирла мамзуж.¹*

Юзнинг яна бир сифати – унинг ўт сифатида талкин қилиниши ҳам нур билан боғланиб кетади. Нур ва ўт бир-бирига яқин тушунчалардир: нур қоронғи кўнгилларни ёритса, ўт кўнгилдаги «мосиваллоҳ»ни куйдириб кулга айлантиради:

*Тажаллий истасанг, ул юздин ўртабон жисминг,
Кули била кўнгул ойнасин жило қила кўр.²*

(Мазмуни: Агар илоҳий жамолнинг кўнглинда тажаллий қилишини истасанг, жисмингни тажаллий ўтида куйдириб, кули билан кўнгил ойнасига жило-сайқал бер). Ёки:

*Ишқ аро кўнглумни ул юз меҳридин манъ айламанг,
Ким эмас мумкин самандар ўтдин этмак эҳтироз.³*

Байтда тасвирланган ошиқнинг кўнгли – ўт ичра туғилиб, ўт ичра яшайдиган самандар номли афсонавий махлуқ, маъшукнинг юзи эса оловдек ловуллаб турган қуёш. «Ишқ аро кўнглимни ёр юзининг ўтдек ловуллаб турган қуёшига талпинишдан манъ айламанг, – дейди ошиқ ишқдан беҳабар кимсаларга, – ахир ўтни ўзига макон айлаган самандар қандай қилиб ўтдан ўзини четга тортсин!?»

Айтилганлардан келиб чиқиб, юзнинг сўфиёна маънолари ҳақида шундай хулоса чиқариш мумкин: юз сўфиёна истилоҳда илоҳий ҳусн тажаллийси ёки илоҳий ҳусн жилваланиб турадиган мазҳар бўлиб, тиниқлиги жиҳатидан мазҳарга, нурафшонлиги жиҳатидан эса тажаллийга ўхшайди. Юз ўтмиш адабиётида мазҳар сифатида сув ва кўзгуга, тажаллий сифатида эса зарварақ, шамъ, субҳ, кундуз, ой, қуёш, иймон ва ўт сингари нурафшон ва эзгулик, илоҳий лутф билан боғлиқ ижобий тушунчаларни ифодаловчи нарсаларга ташбеҳ қилинган.

¹ Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 95-бет.

² Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 143-бет.

³ Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том, 201-бет.

Ривоятлар сюжетида анъанавийлик ва новаторлик

Дилфуза Тожибоева,
катта ўқитувчи (НамДУ)

Адабиёт пайдо бўлгандан буён шакл ва мазмун жиҳатидан ҳам анъанавийлик давом этиб келган. Халқ оғзаки ижоди маҳсули ҳисобланган ривоят жанри асрлардан асрларга ўтиб ҳар бир халқнинг ўтмиш ҳаёт тарзини, маданияти ва маънавий қиёфасини акс эттириб келган.

Маълумки, ривоятлар турли мавзуларда ифодаланган. Халқнинг қаҳрамонлиги, она юртга бўлган содиқлик ва ишқ - муҳаббат мавзусидаги ривоятлар ҳамма халқларда ҳам севиб куйланган. Ривоятлар сюжетида асар қаҳрамонларининг ҳатти - ҳаракати сюжет воқеаларининг ривожланишига қараб ўзгариб боради.

Бугунги ўзбек адабиётида ривоятлардаги сюжет унсурларининг ўзига хос шакллари кузатиш мумкин. Ҳозирги ўзбек шеърининг вакилларида Хуршид Давроннинг “Ватан ҳақида етти ривоят” асарида ифодаланган етти ривоятнинг ҳар бирида ҳам Ватаннинг нақадар улуғлиги ва қадрлилиги куйланади. Асардаги даштликлар, Мате, Хон, набира, чол, шоҳ Бобурмирзо ва беклар тимсоллари орқали ватанпарвар, юртга содиқ бўлган турли характерлар ифодаланган. Асардаги “Бир парча ер” номи ривоятдаги ёш ҳукмдор тимсоли ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хунну халқига Мате исми жуда ёш йигит ҳукмдор этиб тайинланади. Бу хабарни эшитган қўшни давлат ҳокони ундан фойдаланишга ҳаракат қилади. У ўз элчисини унинг хузурига юборади ва Матедан муқаддас отни сўрайди. Ёш ҳукмдор кексалар билан маслаҳатлашиб, уларнинг қаршилигига қарамасдан ҳам отни бериб юборади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан қўшни давлат элчиси яна келади ва унинг ҳукмдори Матенинг хотинини талаб қилаётганини етказди. Буни эшитган ёшу қарининг ғазби кайнайди. Мате эса оғир – босиқлик билан хотинини ҳам беришга розилик беради. Ҳаддидан ошган қўшни хон унинг устидан мазах қилиб кулади ва яна элчисини юборади. Бу сафар эса элчи ундан “*ўн икки ой ёмғир тушмас – сувга зор*” бир парча ерни сўрайди. Кексалар бу сафар ерни беришга қаршилиқ қилмайдилар. Ёш

ҳукмдор бу жавобни эшитиб, ғазабдан сапчиб тушади ва ҳамюртларига қарата шундай дейди:

*Уша сизлар айтган ерда
Гарчи бирор ўт ўсмас,
Гарчи кўкдан ёмғир тушмас,
Сувлар тошиб йўл тўсмас,
Гарчи унда ўсмас Олтой
тоғларининг арчаси.
Бегона ер эмас,
У ер –
Ватанимиз парчаси.¹*

Ёш ҳукмдорнинг ҳамюртларига айтган сўзлари жуда таъсирли ва аҳамиятлидир. У душманларга ана шу “ўт ўсмас, ёмғир тушмас” бир парча ерни ҳам бериб бўлмаслигини, чунки уша бир парча ер ҳам Ватаннинг бўлаги эканлигини уқтиради ва ҳамюртларини курашга чорлайди.

Асар сюжетидаги воқеалар тизими қаҳрамонларнинг характерини ифодалаб беради. Матенинг қўшни давлат ҳокони билан олиб борган музокаралари, донишмандларча фикрлашлари ва она юртининг бир парча ерига бўлган содиқлигида унинг ўзига хос характер хусусиятлари очила боради. Ривоятдаги икки давлат ўртасидаги музокаралар, элчилик муносабатлари, ҳукмдорнинг кексалар билан суҳбатлари эртақ, дoston ва ривоятлардаги каби анъанавий тарзда ифодланган. Ривоят сюжетининг дастлабки қисмларида воқеалар тизимини кузатар экансиз, ёш ҳукмдорнинг ҳатти - ҳаракатлари ҳар қандай китобхонни ғазабини келтиради. Қўшни давлат элчисининг сўнгги ташрифида эса Матенинг умуман бошқа инсон қиёфасида кўрасиз. Шоир ривоятдаги анъанавийликни сақлаган ҳолда ўзига хос новаторликни ҳам яратади. Бошқа асар қаҳрамонларидаги ҳукмдор тимсолларда учрамайдиган ўта сахийлик хусусиятининг устунлигини кузатамиз. У қўшни давлат ҳукмдорига ҳатто севимли аёлини ҳам беришга тайёр. Бироқ сувсиз, қақраган чўлдан иборат бир парча ерни душманга беришга рози бўлмайди.

Шоирнинг “Туз ҳақи” номли ривояти сюжетида ўғри тимсоли келтирилади. У ҳам эртақ ва ривоятлардаги бошқа ўғриларга ўхшаб тунни бедор ўтказди ва хазинага ўғирликка тушади. Қопини

¹ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. - Т.: Шарх НМК бош таҳририяти, 1997. - Б. 191

тўлдириб чиқиб кетаётганида эса бирдан нимадир товланиб кўзини олади. Ўғри бу зумрад ёки олмос бўлса керак деб ўйлайди ва уни нима эканлигини синаб кўришни хоҳлайди. “Бу гавҳари шамчироқ Бўлса керак” – ўйлабди. “Омадим юришди” – деб Ўз – ўзига сўйлабди.¹ Шу заҳоти у гавҳарни кўлига олиб ялаб кўрибди ва қотиб қолибди:

Сўнг донг қотиб...

Қотини

Юкдан холи этибди

Чоҳга сакраб тушганча

*Шошиб чиқиб кетибди.*²

Эртасига бу ишдан хабар топган шоҳ ҳайрон бўлиб қолибди ва бу ишни ким қилганлигини аниқлашни буюрибди. Шоҳнинг одамлари ўғрилиқ қилмоқчи бўлган одамни тутиб келтирибдилар ва қилган ишининг изоҳини сўрабдилар:

Шунча чуқур чоҳ қазиб

Ишни қойил этибсан.

Аммо нега бир чақа

*Олмай чиқиб кетибсан?*³

Ўғри эса чоҳ қазиб хазинага тушганини қопи тўлгунча олтин ва зарларни олганини, чиқиб кетиш чоғида эса ниманидир зумраддек товланганини айтади:

Ул нарсани гавҳари

Шамчироқ, деб ўйлабман.

Билмоқ учун...

Қўлимга

Олим шарта ялабман.

Ўша нарса туз экан...

Тузингиздан тотгандим –

Туз ҳақиқага риоя

*Қилиб чиқиб кетгандим.*⁴

Воқеалар бошқа ривоятлардаги каби мазмунли ва кизиқарли сюжет асосига қурилган. Бунда шоир анъанавийликни сақлаган ҳолда ўзига хос ёзувчи услубидан фойдаланади. Ривоят муаллиф тилидан ҳикоя қилинар экан, ўғрининг ҳатти-ҳаракатлари батафсил баён этилади. Ўғрининг чоҳ қазishi, хазинани ўмаришга бўлган

¹ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. - Т.:Шарк, 1997. – Б. 204/

² Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. - Т.:Шарк, 1997. – Б. 204.

³ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. - Т.:Шарк, 1997. – Б. 205.

⁴ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. - Т.:Шарк НМК бош таҳририяти, 1997. – Б. 206/.

ҳаракати бошқа ўғрилар ҳаракатини эслатади. Аммо асардаги ўғрининг бирдан ўзгариб қолиши, олган хазина улушини ташлаб чиқиб кетганлиги асарнинг тугуни ҳисобланар экан, шоҳнинг ҳузурда ўғрининг тўғри сўзлаши, бир чимдим тузга бўлган миннатдорлик ҳисси унинг бошқа қиёфасини кўрсатади. Ўғрининг шоҳ ҳузурдаги суҳбати асар ечимини ифодалаб беради.

Шоир Хуршид Давроннинг бу ривоятда оддий бир ўғри ҳам тотган тузига хиёнат қилмади. Бироқ ривоят сўнггида муаллиф тилидан айрим туз ичиб тузлигига хиёнат қилган, Ўзбекистонда яшаб, нозу -неъматлардан тотиб, халқини эса “*таъмагирсан, ўғирсан*” дея ҳақоратлаб яшаётган айрим кимсаларга муносабат билдирилади.

Хуршид Даврон яратган ривоятлар дoston ва ривоятлардаги сюжет асосига қурилади ва анъанавийликни сақлаб қолади. Ривоятлар ечимда эса инсонийликнинг энг гўзал хусусиятлари: яхшилик, содиқлик, ватанпарварлик кабилар улуғланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин.- Т.:Шарқ НМК бош таҳририяти, 1997.

Лутфийнинг бадиий маҳорати

Мубора Омонова,
ўкитувчи (ТДПУ)

XIV-XV асрлар Марказий Осиёда туркий халқлар маданияти, санъати ва адабиёти тарихий тараққиётининг сермахсул бир даври ҳисобланади. Бу даврда илм-фан ва бадиий адабиётда жуда катта муваффақиятларга эришилди, улкан шоирлар етишиб чиқдилар ва улар жаҳон маданияти хазинасига катта ҳисса қўшдилар. XIV аср ва XV асрнинг биринчи ярмида етишган Атоий, Саккокий ва Лутфий сингари шоирлар бадиий сўз адабиётнинг тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Навоий Мавлоно Лутфийни “малик ул-калом” – “сўз подшоси” деб улуғлаб Шарқ адабиётининг Саъдий, Ҳофиз каби улкан намояндalари қаторига қўяди. Ўзининг “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” каби бир қанча асарларида қайта-қайта ҳурмат билан тилга олади.

Лутфий истеъдодли шоир сифатида қимматли лирик асарлар яратди, туркий ва форсий тилдаги асарлари билан катта шуҳрат

қозонди. Лутфий лирикаси ҳаётийлиги, бадиий юксаклиги ва тил бойлиги билан ажралиб туради. Лутфийнинг бизгача ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, фардлардан иборат “Девон”и етиб келган. Навоий “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида Лутфийнинг дунёкараши, ғоя ва образлар дунёси ҳақида фикр юритар экан, уни “зоҳир ахли шуароси” деб атайди. Лутфий шеърляти туркий тил имкониятларини, унинг беназирлигини, айни пайтда ижодкорнинг санъаткорлиги ҳамда тафаккур оламини ёрқин намоён этган шоирдир. Шоир шеърларида, аввало, шоир инсон ва табиатни муқаддас мавжудот сифатида талқин қилади. Унинг шеърларида ҳаёт ва инсон гузаллигини мадҳ этиш муҳим ўрин тутади. Масалан:

*Бурқаъни кўтар, тенгри учун, эл сени кўрсун,
Бу ҳусну малоҳат яна қайси кун учундур?*[3, 41]

Байтда одатда инсонларга хос бўлган, ўзаро муносабатларда ишлатилувчи ботиний ва зоҳирий олам қиёфаси ифода топган. Демак, инсон ҳали комилликдан йироқда.

*Келдим эшикка, орзум юзингдурур кўргуз чиқиб,
Келгинки, Лутфий ҳожати учмоқ эмас, дийдор эрур* [3, 46].

Англашиладики, шоирнинг ҳожати – дийдор, яъни комил инсонни кўриш. Бошқача айтганда, инсонни барча ҳаракатлари жаннат илинжида эмас, комиллик илинжида бўлмоғи керак. Инсон ўзида жаннатга ҳожатмандликни эмас, дийдори комилликка ҳожатмандликни ҳис этиши керак.

Лутфий ўз ғазалларида турлича қараш, кайфият, руҳий ҳолатларни намоён этишда бетакрор нафис образлар кашф этади. Ҳаётий деталлар воситасида, ташбиҳ, ийҳом, тазод, тажнис, ташхис, тажохули орифона, лафъ ва нашр ва радиф каби бадиий унсурлар воситасида поэтик образлар яратиб, туркий шеърлятни бойитди.

Лутфий шеърлятида рубоий, қитъа, туюқлар ҳам алоҳида ўрин тутади.

*Гарчи қурутмас кўзумнинг ёшини,
Ҳақ узун қилсун ул ойнинг ёшини.
Йиғлама кўп, бу вужуднинг ишқ ути,
Не қуругин қўйғуси не ёшини* [3, 109-бет.]

Лутфийнинг барча жанрлардаги шеърлари учун муҳим бир хусусият – халқ мақол ва ибораларини мисраларга маҳорат билан сингдириганлигида ҳам кўринади. Бу каби бетакрор хусусиятлар, соддалик ва равонлик ҳар бир давр кишиси учун тушунарли

эканлиги шоир шеърятининг халқчиллигини таъминлаб келмоқда. Лутфий халқ мақол ва таъбирларидан жуда кенг фойдаланган. Хусусан, халқ мақоллари ва таъбирлари шоир шеърларини ҳам мазмунан бойитган, ҳам туркий тилнинг бадий имкониятларини намоён этган. Шоир халқ мақоллари ва таъбирларини шеърларида айнан ёки қисман ўзгартиришлар билан ишлатган, улар асосида бадий маҳорат билан турли образлар ярата олган. Масалан,

Дедимки: “Рақибимни қошингдин кўтар!” Айтур:

Бир гул қаниким олида юз хор топилмас[3, 54].

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу,

Масалдурким: “Чароғ туби қоронғу”.

Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,

Ки дерлар: “Оққан ориққа оқар су”.

Юзунгни туттум ортуқ ою кундин,

“Кишининг кўзидур, оре, тарозу”.

Кўзинг қонимдин иймонмас, ажабтур,

Ки “Кўрқар қайдаким қон кўрса ҳинду”.

Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,

Ки айтурлар: “Тилогани тилоғу”[3, 95].

Беш байтдан иборат “Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу...” ғазали ирсоли масал санъатининг энг гўзал намунасидир.

Лутфий шеърларида қўлланилган *жырау (бахши), қурьлтай (мажлис, йигилиш), жарлық (фармойиш, буйруқ) каби* умумтуркий сўз ва иборалар, халқона оҳанг уларнинг кўпгина туркий халқлар шеърятини билан туташ ва боғлиқлигини намоёйиш қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лутфий. Девон.– Т., 2012.
2. Лутфий. Танланган асарлар (2-нашри). – Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1960.
3. Лутфий. Сенсан севарим. Ўзбек адабиёти бўстони. – Т.: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1960.
4. Навоий асрлари луғати.– Тошкент, 1972.

Адбурахмон аш-Шарқовий романида образларнинг ташқи қиёфаси

Махбубахон Тожибоева,
филология фанлари номзоди,
доценти (Қўқон ДПИ)

Ижодкор услубини ўрганиш адабиётшунослигимизнинг доимий масалаларидан биридир. Чунки ёзувчининг услубий изланишлари адабиётимизнинг ривожланиши учун асосдир. Ҳар бир ёзувчининг, бошқа ижодкорлардан ажралиб турувчи хос томони бўлади. Ёзувчи услубининг бир қирраси бадий асарда образларининг ташқи ва ички портретини яратишда кўринади.

Араб романнависи Абдурахмон аш-Шарқовий Бирлашган Араб Республикаси адабиёти ва умуараб адабиётининг кўзга кўринган вакилларида биридир. Унинг “Ер (“ал-Арз”)¹ романи бадийлиги жиҳатдан етук ёзилган роман сифатида араб адабиётшунослигида машҳурдир

“Ер” қадимги Миср адабиётдагина эмас, балки бутун араб адабиётида деҳқонлар ҳаётидан олиб ёзилган биринчи йирик романдир. Айниқса, аш-Шарқовий хотин-қизлар образини яратар экан, Миср деҳқонларининг иккинчи жаҳон урушигача бўлган ҳаётига умумлашмалар беради.

Адбурахмон аш - Шарқовий романида образларнинг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим – кечаги, яъни портретини яратиб беришига алоҳида аҳамият беради. Аёлларнинг ички ва ташқи портретини яратар экан қалами мукамаллик касб этади. Кўз олдингизга гўзал аёл портрети мўйқаламда ишлангандай намён бўлади.

Асардаги аёл қаҳрамонлардан бири Васифа образидир. Ёзувчи уни турли вазиятда, ҳолатда тасвирлайди. Ташқи қиёфасини, ички дунёсини, руҳий кечинмаларини, хатти – ҳаракатларини, бошқа образлар билан муносабатини сўзлар билан чизади. Васифанинг ташқи қиёфаси атрофлича характерланади. Ёзувчи ташқи қиёфаси тасвири орқали унинг руҳий дунёсига йўл очади.

¹ Абдурахмон аш-Шарқовий. Ер. Роман. Арабчадан Ш.Шонсловев таржумаси. Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. Т. 1968. Бундан кейинги мисоллар асарнинг шу нашрларидан олинди ва саҳифалари кўрсатиб борилади.

Романда Васифа портретига кўп маротаба мурожаат қилинган. Ҳар бир чизгида Васифанинг гўзал қиёфаси мукамаллашиб боради. Ҳар хил ҳолатдаги тасвирлар унинг ўзига хос қиёфасини яратиб беришга имконият туғдиради. Васифанинг дастлаб портретига ижодкор бутун бир саҳифани ажратади.

“Сув олиб келаётган қизларнинг бошларидаги кўзалар бир маромда чайқалиб боради. Фақат биттагина кўзагина бошқаларникига нисбатан кўпроқ чайқалади. Кўза эгасининг буйи бошқаларникидан баландроқ, қадамини ҳам илдамроқ босади. Битта шу қизгина белини сиқиб турадиган, гулли нимча кийган. Бошига қора шаффоф ёпинчиқ ёпиб олган, тўқ қизил дуррачасини нозук полукчалари кенг ва нозук пешонасида хилпираб туради”¹.

Юқоридаги тавсиф ким ҳақида эканлиги берилмаган. Ҳар ҳолда ўзининг бошқача кийиниши билан қишлоқ қизларидан ажралиб турувчи шахдам, дадил қиз қиёфасини кўз олдимишга келтиришимиз мумкин. “Бошига қўйиб олган кўза” эса унинг бошқа миллат вакили эканлигидан далолат беради.

“Бошларини бир оз эгиб олишга, кўзларини ердан узмасди. Фақат бир қизнинг шахло кўзларигина дадил тикилиб борарди”².

Уларнинг нимадандир озор чекаётганлиги, ҳаётлари машаққатли эканлигини сезиш мумкин. Улар иложсиз ҳолатда. Фақат бир қизгина курашга тайёр. Келажакдан умиди катта ҳеч нарсадан кўркмайдиган ботир ҳам. Бошқа аёлларни ҳам ўзининг дадил ҳаракатлари, қаҳрамонлиги ўз атрофидаги аёллардан ажралиб эркаклар билан тенг озодлик йўлида кураш олиб бориши ҳақида китобхонга туртки беради. Томчидан қуёш акс этганидан, асарнинг бутун воқеалари давомида шаклланган характер хусусиятлари портрет чизгиларида намоён бўлади. Ички ва ташқи гўзаллик уйғунлаштирилади.

“Бўйинлари ғозникидай оппоқ, истараси иссиқ, кўкраклари бўртиб чиққан, кўзани ушлаб олган, момик қўлларини тирсақкачак шимариб олган. Билакларига ялтироқ биллур бикузук таққан эди”³. “...Сутдай оқ юзларини, қип-қизил яноқларини бир кўрган киши мафтун бўлмай иложи йўқ. Қора ва қалин сочлари қизил дуррачаси тагидан такаббуруна тугиб, кифтини тўлдирган, лаблари гунча,

¹ Ойбек. Асарлар. 10 томлик. 4 том. Навоий. Роман. 1987 й. Кейинги мисоллар ҳам романнинг шу нашридан олинди.

² Ўша асар 21-бет

³ Ўша асар 21-бет

қирғий бурнига тақиб қўйилган булоқиси ҳар қадам ташлаганда қуёш нури тушиб муғомбирона жилва қилиб қўярди. ”

Аёллар қиёфасини чизишда араб романнависи Абдурахмон аш-Шарқовий қўллаган усулларни Ойбекнинг “Навойи” романида ҳам учратамиз. Асардаги Дилдор образи жисмоний ва маънавий етуқлиги билан ажралиб туради. Ойбекнинг Дилдор портретини атрофлича ёритишга, қуюқ бўёқлар билан беришга ҳаракат қилмайди. Бу масалага ниҳоятда эҳтиёткорона муносабатда бўлади.

Асар воқеаларида Дилдор образи бошидан охиригача қатнашмайди. Фақат ҳукмрон ижтимоий тузумнинг қурбонларидан бири сифатида талқин қилинади. Гўзаллиги унинг бахтига чанг солади. Ҳ. Бойқаро ҳарамига тортиқ қилинади.

“Дилдор баланд бўйли, жуссаликкина, бутун андоми ўзига келишган, тиниқ оқ юзли ингичка нафис қошли; кўзларининг қора юлдузли ёшлик ҳуснининг жонли фусункор олови билан ёнган ўн олти – ўн етти яшар қиз эди ”¹.

“Дилдор гилосдай қизил лабларига ёйилган табаассум билан бошини силкиди. “Кўзлари бирдан нашъи билан ёниб”... “Бошидаги рўмолчани тузатди, бармоқлари билан чакка сочларини тўғрилади”. Ижодкор Дилдорнинг “ақиқ рангли лаблари”нинг тасвирига романнинг бир неча саҳифаларида қайта-қайта мурожаат қилади.

Васифа	Дилдор
Бошқаларникидан бўйи баланд, истараси иссиқ, сутдай оқ, ингичка қора қошли, шахло кўз. Қора ва қалин соч, лаблари гунча, кип-қизил яноқлар. Бўйинлар ғозникидай оқ, кўкраклар бўртиб чиққан, момик қўллар, қирғий бурун.	Баланд бўйли, жуссали, бутун андоми ўзига келишган, тиниқ, оқ юзли, ингичка нафис қошли, қора юлдузи сочининг ранги берилмайди. Гилосдай қизил лаб, яноқлар тасвири йўқ. Бўйин тасвири йўқ, кўтарилган кўкрак, қўллар тасвири йўқ, бурун тасвири йўқ.

Аш – Шарқовий ташқи портретни кийимлар чизгиси билан аралашган ҳолда берди. Ойбек портрет яратар экан, кийимларга ортиқча эътибор қаратмайди. Аш – Шарқовий аёллар портретини мукамал беришга интилса, Ойбек штрихлар билан берди. Аш – Шарқовий аёллар портретида тақинчоқлар тасвирига мурожат этса, Ойбек умуман тасвирламамайди.

¹ Ойбек. Асарлар 10 томлик. 4 том Навоий роман, 17-бет.

Ҳар иккала роман қаҳрамонлари Васифа ва Дилдор дадил, қўрқмас аёллар образларидир. Маънавий ва жисмоний мукамал бўлган гўзалларни ўзлари ҳаракатланаётган жамиятда қадрлашмайдилар, балки фожеага дучор бўладилар. Ёзувчилар XV аср ва 1933-35 йиллар ижтимоий – сиёсий ҳолатига баҳо берганларида жамиятдаги ҳукмрон кучларнинг аёлларга бўлган муносабатини ёритиш орқали даврнинг носоз кўринишларини ўзларига хос йўналишда кўрсатиб берадилар.

Аш – Шарқовий ўзининг мақолаларидан бирида “жулдир кийимда юрса ҳам, озодликни орзу қилувчи ва шу йўлда яшовчи кишиларнинг образларини”¹ яратишга қақирган эди. Ҳар иккала романдаги аёллар камбағал оилаларда истиқомат қилсалар-да ҳақиқий муҳаббатни қадрлайдилар ва озод яшашни орзу қиладилар. Аш – Шарқовийнинг “Ер” ва Ойбекнинг “Навий” романлари араб ва ўзбек дўстлик муносабатларини мустаҳкамланишига қўшилган муносиб ҳиссадир.

Хусайний девонининг икки нашри хусусида

Хуснигул Жўраева,
ўқитувчиси (ТДПУ)

Шоҳ ва шоир Хусайн Бойқаро – Хусайний ўзбек адабиёти тарихида муҳим босқич ҳисобланган XV аср Ҳирот адабий муҳитининг пешқадам вакили саналади. Хусайний девонинг турли йилларда кўчирилган 20 дан зиёд қўлёзма нусхалари замонамизгача етиб келган. Улар юртимиз ҳамда чет эл қўлёзма фондларида сақланмоқда. Бундан ташқари XVI ҳамда XIX асрда Шарқ мамлакатлари ҳудудида тузилган қўлёзма баёзларда ҳам Хусайний ижодидан намуналар учрайди.

Шарқнинг XV аср адабиёт тарихи билан шуғулланган Хорижий Шарқ олимлари шоир Хусайний ижодий меросини дастхат манбалар асосида ўрганиб, “Девони Хусайн Бойқаро” ва “Рисолаи Хусайн Бойқаро” ни ўтган асрнинг бошларида чоп эттирганлар.

Хусусан, 1946 йилда турк олими, профессор Исмоил Ҳикмат Бурҳониддин Эранлар матбааси да “Девони Хусайн Бойқаро” нашр этирилди. Ушбу нашр “Оё Суфия” кутубхонасидаги 3911-рақамли Фотиҳ қўлёзмасининг факсимел нусхаси саналади. Ношир

¹ Ўша асар 312-бет

Фотиҳ нусхаси асосида Хусайнийнинг 150 ғазалини жамлаган. Бундан ташқари, нусхада мавжуд бўлмаган ғазал ва мухаммаслар ҳам китобга киритилган.

Муқаддидада Исмоил Эртайлон томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: "Факсимел қилинган бу нусха ҳар жиҳатдан ҳам қимматли ва гузал бир санъат асаридир. Бошдан охир зарафшон, олтин суви сепилган қоғозга алоҳида эътибор кўрсатиб ёзилганидан билиш мумкинки, бу санъат асари йирик мартабали киши учун тайёрланган. Кошки, аслиятдаги нафосатини акс эттириш имкони бўлса. Фақат бунинг бугун иложи йўқ. Фотоаппарат билан олдирилган нусхаларда аслиятдаги гузалликни акс эттириш мумкин эмас. Келажақда янада гузал ҳолда нашр эттириш орзуси билан бугун бу нусхага ҳам рози бўламиз"¹. Ўзбек мумтоз адабиёти вакили Хусайний ижодий меросининг турк олими, мутаржими томонидан шу қадар юксак эъзозланиши, шеърларининг турк адабиёти намуналаридан ўрин олиши Хусайний бадиий маҳоратига, ижодий салоҳиятига нисбатан кўрсатилган чексиз эҳтиром белгисидир.

1968 йилда афғон олими Муҳаммад Яъқуб Жузжоний Кобул "Таъби китоб" нашриётида "Девони Хусайн Бойқаро" ни чоп эттирган. Китобда Хусайнийнинг 202 та тугалланган ва 2 та тугалланмаган ғазали, 2 мухаммас, 6 рубойи, 6 байт фард, 1 форсий ғазал ва бир форсий рубойи, Абдураҳмон Жомий байтларига жавобан ёзилган 3 байт, шунингдек, "Рисолаи Хусайн Бойқаро" ўрин олган. Нашрда ғазал жанри сон ва миқдор жиҳатидан асосий ўринни эгаллайди. Ғазалларга турли тарзда сарлавҳалар қўйилган. Жумладан, "Валаҳу мин файзонун саҳоби таъба" ("Бу ҳам ул киши таъби булутининг файзларидандир"), "Валаҳу тўли умраҳу ва мамлакатуху" ("Ул кишининг умри ва мамлакатдорлиги узок бўлсин"), "Ва мин ҳидоятуху" ("Ул кишининг йўл кўрсатувчи асарларидандир"), "Ва мин насойихатуху" ("Ул кишининг насиҳатларидандир") тарзидаги сарлавҳалар берилган. Сарлавҳаларнинг моҳияти ва мазмунидан аён бўладикки, уларни девонни кўчирган котиблар қўйган.

Истанбул нашри билан Кобул нашрини ўзаро қиёслаганимизда, улардаги шеърларда муайян тафовутлар борлиги кўзга ташланади. Масалан, "Тиши васфида дедим, дур киби яксон алфоз"

¹ Девони Хусайн. - Истанбул, Бурхониддин Эранлар матбааси. 1946. 7-бет.

газали жами 6 байтдан иборат. Кобул нашрида 7 байт ҳажмида. 3-байти:

*Муддаишлар сўзи бемаъно, агар бўлса, не тонг,
Истама маъно агар этса нодон алфоз.*

“Ишқ асирин ошиқ улғон мубталолардин билинг” газали 8 байт, Кобул нашрида 9 байтдан иборат. 3-байти:

*Танда ҳар ўқ захмидин бағримда айланг бир бошоқ,
Ул бошоқларнинг ҳисобин бу яролардин билинг.*

“Гулшани кўндин, эй жон, равзаи ризвон хижил” газали 6 байт, Кобул нашрида 7 байтни ташкил қилади. 7-байти:

*Садқаси бўлди Ҳусайний, жон дағи қилди фидо,
Бўлмади ёр олида бори бу саргардон хижил.*

“Топмадим бир мушфикеким, ҳоли зоримни десам” газали жами 5 байт бўлиб, Кобул нашрида 7 байтдан иборат. 5-6-байтлари куйидагича:

*Соядин ўзга кишим йўқдур ёнимда, эй кўёш,
Ғам туни ёлғузлугумда ғамгусоримни десам.:
Соқие, май тутки, кўнглунг оғригай гар ёрнинг,
Жоми васли шавқидин муҳлик хуморимни десам.*

“Ёрсиз маҳзун кўнгул девона бўлмай найласун” деб бошланувчи ғазал 5 байт бўлиб, Кобул нашрида 7 байтдан иборат. 3-4-байтлари берилмаган.:

*Ишқ тўфонию май селоби ҳар дам ўксумас,
Эй кўнгул, умрим уйи вайрона бўлмай найласун.:
Орази гулшан аро гулдур шабистон ичра шамъ,
Гаҳ бу ҳам булбул, гаҳи парвона бўлмай найласун.*

“Гар келиб, вайрона қабримни зиёрат қилгасен” деб бошланувчи ғазалнинг 5-байт калималарида фарқли ўринлар учрайди. 5-байт куйидагича тарзда берилган:

*Ул истигносидин афлок эрур паст, эй кўнгул,
Ҳожат эрматурки сен изҳори ҳақорат қилгасен.
Байт Кобул нашрида тўлдирилган, мукамал тарзда*

берилган.

*Ул ой истигносидин афлок эрур паст, эй кўнгул,
Ҳожат эрматурки сен арзи ҳақорат қилгасен.*

Демак, Истанбул нашрида “ой” сўзи тушиб қолган. 2-мисрадаги “изҳори” сўзи мантиқан байт мантиқиға тўғри келмайди. Кобул нашридаги “арзи” сўзи тўғри қўлланган.

Нашрдаги 90-ғазалнинг 4-байт 2-мисрасида тафовутлар бор. Ғазалнинг “Нор анингдекким, биайниҳ нотавон устинда нун” мисрасидаги “нор” сўзи Кобул нашрида “бор” тарзида ёзилган ва шеър моҳиятига мос келади.

“Навбахор айёми булбулдек нечук чекмай фиғон” ғазалида 2-байт 2-мисраси учрамайди. Мисра “Ким сариг кўргузди гул, ул тоза шохи арвугон” шаклида бўлиши керак.

Истанбул нашрида “Кўз ёшимдур фурқатингда юз уза турлук хазон” ғазалининг 2-байти берилмаган

Гунча оғзинг, гул юзинг, туби қадинг, сабза хатинг,

Бўлмасун, ё раб, мунунгдек, ҳуснунгга ҳаргиз хазон.

Ғазалнинг 4-5-6-байтлари “Эй, сенинг қошу кўзинг серфитнаи охир замон” деб бошланувчи ғазалдаги 3-4-5-байтлардир. Байтларни келтириб ўтамиз.

Эл аросинда неча сирримни пинҳон сақладим,

Бу сариг юз ошкоро айлади рози ниҳон.:

Гар хаёлинг бўлса меҳмон, кўнглум уйинда даме,

Айлагай юз сори ҳардам кўзларим гавҳаришон.

Дедим: “эй жон, дардима васлинг била бир чора қил”,

Кулуб айтур “Эй Ҳусайний, тутма мендин бу гумон”.

Шеърнинг ўзига тегишли бўлган байтлар аслида куйидагича бўлиши керак:

Ул икки кўздурму ё васлинг, воҳ, заъфдин,

Гушаи ҳижрон аро ётмиш бу икки нотавон.

Бир пари ишқида мендек бўлса раво, тонг эмас,

Сиррини Мажнун била Фарҳоддин ёшурмагин.

Душманимдин не балолар етти маҳзун жонима,

Дустлар ҳам, ваҳки, бу маҳзунга айлар қасди жон.

Нашрда Ҳусайний ушбу ғазалига тегишли мактаъ алоҳида ҳолда келтирилган:

Ишқ Қофи остида қолган Ҳусайний туфрогин,

Неча жон тортиб, чиқаргайлар они аҳли жаҳон.

Шоирнинг “Эй, сенинг қошу кўзинг серфитнаи охир замон” ғазали жами 5 байтли ғазалдир. Истанбул нашрида 8 байтдан иборат. Шеърнинг 1-2-байтлари мукамал бўлса, 3-4-5-6-7-8-байтлари “Кўз ёшимдур фурқатингда юз уза турлук хазон” ғазалига қарашли.

“Нуктаи холинг ажаб йўқ, лаъли хандон устина” ҳамда “Ваҳки, бўлди бир пари бу доғи ҳижрон устина” деб бошланувчи

ғазаллар ҳам нашрда қоришиқ ҳолда берилган. “Хатти жонафзо чиқармиш, лаъли хандон устина” ғазали эса 6 байт бўлиб, Кобул нашрида 7 байтдан иборат.

*Бошинг узра гулму санчибдурсен, эй раъно, ниҳол,
Йўқса пайванд айладинг, сарви хиромон устина.*

“Хусн ила сен комилу Ширину Лайли шухрати” ғазали 6 байт ҳажмида, Кобул нашрида 7 байтдан иборат.

*Воизо, гар хубларнинг ишқи гуноҳ эрур не гам,
Чунки тангрининг гуноҳ аҳлига кўндур раҳмати.*

Хусайнийнинг “Ўртади” радифли ғазалининг 5-байт 2-мисраси “Чунки ондин золими номехрибоним ўртади” бўлиб, Кобул нашрида “Ваҳки, сўнгра золими номехрибоним ўртади” ҳолида ёзилган.

131-ўринда келган “Нетай” ғазалининг 2-байт охирида “нетай” сўзи тушиб қолган. “Бас эмас эрди манга ҳам ўз ўтум, ҳам ёр ўти” ғазали Истанбул нашрида 6 байт, Кобул нашрида 7 байт ҳажмида.

*Жону кўнглум бирла бағрим куйди бу уч ўт била,
Яхши боқсам, юз тамугча ҳар бирининг бор ўти.*

Шеърнинг 4-байт 1-мисраси “Бўйла, уч бирла бағрим куйди бу уч ўт била” шаклида бўлиб, Кобул нашрида “Бўйла, уч ўт бир кўнгулга тушса куймай найлагай” сифатида тўғри берилган. Байтнинг 2-мисраси нашрда ёзилмаган. 2-мисра:

Ўйлаким, булбул ўтию гул ўтию хор ўти.

“Топшурай” ғазалининг 5-байт 2-мисраси “Топмадим келким, эваз жонимни товон топшурай” нашрда ёзилмаган. 6-байт 2-мисраси ҳам тушириб қолдирилган. 2-мисра:

Новаки жавринг учун бир неча пайкон топшурай.

Шуни айтиш керакки, Истанбул нашрида Хусайнийнинг “Ниҳон” радифли ғазаллари пароканда, аралаш ҳолда берилган. Масалан, “Зулфи ичра гул, гул ичра лаъл хандондур ниҳон” деб бошланувчи ғазалнинг 1-2-байти тўлиқ ва тўғри келтирилган, аммо 3-4-5-6-байтлари “Сабзай хаттинг ичинда ўйлаким жондур ниҳон” деб бошланувчи ғазалга тегишли.

“Зулфи ичра бел, хат ичра лаъли хандондур ниҳон” ғазали 8 байт бўлиб, Кобул нашрида 7 байтдан иборат:

Нордек кўнглумни айлаб чок маълум айлаким,

Кўксим ичра қатра-қатра боғлагон қондур ниҳон. – мисраси Кобул нашрида ҳам, биз таҳлилга тортган бошқа кўлёмаларда ҳам

“Сабзаи хаттинг ичинда ўйлаким жондур ниҳон” деб бошланувчи газалнинг 6-байти бўлиб келган.

Ҳусайний девонининг Кобул ва Истанбул нашрларини ўзаро қиёслаб, синчиклаб солиштириб чиқиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, Кобул нашрида Ҳусайний шеърлари жанр нуктаи назаридан ранг-баранглик касб этади. Унда шоир қаламига мансуб нафақат газал, мухаммас, балки, рубойи, фард, Абдурахмон Жомий байтларига жавобан ёзилган 3 байт ҳам берилган. Иккинчидан, Кобул нашрида Ҳусайнийнинг ҳали бирор нашрда учрамайдиган янги бир форсий газали ва бир форсий рубойиси ўрин олган. Учинчидан, “Рисолаи Ҳусайн Бойқаро” асари Кобул нашрига киритилган. Туртинчидан, шоир шеърлари солиштирилганда, Истанбул нашридаги айрим газалларнинг байтлари миқдорида етишмовчиликлар кўзга ташланади. Масалан, “Алфоз”, “Билинг”, “Хижил”, “Десам”, “Устина”, “Ўти”, “Найласун” радифли газалларнинг байтлари Кобул нашрида мукаммал, тўлдирилган ҳолатда берилган.

Бешинчидан, Истанбул нашрида Ҳусайнийнинг “Устина”, “Ниҳон” туркумидаги газаллари пароканда, қоришиқ тарзда келтирилган. Олтинчидан, Истанбул нашрида айрим газаллар мисралари аралашиб, ўрни алмашиб кетган. Мисол тариқасида, “Кўз ёшимдур фурқатингда юз уза турлук хазон”, “Эй, сенинг қошу кўзунг, серфитнаи охир замон” деб бошланувчи газалларни кўрсатиш мумкин. Еттинчидан, манбашунос олим Муҳаммад Яъқуб Жузжоний Кобул нашрининг сўнгида Ҳусайний газалларидан баъзиларини форсий тилга таржима қилиб, таржима шеърларни ҳам нашрга киритган.

Кўринадики, Муҳаммад Яъқуб Жузжоний Кобул нашрини тайёрлашда Ҳусайний девонининг қўлёзма манбаларини синчиклаб ўрганган, шоир шеърятининг ҳар бир жиҳатини жиддий эътиборга олиб, Шарқ ва Хорижда сақланаётган Ҳусайний девонлари билан танишган, натижада Ҳусайн Бойқаро ижодининг нисбатан мукаммал нашрини тайёрлаган.

Адабиётда инсон матонати тасвири

Гузалхон Муҳаммаджонова,
доцент (ФДУ)

Адабиётдаги кўҳна мавзулардан бири бу – инсон матонати, енгилмас иродаси мавзусидир. Бу мавзу жаҳон адабиёти ва миллий адабиётимизда турли даражада ёритилган. Жумладан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Минг бир жон” ҳикоясидаги Мастура, “Асрор бобо”даги Асрор бобо, О’ Генрининг “Сунгги япроқ” ҳикоясидаги Жонси, Б.Полевойнинг “Чин инсон қиссаси” асаридаги Алексей Мересьев, М.Шолоховнинг “Инсон тақдири” қиссасида Андрей Соколов сингари образлар мисолида чин маънодаги енгилмас ирода соҳибларининг қиёфаси намоён бўлади. Асарлардаги талқинлар жанрий имкониятлар, услубий маҳорат ва миллийлик нуқтани назаридан ўзига хослик касб этиш билан бирга муштараклик ҳам намоён этади. Ана шу жиҳатлардан бири Инсоннинг инсонийлигини белгиловчи асосий омил- унинг енгилмаслиги эканлигини таъкидлашда кўринади. Адиб М.Горький таъкидлаганидек, “Инсон мағрур жаранглайди!” Унинг бу мағрурлиги ортида эса катта сабот ва матонат, енгилмас ирода яширинганлиги мазкур мавзудаги асарларда алоҳида эътироф этилади.

Машҳур ёзувчи Ч.Айтматовнинг “Сомон йўли” қиссасини инсон иродасига қўйилган ҳайкал, деб аташ мумкин. Ҳам жудолик, ҳам меҳнат машаққатларига таслим бўлмаган Тўлғаной ҳаётнинг синовларини мардона енгиб ўтади. Уруш туфайли эри ва уч ўғлидан, келинидан бирин-кетин айрилган аёлнинг метин иродаси асарда чуқур психологик талқинлар билан ёритиб берилган. Тўлғаной жудолик азобига ҳам, ўртага тушган орийат масаласига ҳам оғирлик ва ақл билан муносиб жавоб беради. Бу борада у халқнинг меҳридан қувват олади, меҳнатдан нажот топади. Асарда ёзувчи *уруш - инсон ва жамият кушандаси*, чексиз офатлар манбан эканлигини воқелар ривожидан образли кўрсатиб берган. Шунингдек, асарда *“инсон тафтини инсон олади”, “меҳнат- инсоннинг ўзлигини англади”, “инсон-енгилмаслиги билан улуг”,* деган фалсафий-ғоявий фикрлар илгари сурилади. Асарнинг бу каби

поэтик хусусиятлари А.Рашидов изланишларида атрофлича ёритилган¹.

Асар қахрамонлари силсиласидаги асосни Тўлғаной (она) ва Ер ташкил этади. Тўлғаной – умумлашма образ. У уруш жудоликларидан азият чеккан халқнинг, миллат Онасининг тимсолидир. Асарда ноанъанавий баён услубидан фойдаланилган. Қисса Тўлғанойнинг монологи (ички ва ташқи) ва Ер билан диалогидан ташкил топган. Асарда муаллиф, баёнчи, ҳикоячи йўқ. Асар воқеалари Тўлғаной ва Ер томонидан “чизилади”. Ер нутқининг баъзи ўринларида муаллиф муносабати сезилса-да, асарда муаллиф нутқи йўқ. Ёзувчи бу билан Тўлғаной ва Ер ўртасидаги яқинликка соя солишни истамаган, яъни “учинчиси ортиқча” усулига амал қилган. Дарҳақиқат, Тўлғанойнинг сирлашувида ташқи таъсир ёки узга аралашув кўнгил кечинмаларининг рангин ифодасига монёълик қиларди.

Қиссада ёзувчи ижодининг асосий етакчи мавзуларидан бири – инсон ва табиат яхлитлиги муҳим ўрин тутади. Тўлғаной тўлиб кетганида, қийналганида, соғинчдан ўртанганида Ер билан сирлашади, ундан қувват олади. Ҳаётга интилиш, сабр – бардошни Ердан олди. Ер Тўлғанойга доимий юпанч, суянч бўлиб келган. Балки асарнинг иккинчи номи (“Момо Ер”)да Ер эъзозланиб Она Ер, Момо Ер тавсифий маъносига эътибор қаратилгандир. Лекин бизнингча, иккинчи вариант инсон ва табиат яхлитлигига кўра Момо ва Ер тизимида бадий моҳият кучли.

Ретроспектив сюжет асосига қурилган асарда хотирот, ёдга олиш асосида Тўлғанойнинг бутун ҳаёт йўли ёритилади, характерининг ривожланиб бориши кўрсатилади. Сувонкулга муҳаббат кўйган, ҳаётни меҳнат ва унинг роҳатидан, яратувчанликдан, оила тотувлигидан, фарзандлар шодлигидан иборат деб билган Тўлғаной уруш туфайли сабр-бардошда тенгсиз аёл, садоқатли ёр, теран мушоҳадали бригада бошлиғи, кетма-кет фарзанд доғида куйган, лекин тақдир синовига бош эгмаган, ҳар недан ҳикмат излаган, халқидан буюк меҳр топган аёл сифатида намоён бўлиб боради.

Бирин-кетин бошига тушиб бораётган тақдир зарбаларидан қалқа-қалқа бор кучини тўплаб олдинлаб бораётган Тўлғаной келини Алиманиннг ўлиmidан кейин буткул ёлғиз қолганини ҳис эътиб ўзига ўлим сўрайди. Бироқ бу маълум дақиқалар давом этади.

¹ Рашидов А. Чингиз Айтматов олами. –Т: Ўқитувчи, 2011. –Б.101-118.

Янги туғилган чақалоқ, унга масъуллик ҳисси Тўлғанойни яна ҳаётга қайтаради. Бу ўринда ҳаёт ва ўлим, бахт ва бахтсизлик ораси нақадар яқинлиги образли тарзда ўз ифодасини топган. Тўлғанойда шафқатсиз ҳаёт синовлари билан яна бир бор беллашиб кўриш истагининг пайдо бўлиши енгилмас ирода соҳиби эканлигидандир.

“Майли, бу бечора бошимга нималар тушмади”, - дея хотирлаётган Тўлғаной умрининг ҳар бир лаҳзасида халқнинг меҳрини ҳис этади, ундан қувват олади: “Эл-юрт бор экан — ҳаёт ҳам бор”.

Тўлғанойнинг белини букмаган, яшашга умид, ҳаётга ишоч берган бу – эл- юрт меҳри эканлигини китобхон асарни сатрма-сатр ўқиб бориш жараёнида теранроқ англаб боради. Тўлғаной эл-юртга, оиласига, ерига меҳрини берган инсон. Унинг нигоҳи ҳар нарсадан бир ҳикмат, гузаллик ахтаришга интилади. Балки Тўлғанойнинг ютуғи ҳам, синовлар гирдобидида синиб йўқ бўлиб кетмаганлигининг ҳам сири шундадир.

Э.Ҳемингуэйнинг рамзийлик асосига қурилган ва катта ҳаёт фалсафаси мужассам “Чол ва денгиз” асарида ҳам инсоннинг енгилмас руҳи тасвирланган. Чол – Сантяго бу инсонларнинг тимсоли, денгиз бу – ҳаёт. Денгиз оддийдек туюлса-да, бағрида минг-миллионлаб ўсимликлар, ҳайвон ва мавжудотларни мужассам этган ҳаёт тимсоли. Сантяго эса ўзи сингари миллионлаб одамларнинг бир вакили. Вакили бўлганида ҳам ёши кекса, ўз кучидан бошқа таянадиган нарсаси йўқ, ҳатто омад ҳам юз ўтирган бир инсон. Лекин у бу синовларнинг олдида ўзини йўқотмайди, умидсизликка тушмайди. Унинг бахти ҳам, бойлиги ҳам шунда. Ҳамиша келажакка умид билан қараб, катта мақсадлар билан яшаётган чол охири кўзланган мақсадига-улкан балиқни тутишга эришади. “Инсон умри мобайнида бўйдан катта орзулар қилмоғи керак, ҳеч йўқса, бўйи баробарига эришади”, деган ғоявий фикр мужассам.

Бутун умрини балиқчилик билан ўтказган, керак бўлса, бу маҳорати билан одамларни лол қолдирган, бир вақтлар ўта кучли ва бақувват бўлган, элнинг назаридаги Сантягога биллагидан кучи кетиб, ёши ўтгани сари аксига олгандек омаднинг ҳам юз ўгириши жуда алам қиларди. Лекин “бу омадсизлик эмас, бир синов холос, ҳали қўлимдан кўп нарса келади”, - дея ўзини ишонтирар эди. Шунинг учун ҳам саксон тўрт маротаба овга чиқиб ўлжасиз қайтиб келганида ҳам умидсизликка тушмайди. “Нима бўпти, ўтган гал

саксон еттинчи овда омадим келган, ҳечқиси йўқ, ҳаммаси яхши бўлади”, - дея умид қилади.

Орзулар рўёби Сантягодан катта жасорат ва тўлов талаб қиларди. Қария учун бу қанча оғир бўлмасин, у тинимсиз ва жасорат билан очиқ денгизда ёлғиз ўзи очлик ва ташналик азобига чидаган ҳолда курашишга ўзида куч топа олди. Тахлика ҳамроҳлиги, жисмоний ва руҳий азоблар Сантягонинг иродасини синовдан ўтказар ва бу имтиҳонни зўр тиришиб муваффақиятли топширишга ҳаракат қиларди: - “Аммо инсон боласи енгилиб, енгилганига рози бўлиб кетавериш учун яратилмаган,”- деди у. - “Одамзодни янчиб ташлаш мумкин, лекин уни енгиб бўлмайди. «Умидсизлик - ҳалокат,- деб ўйларди у . - Бунинг устига, фаҳмимча, умидсизлик ҳатто – зуноҳ”.

Ҳар икки асар қиёсланганда куч қувватга тўлган шахс образи эмас, балки бирида аёл, иккинчисида кекса чол образи асосий қаҳрамон сифатида талқин этилганининг гувоҳи бўламиз. Демак, инсон иродаси жисмоний куч-қудратдан эмас, руҳий оламидан қувват олади. Тўлғаной ҳам, Сантяго ҳам руҳан бакуват, тушкунликка буй бермайдиган кучли шахслар бўлганлиги боис олдиларида турган машаққатни енгиб ўтдилар. Қаҳрамонларнинг машаққатлар гирдобидаги аёвсиз курашларини Ч.Айтматов ҳам, Э.Ҳемингуэй ҳам юксак маҳорат билан ифодалаб берган. Мазкур асарлар инсон учун катта ибрат мактабидир. Улар нафақат инсон табиати, Инсонни англаш, балки ўзликни англашда катта аҳамият касб этади.

Муҳаммад Юсуф ижодида жониворлар мавзуси

Мўминжон Сулаймонов,
филология фанлари номзоди,
доцент (НамДУ)

Мусулмон Усмонов,
ўзбек тили йўналиши
4- курс талабаси (НамДУ)

Касб-хунар коллежларининг амалдаги “она тили ва адабиёти” фани дастурида Муҳаммад Юсуф ижодини ўрганишга икки соақт вақт ажратилган. Дарсликда шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид ихчам маълумот берилган ҳамда учта шеъри ўрганишга тавсия

этилган. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодини пухта ўрганиш учун ажратилган соатлар озлик қилади. Аммо шу мавжуд имкониятдан ҳам унумли фойдаланиш мумкин.

Дарснинг биринчи қисмида шоир ижодига хос бўлган эътиборга молик хусусиятлар алоҳида кўрсатиб ўтилади. Жумладан, ватан ҳақида жуда кўп гузал шеърлар ёзганлигини, уларнинг аксарияти кўшиқ қилиб айтилаётганлигини таъкидлабанади ҳамда “Улуғимсан, Ватаним” кўшиғидан парча ёки айнан шу шеърнинг шоир ўзи ўқиган варианты эшиттирилади. Шундан сўнг шоирнинг бошқа мавзулардаги асарлари ҳам юксак маҳорат маҳсули эканлиги баён қилинади. Масалан, ватанимиз тарихига оид, муҳаббат, она мавзусидаги шеърларидан намуналар келтирилади. Машғулотнинг иккинчи қисмида шоирнинг дарсликда берилган “Жайрон”, “Муҳаббат” ва “Янги йил кечаси” шеърлари ўрганилади.

“Жайрон” шеърини ўрганишни бошлашдан олдин Муҳаммад Юсуф ижодида жониворлар мавзуси алоҳида туркумни ташкил этишини ўқувчиларга уқтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Масалан, “Қалдирғоч”, “Булбул”, “Турналар”, “Оқ тулпор”, “Тойчоқ бўлиб...”, “Оқ кўчқор”, “Мунчоқ” каби шеърлари эслатилади. Шунингдек, шоирнинг “Булбулга бир гапим бор”, “Эрка кийик” каби тўпламлари борлигини таъкидлаб ўтиш ҳам фойдадан ҳоли эмас. Шу тарзда ўқувчиларга Муҳаммад Юсуфнинг она - юрт табиатига ошиқ қалб эгаси эканлигини тўла очиб бериш имконияти туғилади.

Севимли шоиримиз ватанимиз табиатининг нафақат ошуфтаси, балки дилбар куйчиси ҳам бўлганлигини айтиб, гуллар, ўсимликлар, ўт-ўланлар билан боғлиқ бетакрор шеърлар ёзганлигини таъсирчан мисоллар орқали баён қилинади.

Бу йил март ойидан от мучали бошланганлигини ҳисобга олиб, шоирнинг от ҳақидаги шеърларига ҳам алоҳида урғу берилади. Ўқувчилар мактабда канадалик ёзувчи Эрнест Сетон-Томпсоннинг “Ёввойи йўрга” асари билан танишганлар, шунингдек, Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” киссаси тўғрисида маълумотга эга бўлганлар. Уларда от тимсоллари ҳақида маълум тасаввурлар шаклланган. Умумтаълим мактабларининг 8-синф адабиёт дарслигида рус шоири Сергей Есенин ижодидан намуналар берилган. Ўқувчиларга рус шоири шеърлари мазмуни

эслатилади ва Муҳаммад Юсуф билан Сергей Есенин ижодининг муштарак жиҳатлари таъкидланади. Юқоридаги маълумотлар ҳаммаси мавзуга боғланади. Ҳар хил шароитда, турли даврларда, турли ҳудудларда яшаган ижодкорлар асарларида илгари сурилган гоёлар бир-бирини тўлдиришига алоҳида урғу берилади.

Ёшлар қалбида инсоннинг ҳақиқий дўсти бўлган ҳайвонларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришда Муҳаммад Юсуфнинг жониворлар мавзусидаги шеърлари катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Бу ўринда шоирнинг “Оқ тулпор” шеърини ифодали ўқиш, айниқса, куйидаги парчаларга алоҳида урғу бериш кўзланган мақсадга эришиш имкониятини туғдиради:

*Оқ тулпорим бор эди,
Беклар унга зор эди.
Оғайнилар от менга
Ҳам дўсту ҳам ёр эди.
Ёлин ўпсам тиз чўкиб,
Кафтимдан сув ичарди.
Чух, десам, ер чангитиб,
Осмонларга учарди...
Ёрдан кечдим отни деб.
Элга бўлдим эрмақлар.
Қайдин билсин от қадрин,
От минмаган эрмақлар!?*

Муҳаммад Юсуф ижодида жониворларга нисбатан дўстлик туйғуларига қараганда ҳам меҳрибонлик устун эканлигини яққол сезиш мумкин. Масалан, унинг “Оқ кўчқор” шеърида шундай ҳолни кузатамиз:

*Беканг мендан сўрамай
Пойимга қурбон қилди.
Жовдираган кўзларинг
Юрагимни қон қилди.
Оқ кўчқорим оқ кўчқор,
Олдингда гуноҳим бор...
Кўчқорини қийнаган
Бекаларни севмайман.
Ўзим кўчқор шоирман,
Кўчқор гўштин емайман!..*

Шоир ижодида жонли табиат билан боглиқ жиҳатлар алоҳида мавзуни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам дарсликка “Жайрон” шеъри киритилган бўлиб, жониворлар инсон билан узвий боглиқлигини, улар ўртасида айрим руҳий ўхшашликлар борлигини таъкидлаш асосида дарснинг тарбиявий мақсади ўқувчилар онгига сингдирилади.

Юртимизнинг хушманзара табиати акс этган картиналар ва дарс мавзуси юзасидан тайёрланган слайдлар видеопроектор орқали намойиш этилади. Бевосита мавзуга боглиқ равишда Қизилқум қуриқхонасида яшайдиган жайронлар оиласига мансуб Бухоро оҳуси намойиш қилинса, дарс самарадорлиги ҳам, таъсирчанлиги ҳам ошади.

“Жайрон” шеърига мазмунан мос “Эрка кийик” шеърини ҳам эслатиш ва ундан парча ўқиб бериш билан дарс давом эттирилса айни муддао бўлади:

*Эрка кийик, майлими бир эркаласам,
Мажнун бўлиб, саҳроларга еталасам,
Бу дунёда бирдай гарб мен ҳам, сен ҳам,
Эрка кийик, майлими бир эркаласам,*

Муаллим “Жайрон” шеърини ўзи ифодали ўқиб беради ва шеърни юқорида билдирилган фикр- мулоҳазаларга боғлаб таҳлил қилади.

Муҳаммад Юсуф ижодига бағишланган машғулотни ўқитишнинг замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда ноанъанавий усуллар асосида ташкил этиш кўзланган мақсадга эришиш кафолатидир.

Mumtoz adabiyot an`analari davomchisi

Farida KARIMOVA,
filologiya fanlari nomzodi,
dotsent (NamDU)
G. TO'LQINOVA,
o'zbek tili yo'nalish 4-kurs
talabasi (NamDU)

Adabiyot maydoniga kirib kelayotgan har bir yosh talant o`ziga qadar yaratilgan adabiy tajribalardan ma`naviy oziq oladi, o`rganadi. Shu an`analar zaminida kamolga yetadi. Shu ma`noda Dilorom

Ergasheva mahorati qirralarining sayqal topishida mumtoz adabiyotimiz vakillari, xususan, Alisher Navoiy, Boborahim Mashrablar gʻazaliyoti taʼsiri katta boʻldi.

D.Ergashevaning “Muhabbat”, “Hech nima diydorga yetmaydi” toʻplamlaridagi sheʼrlarining katta qismini gʻazal va muxammaslar tashkil etadi. “Mashrabona” toʻplamidagi sheʼrlarning barchasi gʻazal, murabbaʼ muxammaslardan iborat.”Oshiq oʻlsang” deb nomlangan devonida mumtoz adabiyot anʼanalarini davom ettirib, uni debocha bilan boshlaydi.Devondan gʻazal, muxammas, murabba, mustahzod, musaddas, tuyuq kabi onga yaqin janrlardagi sheʼrlar oʻrin olgan.

Sharq adabiyotida muxammas bogʻlash shoir mahoratini belgilovchi mezonlardan biridir. Dilorom Ergasheva ham muxammas janrida oʻz qalamini sinab koʻrgan, Navoiy va Mashrab gʻazallariga muvaffaqiyatli muxammaslar bogʻlagan.

Shoira Alisher Navoiyning “Chiqmasa jonon, gʻam-u anduhdin jonim chiqar”, “Ey koʻngul, holimgʻa ul oy rahm qilgʻudek emas” misralari bilan boshlanuvchi gʻazallarini beshlantirgan. Quyidagi muxammasning birinchi bandiga eʼtibor qiling:

Dardi ishqing yozganim birlan yozilgʻudek emas,

Dil yarosi bitgudek ermas, yorilgʻudek emas,

Kim shifo onini soʻrdim, kimsa bilgudek emas,

Ey koʻngul, holimgʻa ul oy rahm qilgʻudek emas,

Zorligʻ birla ishim andin ochilgʻudek emas.

Bandning dastlabki uch misrasi Dilorom Ergasheva qalamiga mansub, oxirgi ikki misra esa Navoiy misralaridir. Banddagi misralar vazn va qofiya jihatidangina emas, balki mazmun, fikr-mulohazalarning tadriji bilan ham uzviy birikib ketgan. Yaʼni bandlarning mazmuni shunday: ishqing tufayli tortayotgan dard-u gʻamlarimning taʼrifini yozganim bilan tugatib boʻlmaydi. Dilning yarasi esa bitmaydi ham, yorilmaydi ham. Shifo onini soʻradim, lekin buni hech kimsa bilmaydi. Ey koʻngil, mendek oshigʻiga mahbubam rahm-shafqat qilmaydi. Qancha zoru tavallo qilsam ham uning visoliga yetishishim mushkul.

Dilorom Ergashevaning Namangan zamini farzandi – Boborahim Masrab sheʼriyatiga muhabbati kuchli. Uning koʻpchilik gʻazallari mashrabona ruhda bitilgan yoki eng koʻp Mashrab sheʼriyatidan oziq va ilhom olgan. Masalan, shoiraning “yigʻlamay boʻlmas” radifli gʻazali Mashrabning “yigʻlamay boʻlmas”radifli gʻazallariga nazira tarzida bitilgan. “Sigʻmagay” radifli muxammasi esa shoirning “sigʻmamdur”

radifli g'azali ruhida yaratilgan. Shoirauning "Mashrabona" deb nomlangan g'azalida ustoz ijodidan bahramandligi o'z ifodasini topgan:
***Yoronlar bir xabar keldi, kelib qoshimda roz aylang,
 Etib roz ishq-muhabbatdan, yurak dardini oz aylang.***

***Ketarman bo'lg'ali ozoda-yu ozod bu foniydan,
 Gar: o'ldi desalar, Mashrab, bu so'zni e'tiroz aylang.¹***

Bu narsa uning muxammaslarida ham yaqqol ko'rinadi. Shoira Mashrabning "Azaldin to abad ko'nlum...", "Hayratimga elni ham hayron qilay", "Ko'rsat jamoling mastonalarga", "Dargohingga bir ojizu bemor kelibman", "Yig'lasam vaqti duo bo'lg'aumikin", "Hech kima ma'lum emas holi parishonim mening" deb boshlanuvchi 6 ta g'azaliga muxammas bog'lagan.

Ma'lumki, Boborahim Mashrab ijodi tasavvufiy g'oyalar bilan yo'g'rilgan. Tasavvufning mohiyati ham jismonan, ham ma'nan o'zini poklash orqali Haq jamoliga vosil bo'lishdir. Boshqacha aytganda, odamzodga o'z vujudida mavjud nafsoniy intilishlarni fosh etish, ularni yengish yo'llarini ko'rsatish, ruhidagi ilohiy fazilatlarini uyg'otish, taraqqiy toptirish – tasavvufning mohiyatini tashkil etadi.

Inson o'zini qanchalik nafsoniy illatlardan poklasa, shunchalik Haqqa yaqinlashadi. Chunki barcha yaxshi fazilatlar Oллоhda mujassam, shu bois xalq orasida "Beayb parvardigor" iborasi ko'p ishlatiladi. Inson o'zida Oллоhdagi mukammallikni kasb etishi uchun qusurlardan poklanib, eng yaxshi fazilatlarini o'zida jamlashi lozim. Lekin bu oson emas. Bu yo'lda mashaqqat-u riyozatlar chekish orqali asosiy maqsadga erishish mumkin. Navoiy ham Oллоh vasliga vosil bo'lish uchun "o'zi pok-u, so'zi pok-u, ko'zi pok" bo'lishi lozimligini ta'kidlagan edi.

Demak, ko'ngilni anglash va poklab borish Oллоhga yaqinlashtiruvchi vositadir. Chunki g'uborlardan tozalangan qamish naydan ruhbaxsh navo taralganidek, pokiza ko'ngilda ham ilohiy ishq, hayotga muhabbat, go'zallikka oshuftalik barq uradi. Mashrab ijodida ishq talqini o'ziga xos. Uning lirik qahramoni ilohiy ishq jununiga muhtalo bo'lgan oshiq. Uning asosiy maqsadi Oллоhni sevish va U bilan birlashish. Chunki insonni g'uborlardan, vujudni nafsoniy illatlardan shu ishqqina ozod etishiga ishonadi. Lekin bunga osonlikcha erishib bo'lmaydi. Bu ishq Mashrabning qismati. Mashrab she'riyatidagi ana shu qirralar dilorom Ergashevaning e'tiborini tortadi, yuragiga cho'g'

¹ Dilorom. Oshiq o'lsang. – Toshkent: Akademnaslr, 2012, 22-bet.

tashlaydi. U shoirning ilohiy ishq talqini kuchli bo'lgan g'azallariga muxammas bog'laydi. Mashrabning "Azaldin to abad ko'nglum qutulmas ishq balosidin" deb boshlanuvchi g'azaliga bog'langan olti bandli muxammasida shoiraning yuksak talanti bo'y ko'rsatgan. Muxammasning har bir bandida shoira badiiy timsollarni Mashrabdagi badiiy timsollarga tenglashtirishga, moslashtirishga, vazn va qofiya uyg'unligini saqlashga erishgan.

*Desam jonim sadog'angdur chiqur jonim orosidin
Ro'zg'orim qaro bo'ldi qarar ko'zlar qarosidin.
Nafaskim uzmagay dardin maningdek muhtalosidin,
Azaldin toabad ko'nglum qutulmas ishq balosidin.
Yuraklar rahnalar bo'ldi bu ko'ngul mojarosidin.¹*

Yuqoridagi bandning birinchi misrasida jonim senga fido deyishim bilan jon badanni tark etadi, deydi, bu o'rinda Ollohga o'zini fido qilgan solikning fano tomon yuz tutishi ifodalangan. Ikkinchi misrada ishtiqoq, tazod san'atlarini qo'llash orqali chiroyli tasvir yaratgan. Ma'shuqa visoli yo'lida oshiqning kunduzi ham qorong'i, u tunde qora ko'z qorachg'iga jo bo'lgan. Uchinchi misrada men kabi ishqqa muhtalo bo'lgan oshiqning dardlari bir nafas ham arimaydi, deyiladi. Bu uch misradagi fikrlarni Dilorom Ergasheva Mashrab misralari bilan mantiqan izchil bog'laydi, ya'ni shoira misralari Mashrab misralari bilan uyg'unlik kasb etadi. Shunday qilib, Mashrab misralarining ma'nosi shunday: ishq azaliy qismatimizdirki, ko'ngil uning qiynoqlaridan qutila olmaydi, shu tufayli ko'ngil "mojarosidin" yuraklar pora-pora bo'lgan.

Mashrab g'azallariga bog'langan muxammaslar shoiraning badiiy mahoratini belgilashda, xulosalar chiqarishda muhim ahamiyat kasb etdi. Dilorom Ergasheva she'rlari, ayniqsa, inson qalbi va ruhini davolaydi, Haq va Haqiqat maqomlariga yuksaltiradi. Shoira so'z bilan ifodalab bo'lmaydigan tuyg'ularni, faqat ko'ngil ko'zi bilan ilg'ab, qalb sezgisi orqali his qilish mumkin bo'lgan kechinmalarni san'atkorona ifodalaydi, qalam kuchi bilan o'ziga xos badiiy kashfiyotlar yaratadi. Bu kashfiyotlar sizni hayratda qoldiradi. Bu hayrat uning g'azal va muxammaslarida yanada kuchliroq bo'y ko'rsatadi.

¹ Dilorom. Mashrabona. "Farg'ona" nashriyoti, 2007, 55-bet.

Лолақизғалдоқдек умр

Тожихон Тошболтаева,
катта ўқитувчи (Қўқон ДПИ)

*Қисқагина умр кўриб, узоқ яшаб
келаётган зотларга қаранг...*

Аҳмад Югнакий.

Мустақиллик йилларининг дастлабки даврларида айрим адабиётшунослар Ғ.Ғуломга таъна тошлари отдилар. Унинг ижодини камситишга уриндилар. Ғ. Ғулом қаторига Ҳ. Ҳ. Ниёзий, К.Яшин каби бошқа ижодкорларни қўшдилар. Шунда Президент И.А.Каримов бу жараёни тўхтатиб, тарихни тўғри талқин қилишга даъват этдилар. Президент эзилган инсонларга елка тирашни ўз вазифаси деб билади. Президент Ислом Каримовнинг бутун ижодида инсон қалбининг оғриқлари ҳақида ашъор битувчи Муҳаммад Юсуф юбилейини нишонлаш ҳақидаги қарори ҳам юқоридаги фикрнинг далили бўлди. Маънавият оламида шоирни мангуга қолдирмоққа имкон яратувчи мазкур қарор қисқа умр кўриб, ўзидан гўзал ва ҳалим ижод қолдирган М.Юсуф қабри бошига қўйилган алвон гулдаста бўлди.

М.Юсуфнинг китобини қўлга олиб шеърлар ўқийман. Шеърлари армон ва надоматларга тўла. Қатраларида эса фалсафий фикрлар гужғон ўйнайди. Мен шоирни танишга ҳаракат қиламан. У яхшиликларга ошно бўлган шоир эканлигидан қувонаман. Шоир одамларга яхшилик қилишни севарди. Умрининг моҳияти ҳам шунда эди. Яхшилик қилган одам мангу яшайди, дейди М.Юсуфнинг ўзи ҳам.

Дунё ёлгонлари йиғлатди Муҳаммад Юсуфни.

Дунё сароблари қон қилди Муҳаммад Юсуфни.

Осмоннинг охирини топши учун қийналди унинг жони.

Инсонни дилининг тўрига меҳроб қилмоқчи бўлди М.Юсуф.

Борлиқни топмоқчи бўлди Муҳаммад Юсуф.

Қуйиб ёниб севди ўз Ватанини.

Ватанни озод кўрмоқчи бўлди Муҳаммад Юсуф.

Табиатдан баҳра олмоқчи бўлди Муҳаммад Юсуф.

Ялпизларга суяниб ўлмоқчи бўлди Муҳаммад Юсуф.

Шеърлари рамзларга тўла. Ҳар бир рамзда олам-олам маъно бор. Инсон дардларини мисрага солади. Мисраларни эгилиб, синиб кетгудай фикрлар билан безатади. Фикрлар торига ўралиб жони қийналади. Жони минг тилимга айланган қаҳрамон табиатга интилиб, ундан мадад сўрайди. Инсоният ва жамият сирларини билмоқ истайди. Лекин инсонларни англамоқ мураккаблигини англаб етар экан, яна табиатга қайтадан мурожаат этади.

“Жайрон” деб номланувчи ашъори “Жайрон нега кўзинг тўла ёш” деб бошланади. Жайрон образи орқали ўз атрофини, ўзи яшаётган муҳитни, муҳит саробларини ифода этмоқчи бўлади. Жайрон қалби ёлғонлардан йироқ, мўмин, беозор бўлган инсонлар рамзидир. Жамиятдаги айрим ҳолатларда яхшиларнинг хорлиги, ҳақиқатнинг зорлиги, адолатнинг дили яралиги жайронга мурожаат қилиш билан ёритилади. Жайроннинг кўзи тўла ёш. Кўзи тўла ёш жайроннинг-инсоннинг оёғлари остига бош кўйиб юпатмоқчи бўлади шоир. Табиатда жонзотлар ўз яраларини лаблари билан ялаб тузатадилар. Жайроннинг ярасини шоир жон малҳами ила даволамоқчи бўлади. Ҳаёт йўлининг машаққатларидан ҳолдан тойган бош қаҳрамоннинг ҳаёт сўқмоқларида лолақизғалдоқлар очилган. Жамиятда шеър қаҳрамонига-жайронга, ҳақиқатга тош отганлар, риёга ошно бўлганлар шоир фикрича гумроҳлардир. Чунки уларнинг қалб кўзи басир, дили жаҳолатга асир бўлган нотовонлардир.

Шоир жайроннинг кўз ёшидан дили оғриб унга мададга шошади. Худди жайрон каби унинг ҳам сайёдлари-душманлари-овловчилари борлигини таъкидлайди. Мўмин зотнинг йиғиси юрагини тимдалайди. Шеърдаги Жайронга мурожаат ҳам рамзидир. Чунки у тилсиз жонивор. Инсоният жонзотлар дили ва тилини ҳали англаб етмаганлар. Мўмин зот жайрон фақат кўз ёшига куч бериши атроф муҳитни ўзгартира олмаслиги, мавжуд борлиқ унинг йўлита юрмаслигидан фиғон чекади.

Шу дунёнинг нокаслари, эзгуликни кўролмайдиганлар шоирнинг дилини ҳам яралаганлар. Яралар эса юрагини қонга тўлдирган.

Эзилганларга елка тутмоқчи бўлади шоир жайроннинг-мўмин инсоннинг туғишган оғаси бўлиб, дардига шифо топмоқчи бўлади. Лекин унга на имкон, на илож бор. Шу сабаб хулосада ҳам жайроннинг кўзлари ёшга тўлганлиги сабабларини англамоқчи бўлиб яна бир бора мурожаат қилади: “Жайрон, нега кўзинг тўла ёш.”

Муҳаммад Юсуфнинг яна бир шеъри “Қизгалдоқ” деб номланади. Бу шеър ҳам яна табиатга мурожаат тарзида яралган. Қизгалдоқнинг кошонаси йўқ, ердан бўлак эркаланадиган одами ҳам йўқ. Ҳатто шеър қаҳрамони лолақизгалдоқнинг қон бўлган дилига мадад бермоқчи бўлиб пешонасини ўпай деса, пешонаси ҳам йўқ. Қисқа умр кўрувчи лолақизгалдоқ жайрон ўтган сўқмоқларга ёшини тўқади. Шоир дилига эса қон бўлиб турган кизил юзи тегиб туради.

Лолақизгалдоқнинг қадрини, дилини билгувчи йўқдир, шоирдан бўлак. Танҳо шоиргина унинг дўстидир. Сабаб шоир дили ҳам лолақизгалдоқдек лолагундир. Шул сабаб Муҳаммад лолақизгалдоқнинг энг яқин дўстидир.. Муҳаммад Юсуф алвон рангдаги лолақизгалдоқнинг қабри устида ҳилпираб туришини орзулайди. Чунки ўхшаш умр соҳиблари ғоявий бирликка эгадир. Ҳаётни мадҳ этишда шоир ҳам, лолақизгалдоқ рамзий образи ҳам бир-бирига яқин. Ҳар иккаласи ҳам қисқа яшаб гўзаллик ва яхшилик улашувчилар бўлди. Шоирнинг умр бекати қисқа бўлса ҳам ўзи таъкидлаганидек, “Ўлса ўзи ўлар, Сузи ўлмайди”. Лолақизгалдоқнинг ҳам ўзи сўнса ҳам гўзаллиги одамлар онгида бир умр яшайди. Лолақизгалдоқнинг қабри она ер, Муҳаммад Юсуфнинг эса... “Ҳақиқий шоирнинг қабри бўлмайди”, яъни одамлар юрагига “қўмилар асл шоирлар”.

Шеърят – кўзгу. Бу кўзгуда ҳамиша олам акси бўлади. Агар олам ижодкорга ёқиб қолса, шеъри ва фикри ҳам яхшиликлар тарғиботига айланади. У оламни севувчи шоирга айланади. Лекин Инсон ҳар доим курашиб яшашга ўрганган. Яъни “Кўзгу”нинг иккинчи томони ҳам бор. Оламни ўзгартирмоқчи бўлган шоир қалбида изтироблар йиғиндиси вужудга келади. Чунки шоир ҳамиша оламнинг хулосаси ҳақиқатда эканлигига ишонади.

Шоир оламни ўрганар экан ўзига хос йўлдан борди. Унинг оғриқ томонларини англашга, уларнинг сабабларини аниқлашга интилади. Лекин “Осмоннинг охири қаерда, дедим бир донишга-деб ёзади М.Юсуф. У миқ этмади. Менга жуда ёқди бу жавоб. Осмоннинг охири йўқ, ахир!”

М.Юсуф дадил, ишончли, хотиржам ва меҳрибон муносабатларни ёқтирарди. Муносабатга киришишнинг энг оддий ва самимий воситаси бир-бирига ишонч билдириб, бир-бирини ҳурмат қилишда эканлигини бор моҳияти билан англаб етади.

Кенг яйловларда эркин юрган, эркин яшаш учун дунёга келган отлар ҳам ҳатто меҳрга муҳтож бўлишар экан. Улар меҳнаткаш ва меҳрибон самимий инсонларни севар эканлар уларга буйсунишни истар эканлар. Қанчалик одамларлар оламини яхши билсангиз, муносабатга киришишда қийналмайсиз. Агар умрни фақатгина бойлик топиш учун восита деб уйласангиз, хато қиласиз. М. Юсуф шеъриятида табиий борлиқ ҳукмронлик қилади. Шоир ижодида дўстона муносабатлар ҳамма муаммоларнинг ҳал қилишниг асосидир. Инсон ҳаётда ўзлигини топа олса - унинг ҳақиқатга эришгани шу.

Қисқагина умр кўриб, одамлар қалбида узоқ яшаб келаётган ижодкорлар шеъриятининг моҳияти ҳам ҳақиқатни чуқур англашларида ва уни бадийий инъикос эттиришларида бўлди.

Zulfiya Qurolboy qizi hikoyalarida ayollar ruhiyati tasviri

**Manzuraxon Jo'raeva,
o'qituvchi (FDU)**

Yozuvchi Zulfiya Qurolboy qizi inson psixologiyasi tahlilini maromiga yetkazadi desak, mubolag'a bo'lmaydi. Bunga adiba yaratgan asarlarining deyarli barchasi yorqin misol bo'la oladi. Chunki u yaratgan "Armon asirasi", "Mashaqqatlar girdobi" romanlari, "Hilola", "Tafakkur" kabi hikoyalarida inson shaxsi, uning taqdiri, qalbining badiiy tahlili masalalari ilgari suriladi. Adiba ko'proq asosiy e'tiborini qahramonning ichki holatini tasvirlashga qaratadi. U ayniqsa, ayol psixologiyasini ochishda o'ziga xos uslubni yaratadi. Chunki yozuvchi o'z ijodida ayol obraziga katta o'rin ajratadi. Ayniqsa, ayol-ona obrazi yozuvchi iste'dodi va mahoratining yuksak namunasidir. Bundan tashqari adiba oilaning sarishtasi bo'lgan qizlar obrazini ham, ularning dilbar qalbini ham shoirona extiros bilan tasvirlaydi. Zulfiya Qurolboy qizi inson mohiyatini, uning murakkab tabiatini nihoyatda to'g'ri tushunadi. Yozuvchi har bir obraz qalbining badiiy tahlili orqali o'zining muayyan maqasadlarini amalga oshirishga harakat qiladi. U hikoyalarida qizlar obrazi va ularning ichki olamini psixologizm prinsiplari kabi uning poetik vositalari yordamida ishonarli tarzda ochib bera oladi.

Hayotda bo'lganidek adabiyotda ham odam o'zining psixologik individualpsixologik xususiyati bilan boshqalardan ajralib turadi. Bunday xarakterni "Gunoh" hikoyasining bosh qahramoni Bahoroy obrazida ko'rishimiz mumkin. Asar bug'doy o'rimi vaqti, xirmonga

qorovullik qiluvchi Davron va uning yoniga Bahoroy suv so'rab kelishi bilan boshlanadi. U chelakda suv olib ketarkan bexosdan suvni to'kib yuboradi, Davron unga yordamlashadi. Shu voqeadan keyin Davron negadir o'sha ayol haqida o'ylayveradi.

Ayol. Bu eng muqaddas-hilqat. Ayol hayotning gultoji. U dunyoning gavhari. Hayo deb atalmish koshonaning malikasi. U borki, dunyo bor. U borki, olam munavvar. Ayniqsa o'zbek ayollari ko'klardagi maloyikalarga tenglashtiriluvchi farishtalardir. Bahoroy esa. Bu obraz ma'sum ayoldek kirib keladi asarga. Boshida Davronga bo'lgan munosabatlari samimiydek ko'rsinada yuqoridagi parchada uning qiyofasi ko'zga tashlanadi. Ayol kishining makri qirq tuyaga yuk bo'ladi deb bekorga aytilmaydi. Balki Bahoroy atayin suvga borgandir, chelakdagi suvni ham to'kib yuborishi, biroz vaqtdan so'ng do'nglikka chiqishi tasodifmasdir. Yozuvchi ikki qahramon o'y-ikrlari, hissiyotlarini boricha tasvirlaydi, ularga aralashmaydi, biz bu ikki ayol-erkakning his-tuyg'ularini sokin va silliq, xuddi oynada ko'rayotgandek kuzatamiz.

Kishi psixalogiyasi kutilmagan vaqtda, kichik bir detal, hattiharakat orqali ham ko'zga tashlanib qoladi. Bahoroyning chaylaga kelgach, ko'zigacha to'sib olgan ro'molini yechib chiqishi yigitning qalbidagi cho'g'lanayotgan hislariga moy sepadi. Davron uning oppoq yuzini ko'rib dong qotadi. Bahoroy ro'molini atayin tushirib olganini balki ayollargina payqasa kerak. His-tuyg'ular oldida ojiz qolgan bu ikki kimsa gunohkorga aylanishdi. Bir qarashda Bahoroy juda hayosiz, duch kelgan bilan don olishib ketaveradigandek ko'rinmasa-da, uning bu xatosini umuman oqlab bo'lmaydi. O'z taqdiriga qora chiziq tortadi.

Voqealar rivojida kishida Bahoroyga nisbatan boshqacha tuyg'u paydo bo'ladi. Davron ham, Bahoroy ham befarzand edilar. Uchrashuvlarning birida u Davronga erini ikkisidan ham a'lo ekanligini aytadi. Shu bir og'iz gapdan u eriga hiyonat qilayotgan bo'lsa-da, ichida o'zini gunohkorligini bilib vijdoni qiynalayotgani ma'lum bo'ladi. Uning qalbini qarama-qarshi hislar chulg'ab olganini, eriga nisbatan cheksiz hurmat borligini bilib, nega bunday gunoh qilayotgani o'quvchini taajjublantiradi.

Ammo ularning uchrashuvlarining birida ayolning ko'nglidagi niyat oydinlashadi... "Ayol tugunni otib yuborib yigitning quchog'iga o'zini tashladi. Menam ona bo'lishni istayman! Menam beshik tebratishni istayman!..- derdi u titrab-qaqshagancha, yigitga chirmashib.-

Hech bo'lsa homiladorlik qanday bo'lishini bilayin... ko'ngil aynish qandayligini bilayin...armonimni ushaltiring akajon!»

Shu o'ringa kelganda o'quvchi qanday hukm chiqarishga, qanday firga kelishga ikkilanib qoladi. Inson psixalogiyasi juda murakkab. Uni turli xil vaziyatlar, muammolar, taqdir chqarxpalagi bilan ularda ruhiy holatning keskin burilishlar yasalishi mumkin. Adiba Zulfiya Qurolboy qizi ham o'z qahramonlarini turli evrilishlar, mashaqatdan to'qilgan o'rgimchak to'ri ichida tasvirlagandek. Ular bu changaldan chiqib ketish uchun o'z ichki olamlarida turli evrilishlar yasaydi.

Bahoroy ham shularning biri. Unga endi boshqacha nigoh bilan qaray boshlaysiz. O'n ikki yil farzandsiz o'tish. Bu jumlaning aytish uchun bir necha lahzalar kerak bo'ladi. xolos. Ammo yashash uchun ..! 4380 kun kerak! kun bo'lganda ham azob-uqubatga, alam va iztirobga to'la kunlar.

Ayol tengsiz yaratiq. U bebaho xazina bo'lsa, onalik nomi xazina ichidagi olmosdir. Ayol dunyoni tebratadi, deb bejizga aytishmagan. Yashashdan maqsad ham zurriyod qoldirib, hayot deb atalmish uzoq karvonni davom ettirishdir. Ayolning hayotidagi ma'no ham uni ona bo'lishidadir. Manaman degan jahongirlar ham, dunyoni larzaga solgan sarkardalar-u, hech kim tik qaray olmaydigan sohibqironlar ham bir inson oldida tiz cho'kadilar, bosh egadilar- ONA! Qizlar dunyoga kelar ekan, ozoda, pokiza, farosatli qilib tarbiyalanadi, asli olib qaralganda tug'ilganidan ular onalikka tayyorlanadi. Ayollarning har xili bor, go'zal, xunuk, yaxshi, yomon, yengiltak, hayoli, mehribon va mehsiz. Ammo eng qahriqattiq ayolning ham yuragining tub-tubida odamiylik, mehr-muhabbat, ezgulik tuyg'ularidan bir shu'ladan olgan miltillagan nur bo'ladi. Balki bu ularning ona degan nomi borligi uchun, onalik hissini totib ko'rganliklari uchundir.

Bahoroy ham shu baxt lazzatini totib ko'rishni orzu qilgan, kelajakdagi farzandini tasavur qilgan, boshqalarning asaldek o'g'il-qizchalariga cheksiz havas bilan qaragani aniq. Ammo vaqtlar o'tishi, umidlarning birin-ketin so'nib borishi... biror sabab aynigan ko'ngli, aylangan boshidan cheksiz hayajon-u xursandchilikka chulg'anishi, ammo har safar xursandchiliklar behuda, umidlar yolg'on bo'lib chiqishidagi xo'rliklar... o'n ikki yil ichida qanchadan qancha yostiqlar ho'l bo'lgandir, ummonlarga teng ko'z yoshlar to'kilgandir. Balki odamlarning ham ko'ziga qaray olmagan sababli hech zog' yo'q dalaga ko'chib kelishgandir.

Uni sarmast odamga o'xshatish mumkin. U shu holatga borib yetganki, farzandli bo'lish baxtini totib ko'rish ishtiyoqi uning ko'zlarini ko'r qiladi, idrokini susaytiradi. U umuman eridan voz kechmoqchi emas, faqat o'zini ayol ekanligini bir bora bo'lsa-da his etsa bas. Bu holatda unga ta'na va malomat toshlarini otishga ikkilanib qolasiz. Bu baxtsiz ayolga faqat rahmingiz keladi!

Tonglarning birida Bahoroy nimadandir g'alati bo'lib uyg'ondi, ko'ngli aynib chayla ortiga yugurdi. U o'zini tengsiz baxtli his etar, nihoyat orziqib kutgan niyatiga yetdi.

Bahoroy ham Davron bilan faqat farzand uchun muomala qilganini uning keyingi munosabatidan bilish mumkin. Homilador bo'lganidan keyin uchrashgani kelgan Davronga sovuq muomala qiladi.

Bahoroy esa dahshatda o'zining qanday mudhish va kechirib bo'lmas gunoh qilganini his qildi. Erining indamagani ham uni battar ahvolga solgandi. Vijdon azobi uni ayovsiz ta'qib qiladi. Endi u homiladan qutulish yo'lini izladi. Birinchi gunohini yuvaman deb ikkinchi gunohga qo'l uradi.

Xullas, hikoyada ayol xarakteri, uning ruhiyati, qalb iztiroblari, ichki dunyosi tahlili Bahoroy misolida mahorat bilan ochilgan.

XX asr o'zbek she'riyatida nur va soya ziddiyati

Abiljon Abduraxmonov,
tadqiqotchi (FarDU)

XX asr o'zbek lirikasida nur va soya ziddiyati keskin ijtimoiy-siyosiy jarayon og'ushidagi lirik qahramon ruhiy olamini namoyon etishdek vazifasi dolzarblashganligini kuzatamiz. Bunda nur va soya ziddiyati orqali tashqi muhit dunyosi bilan lirik qahramon ichki dunyosi parallel qo'yiladi.

Tabiat manzarasi lirik qahramon ruhiy holatiga qarama-qarshi ekanligi uning murojaatini bildiradi. Tunning yuziga tashlangan qora parda tasviriylikni kuchaytiradi. Lirik qahramon holatiga ruhiy paralellizmni keltirib chiqarish orqali badiiy g'oya ifodasi teran tus oladi. Nur va soya ziddiyati ochiq qarshilantirish manzarasi bilan lirik qahramonning hayotiy falsafasini yuzaga chiqaradi: *Oftob botar qoyalarni// Bosib olar soyalar.// Oftob qaytar, soyalarni// Bosib ketar qoyalar.* (A.Suyun. *Oshiq'larga*. 200-b)

Nur va soyaning o'zaro ziddiyati hayot dinamikasini yuzaga keltirishi sifatida badiiy falsafa namoyon bo'ladi. Bu o'zaro kurashda goh soya : *Oftob nurun yutar zulmat ahkomi// (Rauf Parfi. Siyovush. 104-b)*

Goh nur obrazi g'olib keladi: *Bul xafa kecha kechar// Quvgay uni oftob. (Rauf Parfi. Bul xafa kecha kechar... 13-b)*

Aylanasan, yer qutular zulmat balodan.//Balki shundan senga o'chmas o't berib qo'yib//Makoningni yaratmishlar arshi a'loda. (H.Xudoyberdiyeva. Bobo quyosh)

Nur va soya ziddiyatiga tayanib estetik hodisalar ijodkor qarashlarida olg'a suriladi: *Naslimiz o'tirar.. qochib turar tun, Yurakday yonadi gulhan gurullab! (A.Suyun. Gulxan.236-b)*

Bu jarayon lirik qahramon timsolidagi shoirning hayot haqidagi badiiy falsafasini yuzaga chiqaradi.

Nur va soya ziddiyatining ramziyligi "tiriklik falsafasi"ni yoritishda asosiy tayanch bo'lib xizmat qiladi: *Tun bilan tong erur tashbehta udum, //Misoli zahru may, hajru shaker lab.//Kimdir quyoshday eslasa mardum, //Kimdir zulmatda, yurarlar qarg'ab. (A.Oripov. Alisher. 218-b)*

Psixologik manzara tabiat manzarasiga parallel qo'yilishi orqali badiiy g'oya yoritiladi: *Yon-veridan chekininib borar soyalar, //Quyosh tik, junbushga kelgani sayin. (A.Suyun. Yomg'ir yog'ib o'tdi... 117-b)*

Nur va soya ziddiyati o'xshatilgan lirik qahramonning intim dunyosi holati tashxisi sifatida keladi: *Zim-ziyo erdi kunim, //Sen bilan ravshan bo'ldi. // (A.Suyun. Zim-ziyo... 24-b)*

Soya obraziga emotsional bo'yoqdorlik berilishi orqali obrazning ziddiyatdagi nufuzi belgilanadi. Soya obrazi va unga qarshi nur obrazining xatti-harakatlari vositasida badiiy g'oya teranlashtiriladi. Ma'lum bo'ladiki, lirik qahramon intim dunyosi manzarasi namoyon bo'lishi uchun albatta nur va soyaning mavjud bo'lishi talab etilishi tabiiy jarayondir.

Lirik she'r tarkibida nur va soya obrazlari bir o'zi yaxlit ishtirok etishlari ham kuzatiladi. Soya obrazi rang bilan uyg'unlashgani holda ta'sirchanligini oshiriladi. Bunda soyaga mantiqan "irqdosh" bo'lgan tushunchalar lirik qahramon badiiy dunyosiga tajovvuz qila boshlaydi. Soya obrazi qarama-qarshi bo'lgan nur obrazi satrlarda mavjud emas. Avvalda aytib o'tilganidek, soya yokiurning yaxlit mavjud bo'lishi mumkin bo'lmagan jarayon. Chunki tabiatda borliqni ko'rish jarayoni nur va soyaning o'zaro ta'siri natijasida sodir bo'lganidek. Badiiy asarda

ham bu obrazlardan biri ikkinchisiz holis mavjud bo`la olmaydi. Matnda ko`rilmagan nur yoki soyaning obrazi qaysidir tushuncha, harakat-hodisa zamirida bilvosita mavjudligi anglashilib turiladi.

Ortidan ergashar bilgisiz soya, // Qora ro`y kabi sudralar sovuq. // Yo`qdur panoh menga, yo`qdir himoya, // Bemajol, izma-iz kelar u yovuq. (R.Parfi. So`nggi vido. 66-b)

Ushbu parchada ham lirik qahramon soyadan berkingani o`ziga panoh qidirmoqda. Bu panoh – albatta, nur ekanligi o`quvchi darrov topadi. Demak,urning bilvosita ishtiroki idrokda xis etiladi.

Soya obrazi lirik asar tarkibida dinamik obraz sifatida ishtirok etgan. She`riy matnda soya obrazi izchillikda harakatlanib lirik qahramonning xulosasini badiiy g`oya tarzida yuzaga kelishini amalgam oshiradi. *Yuragimga oqar zulumat, // Manzilga bo`larmi hukmron. // Qo`llarimni bog`larmi, nahot // Shu mantiqsiz zulmat – nogiron? (R.Parfi. Derazamdan boqar zulumat.)*

Ko`rinadiki, she`riy matnda nur obrazi bevosita ishtirok etmaydi. Faqat soya obrazi “zulumat” ishtirok etib, she`ri voqelikda o`z “hukmronligini” otkazgan. Ammo butun matn davomida lirik qahramon mushohadasi uning lirik tafakkuri bir burchagida nur obrazining mavjudligidan dalolat beradi. Demak, nur va soyaning bilvosita ziddiyati orqali ham badiiy g`oya yuzaga kela oladi.

Nur va rang ziddiyati birgalikda she`riy asarda butun bir mohiyatni anglatib kelishi holatlari ham uchraydi, ritorik so`roq sifatida namoyon bo`ladi:

Uyalyapman bilmam qay tomon – Tungami yo yoruqqa (H.Xudoyberdiyeva. Alvido deng.)

Nur va soyaning uyg`unlashuvidan ziddiyatlararo ziddiyat vositasida badiiy g`oyani ifodalash hozirgi o`zbek lirikasida o`ziga xos usul sifatida namoyon bo`ladi. Bu holat lirik qahramon ruhiyati keskinliklarini yuzaga chiqishini yanada faollashtirdi: *Men bahorman – muzlagan otash – // Zulmatning jazg`anak tonglari otgan. (R.Parfi. Zangori og`ochman. 127-b)*

Ko`rinadiki, mutloq qarama-qarshi bo`lgan tushunchalar birliklari boshqa birliklarga qarama-qarshilikda joylashadi. *Muzlagan hamda otash, zulmat va tong* - ushbu “o`zaro ittifoqqa kirishgan” so`zlar tasavvur qilish jarayonining o`zidanoq noodatiy qarama-qarshilik badiiy g`oyaning ifodasida lirik qahramon ruhiy manzarasining keskinliklari namoyon bo`ladi. Demak, bu holatni nur va soya uyg`unlashgan ziddiyatlari aro ziddiyat deb baholash mumkin bo`ladi. Shunday qilib,

nur va soya ziddiyati hozirgi o'zbek lirikasida ijtimoiy-siyosiy jarayon, individual – intim holatlar ifodasidagi ijodkor badiiy g'oyasini yuzaga chiqaruvchi faol obrazlar sirasi sifatida qo'llanib kelindi. Davr shoirlarining ijodiy laboratoriyalarida nur va soya ziddiyati hodisasi ijodiy g'oyani ifodalashda o'zida badiiy jilolangan shakllarni kasb etib, shu orqali ijodiy uslublarida badiiy mahorat qirralari sifatida namoyon bo'ladi. Natijada, davrning lirik qahramonning ruhiy olamida ro'y berayotgan keskinliklar nur va soya ziddiyati vositasida o'zining teran ifodasini topdi.

Хилватий ижодида талмеҳ санъати

**Озода Болтабоева,
тадқиқотчи (НамДУ)**

Ўз даврида мударрис, олим, адиб, шоир, маънавият ва маърифат соҳиби сифатида эзгу ном қолдирган Хилватий 1858 йил Наманган вилояти Уйчи тумани Жийдакапа қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Хувайдога чевара бўлмиш Хилватий араб, форс ва туркий тилларни мукамал билган. Хилватий ўзбек ва форс тилларида ижод қилган зуллисонан шoirдир.

Хилватий шеърят, асосан, ошиқона, диний-гасаввуфий, ахлоқий-таълимий, ҳажвий, ҳасби ҳол характердир. Шоир ижодига назар ташласак, талмеҳ санъати воситасида пайғамбарлар сифатига ишора этилган байтларни учратиш мумкин:

*Эй фано, сармоя роҳат қилгудек фурсат қани?
Кўз очиб юмгунча ҳам чун барқи барҳамдур ҳаёт.
Аҳли оламдин ниҳон сўрсанг тириклик даврини,
Хизр умридек муаббад бўлса ҳам камдур ҳаёт.
Сижҳати тан бўлмаса, мулки Сикандардин на суд,
Офиятманди гадога давлати Жамдур ҳаёт.
Тобакай таърифи кори хайр, эй гафлатсиришт,
Эртага қўйма бу кунни, эрта мубҳамдир ҳаёт.*

“Ҳаёт” радифли ғазалда Давлати Жам, Искандар мулки, Хизр умрига ишора этган шоир талмеҳ санъатидан фойдаланиб, хайрли ишларни бажаришга Хизр умри ҳам етмаслигини, соғлиқнинг қадрига етиш лозимлиги, агар соғлиқ бўлмаса, Искандар мулкидек мол-дунё ҳам бефойда эканлигини таъкидлайди.

¹ Хилватий. Девон. – Тошкент: Фан. 2001. – Б. 102.

булган муносабатини акс эттириб, инсонларни ҳалол ва саховатли бўлишга ундайди:

*Ё раб, умматлар гуноҳин мағфират қил, деб тилаб,
Осийларнинг қадрини ул Мустафодин қил тамаъ.
Сони искайн изҳумо фил гор қурбайн билгаи,
Сидқ элига сарвари соҳиб вафодин қил тамаъ. (135-б.)*

Ё Раббим, умматларим гуноҳини ўзинг кечир, - деб тилаган ва ўзига бўйсунмаган гуноҳкор умматларининг ҳам дилини оғритмаган, уларнинг ҳам қадрини билган Муҳаммад Мустафодан вафони тамаъ қил, деб шоир пайғамбарнинг ўзига хос сифатларига ишора билан, талмеҳ санъати орқали ўз фикрини образли баён қилмоқда. Саккизинчи байтда эса гордаги икки яқин киши, яъни пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в) ҳамда уларнинг содиқ дўстлари Абу Бакир (р.а.) ҳақида фикр юритган шоир уларнинг садоқат, вафо бобида тенгсиз эканликларини таъкидламоқда. Хилватийнинг бу ғазали бошидан охиригача талмеҳ санъати асосига қурилган. Ҳар бир байтда пайғамбарларнинг сифатлари ва ибратли ишларига доир маълумотларга ишора қилинган.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Хилватий ижоди инсонларни сабр-қаноатли, меҳр-муҳаббатли, имон-эътиқодли бўлишга ундаган.

Ҳикматли шеърият

Раъно Исҳоқова,

Наманган муҳандислик технология институтининг

АЛ ва КХК билан ишлаш бўлими методисти.

халқ таълими аълочиси

Шеърият олами кишини теран мушоҳадага ундайди. Бу олам етти рангни етмиш ранг қилиб кўрсатади, дейдилар. Дарҳақиқат шеъриятнинг йўли узун, азиз ва қадимий йўлдир. Қанча ази инсонлар, беназир сиймолар юрган йўлдир бу. Худди шу халқ йўлида, халқ куйида ҳидоят – Яссавийнинг ҳикматлари яратилди. Бобо Машраб баётлари дунё кезди, ҳазрат Навоийнинг «елкасида тоғлар сурган Фарҳодлари» бордир бу йўлнинг. Бобури бағригисизмади, Нодира ҳам хон саройида шу йўл билан бирга йиғлади. Алишернинг авлодлари – Миртемирга онасини эслатди, Усмо Носир юрагини тиглатди. Чўлпонига «Гўзал»ини эслатди. Фитратини Бухорога қаратди, Абдулланинг «Мадҳия»син яратди.

Эркин Воҳид «Ўзбегим»дан нидо келди, сергакланиб, сочларини турмаклаб, Зулфияхон қизларидан садо келди. Муҳаммади ўз элига фидо эрди, «Муқаддасдир, инсон кўнгли Каъба» дерди:

*Шеърят бу қадим буюк
Сўқмоқ экан,
Кийиксўқмоқ экан, кийик
сўқмоқ экан.*

(«Шеърят бу»..., 13-бет)

Муҳаммад Юсуф шоирликни даъво қилмади. Дили тўла дард шоирни шеърят оламининг ўзи машаққатли йўлга чорлади. Фақат сезгир, дили уйғоқ кийикларгина ўта олдиған тоғ йўлидаги торгина сўқмоққа менгзайди:

*Ширин азоб экан, жонни
Ёқмоқ экан,*

*Бир қўлда гул, бир қўлингда
чақмоқ экан...*

Бу оламнинг ширин азоблари бор, бу азоб жонингни ёқади. Гул ва чақмоқ... Гул – гузаллик тимсоли, илҳом онларини эслатади, чақмоқ- юрак дардларини янгилайди, тирнайди, вужудга ўт ёқади.

*Юрагим-эй, бошлаб келдинг
мени қайга?*

*Бағрим ўхшар пора-пора
Бўлган найга.*

Дунёда хаёл тезлигига тенг келадиган бирон нарса борми? Шоирни бу сўқмоқ йўлга бошлаб келган кўнгли ўз-ўзини топишига бир восита бўлди. Шоирлик-энг ғамгин, маҳзун нолали най каби ўз куйингдан бағринг тиглаш.

*Кўнглим сезар бу сўқмоқдан
Ўтолмайман,
Қайтиб кетай десам қайтиб
Кетолмайман-*

Муҳаммад Юсуф сезгирлиги – бахти посбони, туйгулари озигидир. Унинг истеъдоди ва маҳорати сезгирлиги ҳосилидир. Қадам қўйган йўлидан ортга қайтиш- кўнгил тўла дардни, туғённи ичга ютиш, унутиш.

*Чақиртошлар товонимдан
Тишлаб олган,
Қўлларимдан кийикчалар
Ушлаб олган.*

Не-не буюкларнинг изи қолган бу кўхна йўлга қадам босиш-юррак амри. Бу сўқмоқнинг чақиртошлари – қалбнинг ўчмас дардлари, ҳеч аримас армонлари, кийикчалари- илҳом онлари. Ўқувчини қойил қолдириш осонми?! Истеъдоднинг шуҳратини тарих ярата олади. Фақат Муҳаммад Юсуфгагина хос бўлган бу тенгсиз тасвирлар шеърият оламига берилган, мазмуни бир ҳикматга тенг таърифдир.

Ҳаёт – инсон учун берилган энг олий неъмат. Ҳаёт вазнини вақт мезони ўлчайди. Ҳаёт – синов. Кимлар учун тиргак, ким учун тилак, айримлари – ўрнак. Унда кимдир сахийлик килар, кимдир дўстин бағрини тилар. Инсон умри ўлчовли. Онлар-қунлар, ойлар-йилларнинг сарҳисобидир умр дегани:

*Ўтар инсон яхши-ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.*

(«Меҳр қолур» шеъри, 13-бет)

Яшашдан мақсадни Яхшилардан сўранг. Бу азиз номга сазоворликнинг ўзи бахт эмасми?! Ёмон кимлар? Шоир ёмонларни ҳар қандай ҳолатда кўради:

*Ёмон кўз тош ёрар дер,
Ёмон дўст бош ёрар дер.
Ёмон эркак тўй бузар,
Ёмон кўз уй бузар дер,
Ёмон бўлса йўлдошинг
Бор бахтинг ҳам тузар дер.*

(«Терма», 180-бет)¹

Шоир кўз қорачиғида порлаб турган меҳрни, муҳаббатни ҳеч нимага алишмайди: меҳрга ташна қалблар учун бу дунёлар торлик қилади. Бу ўткинчи дунёдан не-не зотлар ўтмади, улар номи хануз юлдуздек порлайди. Ҳаётга меҳр, инсонларга муҳаббат улар номини абадий буюкликка кўтарди. Худди Муҳаммад Юсуф айтганидек, ўзбегимда инсон ҳаётдан ўтса, унинг фақат ўзи билибми, билмайми қилган яхшиликлари эсланади...

*Қаҳр бу- адоват, араз ўткинчи,
Қуёш кўтарилиб, қуёш ботгунча,
Керакмасларга ҳам керагинг бўлса,
Сен одам экансан, одам экансан.*

(«Инсон», 185-бет)

¹ Муҳаммад Юсуф, Сайланма, «Шарқ» нашриёти, Тошкент-2014

(Муҳаммад Юсуф, Сайланма, «Шарк» нашриёти, Тошкент-2014,

Қаҳр душманлик келтириб чиқаради. Дўстни ҳам ғанимга айлантиради. Ғанимнинг сирти таниш – ичи бегона. Қаҳри қаттиқ инсон ўз жонига душманлик қилади, адоват уруғини сепеди. Адоват шундай сифатки, унинг бирор фойдаси йўқ. Араз – меҳр берган яқинингиздан бир оз ранжиш. Қаҳр – ёвузликдан, араз-меҳрдан нишона. Араз тезда, оз фурсатда ўтиб кетади. Уша бир кун-тонгдан кун ботгунча кимдир, ҳатто бегона сени ёдга олиши, эслаб-йўқлаши сенга ҳазрати Инсон эканлигиндан дарак беради. Ушбу сатрларда Муҳаммад Юсуфнинг ўзлигини кўрамыз:

Керакмасларга ҳам керагинг бўлса...

Шеърдаги такрорлар шеърнинг таъсирчанлигини ошириш билан бирга, уша мисрани янада гўзаллаштиради, ўқувчига завқ бағишлайди.

Шеър муқаддимасида тун манзараси чизилади. Тун – ёмон кунлар, юлдузлар – репрессия қурбонларига айланган ўзбекнинг маърифатпарвар вакиллари, ўғлонлари айланган кунлар. Ҳақиқатни офтобдек ошкора, доимо навқирон, муқаддас нур дейдилар. Ноҳақ қатл қилинганларнинг ҳақиқатга дахли бор. Уларнинг ҳар бири қисқа ва ибратли ҳаёт кечиришди. Агар улар орзулаган ҳозирги эркин замонда яшаб, Алп ўғлонларнинг қисматига ачиниб, юрагинг йиғласа, демакки Ҳазрати инсонсан... Шои уларнинг жонига жон бўлгиси, дардини бирга баҳам кўргиси келади:

Гарчи бўлмасам ҳам ёнингда йўлдош,

Дардинга дилдошман, жонингга жондош...

(«Кузда кетган турна» шеъри, 48-бет)

Лекин ҳаёт давом этади. Вақт – ҳаётнинг бузиб бўлмас қонунидир. Янги авлодлар, мурғак танча – сулолалар давомчилари дунёга келади. Булар мустақил юрт эгалари, ватанимиз эрталари. Гуё бахтимизга ёғилган ёғду мисол ортимизда қолар изимиз-фарзандларимиз. Ухламай бешик тебратиб, беланчакни толларга илиб, елкасига опичлаб улғайтирган оналаримиз, «чақалоқ кўзига ҳалол термилган...» оталаримиз, юзимизга юзларин босган, бари улуғлардан улуғ Ватанимиз.

Ҳа, Муҳаммад Юсуф – миллати билан ғурурланган, улуғ аждодларимиз қошида тавоф айлаган, ҳеч кимда йўқ мақбара-ю обидаларимиз ҳолидан хабар олган. Алпомиш йигитлари, Кумушбибидай қизлари, кўнглидай кенг осмонлари, унда учиб

юрган қалдирғочлари, алвон лолазорлари... мавзуларини руҳи – кўкда, танаси – тупроқда туриб қаламга олади. Бу шеърӣй чамандан ҳар ким ўз кўнгли, дилидаги дардларни, кечмишларини, ўз ҳикматини топа олади. Шунинг учун ҳам, керакмасларга ҳам керак шоирга айланди, бир ширин ғам, бир ширин малҳам бўлди. Шеърӣят мухлиси унинг сатрларида ўз туйғуларини туйди, олам ичра яна бир оламни кўрди. Хаёл ва тасаввурлари тасдиқланди:

Ўзбегимнинг ҳикматли сўзи,

Бу - Муҳаммад Юсуфнинг ўзи.

Инсон дилидагини кўнгил кўзлари билан ўқий олган Муҳаммад Юсуф сезгиларнинг бозори-туйғуларини кўшиб, халқдан сўз олиб, уни зўрама-зўраки қофиялардан холи бўйича содда либос кийдириб, халққа тушунарли тарзда қайтара олди. Шоир элни, эл эса шоирни ўзиники қилиб олди. Муҳаммад Юсуф лирикасининг халқчиллиги, умуминсонийлиги ҳам шундадир.

Globallashuv jarayonida o'zbek adabiyotiga kirib kelgan adabiy hodisalarga ijodiy yondoshishning ahamiyati

Dilafruz Sobirova,

adabiyotshunoslik

yo'nalishi magistranti (ADU)

Ommaviy madaniyat kuchaygan, globallashuv jarayoni tobora jadallashgan XXI asrda turli ko'rinishdagi mafkuraviy g'oyalar har qanday strategik kuchlar muvozanatini o'zgartirish qudratiga ega bo'lgan tengsiz va mintaqa bilmas siyosiy ta'sir vositasiga aylandi. Ijtimoiy ongda mafkuraviy immunitetni shakllantirish, farovon va barqaror jamiyat qurishining muhim sharti bo'lib, u diniy separatistik, shovinistik, millatchilik yoki elatchilik kabi illatlardan himoyalashning strategik usuliga aylandi. Yurtboshimiz I.A.Karimovning «Biron-bir jamiyat ma'naviy imkoniyatlarini, odamlar ongida ma'naviy va axloqiy qadriyatlarni rivojlantirmay hamda mustahkamlamay turib, o'z istiqbolini tasavvur eta olmaydi»,¹ kabi fikrlarning bayoni ham milliy-ma'naviy qadriyatlarimizni asrab-avaylash, uni takomillashtirib borishning qanchalik zarur ahamiyatga egaligini ko'rsatadi. Boy ma'naviyatga ega bo'lishda shubhasizki, tarix, musiqa kabi adabiyotning

¹ I.Karimov. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida. T., O'zbekiston, 1997. 137-bet.

ham o'zni beqiyosdir. Ma'lumki, ma'naviy qadriyatlarimiz asrlar davomida adabiyotimiz tomonidan boyitilib, to'ldirilib, avlodlardan-avlodlarga ziyon zahmatsiz yetkazib berilgan. Ahmad Yassaviy, Lutfiy, Navoiy, Bobur, Fitrat, Cho'lpon, Abdulla Qodiriy kabi adabiy siymolarimiz ma'naviyatimiz fidoiylari sifatida tarixda nom qoldirganlar.

Axborot texnologiyalari rivojlangan yangi asr davriga kelib milliy adabiyotimizning ma'naviy-madaniy qadriyatlarimiz taraqqiyotida tutgan o'zni yanada yuksak ahamiyat kasb etdi. Boisi, axborot alamashinuvidagi virtual tizimning rivojlanishi barcha xalqlarning milliy adabiyotiga yo ijobiy, yo salbiy yo'sinda o'zining sezilarli darajadagi ta'sirini o'tkazdi. Asrlar davomida shakllanib, takomillashgan milliy adabiy an'analar jahon adabiyoti an'analari bilan singishib, unutilib ketdi. Milliy adabiyoti unutilgan, unutilayotgan aksariyat xalqlar o'z ma'naviyatini boyitish yo'lida ajdodlar urf-odatlaridan yiroq bo'lgan ommaviy madaniyatga murojaat qilmoqdaki, bu shu millatlarga xos mentalitetning, milliy g'urur va iftixor tuyg'ularining yemirilishiga, tor doiradagi guruhlariga xos mafkuraviy qaramlikni, irodasizlikni, ma'naviy qullikni keltirib chiqarmoqda.

O'z o'rnida jahon adabiyotidan to'la yuz burish, butkul uzilib, uni inkor qilish, unga biryoqlama munosabatda bo'lish ham yaramaydi. Negaki, adabiy taraqqiyot adabiy aloqalar almashinuvi negizida kechadi. Mana shu jihatdan qaralsa, adabiy aloqani qanday amalga oshirish, ya'ni jahon adabiyoti an'alarini qanday o'zlashtirish, boshqacha qilib aytganda, milliy lashtirish tom ma'noda millatimiz ma'naviy qiyofasini shakllantirishda muhim rol o'ynaydi. Istiqoldan keyingi yillarda modernizm, postmodernizm kabi adabiy an'alarining adabiyotimizga xususan ma'naviyatimizga ta'siri birmuncha faollashdiki, bu hol ijodkor ahlidan jahon adabiyotidagi an'alarini o'zlashtirishda jadal taraqqiyotni, yuksak milliy g'ururga tayangan ma'naviy ruhni talab qiladi.

Adabiyot doimiy ravishda yangilikka, yangi usul va metodlarga intilgani bois, o'zbek adabiyotida ham modernistik va postmodernistik yo'nalishlar paydo bo'ldi.

Modernizm (fr. "moderne" "zamonaviy") atamasi XIX asr oxirida Yevropa va Amerika san'atida iste'molga kirgan norealistik oqimlarning umumiy nomi. Industrial jamiyat jadal rivojlanib, ijtimoiy qarama-qarshiliklar kuchayib borayotgan sharoitda shakllangan. Bu davrda "adabiyot – endi reallikdan chekina boshlab, voqelikni norealistik tarzda

ifodalay boshladi". Albatta, adabiyot va san'atda paydo bo'lgan modernizm bo'shliqdan paydo bo'lgan emas. Uning avvaldan kurtaklari mavjud bo'lgan. Modernizmga xos izlanishlar XVI asr G'arbiy Yevropa san'atida – Ieronim Basxning devoriy suratlari, Sh.Bodlarning "Yomonlik gullari", "Sof san'at" dasturida ham uchraydi.

Modernizmning falsafiy asosi-sub'ektiv idealizmdir. U san'atning hayotdan ustunligini ta'kidlab, ijtimoiy muammolarni yechishdan bosh tortishga chaqiradi. Sub'ektiv idealizm – odam o'z xayoloti bilan tasavvuridagi ideal bo'lgan, ya'ni nohayotiy sub'ektni yaratadi. Jamiyat taraqqiyotiga, inson va uning imkoniyatlariga ishonmay, ular hayotni ijtimoiy emas, balki hissiy bilishga undaydilar, tushkunlik kayfiyatini keng targ'ib qiladilar.

XX asr o'rtalariga kelib jahon adabiyotida, xususan, ingliz, yapon, fransuz, italyan va qisman rus adabiyotida modernizmning an'anaviylikni inkor qiluvchi, ateistik, insonning tushkun kayfiyatini ifodalovchi, qahramonning umidi so'ngan asarlari o'rniga jamiyatga nisbatan ironik kayfiyatdagi, falsafa daftaridagi qaydlarga o'xshash, asar qahramoni o'z taqdirini tahlilga tortadigan yangicha asarlar paydo bo'ldi. Bu jarayon o'sha paytdayoq modernizmning o'rniga kelgan yangi oqim ekanligi tan olindi va unga postmodernizm deb nom berildi.

"Postmodernizm" atama sifatida falsafa, san'at, adabiyot va madaniyat strukturasidagi o'zgarishlarning umumiy nomidir. U "post"- "keyin", "modernizm"- "yangi", "zamonaviy"; ya'ni "zamonviylikdan keyin", degan lug'aviy ma'noga ega. Shuning o'zi ham postmodernizmdagi yangiliklarni xushlamaslik, modernizmga xos xususiyatlarning aksariyatini tan olmaslik, shu bilan birga modernizmning yutuqlarini ham o'zida aks ettirish xususiyatini ochib beradi. Chunki u modernizmdan keyin kelgan ijodiy oqim sifatida o'zidan oldingi oqimning yutuqlarini davom ettiradi.

Postmodernistik adabiyot vatani sifatida tadqiqotchilar AQSHni tan olishadi. U AQShning madaniy inqirozi davrida shakllangan. Ayni shu yerdan postmodernizm Lotin Ameikasi va Yevropaga, so'ngra butun dunyoga tarqaldi.

Postmodernizm moddiy yangilikka sig'inishdan tiyilish, yuksak madaniyat bilan omma madaniyatini qo'shish, din va ilmni birgalikda qabul qilish hamda voqelikni tushunish, mohiyatni anglashda realizmning moddiyuncha, modernizmning inkor, romantizmning idealistik, klatsizmning diniy-axloqiy va mifologik qarashlarining o'rnini bir xil ekanligiga e'tibor beradi. Bu tamoyil ostida dunyoga baho berish

yoki tushunish emas, balki qanday bo'lsa shunday anglash kerak degan nazariya yotadi. Aynan shu nazariya postmodernist qahramonning dunyodagi turli yangi qarashlardan qay birini tanlash kerak deb ikkilanib turgani, nazariyalar qurshovida qiynalib yashagani va alaloqibat, ularning barchasini boricha qabul qilgani hamda postmodernizmning dunyoga kelish sababini ochib beradi. Shu sabab postmodernizmning labirint va xira yorug'lik, aniqlik va noaniqlik, hayot va o'lim, ma'nisizlik va ma'nilik kabi xususiyatlar yetakchilik qiladi. Mazkur tushuncha insonning borliqqa munosabatini va unda insonning o'rnini qayta ko'rib chiqishga bo'lgan urinishini ham ifodalaydi. Shu yerdan postmodernizmning yana bir yetakchi xususiyati butun borliqqa insoniyat, hayvonlar, o'simliklar dunyosiga barobar mehr qo'yish hamda uni asarlarda tasvirlash kelib chiqadi.

Postmodernizm bashariyat taraqqiyotidagi uchinchi to'lqin – informatika va globallashuv bosqichining mahsuli, u faqat adabiyot, san'atnigina emas, fan hodisasi sifatida ham maydonga chiqdi, bugina emas, siz-u biz yashayotgan hozirgi davr postmodern dunyo deb ataladigan bo'ldi.

O'zbek adabiy jarayoni bugungi kunda o'zining murakkab bosqichiga kirib bormoqda. Agar to'qsoninchi yillarda o'zbek adabiyotida g'arbning modernizm oqimi ta'sirida yaratilgan asarlar ko'paygan bo'lsa, bugungi kunda postmodernizm adabiy yo'nalishiga oid asarlar ko'zga tashlanmoqda.

Istiqlol davri adabiyoti, xususan, she'riyatida keyingi 15-20 yil mobaynida tobora o'z muxlislari mehrini qozonib borayotgan postmodernistik she'riyat katta ahamiyat kasb etmoqdadir. Chunki XX asr avvalidan beri she'riyatimiz asosan barmoq vaznida, hamda qisman aruzda o'zini namoyon etib kelgan edi. 70-80- va ayniqsa, 90- va 2000-yillarda an'a naviy poeziyadan ham ifoda usuliga ko'ra, ham mazmun - mohiyatiga ko'ra yetarlicha farqlanib turuvchi she'riy yo'nalish paydo bo'lib, yana o'z o'rniga ega bo'lib ulgurdi. Aslida, bunday she'rlar Cho'lponda, keyinroq Asqad Muxtor, Rauf Parfi va 70-yillar avlodi ijodkorlarida ham mavjud edi. Biroq shakllangan yo'nalish sifatida u 90- va 2000-yillarda taraqqiy etdi.

Postmodernizm adabiy hodisasi bilan bog'liq an'analarning milliy adabiyotimizdagi taraqqiyoti asosan ikki yo'l bilan amalga oshdi. Ijodkorlarning aksariyati bu kabi oqimlarga ko'r-ko'rona yoki to'la anglab yetmasdan taqlid qilishlari ortidan adabiyotimizda qator muammolar yuzaga keltirdi. Milliy adabiy an'analарimizning davom

etishi xavf ostida qoldi. Masalan: asrlar davomida milliy kolorotimizga aylangan qator obrazlar, motivlar, ramzlar unutildi yoki chetlab o'tildi. Biroq, shu bilan birga keyingi yillarda ushbu oqimlarning falsafiy-estetik tafakkuriga xos g'oyalarni milliy adabiy an'analarimiz zaminida shakllantirish harakatidagi Faxriyor, Ikrom Otamurod, Ulubek Hamdam, Anvar Obidjon, Zebo Mirzo kabi qator ijodkorlar ham paydo bo'ldi. Adabiyotimizda milliy an'analarni saqlab qolish uchun immunitet tizimi qisman bo'lsa-da shakllandi. Yo'qolib borayotgan timsollarni yangicha ko'rinishda o'quvchilar ongiga qaytadan singdirish harakati boshlandi.

Xo'sh, bugungi kunda adabiyotimizga shunday adabiy hodisalar kirib kelayotgan ekan, biz ularni boricha qabul qilishimiz kerakmi? Agar shunday qilsak, milliy adabiy an'analarimizga putur yetmaydimi? O'zgacha ma'naviy ruhda, o'zgacha kayfiyatda yaratilgan asarlarni kitobxonlar to'g'ridan-to'g'ri mutolaa qilsalar oqibati qanday kechadi?

Dunyoviy modern va postmodern adabiyot bo'lganidek, milliy modernistik va postmodernistik adabiyot ham chinakam badiiy-estetik joziba va miqyos kasb etish uchun mashaqqatli ijodiy kurashni davom ettirmoqda. Endilikda yangilanish san'ati ijtimoiy xizmatkor bo'lishni istamaydi, muayyan qoliplarga sig'maydi, ayricha kengliklarga intiladi, soxta ko'tarinkilik va sun'iy da'vatlardan chekinadi, ifodaviy mukammallik namoyon etadi, hurlik va erkinlik imtiyozlaridan oziqlanish barobarida olam rang-barangligi, odam turmush tarzi va ruhiyati murakkabliklarini turfa xil jozibali uslubda falsafiy-sururiy va majoziy yo'sinda ifodalashni zimmasiga oladi.

Jahon adabiyoti an'alarini o'zlashtirishga ijodiy yondoshishimiz, milliy mentalitetimizni hisobga olgan holda ko'r-ko'rona taqlid qilishidan yiroq bo'lishimiz zarurdir. Zero, shu kunlarda milliy adabiyotimizga postmodernizmdan keyingi oqim nemodernizmning kirib kelishi kuzatilmogda.

Шоир маҳорати қирралари

Тожихон Тошболтаева.
Ўзбек адабиёти кафедраси
катта ўқитувчиси (ҚДПИ)

Ўзбек адабиёти тарихида “Қўқон адабий муҳити” деб аталмиш муҳим бир давр ўзидан катта бир ижод мактабини қолдирди. Амир Умархон бошчилик ва ҳомийлик қилган бу ижод давраси Фазлий,

Адо, Ҳижлат, Маюс, Хотиф, Гулханий, Афсус каби кўплаб ижод соҳибларини кашф қилди. Айниқса, бу ижод хазиналарини тарихга муҳрланишида Фазлий Намангонийнинг хизмати беқиёс. Наманган шаҳрида туғилиб, ўз шоирлик таланти ва истеъдоди туфайли Амир Умархон саройида “Маликуш – шуаро” даражасига кўтарилган Фазлий Умархон топшириғи билан “Мажмуаи шоирон” тазкирасини яратди. Бу тазкирага Қўқонда яшаб ижод этган 87 шоирнинг ижод намуналарини жаъмлади.

Фазлий тазкиранависгина эмас, нозиктаъб шоир, зукко ижодкор эди. Тазкирага киритилган унинг форсий ва туркий ғазаллари бунинг яққол далилидир. Ғазалларда шоирнинг ошиқона, тасаввуфона нафаси уфуриб туради. Шоирнинг “Бу” радибли ғазалига диққатни қаратамиз: шеърда анънавий тимсоллар, образлар, ўхшатиш ва муболағалар учраши билан бирга Фазлий услуби ва талқинининг муҳим қирралари ҳам кузатилади. Ғазал марказига ишқ мавзуси қўйилган ва шу ишқ солган ғавғолар, ошиқ – лирик қаҳрамоннинг изтироб ва ташвишлари, қайғу ва ўртанишлари, маъшуқа васли илинжида ўзини ҳар ёнга уришлари, ошиқнинг турфа ҳолатлари бирма-бир санаб ўтилади. Ишқ дарди оғир; бундайин дардга кимки мубтало бўлибди, унинг дарду аламлари Яратган ва ўзигагина маълум. Ошиқнинг ишқ дардида чеккан алам-зорларини тафтиш қилиш осон эмас. Шундай эса-да, унинг дарду изтиробларига баҳо бериш зарурияти туғиладики, бу шоир маҳорати қирраларини аниқ кўриш имконини юзага келтиради. Матлаъ:

*Кўнгил доғин дедим ишқ ибтилосиндин нишондур бу,
Кўзим айдики, мендин сачраган бир қатра қондур бу¹.*

Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб ва бошқа шоирлар ғазалларида ишқ мавзуси атрофлича берилган. Ишқнинг турфа савдолари турли-туман тимсоллар ва ҳолатларда талқин қилинган. Бирида талқинлар ўта мураккаб тамсил ва шаклларда берилса, бошқасида содда, халқона, ҳамма баравар тушуниб кетаверадиган тарзда тақдим этилганини кузатиш мумкин. Мазкур ҳолат, шубҳасиз, шоир маҳорати, йиллар оша ўтиб келаётган анъана ва яна бошқа бир жиҳатларга бориб тақалади. Фазлий шеъри бу ҳолатнинг ўзига хос синтези, тўғрироғи, ҳам тушунилиши мураккаб, ҳам илғаниши бир қадар енгил йўл билан битилгандай

¹ Тошбосма. 377-бет.

таассурот қолдиради. Негаки, матлаъдаёқ ошиқ ҳолати бир қадар аниқ намоён бўлади. Шоир кунгил ҳасратини олдинги ўринга чиқарар экан, булар ўз-ўзидан пайдо бўлмаганига ишора этади. Айни чоғда, муболаға ва жонлантириш санъати истифода этилган ҳолда, кўзидан сачраган ёшлар қон янглиғ оқиб, ошиқ ҳолатини янада аниқроқ, янада ёрқинроқ намоён қилади. Албатта, хаёлий туйғулар, қалбнинг изтиробларга тўла ҳолатини бера оладиган бу муболаға ва интоқ шоирнинг салафлари ижодида ҳам учраган. Айтиш мумкинки, Фазлий ташбеҳлари ўзидан аввал яшаб ўтган шоирлар шеърларининг порлоқ нурларида ўзига хос тарзда барқ урганлигини кузатиш мумкин. Акс ҳолда, кейинги байтда “ғам қуши” кунгилда ин қуриб олганлиги алоҳида таъкидланмаган бўлур эди. “Ғам қуши”нинг ишқ туфайли пайдо бўлган “дард тоғи”га ин қуриб олиши Фазлийга хос янгича талқин. Анъанавий “ўқ” тимсоли кейинги байтлар учун алоҳида туртки вазифасини бажаради. Чунки ғазалнинг учинчи байтида ҳам яна “ўқ” тимсолига мурожаат этилади:

*Қадалган новакингни чекма кўксум заҳмидин ўлмай,
Нединким, нотавон жисмим аро руҳи равондур бу.*

Ошиқни бу қадар оғир дардга мубтало этган нарса – ишқ ва бунинг сабабчиси бўлган маъшуқа. Гар шундай экан, маъшуқанинг ҳар бир “қилмиши” ташқи гўзалликка алоқадор, ҳар бир аъзоси ошиқни хушидан айиради. Қарангки, унинг киприклари ҳам Ишқ тимсолини янада жонлантириш, янада аниқ намоён қилишга хизмат қилади. Келтирилган байтда маъшуқа кўзлари билан ёнма-ён турган киприклари “ҳужумга” ўтади. Ёки ошиқ учун ўз туйғуларини баён қилиш воситасига айланади. Кейинги қўшмисрада эса маъшуқанинг тишлари мадҳ маркази бўлиб хизмат қилади:

*Ҳужуми хат зуборим лаълидин сўрдим, кулиб айди:
Бадахшон мулкига келган хитойли карвондур бу.*

Фазлийгача ўтган шоирларда маъшуқа тишларини Бадахшон лаълига ташбеҳ қилиш урф бўлган. Шоирнинг таждиди шуки, энди маъшуқа гўзаллигини таъминловчи тимсоллардан бири бўлган оппоқ, текис тишларни Бадахшон лаъли дейишнинг ўзи кифоя эмас, балки шу ташбеҳ-тимсолни кенгайтириб, “лаъл мулкига келган хитой карвони” деган янгича ташбеҳни яратади. Қизик ҳолатки, бу ўринда тишларнинг оппоқ, ялтироқлигидан ташқари, худди хитойли карвонга ўхшаб майда ва текислигига ҳам ишора қилинади.

Навбатдаги байтда маъшуканинг зулфи ва сочи биргаликда тасвир объектига айланади. Шоир бу ўринда диалог усулини қўллайди ва шу орқали тасвир ва талқинни кучайтиради. Маъшуканинг юзини ўраган қоп-қора сочлари юзининг шуъласида янада ялтираб, илондек тўлғанади. Машуқа нутқида истиора қилиниб, икки зулфини тўғридан-тўғри илон деб атайди. Шунини эътироф этиш лозимки, Фазлий бу билан ошиқ томонидан эмас, балки маъшуканинг ўзи зулфини таърифига ўтганини янгилик сифатида тақдим этади:

Дедим: “Зулфинг ва юздин оразингда печитоб айлаб”,

Деди: “Ўт шуъласида изтироб этган илондур бу”.

Кейинги қўшмисра ҳам анъанавий тусда. Маъшуканинг ситамларидан озор чеккан ошиқнинг юзлари сарғаяди, тани заифлашади. У шундай ҳолга тушадики, энди ошиқ юзи билан сомоннинг фарқи қолмайди. Бу ҳолатда ошиқнинг заиф аҳволи янада кучлироқ кўринади. Кейинги байт ана шу тасвирни янада бўрттиришга хизмат қилади. Негаки, олдинги мисраларда айтилган фикрлар кейинги байтда тўлдирилади. Ошиқ шу қадар тушкунликка тушадики, натижада, умрининг поённи кўриниб қолади. Ошиқнинг мадори тасвири олдинги режага чиқади. Албатта, бу муболаға. Бироқ шу тасвирда маъшуканинг висоли умидида куйиб-ёнаётган ошиқ ҳаётининг интиҳоси намоён бўлади:

Дегай аҳбобларига ўқигон лавҳи мозоримни,

Шаҳиди новаки бир дилбари абру камондир бу.

Ана шу мисраларда шоир маҳоратининг яна бир қирраси ўзгача бир тарзда намоён бўлади. Фазлий бу ўринда ҳам ўз аҳволини, ҳам маъшуқа тавсифини баён этади. Бу параллелизм байтни шоҳбайт даражасига олиб чиқади. Маъшуқа киприклари ошиқни нобуд этади, бироқ шунда ҳам ошиқ уни макташдан толмайди; “бир дилбари абру камон” деб улуғлайди.

Кейинги уч байт мазмуни тасаввуфга бир қадар алоқадорлиги билан эътиборни тортади. Шоир сўфиёна тимсоллар орқали дунёвий муҳаббатни тавсифлашга ҳаракат қилади. Бунда “ғам лашкари” ифодаси фақатгина дунёвий нафс тимсоли сифатида берилаётгани йўқ, албатта. Унда ошиқ ўз-ўзига мурожаат қилиш баробарида аҳли хароботни ҳам ёдда тутаяди. Харобот ичра манзил тутиш доруломон – омонлик маскани эканини таъкидлайди. Негаки, ундан олдинги қўшмисраларда келтирилган “лавҳи мазор”, “шаҳиди новак” изофалари мазмуни билан “доруломон”

изофасининг мазмунидаги зидлик ана шундай хулоса чиқаришга имкон беради.

Кейинги байтда хирад аҳлининг ошиққа муносабати орқали ҳам ишқнинг нақадар мушкул бир синов эканлигига урғу берилади:

*Хирад аҳли жунун кўйида аҳволимни кўрганда,
Дегайлар ошиқи девонайи ҳусни чунондур бу.*

Мазкур байт юқорида баён этилган фикрларнинг мантикий хулосаси бўлиши билан бирга, ошиқнинг рухий аҳволи ва хаёлий туйғуларининг маълум маънодаги умумлашмаси сифатида кўзга ташланади. Чунки, “ҳусни чунон” бу – Маъшуқа. Ошиқи девона эса – лирик қахрамон. Лирик қахрамон шу ерга келганда маъшуқа тавсифи ва ундан келадиган жабру жафоларни маълум лаҳзалар ичида унутишга ҳаракат қилади. Энди маъшуқа бир неча лаҳзага ортга чекингандай таассурот уйғотади. Бунда аҳли хирад жунун кўйига тушган ошиқи беқарорнигина эмас, балки комиллик сари қадам кўйган солиқни ҳам тавсифлашга ҳаракат қилгандай таассурот юзага келади. Мақтаъ ушбу ғазалнинг татаббуъ эканлиги, аниқроғи назира, айни радиф ҳам олинганлиги, ундаги маъно-мазмун ҳам нисбатан кўчганлигига ишора қилади. Ғазал нисбатан каттагина – 11 байт. Кўпроқ форс-тожик ғазалиётида анъана тусини олган ҳазажи мусаммани солим вазнида, бир қадар босиқ, бир қадар таъсирчан вазнда битилган.

Биз Фазлийнинг биргина туркий ғазалини таҳлилга тортдик. Тазкирада шоирнинг яна ўнлаб форсий ва туркий ғазаллари ўрин олган. Уларнинг тадқиқи эса адабиётшуносларимизнинг галдаги вазифаларидир.

Anbar Otin she'rlarida ma'naviy-ma'rifiy masallar talqini

Obidjon Karimov,
filologiya fanlari
nomzodi (NamDU)

Vohidxo'ja Abdullayev,
o'zbek tili yo'nalishi
talabasi(NamDU)

Biz shuni yaxshi bilamizki, milliy uyg'onish davri o'zbek adabiyotida Anbar Otin o'ziga xos mavqe'ga ega. Ma'rifatparvar shoira murakkab ijtimoiy davrda yashaganligiga va oilaviy muhtojlikka qaramasdan, o'zbek adabiyotida o'ziga xos adabiy ijod maktabini yarata

oldi. Ijodkorning poetik merosi chindan ham tadqiq qilishga arzigulik va bugungi kun uchun saboq bera oladigan asarlardan iborat. Shoira mumtoz she'riyatimizda ma'rifatparvarlik an'anasini izchil davom ettirdi. An'anaviy obrazlarga takrorlanmas xususiyatlarni kiritadi.

U nasrda ham barakali ijod qilgan. Boisi, nasriy yo'lda bitilgan "Qarolar falsafasi" adabiyotimizdagi noyob hodisadir. Tadqiqotlarga ko'ra, uning jami 90 ga yaqin she'rlari e'lon qilingan.

Anbar Otin she'riyatida ijtimoiy-siyosiy mazmun kuchli. Chunki u yashagan davr murakkab davr edi. Yurt egalari xor bo'lib, o'zgalar tomonidan o'z holicha boshqarilayotgan mamlakat kelajagi haqidagi o'ylar millatparvar shoira ijodida o'z aksini topishi tabiiy edi. Anbar Otin o'zining "Tarjimai hol" asarida shunday dardli baytlarni yozadi:

*Jahon –og'uga kelgan Anbar Otinman,
G'am-u qayg'uga kelgan Anbar Otinman.
Yamon soatda keldim man jahong'a,
Ini jodug'a kelgan Anbar Otinman.
Adab ahli oyoq ostida xordur,
Chunin yog'dug'a kelgan Anbar otinman¹*

E'tibor bergan bo'lsangiz, shoira jahonni og'u deb ta'riflayapti. Bu bir tarafdin mumtoz an'analarga hamohang bo'lsa, ikkinchi tomondan, davrning jonli talqinidir. "Yamon soat", "Ini jodu" kabilar ham shu o'ylarning ayni ifodasidir. Shu bilan birga yaxshi kishilar, ilimli kishilar xor bo'lib borayotgani afsus – nadomat bilan kuylanadi.

Shoira millat kelajagi haqida qayg'urar ekan, she'rlarida o'zining vatanparvarlik ruhini badiiylik libosiga o'rab kuylashga intiladi. Uning she'rlarida barkamol avlod haqidagi orzu - o'ylari ham jamlangan. Ayniqsa, qizlarning dunyoviy ilmlarni egallashini u chin dildan istagan. Mana shunday o'rinlar:

*Ayo, davron man o'lg'on so'ng, qilib yodimni xushnud et,
Mening keynimda qolg'on avlodimni xushnud et².*

Anbar Otin "zulmat asri" dan so'ng albatta, yaxshi kunlar keishiga va avlodlarini ilimli, barkamol bo'lib yetishishiga umid bog'laydi.

*Dabistoni ulumni sar-basar ochib har el ichra,
Kengaytirib tahsilini, navjuvonlar aylagay yod.
Qorong'u uyda ingrab o'ltururmi man kabi xotun,
Hama ash'orini ovoz ila o'qub, qilur ijod³.*

¹ Anbar Otin she'riyatidan. Sharq klassiklari merosidan. T.: 1981. 75-bet.

² O'sha asar, 78 - bet.

³ Yuqoridagi asar, 80 - bet.

Shoiraning harflarga bag'ishlab yozilgan "Yakka baytlar"ida ham ilm - ma'rifatni targ'ib qiluvchi misralar talaygina. Ulardan ayrimlarini keltirib o'tamiz.

*Kimiki ma'rifatni etsa e'zoz,
Ani irfon etar albatta mumtoz.
O'zingni elga xizmatkor etkiz,
Ishing anjomiga yetkuncha yetkiz¹.*

Yana bir baytida shoira yosh avlodni odob – axloqli bo'lishga, ilm – ma'rifatni puxta egallab, o'zini el xizmatiga kamarbasta bo'lishga chaqiradi. Bu esa hozirgi kunda ta'limni tarbiya bilan olib borish kerak tamoyiliga to'g'ri keladi.

*Yaxshi odamlar ishidin ibrat ol,
Ibratomuz xizmat aylab, izzat ol.*

Yoki Uvaysiy g'azaliga muxammasidagi quyidagi bandni kuzataylik:

*El aro jonbaxsh ham xurshidi tobondir adab,
Shaxs aro elg'a farog'atlik gulistondir adab,
Odamni yuzida bir nuri imondir adab,
Ey dil, bugun ilkinga ol, shoh etkan ehsondir adab,
Tuhfi bo'lur ko'rsang oni loyiqi jondur adab².*

Barkamol yosh avlod tarbiyasi jamiyatimizning asosiy masalalaridan biridir. Prezidentimiz I. A. Karimov tomonidan bu yilni "Sog'lom bola yili" deb e'lon qilinganligi ham fikrimizning yorqin dalilidir. Anbar Otin she'rlaridagi sog'lom bolani voyaga yetkazish masalalariga oid poetik qarashlarini tadqiq etish esa ma'naviyatimizni yuksaltirishga yordam beradi. O'zbek millatining orzu-o'ylarini aks ettirgan she'rlari yoshlar tarbiyasida ham muhim o'rin tutishiga ishonamiz.

Ўзбек адабиёти Амур Темур образи талқини

Муҳайё Мўминова,
Наманган қурилиш ва дизайнер касб-хунар
коллежи тиллар кафедраси ўқитувчиси

Мустақиллик туфайли дунё фозилларининг ҳайрати ва ҳурматидаги донишманд боболаримиз яна кўнглимиз ва онгимизга таширф буюриб, халқимиз тарихи ва маънавиятининг узвий яхлит

¹ Yuqoridagi asdar, 110 – bet.

² O'sha joyda, 102 – bet.

бир қисмига айланиб бормоқда. Хусусан, буюк соҳибқирон Амур Темур, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Нажмиддин Кубро каби алломаларимизнинг қолдирган мерослари бугун қайтадан урганилмоқда, янгитдан кашф қилинмоқда.

Амир Темур тарихда ўчмас из қолдирган буюк шахс: улкан бунёдкор, йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, чуқур файласуф, илмий фан ва маданият ҳомийси. Биз бугун бу ҳақиқатни яхши англадик ва билдик. Ўзбек тарихини ўқитиш борасидаги ҳар қандай ёндашув, даставвал Темур ва унинг меросини ўқитиш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тан олдик. Назаримда бу боғлиқлик фақат тарих фани билан эмас, адабиёт, фалсафа, тилшунослик фанларида ҳам яққол сезилади.

Саъдий ҳазратларининг шундай байтлари бор:

Қололмас жаҳон ичра мангу киши,

Фақат қолғуси яхши ному иши

Назаримизда байтдан англашилган мазмун айнан Амир Темур шахсига битилгандай. Дарҳақиқат, Амир Темур бутун табиатидаги яхши сифатлари, эл-юрт олдида қилган хайрли ишлари, жаҳон олдидаги буюк хизматлари билан мангуликка муҳрланди.

Нафақат тарих китобларида, балки бадий – адабий асарларда ҳам унинг номини учратамиз, унинг сиймосини кўрамиз. Амур Темур бугун лирик, эпик, драматик асарларнинг бош қаҳрамони, китобхонларнинг идеалидаги ягона шахсга айланди.

Бугун адабий асарларда шўро ҳокимияти даврида қатағон этилган шавкатли Темур образи катта ифтихор билан қаламга олинмоқда. Асарларда Амур Темурнинг реалистик образи яратилиб, унинг мамлакат ва халқ тарихида тутган буюк роли ўз бадий талқинини топмоқда.

Хусусан, ёзувчи Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” романи ҳам Амур Темурга бағишланган. Асарда буюк соҳибқирон ҳаётининг қайноқ даври – Мовароуннаҳр тахтига чиққан йиллари асос қилиб олинган. Ёзувчининг маҳорати шундаки, асарда Амур Темурга хос хислатлар реал бадий талқинини топган. Асардаги воқелик Амур Темурнинг шахсий ҳаётини кенг кўламда камраб олади ва оила бошлиғи, давлат султони, оддий фуқаро сифатидаги ички кечинмалари, мулоҳазалари, орзу-ўйлари муфассал тасвир этилади.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ижоди шаклий ва мазмуний жиҳатдан яқраг эмас. Унинг шеърляти курашчан, ростгуй, халқчил бўлганидек, бу хусусият унинг драмаларига ҳам кўчган. “Соҳибқирон” шеърй драмаси бунинг якдил намунаси.

Амур Темурнинг меҳр-оқибати ҳам, ғазаб-нафрати ҳам бирдек ўзгача ва буюк бўлган. Унинг меҳнат аҳлига, аскарларга, оиласига ғамхур ва меҳрибонлиги ғоят ибратли. Энг оғир дамларда ҳам софдил ва ватанпарвар инсонларни эътиборидан соқит қилмаган, уларни эъзозлай билган. Аксинча, халққа, Ватанга хиёнат қилган шахсларни асло аямаган, қаттиқ жазолаган. Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” асарида ана шу хислатлар бадий деталлар орқали очиб берилган. Натижада ўзбек адабиётида Амир Темурнинг буюк ва салобатли, жонли ва табиий образи пайдо бўлади. Асарда Амир Темур доно инсон, инсоний ва қонун қоидаларни юксак қадрловчи ва уларга изчил амал қилувчи ҳукмдор, меҳрибон ота, адабиёт ва санъатни теран англовчи ва юксак қадрловчи ноёб дид соҳиби сифатида гавдаланади.

Энг муҳими, муаллиф Амир Темур образини идеаллаш-тирмаган. Унинг подшоҳ сифатидаги хато ишларини, дунёқара-шидаги зиддиятларни, қисматидаги фожиали жиҳатларни ҳам рўйи рост очиб берган. Асар якунида Амир Темурнинг умр бўйи қилган савобу гуноҳларини сарҳисоб қилган ҳолати шундай тасвирланади:

Тинсиз жангу жадал билан ўтди ҳаётим,

Балки қанча умрларга зомин бўлганман.

Охиратда этагимдан тутмасми улар?

Абдулла Орипов Амир Темур образига фақатгина мазкур драматик асарида эмас, шеърларида ҳам жуда кўп мурожаат қилган. Халқона соддалик ва чуқур мазмундорликка йўғрилган шеърларида Амир Темурнинг яна бир ўзига хос суратини сийратлайди.

Шоир “Темур боғлари” деб номланган шеърда лирик қаҳрамон - шоир “мен”и Амир Темурдек сиёсий, ҳарбий арбоб, улуғ алломанинг авлоди эканлигидан қалбида киши англаб етмас ифтихор, миллий ғурур ва юксак бир фахр туяди:

Темурдек зотнинг-ку қайтмоғи гумон,

Лекин не бўлса ҳам изи қолибди.

Қанча чеврилмасин кўҳна бу жаҳон,

Боғи, иморати, сўзи қолибди -

Улуғ даҳоларимиздан бири Абу Райҳон Беруний “Ҳиндистон” асарида ўзининг энг олий истаги ҳақида гапириб “менинг ҳамма

онгида, хаёлларида, юриш-туришида фақат ҳаётдан гўзаллик ахтариш, у ҳатто ўзининг гўзаллигидан, чиройидан ҳам ғурурланади. Уни аҳволининг оғирлашишига қараб юқори қаватларга босқичма-босқич кўтаришади. Тушкунликка тушмайди, барча хоналардан гўзаллик ахтаради. Мажоли йўқ бўлса ҳам ўзи бировнинг ёрдамисиз зиналардан юқорига чиқишга уринади.

Дино Кортте еттинчи қаватдан пастга тушишни хохламайди. Еттинчи қават унинг учун соғлиқ, ҳаёт тимсоли. Пастга тушгани сари у тушкунликка тушади. Дино Кортте ёмон кайфиятда қаватдан-қаватга кўчиришларидан норози бўлса, Зоҳид Яқинбой ҳамма нарсадан яхшилик кутади, Худога шуқуруналар айтади. Дино Кортте учун хона жим-жит, ҳатто деразадан кўринаётган дарахт танаси ҳам худди жонсиздек туюлади унга. «Бу даҳшатли жим-житлик эди». Зоҳид Яқин учун касалхона роҳатижон жимжитхона эди ва у шу жимжитхонадан чиқмаслик учун ҳамма нарсага тайёр. Шундан келиб чиқиб адиб асарга «Жимжитхонага йўл» деб мавзу қўйган. Ҳикоялардаги иккита қаҳрамон характерлари фарқлари ва фактлари бир-бирига эмас, кескин фаоллик кўрсатаётган инсон тафаккури жараёнларига қарама-қарши қўйилгандир, қолаверса, барча мавжуд имкониятлари даражасида ўз-ўзидан очилаётган қаҳрамон орқали ҳаёт ҳақиқати очилади ва имконият даражасида таққосланади.

Модерн адабиётига хос бош фазилат воқеликни бошидан охиригача рамзлар тили билан ифода этишдан иборат. Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида ҳам рамзий белгилар айрича маънога эга. Ҳар бир деталь, ҳатто исмлар ҳам муайян поэтик вазифа бажарган. Ёзувчи қаҳрамон ва персонажлар феълени, характер-хусусиятларини очиб берувчи исмларни қўллайди: «Зоҳид» - дунёнинг ортиқча ҳою ҳавасини тарк этувчи, дунё матоҳига алданиб қолмайдиган, иродаси мустаҳкам банда.

Адиб аксарият асарларида оқ рамзий тимсолига алоҳида ўрин беради. «Жимжитхонага йўл» ҳикоясида ҳам оқ рангга поклик тимсоли сифатида урғу беради. Оқ поклик, эзгулик, ёруғлик, яхшилик тимсолидир.

Дино Кортте еттинчи қаватдаги палатага жойлаштиришади. «Ёп-ёруғ палатага олиб кирди, хона шу қадар озода эдики, деворлари, анжомлари-ю, жиҳозларидан тортиб, чойшабу дераза пардаларигача бамисоли нурга чайилгандек оппоқ эди!.. Дино

Кортенинг руҳи-руҳига қушилиб, бутун вужуди ҳузурланди. Оппоқ чойшаб тушалган каравотга чўзилди».

Зоҳид Яқин жойлашган хонадаги барча жиҳозлар, девору пардалар оқ рангда эди, у ҳамма нарсадан оппоқ нур ахтарар эди. Унинг кузи Мушоҳидага тушади. «У чинни кабутар янглиғ, йуқ, оқ нурдан яралган малоика янглиғ юқоридан югуриб эмас, йуқ қанот ёзиб учиб тушди...Уша топда Зоҳид Яқиннинг кузига оқ халат кийиб олгандек кўринган эди, адашган экан, халат эмас, бутун буй-басти оқ садафдек, она сутидек оқ оппоқ эди!...»¹

Зоҳид Яқинни еттинчи қаватга олиб чиқишади. Уша ерда унинг устига оқ сурп тортилади. Хотини Робия пешонасига оқ рўмол танғиган эди. Оқ туркий халқларда мусибат, қайғу, ҳатто қурғоқчилик аломатлари ҳисобланган. Бу ўринда адиб миллий урф одатларимизни ҳам кўрсатиб берган. Миллий урф-одатимизга кўра, аза кийими сифатида оқ рўмол ўрашади. «Оҳори тўкилмаган узун оқ қалпоғини бошига қўндирган профессор», врачлар, ҳамширалар ҳам инсонга ҳаёт берувчи нурли тимсолдир. Зоҳид Яқин сўнгги дамда ҳам шукроналар айтиб, ҳаётдан мамнун кетяпти, у биринчи қаватдан еттинчи қаватгача кўтарилади. Дино Корте эса еттинчи қаватдан биринчи қаватга тушади, у ҳамон ранжиган, жим житликдан даҳшатга тушган. «Зина» рамзий тимсоли турли халқларнинг рамзий анъаналарида кенг тарқалган. Зина рамзида ўзаро чамбарчас боғлиқ бир неча жиҳатлар ажратилади. Улардан бири оламни турли вертикал даражалари, айниқса, осмон билан ер ўртасидаги алоқадир. Чиқиш ва тушиш, яъни эволюция ва инволюция тўғрисидаги тасаввур зина билан боғланади. Зинадан тепага кўтарилиш – омад, муқаддаслик, баркамоллик билан; тушиш – таназзул, бахтсизлик билан қийёсланади.

Зоҳид Яқин ўлими яқинлашганда еттинчи қаватга чиқади. Каравотнинг икки ёнида бораётган икки киши бир-бири билан шивирлашади:

«Қушдай енгил экан... – деди ўрта ёшлардаги киши.

– Енгил ҳам гапми, упкардай-а! – деб унинг гапини маъқуллади чап томондагиси, – Жудаям беозор, фаришта одам экан, бечора.

– Фаришта бўлмаса, шу ергача кўтарилармиди?! Еттинчи қаватга-я!...»

¹ Дўстмухаммад Х. Беозор қушининг қарғиши. «Жиҳватхонинг ёзуви», «Шарқ», 2006., 257- бет.

Куш – руҳнинг тимсоли. Бу гапларни эшитиб Зоҳид Яқиннинг руҳи енгил тортади.

Зоҳид Яқинни сўнги дамда сўнги манзилга кузатишда ҳам адиб ўзгача бир рамзий маъно юкловчи деталлардан фойдаланади: «... Йўлак-йўлак эмас, усти ёпик, лекин нурга лиммо-лим тор кўчага ўхшар, кўча адоғидаги очик туйнукдан чанг, йуқ, чанг ғубор эмас, балки янаям ёруғроқ нур оқиб-тошиб тушаётган эди»¹

«Зоҳид Яқин йўлак адоғидан оқиб кираётган сутдек нур оғушида ястаниб ётган кенг ва ям-яшил сайхонликни илғаб шу қадар баҳри-дили очилдики!.. -Жозоба-а!..» - дейди.

Бундай жозибани ҳар ким ҳам илғай ололмайди, ҳар кимга ҳам насиб қилмайди бундай жозоба. Профессор айтганидек, Зоҳид Яқиндек ва асар муаллифи Хуршид Дўстмуҳаммаддек инсонларгина илғай оладиган, ушаларгагина насиб қиладиган жозоба бу. Хуршид Дўстмуҳаммад қаҳрамонлари нигоҳи билан кўради дунёни, уларнинг назари ва онг оқими орқали тасвирлайди ҳамма нарсени. Бундан ташқари адиб тиниш белгиларига ҳам алоҳида маъно юклайди, бу эса асар моҳиятини очиб берувчи калит вазифасини бажаради. «Жимжитхонага йўл» ҳикоясида қаламга олинган асосий воқеа ҳам, замон ҳам, қаҳрамонлар ҳам тўла маънода рамзийдир.

Чуқур фалсафа асосига қурилган ҳар икки ҳикоя китобхонни рамзийлик қаърига яширинган ҳикматни англашга, адабиётнинг бадий-эстетик қимматини теран идрок этишга, шунингдек, инсониятни ҳаётдан завқланиб яшаш ва ҳаётга гўзал қиёфа ила боқишга чорлайди.

Кичик жанрда кичик образ

М. Ҳамидов,
магистрант (ФарДУ)

Ижтимоий онг тараққиётининг турли босқичларида ҳодисаларга ёндашиш тамойиллари ўзгариб такомиллашиб боришини бадий асарларда акс этган ҳаётний ҳақиқатга муносабат масаласига ҳам тадбиқ этиш мумкин. Яқин-яқингача бадий асарнинг ютуғи унинг ҳаёт ҳақиқатига қанчалик мос эканида, деб қараларди. Эндиликда айнан тасвирларнинг ҳаётга ўхшашлиги кўпчилик бадий асарларнинг муваффақиятсизлиги сабаби экани

¹ Ўша асар, 263-бет

аён бўлди. Чунки ҳаётда руй берган деярли ҳамма ҳодисаларнинг фақат сирти идрок этилади, холос. Моҳият, ички жиҳат, сабабокибат боғланишлари, кунгил, туйғулар силсиласи ҳаёт ҳодисаларининг ичида пинҳон бўлиб қолаверади. Ҳаёт учун натижа муҳим. Адабиёт учун эса – жараён. Шу маънода, адабиётнинг узига хослиги унинг ҳаётга ўхшамаслигида, унга қараганда қўламлироқ, чуқурроқ эканлигидадир. Шунинг учун ҳам ҳаётдагига ўхшамаган тасвирлар миллий ҳикоячилигимизда кенг ёйилиб бормоқда.

Адабиёт доимо жамиятда мавжуд энг оғриқ нуқталарни доволашга, жилақурса, бадий акс эттиришга ҳаракат қилади, ҳар қандай даврда жамият дунёқарашидан юқори туради. Адабиёт омма психологиясини таҳлил этишни ўз олдида мақсад қилиб қўяди. Дарҳақиқат, 80-90 йиллар ҳикоячилигида яратилган қаҳрамонлар, уларнинг характерлари фақат шўро воқелигининг жўн тасвиридан иборат бўлган эмас.

Эркин Аъзамовнинг айни шўро даврида яратилган кўплаб ҳикояларида ҳар қандай тузумда ҳам миллий табиатини йўқотмаган бадий образлар талайгина. Ёзувчининг «Олам ям-яшил» китобига киритилган ҳикоялари фикримизнинг далилидир.

«Турмуш» ҳикояси жамиятнинг оғриқли нуқтаси бўлган ёш оиланинг пароканда бўлиб қўлаб бориши ҳақида. Ҳикояга Шавкат Раҳмоннинг қуйидаги шеъри эпиграф қилиб олинган:

Эру хотин қўш хўкиз эмиш...

Мен – шаҳзода, сен – маликасан.

Эпиграф жуда ўринли қўлланган. Шу шеър орқали ёзувчи гоёси, асар мазмуни ёритилади. Эпиграфдан кейин асар тугун билан бошланади. «Малика энди қайтмайди, энди қайтиб келмайди Малика!...»¹ Малика ўзи ким нега кетади, нега қайтиб келмайди, деган саволлар ўқувчини ўйлантиради, асарнинг ўқиш давомида шу саволларнинг жавоби топилади. Ҳикояда ёш оила психологияси жуда моҳирлик билан очилган. Айниқса, оиладаги турмуш ўртоқ яъни эр масаласи, аёлсиз унинг ҳоли не кечиши ишонарли тарзда баён қилинган.

Ҳикоянинг бош қаҳрамони Тилак хотини билан ўн йил бирга яшаб, бирор марта хотинини урмаган, ҳаттоки чертмаган. Тилак бошқа эркакларга ўхшамайди, у аёл кишига ожиза, деб қарайди. «Аёл кишини урмаслик керак, ёқмадими, жавобини бера қол», -

¹ Эркин Аъзамов Олам ям-яшил. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984, 64-бет.

деган гапни кўп дўстларига, ҳатто қайнотасининг ёнида ҳам гапирган. У ўзи хоҳламаган ҳолда хотинига бир шапалоқ кўйиб юборади. Хотини Малика эса аразлаб кетиб қолади.

Бир қарасангиз бу оддийгина эр-хотиннинг урушига ўхшайди. Бироқ шу биргина шапалоқ оиланинг дарз кетишига сабаб бўлади. Тилак хотинини қайтиб келишига ишонади, аммо Малика қайтишни хаёлига ҳам келтирмасди. У дардини кимга айтишни, кимга мани хотинимни олиб келиб беринг, дейишни билмас эди. Тилак ўн кун ёлғиз яшади, бора-бора ёлғизликка кўникиб қолди.

Ёзувчи Тилакнинг шу ёлғиз қолгандаги ҳолатини, унинг психологиясини руҳиятини очиб берган. Эркак киши оиланинг устун, у ҳамма нарсани қилишга ва бажаришга қодир. Бироқ аёлсиз у ғариб ва ожиздир. Эр подшоҳ бўлса, хотин вазирдир. Вазирсиз шоҳ бир кўлидан айрилган шоҳдир. Ҳикояда Тилак ҳамма нарсага қодир, лекин у Маликасиз на ишида, на кўчада, на уйда ҳаловат топади.

Асарда Тилак характерини янада аниқроқ очиб бериш учун ёзувчи яна бир эпизоддан фойдаланадики, бу эпизод эр-хотин муносабати, характер ва руҳиятини кенгроқ очиб беради. Бу – Хуррам образи. Хуррам Тилакнинг энг яхши кўрган жияни. Хуррам камгап, сипо ва мўминтой. Унинг характери Тилакка ўхшайди. Адиб асарда Тилакнинг характерини алоҳида таъкидлаб ўтмайди, бироқ Хуррамнинг характерини очиб бераётганда Тилакка ўхшашини изоҳлайди. Бу ҳам ёзувчининг ўзига хос услуби бўлиб, ўқувчининг бош қаҳрамон ҳақидаги тасаввурларини янада бойитади. Тоғаваччаларнинг ўхшаш қирраларини кенгроқ ўзгача бир усул билан ёритади.

Ёлғизликка энди кўникиш ҳосил қилган Тилак, жиянининг ташрифидан кейин уйда яна ёлғиз қолишни истамайди. Ўз ёлғизлигига дармон истаб дўсти Маратнинг олдига боради. У ерда ҳам ўз дардига малҳам топа олмайди. Уйига қайтиб келса, эшик очик, столнинг устида ҳамма нарса бор, чой дамланиб ёпиб қўйилган. Бу ишларни ким бажарди, хотиними ёки жияни, бу савол ҳам ўқувчини ҳам асар қаҳрамонини ларзага солади. Наҳотки, Малика орадан йигирма бир кун ўтиб ўзи қайтиб келган бўлса. Тилак шоша-пиша чироқ ёниб турган ўз хонасига киради, у ерда қизчаси ухлаб ётарди.

Тугун билан бошлаган ҳикоянинг охири яхшилик билан тугайди. Бир шапалоқ дастидан оила пароканда бўлишига бир баҳя

қолади. Ёзувчи асарга фаришта мисол, нажот фариштасига қийёсланган ҳолда Хуррам образини олиб кирадики, бу образ асарнинг моҳияти ва ғоясини очиб беради. Асарда Хуррам образига унча урғу берилмайди. Унинг кечки ўқиши ва ишлаши, Тилакнинг тоғасининг ўғли эканлиги, дадаси ташлаб кетганлиги қисқа эпизодик тасвирда айтиб ўтилади. Бироқ шу кўзга кўринмаган, унинг на монологи, на диалоги берилмаган ёш бола бир оиланинг пароканда бўлишидан сақлайди. Акасининг оиласини қайтаради.

Кўринадики, биргина кўзга ташланмаган кичик бир образ асарнинг бутун бир моҳиятини, асар қаҳрамонларининг характерини, қиёфасини очиб бериш учун муҳим бир рол ўйнайди.

Хуррам образи асарда ёрқин тасвирларда акс этмаса-да, усиз ҳикоянинг мазмун-моҳияти очилмай қолади. Хуррам образи жамиятнинг пойдевори бўлган муқаддас оилани сақлаб қолади. Асарда Хуррам образига батафсил тўхталинмаган, бироқ унинг характери, руҳияти яширин тарзда очиб берилади. Унинг соддалиги, камгаплиги, мўминтойлиги каби характер хусусиятлари отасиз яшаганлиги учун. Шунинг учун ҳам у акасининг оиласини сақлаб қолиш учун ҳеч ким билан маслаҳатлашмасдан, ўзи бориб келин ойисини олиб келади.

Адибнинг яширин тарзда Хуррам образига урғу бермасдан асарга олиб киришдан мақсади оиланинг муқаддаслиги, унинг парокандалиги эса келажакка таъсир кўрсатишини ифодалашдир. Ҳамма нарсаси етарли бўлса ҳам, барибир, фарзанди учун ота-она меҳридан улуғ ва муқаддас туйғу йўқдир. Ёзувчи Хуррам образи орқали жамиятдаги энг қалтис ва энг муқаддас бўлган ҳолатларни ёритиб беради.

Saida Zunnunova she'riyatida peyzaj

Sayyora Mahkamova,
adabiyotshunoslik yo'nalishi
1-kurs magistranti (ADU)

She'riyatimizda peyzaj lirikasi namunalari keng tarqalgan. Chunki san'atning hech qaysi turi tabiat hodisalarini she'riyatchalik mukammal va samimiy tasvirlash imkoniyatiga ega emas, desak mubolag'a bo'lmaydi.

Peyzaj lirika tavsifiy lirikaning bir turi bo'lib, lirik subyektning his – tuyg'u va kechinmalari tabiat tasviri orqali ifodalangan asarlardir.¹

Tabiatning o'zi go'zal she'rlar, qo'shiqlar majmuasidan iboratdir. Faqat bu she'rlar va qo'shiqlar, qushlar, yaproqlar, jilg'alar, shabadayu tomchilar tilida yaratilgan bo'lib, ularni tushunish uchun borliqni poetik idrok eta bilish zarur. Shoir tabiatdagi ana shunday go'zal taronalarni badiiy so'z mulkiga ko'chira oladigan sohibi iste'doddir xolos.

Bitmas-tuganmas ilhom va estetik zavq manbai bo'lmish tabiat o'ziga xos badiiy shakllarga kon poetik mo''jizadir. Har bir ijodkor, xoh u yozuvchi bo'lsin, xoh shoir, musavvir yoki bastakor bo'lsin, tabiat qo'shiqlariga quloq tutib, o'z tuyg'ulariga esh sadolarni, ranglarni izlaydi. D.Quronov aytganidek, peyzaj lirikada tabiatni tasvirlash maqsad emas, balki bir vositadir.² Demak har qanday tabiat manzarasi shunchaki tasvirlanmaydi, bu tasvir asosida ijodkor qismati, his-tuyg'ular olami, uning muayyan ijtimoiy-estetik qarashlari yotadi. Tabiatni chin dildan sevgan pokiza qalbli ijodkorgina undan haqiqiy estetik zavq ola biladi.

Ana shunday tabiatni yuqori darajadagi estetik did bilan badiiy aks ettira olgan ijodkorlardan biri Saida Zunnunovadir. Agar Saida Zunnunova rassom bo'lganda tabiat manzaralarini chizish bilan shuhrat topardi. Chunki shoira tabiatni shunchaki his qilmadi, balki uni muayyan poetik obraz va ramzlar vositasida idrok eta oldi, she'rlaridagi tasvirlangan manzara ramziy obrazga aylandi. Tabiatni jonlantirib, uning sirli qo'shig'iga badiiy shakl berdi, ya'ni tabiatdan olingan tuyg'ularni misralarga ko'chirdi. Shoiraning bahor, yoz, qish, kuz shuningdek qor, yomg'ir, bog' – rog'lar vasfidagi she'rlari fikrimizning isbotidir. Shoiraning "Bahor", "Bahorni qarshilab", "Bahor she'ri", "Bahor keldi", "Kuz", "Yomg'ir shovillaydi", "Tomchilar", "Yoz", "Qish", "Qor yog'ar" kabi she'rlari shular jumlasidandir.

Bahor, tabiat mavzulari shoiraning eng sevimli mavzularidan biri edi. Bahor haqida Saida Zunnunovachalik ajoyib misralar bitgan ijodkor kamdan-kam topiladi. Shoira chin ma'noda bahor va baxt shaydosi edi. Buni shoirning "Bahor" she'rida ham ko'rish mumkin:

Husningning menchalik shaydosi yo'qdir,

Menchalik to'ymagan gadosi yo'qdir.

Ko'kda o'yin qilgan sho'x qaldirg'och ham,

Yaxshilik yugirgan ham o't, og'och ham,

¹ Quronov D., Mamajonov Z., Sheraliyeva M. Adabiyotshunoslik lug'ati. –T.: Akademiya nashr, 2010, 221-bet

² O'sha asar, 221-bet

*Bo'tana suvlarning yuzidagi gul,
Qirdagi lola-yu, tog'dagi sunbul
Qalbimga soladi rashksimon tuyg'u,
Qalbimga soladi rashksimon g'ulu.*

“Bahorni qarshilab” she’rining esa lirik qahramoni shoiraning aynan o‘zidir. Ushbu she’rda shoira bolaligi o‘tgan tabiatni tasvirlaydi. Somonli shuvoq qilingan tomlarda bahor kezlari ko‘rpadek ochiluvchi lolaqizg‘aldoqlar, feruza osmon, latif xush bo‘ylik sochpopuk, o‘rik shoxlaridagi arg‘imchoq, anhor labidagi yalpiz kabi detallar shoiraga beg‘ubor yoshlik onlarini esga soladi.

*Muncha chiroylisan, fusunkor bahor,
Munchalar qalblarga sirdosh, hamohang,
Bola chog'imda ham etardi maftun,
Sendagi go'zallik, alvon turli rang.*

Saida Zunnunovaning “Bahor” turkumidagi she’rlari yoshlik va baxt navolaridan kuylasa, “Yoz” she’rida esa fasllarning tadrijiy ravishda almashinishi, tabiat hodisalarining ketma – ket ro‘y berishi barobarida hayotning ham davom etayotgani tasvirlanadi.

“Kuz” she’rida shoira Vatanning tabiatidan lol qoladi. She’rdagi lirik qahramonni kulrang tog‘lar etagidan asta ko‘tarilayotgan quyosh ham, paxtazordagi qaynoq, serzavq mehnat ham, yo‘lga tushgan “oq oltin” karvoni ham, har gul, har yaproq bo‘yog‘i ham maftun etadi. Shoira atrofiga termulib, go‘zallikni ko‘radi. “Kuz” nomli yana bir she’rida esa quyosh o‘tida sarg‘aygan, yashash umidini tark eta olmayotgan barg orqali inson umrini, tiriklikni tasvirlaydi.

*Chirt etib uzildi oltinsimon barg,
Kuz, dedim, rangiga termilib ma'yus,
Yo'q, dedi, yo'q, shoir, undaymas afsus,
Yashash umidini etolmasdan tark*

Shoiraning 1962-yilda yaratilgan “Tomchilar” she’rining lirik qahramoni tabiat musaffoligi haqida yurakdan qayg‘uruvchi jonkuyar inson. U tabiatning musaffo bo‘lishini istaydi. Tabiatga qo‘ngan har bir gardni kipriklari bilan supirishgada tayyor tabiat shaydosi.

*Ey, billur tomchilar, sizlar qay yoqdan,
Qay yoqlardan kelding, aytgin, aziz qor?
Chindan shaffofmisiz, chindan oqmisiz,
Atom zahrasidan yiroq, pokmisiz?*

Saida Zunnunovaning “Qor yog‘ar, qor yog‘ar biram xushhavo” deb boshlanuvchi she’ri orqali qish faslining o‘zgacha poetik tasviri ko‘z

oldimizda namoyon bo'ladi. Shoira qishdagi havoning sofligi tanga davol ekanligini ta'kidlaydi. Shoiraning qish havosidan zavqlanishi kitobxon ko'ngliga ham estetik jihatdan ta'sir etadi. Saida Zunnunovaning poetik olamida tabiat hodisalari boshqa shoirlarda takrorlanmagan holda yuzaga chiqadi:

*Daraxtlar shoxida, bo'g'otlarda qor,
Tarnovlar tishlagan novvotlarda qor.
Yuziga billurdan nafis to'r tutib,
Qor qo'ynida jimjit oqadi anhor.*

She'rdagi tarnov chetidagi sumalakning novvotga o'xshatilishi va tarnovning sumalakni tishlab turishi o'ziga xos poetik topildiqdır. Anhor yuzasining yupqa muz qoplashini shoira "yuziga billurdan nafis to'r tutgan" deb ifodalaydi. Mazkur she'rda tabiat hodisalari lirik qahramonning ko'tarinki kayfiyati bilan uyg'un holatda berilgan.

Xulsoa qilib aytganda, Saida Zunnunovaning tabiat tasviriga atalgan she'rlarida: a) bahor yoshlik va baxt damlariga muqoyasa qilinsa; b) "Yoz" nomli she'rida mehnat nashidasi haqida so'z boradi; c) "Kuz" turkumidagi she'rlarida kuz faslining hosildorlik mavsumi va umid timsoli ekanligi namoyon bo'ladi; d) shoiraning qish haqidagi she'rlarida esa lirik qahramonning tabiatdan masrurligi va poetik kayfiyati ifodalanadi.

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

O'zbek tili darslarida o'quvchilarning o'gzaki nutqini o'stirish texnologiyalari (4-sinf)

Nilufar G'oyibnazarova,
Namangan shahridagi 48-umumiy o'rta
ta'lim maktab o'qituvchisi

Yangi mavzuni tushuntirish darslikda berilgan topshiriqlarni bajarish orqali amalga oshiriladi.

1-topshiriq. Rasmdagi meva va sabzavotlar nomini qo'yib, bozordan nimalar xarid qilganingizni ayting.

O'quvchilarga tarvuz, karam, olma, uzum rasmlari ko'rsatiladi. O'quvchilar rasm asosida gap tuzadilar. Masalan:

Dadam bilan men meva bozoridan ikki kilogramm uzum oldik.

Menga bir dona tarvuz bering.

Biz bozordan ikkita karam xarid qildik.

Bir chelak olma besh ming so'm ekan.

1-mashq. Bozordagi meva, sabzavot va boshqa mahsulotlar haqida gap tuzing va ko'chiring. Mashqni bajarishda o'quvchilar dialog usulida bozor haqida suhbat uyushtiradi. O'quvchilar tomonidan tuzilgan gaplar daftarga yoziladi. Namuna:

– *Bu olma necha so'm turadi?*

– *Olmaning kilosi besh yuz so'm.*

1-juftlik:

– *Uzum necha so'm turadi?*

– *Uzunning kilosi ming so'm.*

2-juftlik:

– *Menga bir dona karam, bir kilo lavlagi bering.*

– *Marhamat, bir ming besh yuz so'm bo'ldi.*

O'quvchilarga ta, dona, kilogramm, chelak so'zlarining qo'llanilishi tushuntirib beriladi.

2-topshiriq og'zaki bajariladi. Yulduz bozordan nimalar xarid qilganligi "Kim chaqqon?" o'yini asosida aniqlanadi.

Yulduz xarid qilishi kerak bo'lgan mahsulotlar:

Palov uchun – go'sht, sabzi, piyoz, guruch, zira, no xot.

Dasturxon uchun mevalar – olma, nok, xurmo, uzum.

Topshiriqni tez va tog'ri bajargan o'quvchilar rag'batlantiriladi. So'ng o'quvchilarga bozorda narsalarni xarid qilish haqidagi Yulduzning buvisi bergan maslahatlar tushuntirib beriladi. Maslahatlar

yozuv taxtasiga osib qo'yiladi. Shu asosida o'quvchilar muomala madaniyatiga o'rgatiladi.

1. Sotib olmoqchi bo'lgan narsalarning ro'yxatini yozib ol.

2. Bozorda xushmuomala bo'l.

3. Faqat o'zingga yoqqan meva va sabzavotlarning narxini so'ra.

4. Meva va sabzavotlarning sifatiga e'tibor ber.

Matn boy'icha berilgan lu'gat so'zlar birgalikda o'qiladi, so'zlarning ma'nosi tushuntirilib, ularni yodlash topshiriladi.

Lug'at

sayohat - путешествие

xarid qilish - покупка

qaytmoq - вернуться

xushmuomala - вежливо

2-mashq. Nuqtalar o'rniga kerakli so'zlarni qo'yib ko'chiring.

O'quvchilar mashq matnini yozuv taxtasi va daftarga yozadilar.

- *Bozorga oying bilan bordingmi?*

- *Yo'q, dadam bilan bordim.*

- *Nimalar sotib oldinglar?*

- *Kartoshka, piyoz va sabzi sotib oldik.*

- *Sabzi necha so'm ekan?*

- *Rahmat, men ham sabzi olmoqchiman.*

3-topshiriq. Berilgan so'zlardan foydalanib, bozor uchun ro'yxat tuzing. Topshiriqni bajarishda "Kim chaqqon?" o'yini qo'llanib, har bir

o'quvchiga bozordan 5 nomda mahsulot sotib olish uchun ro'yxat tuzish topshirig'i beriladi. Bunda foydalanish uchun darslikda berilgan o'lchov so'zlarini qo'llash tushuntiriladi. Topshiriqni bajarish uchun 3 daqiqa vaqt belgilanadi. Masalan,

1. 2 kilogramm go'sht
2. Bir kilogramm bulg'or qalampiri
3. Ikki bog'ko'kat
4. 200 gramm ziravor
5. Bir kilogramm pomidor

Yangi mavzu „Mozaika“ metodi asosida mustahkamlanadi. Buning uchun o'quvchilarga meva va sabzavotlarning nomi yozilgan bo'laklar tarqatiladi. Yozuv taxtasiga „Sabzavotlar rastasi“, „Mevalar rastasi“, „Poliz ekinlari rastasi“ nomli plakat osib qo'yiladi. O'quvchilar o'zlariga berilgan bo'laklardagi mahsulotlarni o'qib, uni qaysi rastaga joylashtirish kerakligini va o'lchov birligini aytadilar. O'qituvchi bo'laklarni o'z o'rniga yopishtirib boradi.

Masalan, 2 kg uzum, 1 kg bodring, 2 kg pomidor, 2 kg olma, 1 dona tarvuz, 2 dona qovun, 2 dona limon, 1 dona karam, 2 kg bulg'or qalampiri, 3 kg anor va h.

Iste'dodli o'quvchilarga meva va sabzavotlarning rasmini chizish topshirig'i beriladi.

Uy vazifasini bajargan va darsda faol ishtirok etgan o'quvchilar baholanadi.

Mehmon kutishga mo'ljallangan bozor uchun ro'yxat tuzish (meva, sabzavotlar va poliz ekinlari) uyga vazifa qilib beriladi.

Namuna: 1. Olma 1 kilogramm

2. Banan 3 dona

3. Uzum 1 kilogramm

4. Tarvuz 1 dona

5. Mandarin 1 kilogramm

Iqtidorli o'quvchilar uchun qo'shimcha tarzida krossvord tuzish topshirig'i beriladi.

Alisher Navoiy hikmatlari asosida bahr-u bayt tashkil qilish

E'tiborxon G'OYIBBOYEVA,

boshlang'ch sinf o'qituvchisi

She'riyat mulkining sultoni Mir Alisher Navoiyning deyarli barcha asarlaridan saralab olingan har xil mazmundagi mingdan ortiq hikmatli so'zlari yosh avlodni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Hikmatlarning bosh g'oyasi komil insonni tarbiyalash deyish mumkin. Shu bois boshlang'ich sinf o'quvchilarini komil inson sifatida tarbiyalashda buyuk shoirming hikmatlari muhim manbadir. Bu esa boshlang'ich sinflar darsliklaridan o'rin olgan hikmatlar mazmun va mohiyatini o'rgatish jarayonida amalga oshiriyadi.

Hikmatlarni bilish ulug' bobomizga bo'lgan yuksak ehtiromni uyg'otish bilan birga insoniylikning ko'p qirralarini namoyon etuvchi axloqiy sifatlarni tarkib toptirishga bog'liq. O'rganilgan hikmatlarni jamlash natijasida buyuk shoir tug'ilgan kunni nishonlashga bag'ishlangan turli adabiy kechalarda "bahr-u bayt" musobaqalarini ham tashkil qilish mumkin. Bahr-u bayt shartiga ko'ra aytilayotgan misralarning oxirgi so'zi qaysi tovush bilan tugasa, ana shu tovush bilan boshlanadigan hikmatni aytib davom ettirish kerak. Bunda har bir ishtirokchidan hushyorlik, zukkolik va tezkorlik talab qilinadi.

O'yin qur'a tashlash yo'li bilan aniqlanadi. Masalan, bu o'rinda biz quyidagi hikmatlardan foydalanishni tavsiya etamiz:

1. Agar qilmadi el himoyat sanga,

O'zingdin kerakdir shikoyat sanga.

*2. Agar tilni asramoq ko'ngulga
mehnatdir,*

Ammo so'zni siypamoq boshga ofatdir.

3. Rozni asra chunki fosh etting,

Yana pinhon bo'lurni qilma havas.

*4. So'zni ko'ngilda pishqarmaguncha tilga
keltirma,*

Va har nekim, ko'ngilda bor - tilga surma.

5. Aytur so'zni ayt, aytmas so'zdin qayt.

6. Tilga ixtiyorsiz, elga e'tiborsiz.

7. Zarari borcha elga om
o'lg'oy,
Kim taom ustiga taom o'lg'oy.
8. Yigitlikda yig' ilmning maxzani,
Qarilik chog'i xarj qilg'il ani.
9. Izzat tilasang kam de, sihat tilasang kam ye.
10. El qochsa birovdin el yomoni bil oni,
Ahvolida idbor nishoni bil oni.
11. Izzati haddin kam esa xo'b emas,
Haddidin ortuq dag'i marg'ub emas.
12. Senga bor esa so'z bilurdin mazoq,
O'zim sari boqma, so'zim sari boq.
13. Qil yaxshilig'-u, demakni doxil qilma,
Minnat bila yaxshilikni botil qilma.
14. Aylama ra'yinga ko'p e'tiqod,
Mu'tamad el rayidin ista kushod.
15. Davron elining jismida ham jon bo'lg'il,
Ham jonlarig'a moyai darmon bo'lqil.
16. Lutf-u - karam, garchi erur dilpazir,
Qahr-u siyosat ham erur noguzir.
17. Raiyatga qilsa qalamzan sitam,
Qalamzanning ilgini qilsun qalam.
18. Mevaga mag'z o'lsa, bo'lur po'st ham,
Kimsaga ham dushman erur do'st ham.
19. Me'da o'zi xo'rdidagi oshni,
Hazm qilur, yo'qki ushoq toshni.
20. Ishidin anga hosil o'lmas farog',
Yemay ko'p uzun kecha dudi charog'.
21. G'urbatda g'arib shodmon bo'lmas emish,
El anga shafiq-u mehribon bo'lmas emish.
- Oltun qafas ichra gar qizil gul butsa,
Bulbul'a tikondek oshiyon bo'lvas emish
22. Sham yorutur uy ichu - toshini,
Uy egasi ko'proq uzar boshini.
23. Ista ato yo'lida fido jon qilmoq,
Qulluq anog'a ham ulcha imkon qilmoq,
Zuhr-u abad istasang farovon qilmoq,
Bil oni ato - anog'a ehson qilmoq.
24. Quyoshliq istasang, kasbi kamol et,

- Kamol ar kasb etarsen, bemalol et.*
 25. *Tiling bilan ko'nglingni bir tut.*
 26. *Tifl hijo bilmay o'qur chun savod,*
Qil o'qurin zer-u zabar e'tiqod.
 27. *Dona-yu dur so'zini afsona bil,*
So'zni jahon bahrida durdona bil.
 28. *Lof aro ermen degan ermu bo'lur?*
Kelmas ishni ilkidin dermu bo'lur?
 29. *Rostdur ul kirn nazari to'g'ridur,*
Kim qo'li egridur, ul o'g'ridur.
 30. *Ravza bog'i visolin istar esang,*
Bo'l onaning ayog'i tufrog'i.
 31. *Iymonga erur nishon hayo birla adab,*
Hurmat bila ta'zim saodatqa sabab.
 32. *Bu gulshan ichra yo'qdir baqo guliga sabot.*
Ajab saodat erur chiqsa yaxshiliq bila ot.
 33. *Tun kunninga aylagali nur fosh,*
Birisin oy angla, birisin quyosh.
 34. *Shirin tilki achiqliqqa aylandi om o'ldi,*
Qandniki achiq boda qildilar harom o'ldi.
 35. *Ikki qadam yong'ucha yetgach alam,*
Sa'y qilu, ilgari qo'yg'il qadam.
 36. *Mol o'lur gar kishining himmati,*
Ma'ni ahli ollida yo'q izzati.
 37. *Ilm o'qub, qilmog'on amal maqbul,*
Dona sochib, ko'tarmadi mahsul.
 38. *La'ldek boshim osilsun g'arqai xunob o'lub,*
La'l tikkani saltanat tojig'a bo'lsa rag'batim.
 39. *Meni men istagan o'z suhbatiga arjumand etmas,*
Meni istar kishining suhbatini ko'nglim pisand etmas.

Xulosa qilib shuni aytish joizki, ulug' mutafakkir bobomizning har bir hikmatlari bizning yuksak ma'naviyatimizga ta'sir etadigan, axloqiy sifatlarimizni yanada boyitadigan, o'sib kelayotgan kelajak avlodlarimizning yanada limli va zakovatli, barkamol bo'lib voyaga yetishlarida dasturil amal bo'lib qolaveradi.

M. Yusufning “Mehr qolur”, “Yurtim ado bo‘lmas” she’rlarini o‘rganish

Matluba Sadriddinova,
Chust shahridagi 7-ixtisoslashgan maktab-internati
o‘qituvchisi

Darsning ta’limiy maqsadi: o‘quvchilarning o‘g‘zaki nutqini o‘stirish, mavzu yuzasidan ma’lumot berish, ifodali o‘qishni o‘rgatish.

Tarbiyaviy maqsad: o‘quvchilarda insonlarga mehr-muhabbatni, shakllantirish va singdirish.

Rivojlantiruvchi maqsad; o‘quvchilarni intellektual bilim salohiyatini o‘stirish.

Dars turi: Noananaviy, interfaol.

Dars jihozi: M. Yusuf she’riy to‘plamlari, videomagnitafon, rasmlar, testlar, tarqatmali materiallar, gullar, fotosuratlar.

O‘qituvchi:

- *Assalomu alaykum!*
Mening aziz o‘quvchilarim!
Kayfiyatlar a‘lomi?,
Hamma darsga tayyormi ?
Qani ayting-chi menga
Hozir darsimiz nima ?
Yana aytingchi menga
Bu fan yoqadi kimga ?

O‘quvchilar:

- *Bizga, sizga, hammaga!*

Darsning shiori:

Fan ko‘kida qil parvoz,
Qancha bilsang shuncha oz.

– O‘quvchilar, adabiyot fani nimani o‘rgatadi? (O‘quvchilar javob beradilar)

– Adabiyot fani haqida she’r bilasizmi? (She’r o‘qiydilar)

Hozir siz bilan biz ma’naviyat daqiqasini o‘tkazamiz. Bugungi suhatimiz — Jonajon vatanimiz haqida.

KLASTER USULI:



Bilasizmi, aziz o'quvchilar, bugungi darsimiz noan'anaviy musobaqa tarzida o'tadi. Guruhlarga bo'linamiz va darsimiz shartlari bilan tanishtiramiz.

DARSNING SHARTLARI:

1-guruh: «Qaldirg'och»

2-guruh: «Qizg'aldoq»

3-guruh: «Rayhon»

– Biz guruhimizni «**Qaldirg'och**» deb nomladik:

Osmon bo'lmas, ko'shimda

Sen yayrasang, Qaldirg'och

Yayrarmidim o'zim ham...

Ummon bo'lmas, to'shimda

Suzib yursang yoyib soch,

Poylarmidim o'zim ham...

– Biz guruhimizni «**Rayhon**» deb nomladik:

Rayhon, aylanay rayhoningdan sening,

Oy o'tsa uyalar yoningdan sening.

Kulib ko'klaringdan tushmaysan sen-da,

Menga-da joy yo'q osmoningdan sening.

– Biz guruhimizni «**Qizg'aldoq**» deb nomladik:

Qizg'aldog'im, qirdan bo'lak koshonang, yo'q,

Kokil yoysang, yerdan bo'lak toshonang yo'q,

O'ksib-o'ksib turganingda o'zim borib

Peshonangdan o'pay desam peshonang yo'q.

1. Guruhlarga bo'linish va tanishtirish.

2. «Kim topqir?» o'yin – musobaqasi.

3. «Nazm daqiqasi»

4. Zakovat.

5. Tezkor savol-javoblar.

6. Test.

7. Tilak.

Bugungi darsimizda savol-javoblarni «Kim topqir?» o'yin-musobaqasi asosida o'tkazamiz.

1. M.Yusuf kim?

2. Qachon va qayerda tug'ilgan?

3. Dastlabki she'ri nechanchi yilda chop etilgan?

4. Birinchi she'riy to'plami qachon nashr etildi?

5. Istiqlol yillarida erishgan yutuqlari uchun qaysi unvonga musharraf bo'ldi?

6. «Vatanim» she'ri to'g'risida o'z fikringizni bildiring.

(To'g'ri javob bergan guruh rag'bat kaotchkasi, javob bera olmagani yoki to'liq javob bera olmagan guruhga jarima kartochkalari beriladi.)

- Aziz o'quvchilar, endi darsimizning «Nazm daqiqasi»ga xush kelibsiz. Guruhlarimiz sevimli shoirimizning she'rlarini qay darajada yoddan, ifodali o'qiy olar ekan.

- *Qadim yurtga qaytsin qadim navolarim,*

Qumlar bosib qurimasin daryolarim.

Alpomishga alla aytgan momolarim

Ruhini shod etay desang – xalq bo'l elim!..

- *Men dunyoni nima qildim,*

O'zing yorug' jahonim,

O'zim hoqon,

O'zim sulton,

Sen taxtu Sulaymonim,

Yolg'izim,

Yagonam deymi,

Topingan koshonam deymi,

O'zing mening ulug'lardan

Ulug'imsan, Vatanim...

- *Sochimda oq, men bahordan o'tindim:*

Ko'klamoyim, ko'kingdan ber bir chimdim,

Qor qo'ynida seni qo'msab o'kindim,

Ko'klamoyim, ko'kingdan ber bir chimdim.

(Shu tariqa guruhlar galma-galdan Muhammad Yusuf she'rlaridan ifodali yoddan o'qiydilar. Qaysi guruh musobaqa oxirigacha yetib borsa, o'ha guruh g'olib chiqadi va rag'batlantiriladi.)

-Azizlarim, endi yangi mavzushimizga nazar solaylik. Mavzu: M.Yusufning «Mehr qolur», «Yurtim ado bo'lmas» she'rlarini o'qish va o'rganish.

O'quvchilar adabiyot daftarlariga sanani va mavzuni yozib oladilar.

Slaydga tushirilgan M.Yusufning "Mehr qolur", "Yurtim ado bo'lmas armonlaring, bor" she'rlari monitorda "KODOSKOP" orqali ko'rsatiladi.

She'rlar o'qituvchi tomonidan ifodali o'qiladi, so'ngra o'quvchilarga she'r ifodali o'qitiladi va she'rlar yuzasidan o'quvchilar bilan savol-javob o'tkaziladi. «Zakovat» musobaqasini boshlaymiz.

1. M.Yusufning istiqlol yillaridagi ijodi to'g'risidagi mulohaza yuruting.

2. M. Yusufning she'rlari asosida aytiladigan qaysi qo'shiqlarini bilasiz?

3. Mehr-u muhabbat qachon «Dunyo tor aylaydi», kimlarga dunyo tor ko'rinadi?

4. «Yurtim ado bo'lmas armonlaring bor» she'rida nima sabadan shoir «O'tmishingni o'ylab og'riydi jonim», deydi? hamma ham shoirning bu so'zlarini ayta oladimi?

5. Shoir nima uchun «Fayzullodek mardi maydonlar» qismatini, «Bahor ayyomlari» va «Oy botgan yoqlarda termulib shomlar» o'ylaydi?

6. Yurtning «Yulduzni yig'latgan dostonlari» dan xabardormisiz?

Bu yerda gap faqat o'zbek xalq og'zaki ijodi namunalarini ustida ketyaptimi yoki boshqa mazmun ham bormi?

O'qituvchi o'quvchilarning javoblarini umumlashtirib, yangi mavzuni mustahkamlaydi.

-Hozir guruhlarimiz tezkor savollarimizga javob beradilar. Bu savollarimiz har sohadan bir shingil.

1-guruhga:

1. 1954-yil 26-aprel qanday kun?

(M.Yusuf tug'ilgan kun)

2. M.Yusuf resfiqasining ismi? (*Nazira as-Salom*)

3. Daryoda qanday tosh bo'lmaydi? (*Quruq tosh*)

4. Choyning vatani (Xitoy)

5. Bordir olti xil tovush,

Ular cho'zib aytilar.

Gap tuzilmas, ularsiz,

O'ylang balki toparsiz? (*Unli yovushlar*)

2-guruhga:

1. M.Yusuf tug'ilgan qishloq nomi? (Qovunchi qishlog'i)
2. «Bevafo ko'p ekan» she'ri nechanchi yilda yozilgan? (1991-yilda)
3. Qaysi oyda 28-kun bor? (Hamma oyda)
4. O'zbekiston davlat ramzlarini sanang (Bayroq, gerb, madhiya)
5. maqolni davom ettiring:
Kitob bilim bulog'i... (o'quvchining o'rtogi)

3-guruhga:

1. M.Yusuf «O'zbekiston ovozi» gazetasida nechanchi yillarda ishladi? (1992-1995-yillarda)
2. M.Yusuf qizlarining ismi? (Nozima, Madina)
3. «Vatanim» she'rini kim qo'shiq qilib kuylagan? (S.Nazarxon)
4. O'zbek tiliga davlat tili maqomi qachon berilgan? (1991-yil 21-oktabr)
5. Ushbu so'z qo'shni — o'rtoq, oralarida tayoq. (Juft so'zlar)

5-SHART: TEST

1. «Kuntug'mish» dostonidagi Kuntug'mish polvon qaysi viloyat polvoni?
 - A. No'g'oy.
 - B. Zangar.
 - S. Tajan.
 - D. Mug'oltog'.
2. Shahri Zangar vazirlari Shoir va Tohir vazir farzandlarining ismlari qaysi javobda to'g'ri ko'rsatilgan? («Kuntug'mish» dostoni.).
 - A. Buvraxon, Kuntug'mish,
 - B. Xolbeka, Xolmo'min.
 - S. Bahragul, Oppoqoy.
 - D. Zamonqul, Azbarxo'ja.
3. «Kuntug'mish» dostoni mazmun jihatdan qaysi tur dostonga kiradi?
 - A. Ishqiy - qahramonlik.
 - B. Jangnoma .
 - S. Tarixy.
 - D. Romantik.
4. Xalq dostonlariga xos shakliy tuzilish qaysi javobda to'g'ri ko'rsatilgan.
 - A. Nasr.

- B. Nazm.
- S. Dialog.
- D. Nasr va nazm.

5. Yusuf Xos Hojibning “ Qutadg’u bilig”asari qahramonlari Kuntug’di va Oyto’ldil ma haqida suhbatlashadi?

- A. Dunyo hodisalari haqida.
- B. Vatanparvarlik haqida.
- S. Bekning qanday bo’lishi haqida.
- D. Dushman hujumi haqida.

6-SHART: TILAK

Vaqt oliy hakam darsimizga ajratilgan vaqt ham o’z yakunini topmoqda. Darsimiz so’ngida, yoshlar yilida o’z tilaklaringizni bildirishingiz mumkin.

Har bir guruh o’z tilagini bildirib, guldonga gullarini soladilar.



Har kimning ham sochlariga qirov tushsin oq tushsin,
Har kimning ham yuzlariga ajin tushsin, dog’ tushsin.
Har kimning ham quvvat ketib belidan,
Qo’llariga aso bir tayoq tushsin.

— Guruhlar, mana endi ballaringizni hisoblaymiz.g’olib guruhlarni taqdirlab, darsimizni yakunlaymiz.

Uyga topshiriq: «Mehr qolur», «Yurtim, ado bo’lmas armonlaring bor» she’rlarini yodlash.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Olim S., Ahmedov S., Qo’chqorov R. Adabiyot. 8-sinf uchun darslik-majmua. – Toshkent, 2006.
2. Olim S., S.Ahmedov, R. Qo’chqorov Adabiyot. 8-sinf o’qituvchilar uchun metodik qo’llanma. –Toshkent, 2006.
3. Usmonova K. Adabiyot darslarida yangi ped texnologyalardan foydalanish. –Toshkent, 2006.
4. Yusuf M. Saylanma. – Toshkent: Sharq, 2002.

Тил ўргатишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш

Ш. Қаюмов,
катта ўқитувчи (НамМТИ)

Ш. Тўхтабаева,
инглиз тили ўқитувчиси

Ҳозирги кунда талаба-ёшлар энг сўнги русумдаги компьютер дастурлари билан ҳам бемалол “мулоқот” қила оладилар. Бугунга келиб компьютерлар шу даражада тараққий этиб бормоқдаки, у халқ хўжалигининг асосий тармоқларида бекиёс хизмат қилиб келмоқда. Фикримизча, тил ўрганишда компьютердан кенг миқёсда фойдаланишимиз лозим. Мисол учун веб сайтидан турли даражадаги инглизча тестлар тўпламларини олиб дарсларда фойдаланиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу веб саҳифада энг бошланғич даражадаги тестлардан тортиб мураккаб даражадаги тестларгача қўйилган ва улар электрон тестлардир. Яна бир эътиборли томони бу тестлар фақатгина грамматик тестлар бўлиб қолмай, улар ёзув, тинглаб тушуниш, ўқиш каби тил ўргатиш усуллари бўйича талабалар билимини баҳолашга хизмат қилади. Тўғри, дунё бўйича бу борада талайгина ишлар амалга оширилган бўлиб, тил ўрганиш учун кўплаб мультимедия дастурлари яратилган. Ўзбекистонда ҳам инглиз тилини ўрганиш учун оммабоп дастурлар амалиётда қўлланилмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари учун амалий инглиз тили курси яратилиб унинг мажмуаси ҳамда дастур материаллари лазер дискида тайёрланган. Бироқ ҳозирда олиб бориладиган тил ўрганишга доир дарсларини тулик компьютерлаштириш пайти келди десак муболаға бўлмайди.

Сўнги пайтларда Ўзбекистон телевидениясининг турли каналларида ҳам турли ёшдаги инглиз тилини ўрунишга қизиққанлар учун инглиз тилини ўрганиш курслари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Ҳозирги пайтда тил ўрганишнинг турли электрон воситалари дунё тажрибасида мавжуд. Мисол учун “English for you” (сиз учун инглиз тили) электрон дарслигини олайлик. Бу дарсликда дарслар тил эгалари (носители языка) томонидан олиб борилади. Уч босқичдан иборат ушбу дастур ўрганилаётган тилда мулоқотга киришишнинг дастлабки босқичи бўлган танишиш, мулоқот

бошлашда ишлатиладиган сўз ва иборалардан тортиб, токи мураккаб мавзуларда суҳбатлашишгача бўлган жараёни камраб олувчи грамматик, ёзув, тинглаб тушуниш, ўқиш каби тил ўрганиш усуллари ўз ичига олади. Ҳар бир босқич алоҳида номланган: Beginner level, (оддий бошланғич), elementary level (ўртача бошланғич) ҳамда intermediate level (ўрта) босқичлардан иборат. Ҳар бир видео дарс тўлалигича бир неча ўқувчи билан инглиз тилида бевосита мулоқот тарзида олиб борилади ва ҳар бир мавзунинг ўзлаштирилиши кўплаб мисоллар билан қиёсий таҳлил этилади. Ҳар дарснинг сўнггида эркин суҳбат тарзида ўтилган мавзулар такрорланиб мустаҳкамланади. Олиб борган дарсларимизда шунга алоҳида эътибор қаратилдики, талаба видео дарснинг ниҳоясида бериладиган мулоқотларни тўлиқ тушуна олсагина ўша дарс ўзлаштирилган бўлади, агар тушунишга қийналса, шу дарсни такроран кузатиши талаб қилинади. Шунингдек, Lingvo x3 электрон луғатидан ҳам талабалар унумли фойдаланмоқдалар.

Яна бир дастур “Полиглот” деб аталади (бу дастурни интернетдан олиш мумкин) ва у рус тилида сўзлашувчилар ёки рус тилини биладиганлар учун мўлжалланган. Бу дарслар ҳам очиқ мулоқот тарзда олиб борилади ва у тил тўғрисида маълум тушунчаларга эга бўлган, турли соҳаларда ишловчи катта ёшдаги кишилар учун мўлжалланган.

Дастлаб, ўзбек тилида ўзимизнинг махсус тил ўргатиш дастурларимизга ва инглизча – ўзбекча электрон луғатларга эга бўлишимиз керак деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун махсус муаллифлар жамоаси шакллантирилиб, дастлаб Давлат таълим стандартлари асосида умумий тил ўргатиш воситаларини такомиллаштирилиши ва кейинчалик йўналишлар (бу ерда нолиссоний олийгоҳларда олийгоҳ таълим йўналишларига мос тил ўргатиш дастурларини назарда тутилмоқда) бўйича муаллифлар жамоаси ишлаши лозим бўлади.

Оврупо ва Фарбда ёзма нутқни ўргатишга кенг эътибор қаратилган. Шунинг баробарида ёзма нутқни ҳам ривожлантириш тил ўрганувчининг фикр юритиши ва фикрларини баён қилиб бера олиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатган бўларди деган фикрдамиз. Талабаларимиз чет элларга ўқиш учун боришни мақсад қилса, албатта улар танлаган соҳалари бўйича ўқишдан мақсадларини (Statement of purpose) баён этиб беришлари лозим

бўлади. Бу жараёнда талабаларимизнинг кўникмаларини ривожлантиришга анчайин зарурат борлиги сезилмоқда. Демак, электрон дарсликларни яратишда бу соҳага ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Тил ўргатишнинг замонавий электрон воситаларини яратиш борасида тўпланган тажрибаларни тизимлаштирилиши ҳамда оммалаштирилиши ҳам муҳим ўрин тутади. Тил ўргатишда яратилажак электрон воситалар (тақдимот, тинглаб тушуниш, мультимедиа) бир мақсадга, яъни тил ўргатишнинг замонавий электрон воситаларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилсагина Олий таълим вазирлиги ва ҳукуматнинг барча мутахассис кадрларнинг тил билишига қўяётган талабларига тўлиқ жавоб бера олган бўламиз.

Адабиётлар:

1. “English for you” (“Сиз учун инглиз тили”) электрон дарслиги.
2. <http://www.englishteststore.com/> веб саҳифаси.
3. “Полиглот” (Россия) тил ўргатиш курси.

Фарзанд тарбиясида оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги

Масуда Абдуллаева,
педагогика фанлари номзоди

Камола Отамирзаева,
педагогика йўналиши талабаси

Қадимдан халқимиз оила маънавиятига катта эътибор қаратган. Ҳозирги кунда ҳам, маънавий педагогик билимга эътибор, мустақил республикамиз талабига жавоб берадиган келажак авлодни тарбиялаш ҳар бир оиланинг бурчи ҳисобланади. Шу билан биргаликда таълим тизими ва ҳукуматимиз олдидаги энг долзарб масалалардан- бири – фарзанд тарбияси, келажак авлод камолоти. Ахир юрт тақдири ёшлар қўлида.

Ҳозирги ота-оналар болаларни тарбиялашда ўз бурчлари ва вазифаларини тўла хис қила олмайдилар. Эр-хотиннинг биринчи вазифаси фарзанд кўриш, насл қолдириш бўлса, иккинчиси ўша фазандини тарбиялашдир. Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 64-моддасида “Ота-оналар фарзанд тарбияси учун жавобгардир” деб белгилаб қўйилган. Бошқача қилиб айтганда

уларда педагогик таёргарлик етишмайди. Демак, оилавий тарбияда аввало ота-оналарнинг ўзларини тарбиялаш зарур. Шу ўринда жаҳид мактабининг буюк намояндаларидан Авлонийнинг ушбу фикрини эслайлик “Тарбияни тугилган кундан бошламоқ, вужудимизни қувватлантурмақ, фикримизни нурлантурмақ, ахлоқимизни гўзаллантурмақ, зеҳнимизни равшанлантурмақ лозим экан. Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? Деган савол келадур. Бу саволга, “биринчи тарбияси -бу она вазифасидур. Иккинчи мактаб ва маҳала тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукмат вазифасидур”, деб жавоб берсак, бир киши деюрки, “қайси оналарни айтурсиз, билимсиз боши пахмоқ, қўли тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар?”, дер. Мана, бу сўз кишининг юрагини эзар, бағрини ёндура. Отасига нима дерсиз, десак “қайси ота? Туйчи, улоқчи, базмчи, думбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми?” Аввал ўзларини ўқитмақ, тарбия қилмақ лозимдур”, - дер. Мана шу сўзни этишгач умид қўлтуққа урилур.

Ҳар бир инсоннинг, ҳар бир оиланинг, жамиятимизнинг муқаддас вазифаси қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний ва маънавий томондан етук қилиб тарбиялаш, ота-онасига, Ватанига содиқ инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат. Оила тарбиясида оиланинг бутун турмуш тарзи ва ота-оналарнинг болалар билан муносабати катта рол ўйнайди. Оила –мактаб ва бола ўртасидаги муносабатни қаттиқроқ назорат қилиш, боланинг оиладаги тарбиясида онанинг роли алоҳида аҳамиятга эга эканлигини журналист В.Цветов япон оиласи мисолида аёл ролининг фарзанд тарбиясида нақадар баланд эканлигини кўрсатади. Агарда бола касал бўлиб мактабга бора олмаса, унинг ўрнига онаси бориб дарсда қатнашади, кейин келиб боласи билан ўша дарсни уйда ўтади. Фарзанд тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчиикнинг фаолияти бир мақсадга қаратилган бир-бирига мутаносиб бири қолганларини тўлдирмоғи, ўзаро ҳамкорликда бўлмоғи лозим. Шундагина бу фаолият кутилган натижаларни беради

Боғча фарзанд тарбиясидаги муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Боғча бу тарбия маскани. Ҳар бир ота – она боласини 3 ёшга тўлганда боғчага бериши мақсадга мувофиқ. Чунки боғча бу боланинг жамият билан биргаликда таълим оладиган илк даргоҳи ҳисобланади. Болалар хулқ-атворнинг ахлоқий нормаларини ва

қоидаларини бу даргоҳда жуда тез ўзлаштира бошлайдилар. Оилада эса бу кўникмалар, билимлар мустаҳкамланиб ривожланиб борилиши лозим. Ота-оналар фарзандларини боғчага берганда ҳам оилавий шароитдан келиб чиққан ҳолда, бориб-келишга қулай, замонавий ва энг асосийси, боласини моҳир, болажон педагогнинг кўлига топширгани маъқул. Бундай педагог ёш болажонларга таълим ва тартибни пухта ўргатади, олий фазилатлар бўлмиш аҳиллик, дўстлик, меҳрибонлик, ҳамжиҳатлик тушунчасини ҳам сингдириб боради, биргаликда турли ҳил ўйинлар ўйнатади, туғилган кунларни биргаликда ўтказадилар ёки ҳайвонот боғларига борадилар. Ушбу жараёнлар ҳам бола ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Худди шу тарзда аҳиллик, дўстлик, ҳамжиҳатлик туйғулари шаклланади. Боғчалардаги бундай тарбия воситалари эндиликда мактаб сари одим қадам ташлаётган бола учун сабоқ бўлибгина қолмай уни давом эттириш ва ривожлантириш учун замин яратади.

Мактаб. Ота-она фарзандига илм олишнинг зарурлиги, илм туйғули инсон камолот чўққисига эриша боришини уқтириб бориши лозим. Ҳар қандай соҳанинг калити илм, ақл ва меҳнатда. Агар инсон тиришқоқлик билан меҳнат қилиб илм олса, уни амалиётда қўллай олса, фикрлаб тафаккурини чархлаб борса, у албатта мақсадга эишади. Шундай экан ота-оналар болаларининг ўқишларида, илм билан шуғулланишига имконият ва оилавий муҳит яратиб беришлари керак. Уларни яхши мактабларга, маҳоратли устозларнинг қўлларига топширишлари ва уларни узлуксиз назорат қилиб боришлари керак. Жумладан, мактабдаги одоби, илм ўрганишга иштиёқи, унинг қизиқишларидан хабардор бўлиши керак. Дўстлари ким, кимнинг фарзандлари билан ўйнаяпти? Яхши болаларми улар?

Мактабдаги синф раҳбарлари ва ўқитувчилар болага таълим бериш билан бир қаторда уларга маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга қаратилган тарбияни изчиллик билан узлуксиз олиб бориш билан ўзларининг катта ҳиссаларини кўшишлари керак. Ҳақиқий устозликнинг моҳияти улуғ ҳаёт такозо этаётган ахлоқий фазилатларни ёш авлоднинг онгига, эътиқодига, энг муҳими, унинг кундалик хатти-ҳаракатига айлантира билишдир. Маҳоратли устоз ўқувчиларини турмушдаги майда-чуйда ҳодисалар доирасида ўралаштириб қўймайди, ҳаётдаги энг муҳим ва асосий масалаларни ажрата олишни ўргатади. Ота-оналарнинг вазифаси мактабдан келган фарзанди билан ҳар куни

кечкурун, айниқса, бошланғич синфларда унинг дарс қилишини кузатиб, суриштириб бориш ва унга кўмаклашиш зарур. Ҳар куни дарс қилишга кўниккан бола кейинчалик назоратни сусайтириброк қолган вақтда ҳам ўзи дарс қилишга одатланиб қолади. Бола юқори синфга чиққан вақтида ҳам ҳар ҳафта вақт топиб уни сўраб-суриштириб турилса, бола ота-онасининг қачон назорат қилиб қолишини билмаганлиги учун дарсга ҳар куни тайёр бўлади ва бора-бора ҳар куни ўз вақтида дарс қиладиган бўлади.

Оила ва маҳалла ҳар томонлама бир-бирлари билан боғлиқ. Зотан, маҳалла оилалардан ташкил топади. Фарзандлар оила бағрида камол топганлари каби оила ҳам маҳалла ичида раванқ топади, нурли келажак сари интилади. Маҳаллани оиланинг энг яқин маслаҳатчиси, тоғдай таянчи деб таърифлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Ўз-ўзини бошқарув органлари ҳақида» Қонун моҳиятидан келиб чиқиб, оила, маҳалла УЖКХ ходимларнинг вазифаси ҳақида, мактабгача ёшдаги тарбияси билан шуғулланувчи боғча, ўзаро мусобақалар, байрам эрталикларни ташкил этиш методикасида ота-она, маҳалла ва УЖКХдаги масъул кишиларнинг одоби, шахсий намунаси, имкон даражасида режаларини такомиллаштириш, тарбиявий тадбирларни уюштириш маҳоратини тарбиялашдир

Маҳалла катта мамалакатнинг ичидаги кичик мамлакатдир, катта давлат ичра кичик давлатдир. Шунинг учун бошқарув тизими бўлгани каби, унинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий фаолият механизми ҳам асрлар давомида шаклланган.

Маҳаллада оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт, ташкилий тадбирлар ўтказилади.

Маҳалладага тегишли бўлган ҳар бир оила ўз маҳалласи билан узвий алоқада бўлиши, маҳаллада уюштирилаётган турли ҳил базму-кечаларда, мусобақа-ю тадбирларда бутун оила аъзолари билан биргаликда иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллада “Балли қизлар!”, “Ёшлар мустақил ҳаёт остида”, “Ҳуқуқингизни биласизми?”, “Оила мустаҳкамлиги кимга боғлиқ?”, “Оила-жамият таянчи”, “Қайнона келин муносабатларининг ахлоқий-маънавий асослари” каби мавзуларда учра-шувлар суҳбатлар, “Қайнонам жоним онам”, “Намунали оила”, “Намунали келин” каби кўрик танловлари, турли мавзуларда спорт мусобақалари ўтказиш одат тусига кириб бормокда. Айнан шундай тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши шу маҳалла ёшларига ижобий

таъсир этибгина қолмай уларни келгусида оила қуришга бўлган интилишларини кучайтиради. Маълумки, маҳалла азал-азалдан тарбия ўчоғи бўлиб келган. Маҳаллада яшайдиган ҳар бир оила ва унда ўсаётган ҳар бир йигит – қизнинг ахлоқ – одоби учун бутун маҳалла аҳли маъсулдир. Шунинг учун ҳам “Бир болага етти қўшни ота-она”, “Бир бола тарбиясига етти маҳалла ота-она” каби нақллар бежиз пайдо бўлмаган. Ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатлари барчанинг диққат марказида бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алқаров И. Ш., Маматкулова Р., Норкулов Ҳ. Д.. Шахс ва оила тарбиясининг педагогикаси ва технологияси. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 44.
2. Усмонов Р. Саодатнома . - Т.: - Ўқитувчи, 1995. – Б. 94-98.
3. Мусурмонова О. Оила манавияти миллий гурур. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б. 51-56.
4. Матчонов С. Китоб ўқишни биласизми ? –Т.: Ўқитувчи, 1993.
5. Сафаров О. Олий ўқув юртларида болалар адабиётини ўқитиш муаммолари // Тил ва адабиёт таълими, 1999. – № 3-4.

Muhammad Yusuf hayoti va ijodini o`rganishda o`qitishning zamonaviy usullaridan foydalanish

Nilufar G`oyibnazarova,
Namangan shahridagi
48-umumiy o`rta ta`lim
maktabi o`qituvchisi

Bugungi o`zbek adabiyotida yetakchi o`rin egallagan shoir Muhammad Yusufning hayoti va ijodi, “Vatanim”, “Mehr qolur”, “Yurtim ado bo`lmas armonlaring bor...”, “Biz baxtli bo`lamiz” she`rlarini o`rganish uchun umumiy o`rta maktablarda 2 soat ajratilgan. Har qanday adib asarini o`rganishdan oldin o`quvchi uni shaxshi haqida imkon qadar mukammal ma`lumotga ega bo`lishi maqsadga muvofiq. Shunda uning ijodini to`laroq anglash imkoniyati ortadi.

Muhammad Yusuf hayoti va ijodini o`rganish uchun 1-darsda shoir haqida quyidagi savollar asosida **subbat** o`tkaziladi:

1. *Kamtarlik fazilati haqida gapiring.*
2. *Kamtarlik haqida qanday maqollarni bilasiz?*

O`quvchilarning fikrlari o`qituvchi tomonidan quyidagicha umumlashtiriladi:

Kamtar so'zi fors tilidan olingan bo'lib, *ozroq, kamroq, siyrakroq* ma'nolarini ifodalaydi. Maqtanishni istamaydigan, o'zini boshqalardan past oladigan, mag'rurlanmaydigan kishilarga nisbatan qo'llanadi. Kamtarlik – kamtarga xos xususiyat(fazilat). Kamtarlik – inson o'zligini bilishni, o'zgalarni hurmat qilishni, odamiylikni: samimiylilik, beg'uborlik, mehribonlik, rahm-shafqatlilik.. kabi nodir fazilatlarini o'zida mujassam etadi. (O'zbek tilining izohli lug'ati, 2-jild, 311- bet).

O'qituvchi kamtarlik insondagi eng ulug' fazilatlardan biri ekanligini, kamtarin inson juda ko'p yaxshi ishlarni amalga oshirgan bo'lsa-da, bu ishlari bilan hech qachon maqtanmasligini, kamtarlik haqida juda ko'p maqollar borligini eslatib, sevimli shoirimiz Erkin Vohidovning she'ridan parcha keltiradi.

Garchi shuncha mag'rur tursa ham,

Piyolaga egilar choynak.

Shunday ekan manmanlik nechun,

Kibr-u havo nimaga kerak.

Kamtarin bo'l, hatto bir qadam

O'tma g'urur ostonasidan.

Piyolani shuning chun inson

O'par doim peshonasidan.

So'ng ana shunday kamtarin insonlardan biri shoir Muhammad Yusuf ekanligini aytib, videoproektor orqali shoirning suratini ko'rsatadi va adabiyotshunos olim Ozod Sharofiddinovning shoir haqidagi fikrlarini o'qib beradi: *“Muhammadjon kamdan-kam tug'iladigan iste'dod egasi bo'lish bilan birga, kamdan-kam shoirda uchraydigan xislat egasi shuhratdan qochadigan kamsuqum inson edi. U shuhratning emas, shuhrat uning ortidan quvib yurardi...”*

Shundan so'ng o'quvchilardan shoir haqida bilgan ma'lumotlari so'raladi. Bu o'rinda “BBB” (Bilaman. Bilishni xohlayman. Bilib oldim) metodini qo'llash ijobiy natija beradi. Bunda o'quvchilar belgilangan vaqt mobaynida shoir haqida o'zlari bilgan mahlumotlari asosida jadvalni to'ldiradilar. Masalan,

Bilaman	Bilishni xohlayman	Bilib oldim
Shoir, andijonlik, 1954-yilda tug'ilgan	Shoiring hayoti va ijodi, oilasi haqida va h.	

Topshiriqni bajarish uchun 3-5 daqiqa vaqt beriladi (Izoh: jadvalning 3-(Bilib oldim)qismi dars yakunida to'ldiriladi). Topshiriqni individual yoki guruh shaklida bajartirish mumkin. Bunda qisqa vaqt

mobaynida o'quvchilar tomonidan adib va uning ijodi haqidagi ma'lumotlar jamlanishiga erishiladi. Shuningdek, o'quvchilar qiziqayotgan jihatlar ham aniqlanadi.

So'ng dars rejasiga muvofiq birinchi darsda shoir hayoti va ijodi haqida ma'lumotlar beriladi. O'qituvchi shoir Muhammad Yusufning shaxsi, avvalo, uning asarlarida o'z ifodasini to'pganligini ta'kidlab, **"Mehrim qattiq bo'ldi.."** she'ridan quyidagi parchani o'qib beradi:

*Ko'nglim sezar, endi bu yog'i ayon,
Do'stlarim... do'stlarim, baxtli bolaman:
Yo Toshkentda eng zo'r shoir bo'laman,
Yo uyimga ketib, ariq bo'yida
Yalpizga suyanib o'lib qolaman!*

Dars maqsadidan kelib chiqib, Muhammad Yusuf o'zi aytganidek, **Toshkentda eng zo'r shoir bo'loldimi? Siz qanday fikrdasiz?** kabi savollar bilan o'quvchilarning shoir shaxsiga xos bol'gan sifatlar aniqlanadi, ularning bilimlarini boyitishga erishiladi; shoir ijodi bo'yicha fikr-mulohaza bildirishga o'rgatiladi. **1-dars** mustahkamlangach, uyga shoirning darslikda berilgan she'rlarining mazmun-mohiyatini o'rganish vazifa qilib beriladi va kelgusi darsda she'rlar matni ustida ishlash, ularning tarbiyaviy ahamiyatini o'rganib kelish uqdirib o'tiladi.

2-darsda Muhammad Yusufning 8-sinf darsligida berilgan she'rlari bo'yicha tahlil o'tkaziladi. Tahlil o'tkazishda evristik metoddan foydalanish ijobiy natija beradi. Dastlab o'qituvchi tomonidan **"Vatanim"** she'ri ifodali o'qib beriladi. Son'g **subhat** o'tkazish tavsiya etiladi.

Suhbatda quyidagi savollar beriladi:

1. Muhammad Yusuf ijodi haqida qanday fikrlarni ayta olasiz?
2. Shoir ijodining e'tiborga loyiq jihati nimada deb o'ylaysiz?

O'quvchilar she'rlarni o'qib ta'sirlangani, shoir vatani haqida o'zgacha kuylagani, uning ona yurtidan tuygan mehri xuddi ona mehridek iliq ekanini, uning uchun har qanday mushkulot qarshisiga chiqqishini; buyuk mutafakkirlarni bir inson emas, balki millatning mujassam ismi ekanini, ular zamirida xalq tarixi, uning eng zafarli va achchiq kunlarini lamlaganini; shuningdek, tinchlik – buyuk ne'mat ekanligini, adib asarlarida asosan mehr-muhabbat, milliylik, vatanga bo'lgan fidoiylilik tasvirlanganini aytib o'tadilar. Ularning fikrlari umumlashtirilib, buyuk allomalarimizning ayrimlari o'z yurtidan chichib ketishga majbur bo'lganligi, ortga qaytolmay xoklari o'zga yurtlarda qolganligi, qabrlarining tashlandiq holatda ekanligi, hozirda ularning

makonlari o'rganib, xayrli ishlar olib borilayotganligi ifodalanganligi aytib o'tiladi. So'ng sinf 3 guruhga ajratiladi. Guruhga ajratishda vaqtdan unumli foydalanish uchun mavzuga mos nomlar o'qituvchi tomonidan tavsiya etiladi va 2 daqiqa vaqt mobaynida o'quvchilar 3 guruhga bo'linadi. Bunda o'quvchilar joylashgan o'rinlar bo'yicha yoki mavzu bahor faslida o'tilishi inobatga olinib, 3 nomdagi gul shakllaridan foydalanish mumkin. Guruhlar shakllangach, ularga topshiriqlar beriladi.

1-shartga ko'ra "**Siz nima deb o'ylaysiz?**" topshirig'i beriladi. Bunda 1-guruhga "Mehr qolur", 2-guruhga "Yurtim, ado bo'lmas armonlaring bor.." 3-guruhga "Biz baxtli bo'lamiz" she'rlarini tahlil qilish to'shirig'i beriladi. Guruhlar she'rlarning sarlavhasiga e'tibor qaratib, shoir nima uchun she'rni bu nom bilan ataganligini izohlaydilar. Masalan, o'quvchilar "Mehr qolur.." she'ri bo'yicha mehr – insoniy tuyg'ularning oliy ko'rinishi ekanligini, mehr bor joyda razolat, fojia bo'lmasligini, mehr insonlarni bir-biriga yaqinlashtirishini aytadilar. To'g'ri va mantiqli javob bergan guruhga rag'bat kartochkasi beriladi.

2-shartda she'rlar mazmuni va shoir mahoratini yanada to'liqroq ochish maqsadida guruhlarga darslikda berilgan quyidagi topshiriqlar bajartiriladi:

1-guruhga: "*Mehr-u muhabbat qachon "dunyoni tor aylaydi"?* Kimlarga dunyo tor ko'rinadi"; 2-guruhga: *Shoir nima uchun "O'tmishingni o'ylab og'riydi jonim"*, deydi; 3-guruhga: Lirik qahramon o'z suyuqlisiga qarata "*Rayhon hidlarini yo'llarimga sep*" misrasida nazarda tutilgan hayotiy holatni tushuntiring" kabi.

Bunda o'quvchilar quyidagi javoblarni aytishlari mumkin:

1-guruh a'zosi: *Mehr va muhabbat eng oily tuyg'u ekanligini anglab yetdik. Shu tuyg'ular tufayli olamda hayot davom etadi. Ota-onaning farzandiga mehri, do'stning do'stiga sadoqati, aka-uka va opa-singillarning bir-birlariga mehr-oqibati kabi insoniy tuyg'ular zamirida mehr-muhabbat qudrati bor deb o'ylaymiz.*

3-shartga ko'ra shoir ijodi bo'yicha o'quvchilarning fikr-mulohazalari umumlashtirilib, dars mustahkamlanadi. O'qituvchi adib she'rlarining tarbiyaviy ahamiyati haqidagi savol bilan murojaat qilib, o'quvchilarni fikrlashga undaydi. O'quvchilar quyidagicha javob berishlari mumkin:

1-o'quvchi: Men "Vatanim" she'rini tinglab, juda ta'sirlandim. Vatan sajdagoh kabi muqaddas ekanligini chuqurroq angladim.

2-o'quvchi: Bu sh'erni Sevara Nazarxon tomonidan qo'shiq qilib kuylanishi yanada uning ta'sir kuchini orttirgan deb o'ylayman. Har

qanday kishining yuragini larzaga keltirib, yig'latishga qodir qilib ijro etilgan.

3-o'quvchi: "Mehr qolur" she'ridan shuni tushunib yetdimki, insonlar har qanday vaziyatda ham mehr-oqibatli bo'lishlari kerak ekan.

4-o'quvchi: "Yurtim, ado bo'lmas armonlaring bor.." she'ri menga eng oily narsa chinakam shaxs bo'lib shakllanish ekanligini anglatdi.

5-o'quvchi: Endi men doimo o'z yaqinlarimga mehr-oqibatli bo'lishga harakat qilaman.

6-o'quvchi: Biz, yoshlar buyuk vatandoshlarimizni doimo yodda tutishimiz kerak.

7-o'quvchi: She'rlarni o'qib, shoirning istagi bugungi va kelgusi avlod o'z o'tmishidan saboq chiqarishini, vatanparvar bo'lishini, hayot sinovlariga tayyor turishini, shundagina millat millat bo'lishini anglab yetdim.

So'ng o'quvchilarning fikrlariga qo'shilgan holda o'qituvchi tomonidan tinchlik, mehr-oqibat bor yerda hayot go'zal va farovon bo'lishi ta'kidlanib, shoir haqidagi fikr o'qib beriladi.

"Muhammad Yusuf odamlarning esini og'dirgan, o'ylatgan, kuldirgan, yig'latgan, topgan-tutganini odamlar ustidan sochgan saxiylik timsoli edi. Qo'lida borini do'stlariga tarqatmaguncha, ko'ngli to'lmasdi. U hammani o'ziga do'st deb bilardi...

... Aslini olganda, asl shoirlar uzoq yashamaydi. Endi shoirning o'zi yo'q. Ammo Muhammad Yusuf deb atalmish She'riyat bor..."(Said Ahmad).

Uyga vazifa qilib Muhammad Yusuf she'rlaridan yod olish topshiriladi.

Adabiyotlar.

1. Olim S., Ahmedov S., Qo'chqorov R. Adabiyot darsligi, 8-sinf. – Toshkent: O'zbekiston, 2010.
2. 8-sinf Adabiyot o'qituvchilari uchun uslubiy qo'llanma. – Toshkent: O'zbekiston, 2010.
3. Yusuf M. Mehr qolur. – Toshkent, 2003.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. II jild. – T., 2008.

Болалар боғчасида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш

М.А.Абдуллаева,
педагогика фанлари
номзоди(НамДУ)

Т.А.Абдухалилов,
педагогика йўналиши
талабаси (НамДУ)

Мактабгача таълим муассасаларида илғор педагогик технологиялар асосида машғулотларни ташкил этиш давр талаби ҳисобланади. Мазкур педагогик технологиялар таркибига замонавий ахборот технологиясини киритиш ҳам ўринлидир. Компьютер технологияси ва оммавий ахборот воситалари асосида ташкил этилган машғулотларда тарбияланувчилар оддий машғулотларга нисбатан фаолроқ иштирок этади ва машғулот самарадорлиги ошади. Машғулотларни интеграллашган тарзда турли телекурсувлардан фойдаланиб ташкил этиш янгича ёндашувни вужудга келтиради.

Мактабгача таълимда компьютер техникасидан оқилона фойдаланиш тарбияни таълимга боғлаш ва мазмун жиҳатдан яхлитлаштиришга, тарбияланувчи фаолиятини уюштиришга, муваққил фикрлашга йўллаш учун қулай шароит яратади. Таъкидлаш жоизки, миллий таълим равнақини таълим-тарбия амалиётига самарали, тежамли, янги шакл ва воситаларни қўллаш ҳамда изланишгина таъминлайди.

Демак, компьютерлашган таълим технологияси таълим-тарбия жараёнини илғор методлар, техник воситалар ва усулларига таяниб такомиллаштириш тизими ҳисобланади. Бу тизим тарбиячи томонидан яратилади ва таълим, тарбия босқичларини ўзаро боғлашга хизмат қилади. Бу мақсад ва вазифаларни, таълим-тарбиянинг шаклларини олдиндан белгилаш, болаларда шакллантириш кўзда тутилган маънавий сифатларни ўзлаштиришга йўналтирилган машғулотларни режалаштириш кабиларни ўз ичига олади.

Шунинг учун таълим жараёнида боланинг тутган ўрни, яъни болага катталар томонидан кўрсатилган муносабат, унга таъсир этаётган тарбиявий омиллар муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, машғулотларда самарали натижаларга эришиш нафақат компьютер

техникаси, балки оммавий ахборот воситалари материалларидан фойдаланишга боғлиқ жиҳат саналади. Бола ҳар бир телекурса-тудан, албатта, эзгуликка йўлловчи бир жиҳатни ўзига олишга ёки унга риоя қилишга ўрганади. Бунга ҳар хил тарбиявий дастурлар, кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган мультифильмлар, театрлашган эртақлар, кинофильмлар ва ролли ўйинли дастурларни киритиш мумкин.

Тарбиячи мазкур тарбияловчи муҳитнинг ташкилотчиси, раҳбари, ижодкори сифатида фаолиятни ташкил этади. Мактабгача таълим муассасаларида ўйинлар, машғулотлар болаларнинг қизиқишларини инobatга олган ҳолда, улар томоша қилган дастурлар асосида ташкил этилса, уларнинг таъсир даражаси ва тарбиявий аҳамияти янада ошади.

Биз қуйида инновацион технологияларни ўйин ва машғулотларда қўллаш усулини кўриб чиқамиз.

Маълумки ўйин фаолияти болалар ҳаётининг мазмунини ташкил этиш билан бирга, уларни теварак-атрофни билишига ёрдам беради ва келгуси фаолиятга руҳан, ақлан тайёрлаб боради. Айни пайтда ўйин бола учун эрмак, қувонч манбаи ҳамдир. Ўйин боланинг диққати, хотираси, ижодий тафаккури ва тасаввурини, дунёкарашини шакллантириш ҳамда ўстиришга хизмат қиладиган воситадир. Бу жиҳатлар боланинг кежакдаги ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутади.

Кичкинтойларда эртақлар эшитишга бўлган қизиқиш жуда кучли. «Эгри ва Тўғри», «Зумрад ва Қиммат», «Олтин тарвуз», "Ур тўқмоқ" каби эртақларни кўп эшитишни ва телевидиние орқали улар асосида яратилган фильмларни кўришни яхши кўрадилар. Буни эътиборга олиб, ҳамма ишимизни бир неча дақиқага нарига суриб, чарчоғимиз, ташвишларимизга қарамай: «Бўпти, ҳозир сенга эртақ айтиб бераман» десак, Зумрад ва Қиммат, чол, кампир, лайлак ҳамда хасис бой, очкўз бўри, кўрқоқ куён ва бошқа ролларга кириб, уларнинг қувончларига сабаб бўлишимиз мумкин. Бола билан ўйнар эканмиз, биз ҳам ўз олдимизга мақсад қўйиб олишимиз керак. Эртақ айтиб бериш, ролларга ижро этиш давомида, албатта, биз уларнинг хоҳиш, истақлари бўйича ҳаракат қилишимиз керак.

Бизнинг асосий вазифамиз - боланинг айтганларини бажариб, уни хурсанд қилиш асосида муайян кўзлаган мақсадни амалга ошириб, болани ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга эришамиз. Масалан, биз бола руҳий ҳолатини ривожлантиришни ўз олдимизга

вазифа қилиб қўйишимиз мумкин. Сезгиси, хотира ва тафаккурини ўстиришга қаратилган эртақлар асосида боланинг нутқини ривожлантирамыз, уларнинг ақлий ва ахлоқий тақомилига ёрдам берамыз. Эртақлардаги тимсолларни таҳлил қилиш малакасини шакллантирамыз.

Мактабга тайёрлов даврига келиб, болалар бир қанча эртақларни кўриб, уларни айтиб бериш қобилиятига эга бўладилар. Эртақлар воситасида болаларда яхшилик, ростгўйлик, меҳрибонлик, катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик каби ижобий фазилатлар тарбияланади. Дангасалик, очқўзлик, ишқўмаслик каби салбий фазилатларнинг ёмонлигини фарқлай оладилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, эртақлар орқали болаларда мантиқий фикрлаш, диққатни жамлаш, идрок этиш, эсда сақлаб қолиш, умумлаштириш каби кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш мумкин.

Мактабгача таълим босқичида эртақлар ўргатишни ўрни беқиёсдир. Шунини ҳисобга олиб, мактабгача таълим муассасаларда компьютер технологиялари, телевидение, магнитофон, лингофон каби техника воситалари ёрдамида эртақлар сабоғини амалга ошириш болаларни комил инсон қилиб тарбиялаш омилларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Отавалиева У. Бола тарбиясида боғча ва оила ҳамкорлиги. - Т.: Ўқитувчи, 1994.

2. Расулова М., Абдурахмонова Х. ва бошқ. Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари. - Тошкент: Ўз ПФИТИ, 2000.

Sharq adabiyotida ta'lim-tarbiya talqini

Saida Umarova,
adabiyotshunoslik yo'nalishi
magistranti (ADU)

Bugungi kunda yurtimizda olib borilayotgan barcha sa'y-harakatlar, davlatimiz tomonidan ishlab chiqilayotgan keng islohatlarning asosiy qismi davlatimizning kelajagi va tayanchi bo'lgan yoshlarning bardavom va farovon hayoti uchun qaratilayotganini alohida ta'kidlash zarur.

Prezidentimiz I.A.Karimov aytib o'tganidek – “Albatta, ta'lim-tarbiya ong mahsuli, lekin ayni vaqtda ong darajasi va uning rivojini ham belgilaydigan, ya'ni xalq ma'naviyatini shakllantiradigan va boyitadigan eng muhim omildir. Binobarin, talim- tarbiya tizimini va shu asosda ongni o'zgartirmasdan turib, ma'naviyatni rivojlantirib bo'lmaydi. “ Chindan ham, biz o'z yo'limizni tanlab, mustaqil va obod Vatanni qurishga va uni asrab- avaylashga kirishgan ekanmiz, avvalo o'sib borayotgan yoshlarning tarbiyasiga alohida e'tibor bilan yondoshmog'imiz zarurdir. Bu bizdan kuchli intilish va katta ma'suliyatni talab etadi. Yoshlarimizning muqaddas zaminda unib- o'sib yashashi, unga sidqidildan xizmat qilishi, ota- ona, yor-u- birodar, qolaversa o'zi yashayotgan muqaddas zaminning har bir zarrasini e'zozlashi uchun uning ongiyu qalbini, ma'naviyatini shakllantirish, tarbiyalash lozim. Buning uchun nafaqat oilada, ota-ona farzandining kelajagi va tarbiyasi uchun mas'uldir, balki maktab litsey, kollejdagi ta'lim berayotgan ustozlarning han o'rni beqiyosligini unutmasligaimiz lozim. “ Shuni unutmasligimiz kerakki, kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, boshqacha aytganda, xalqimizning ertangi kuni qanday bo'lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim- tarbiya oishiga bog'liq,” –deydi muhtaram Prezidentimiz I.Karimov, o'zining “ Yuksak ma'naviyat- yengilmas kuch “ asarida. Darhaqiqat, bugungi kunda turfa xil global muammolar, ba'zi davlatlar o'rtasidagi kuchli nizolar, va endigina o'sib kelayotgan yoshlarning ongiga zararli oqimlar xavf solayotgan bir paytda biz ham o'zimizning mustahkam iroda va kuchli ma'naviy axloqimiz bilan tarbiyalanishimiz va bu boradagi barcha sa'y-harakatni amalga oshirmog'imiz lozimdir. Buning uchun asrlar osha ma'naviyatimizni boyitib kelayotgan va buyuk merosimiz sifatida butun dunyoda e'tirof etilayotgan ma'naviy meroslarimiz, buyuk obidalarimiz, yoshlarning ona Vatanga bo'lgan muhabbatini yanada yuksalishiga va yurtimizga bo'lgan kuchli faxr tuyg'usi bilan yo'g'rilishida alohida ahamiyat kasb etadi. Shuning uchun unib-o'sib kelayotgan har bir beg'ubor va toza qalbli yosh avlodni doimiy bandlik bilan ta'minlash, ularning kuchli tarbiya va mustahkam e'tiqod bilan tarbiyalab borish albatta o'z samarasini beradi.

Biz o'lmas va o'chmas merosimizni, adabiy – badiiy asarlar, ulug' ajdodlarimizdan meros bo'lib qolgan obidalar bilan har qachon faxrlanamiz va ularga ehtirom bilan qaraymiz. Ularning go'zal va cuqur ma'no kasb etuvchi o'g'itlari va purma'no hikmatlari har bir ishimizda va tafakkur qilishizda har qachon asqotadi va mana shu o'g'itlar va tajribalar

orqali biz to'g'ri yo'l ortidan boramiz. Xusrav Dehlaviy o'zining " Hikmatlar " kitobida shunday deydi:

*Bazm kuni yoshlar safida bo'zla,
Ammo ish tadbirin keksadan izla*

yoki

*Yosh har qancha bo'lsin ishda g'ayratli,
Ko'p ko'rgan keksaning ishi ibratli deydi.*

Bu baytlar yuqoridagi fikrimizni tasdiqlaydi. Bizga a'yonki, o'tmishda ham yoshi kichiklar o'zidan yoshi ulug' bo'lgan ustozlarni chuqur hurmat bilan e'zozlagan, ularga ehtirom ko'rsatgan, hamisha ularning tajribalari ortidan borgan,

Kaykovus o'zining "Qobusnoma" asarining 27-maqolatini farzandlar tarbiyasiga bag'ishlaydi va o'zining oltinga teng bo'lgan fikrlarini bayon etadi. Jumladan, unda farzand tug'ilishidan boshlab unga tarbiya berishning vojibligi haqida so'z boradi. Unga yaxshi nom qo'yish bilan birga, yaxshi ta'lim- tarbiya berish kerakligi aytiladi. Bola moddiy jihatdan to'kis oilada tu'g'iladimi yoki biroz yupunroq holatdami, bunig ahamiyati yo'q, uni albatta hunarli qilish darkor, sababi inson hayotda qanday ahvolga tushadi, buni oldindan hech kim bilmaydi, shuning uchun hunar har qanday vaziyatda insonni turli falokatlardan saqlab qolishi mumkin, Turli xil ilm va hunarni farzandga o'rgatish otalikning asosiy shartlaridan biridir. Kitobda aytilishicha, farzandga hunar o'rgatishda kamchilikka yo'l qo'yib bo'lmaydi, hatto unga ta'lim – tarbiya berayotgan ustozning ota- onga nisbatan qattiqqo'l bo'lishi lozim ekan, bunda farzand har qanday holatda otaning munosabatidan ranjib qolmaydi va ota farzandini ustozning o'gitlari ostida tarbiyalashi muhim ekan. Kaykovus bu haqda yana shunday deydi: " Farzandingga odob va hunarni o'rgatishni meros deb bilgil. Agar sen xoh unga odob o'rgatgil, xoh o'rgatmagil, turmush mashaqqatlarining o'zi unga o'rgatadi. Shunday deganlarki, ota- ona tarbiyalay olmasa, uni kecha va kunduz tarbiyalaydilar. " Darhaqiqat, farzand uchun eng katta meros va eng katta boylik- bu unga oat – onasidan qoladigan go'zal axloq va pokiza tarbiyadir.

Касб-хунар коллежларида инглиз тилини ўқитишда ўқиш фаолиятининг ўрни

Н.Фозилова,
инглиз тили йўналиши
магистранти (НамДУ)

Ўқишнинг шахс тарбиясидаги ўрни беқиёс бўлиб, у том маънода маънавий-маърифий озуқа олиш йўлидаги нутқий фаолият, ҳаракат туридир. Рецептив нутқ фаолияти тури ҳисобланмиш ўқишни ўргатишдан инглиз тилида умумтаълимий мақсад кўзда тутилади.

Ўқиш график коддаги ахборотни ундан бутунлай фарк қиладиган товуш кодига ўтказиш жараёни, ҳарфий белгиларда ифодаланган ёзма нутқий ахборотни идрок этиш ва унинг мазмунини тушуниш, ўзлаштиришга қаратилган нутқий фаолият туридир [2].

Ўқиш мотиви мулоқот қилиш, мақсад эса ахборот (информация) олишдир. Ўқишнинг инглиз тилидаги бундай мақоми ўқувчиларни унга нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида ёндашишга ундайди, унинг амалий аҳамиятини кучайтиради. Ўқишга нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида тўғри ёндашув унинг коммуникатив вазифасини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Лекин ҳалигача баъзи чет тил ўқитувчилари орасида тилни амалий эгаллаш тушунчасини оғзаки нутқни ўрганиш деб қабул қилиш одатлари мавжуддир, яъни оғзаки нутқ кўникма ва малакаларини шакллантиришни – тилни амалий мақсадда эгаллаш деган талқинлар учрамоқда. Бундай методик янглишиш инглиз тилида ўқишни амалиётдаги ролининг пасайишига, оғзаки нутқни шакллантиришда восита сифатида қаралишига олиб келмоқда. Ваҳоланки, ўқишни ўргатиш бўйича тил таълимшунослигида М. Уэст, И. М. Берман, В. А. Бухбиндер, З. И. Клычникова, С. К. Фоломкина, Ж. Ж. Жалолов, Н. В. Барышникова, М. Л. Вайсбурд ва бошқалар томонидан фундаментал илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва уларда мазкур фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари, уни чет тил, шунингдек, ахборотни ўзлаштиришдаги ўрни методик жиҳатдан атрофлича таҳлил этилган, қимматли фикрлар баён этилган.

Инглиз тили ўқитиш методикасида ўқишнинг мақсад ва восита мақомларида ўргатилиши жорий дастурларда кўрсатилган [1]. Узлуксиз таълим тизимининг узвий бўғини ҳисобланган касб-хунар коллежлари (КХК)да ҳам инглиз тилида ўқиш малакалари устида ишлаш ДТСнинг энг муҳим талабларидан биридир.

КХКда ўқишни ўргатиш тилни билиш/ўрганиш жараёни сифатида ташкил этилади, матн орқали ўқувчи билишга, ундан ўзи учун янги, фойдали маълумотлар олишга ҳаракат қилади. Ахборот олиш билиш фаолиятини ҳаракатлантирувчи восита эканлиги маълум. Ўқиш фаолиятининг натижаси эса билишга олиб келувчи восита ҳисобланади. Албатта, ўқиладиган матндаги ахборотни ўзлаштириб олиш учун ўқувчидан инглиз тилида ўқиш малакаларини эгаллаш талаб этилади. Ўқиш малакаси уч босқичли фаолият бўлиб, нутқ бирлигининг кўрув тимсоли, унинг нутқ ҳаракат тимсоли ва мазмунидан ташкил топади. Учала кўникмани эгаллаш ўқиш малакасини ҳосил қилинганлигидан далолат беради.

Ўқишга нутқ фаолиятининг мустақил тури сифатида ёндашув унинг амалий-коммуникатив вазифасини аниқлашга ёрдам беради. КХКда ўқув соатларининг чегараланганлиги, ўқув режасининг ўзига хослиги, тил табиий муҳитининг мавжуд эмаслиги, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳар қандай инглиз тилидаги матнни ўқишга имкон бермайди. Шунинг учун амалиётда мазкур соҳада лозим бўлган мақсад ва вазифаларни тўғри аниқлаб олиш зарурдир. Бу эса ўқиш фаолиятининг амалий аҳамиятини кучайтиради. Тилни амалий мақсадда эгаллаш инглиз тилини ўрганувчиларнинг келажакдаги мутахассислик хусусияти, ўқув юртининг йўналиши (профили) ва унинг амалий фаолиятда ахборот олиш қобилиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ахборот олиш мақсадида ўқиш, аввало, амалий мақсад, иккинчидан, таълимий восита эканлиги назария ва амалиётда исботланган.

Биринчи курсдан бошлаб ўқувчилар ўз касбий соҳаларига оид матнларни ўқишни ўрганиб боришлари лозим. Чет тил ўқитиш методикасида ўқишга мўлжалланган матнлар мазмунига қўйидаги талаблар қўйилади: 1) матннинг тарбиявий аҳамиятига эътибор берилади (чет тил ўргатиш мақсадларидан бири тарбиялашдир, жамият ахлоқ қоидаларини сингдириш, яъни маънавий тарбия беришга қаратилган матнлар танланади); 2) ўқувчиларнинг ҳаётий билимларини ошириш, яъни дунёқарашини бойитишга хизмат қиладиган матнлар сараланади. Бу ўқувчини билиш фаолиятини

ўстиришда муҳим шартлардандир. Ахборотга бой матнни ўқиш ўқувчида жозоба уйғотади, чунки ўқувчи билишга ошиқади, билишга мойиллиги рағбатлантирилса, ўқув предметига унинг кизиқиши ошади; 3) ўқишга тавсия этилган матн илмий, яъни ундаги маълумотлар воқеаликни объектив акс эттирадиган бўлиши талаб этилади; 4) танланаётган матн ўқувчи ёшига мос тушиши лозим. Ўқувчи эҳтиёжини қондириш чет тилида нутқий фаолиятга ундашнинг муҳим чорасидир. Хуллас, матн мазмуни ўқувчининг маънавий савиясига мувофиқ бўлиши, билиш ва ҳиссий талабларига жавоб бериши керак [2].

Хуллас, ўқиш амалий мақсаддан ташқари, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни рўёбга чиқишида ҳам катта роль уйнайди. Бунда ўқувчиларнинг кузатувчанлиги ошади, уларнинг тил материали ва матн мазмунини анализ/синтез қилиш қобилиятлари такомиллашади. Овоз чиқариб ўқиш таллаффузни ўргатишда, тинглаб тушунишда муҳим босқич саналади.

КХҚда инглиз тили фанидан ўқиш малакаларини эгаллаш, биринчидан, ўқувчиларни шу тилда нутқий мулоқот қилишга тайёрласа, иккинчидан, ўзи эгаллаётган ихтисосликни мукамал эгаллашни, умумий савиясининг ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

КХҚда ўқишни ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудки, уларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз:

1. КХҚда ўқиш материали сифатида ижтимоий-маиший, бадий, сиёсий, маданий, ўқув-таълимий ва ихтисосликка оид соҳавий матнлар танланади.

2. Коллеж инглиз тили таълимида ўқишнинг ўрни ва роли, унга қўйиладиган дастурий талаблар ўрта мактабникидан юқорироқ бўлади. Уч йил давомида КХҚда ўқиладиган матнларнинг мураккаблик даражаси ортиб боради.

3. Инглиз тилида ўқиш КХҚ ўқувчиларини шу тилда нутқий мулоқот қилиш, ўз ихтисослиги бўйича қўшимча соҳавий ахборотлар олишни таъминлайди, уларнинг умумий савиясини оширади.

4. Ўқувчилар инглиз тилида нафақат коллеж ихтисослигига оид матнлар, балки мамлакатимиз ва тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақидаги ахборотлардан мунтазам бохабар бўлиб боради.

5. Ўқиш бўйича мавзулар танлаш коллеж ўқувчиларининг мутахассислик йўналиши(профили)га боғлиқ бўлади, инглиз тилида ўқишни ўргатиш амалий мақсад ва таълимий восита сифатида талқин қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Буранов Дж. (Ред.) Концепция обучения иностранным языкам в вузах и ссузах Республики Узбекистан. – Ташкент: УзГУМЯ, 1998. – 7 с.

2. Жалолов Ж. Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 368 б.

O'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini o'stirish masalalari

Nargiza Dadaboyeva,
boshlang'ich ta'lim yo'nalishi
4-kurs talabasi (NamDU)

O'quvchilarning so'z boyligini oshirish ona tili va o'qish mashg'ulotlarining asosiy vazifalaridan biri ekan, ularni turli lug'atlar bilan tanishtirish va bu lug'atlardan foydalanish malakalarini shakllantirish, ayniqsa, muhim masala hisoblanadi. Lug'at imlo savodxonligini oshirish, so'z boyligini kengaytirishning muhim manbaidir.

O'quvchilarning lug'atlardan foydalanish malakalarini shakllantirish avvalo, ularda ehtiyojni tarbiyalashdan boshlanadi. Chunki ehtiyoj sezilmasa, o'quvchi lug'atga murojaat qilmaydi. Ma'lum bir so'zning imlosi, ma'nosi, ma'nodoshi, qarama-qarshi ma'nosi bilish zaruriyati ehtiyojni vujudga keltiradi.

O'quvchilarni lug'at turlari bilan tanishtirishga alohida e'tibor berish kerak, chunki turli lug'atlar bilan tanishgan o'quvchi nimani qayerdan izlash kerakligini ham yaxshi biladi.

Ma'lumki, keyingi yillarda o'zbek leksikografiyasi katta muvaffaqiyatlarni qo'lga kiritdi. Ayniqsa, O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, besh jildlik izohli lug'at, 85 ming so'zlik imlo lug'ati, morfem lug'at, frazeologik lug'at, sinonim so'zlarning izohli lug'ati, antonim so'zlarning izohli lug'ati, paronimlar lug'ati, orfoepik lug'at, joy nomlari lug'ati, turli sohalarga old atamalarning izohli lug'atlarining nashr etilganligi o'zbek leksikografiyasining taraqqiyotidan dalolat beradi. Ammo bu lug'atlarning asosiy qismi

akademik lug'atlar bo'lib, ular umumta'lim maktab o'quvchilari uchun mo'ljallanmagan. Bugungi ona tili mashg'ulotlari o'quvchilar uchun ixtisoslashtirilgan «O'zbek tilinid izohli lug'ati», «O'zbek tilining uyadosh so'zlar lug'ati», «O'zbek tilining qarama-qarshi ma'noli so'zlar lug'ati» kabilarga tobora ko'proq zaruriyat sezmoqda. Bu hozirgi kunda dolzarb vazifalardan biridir.

Lug'atlardan tez va to'g'ri foydalanish uchun o'quvchi bilim va malakalarga ega bo'lishi lozim. Bu malakalardan eng muhimi alifbo tartibini yaxshi bilishdir. Alfavitni yoddan bilmagan o'quvchi lug'atdan zarur so'zni tez topa olmaydi. Shuning uchun boshlang'ich sinflardayoq o'quvchilarning alfavit tartibini yaxshi bilishlariga erishish va o'rganish jarayonida muntazam ish olib borishga to'g'ri keladi.

Lug'at bilan ishlash uchun zarur malakalardan yana biri ulardan maqsadga muvofiq ravishda foydalanishdir. Masalan, sinonimik qatorlar hosil qilish zarur bo'lsa, imlo lug'atiga murojaat etilmaydi. Topshiriqni bajarish uchun qaysi lug'atga murojaat etish kerakligini bilgan bola, shubhasiz, undan samarali foydalana oladi.

Lug'atlar turli-tuman bo'lgani kabi, ular bilan ishlash usullari ham rang-barangdir. O'quvchilarning lug'at bilan ishlash malakalarini shakllantirish uchun muayyan ish turlari talab etilsa, ularning imlo savodxonligini oshirish uchun tamoman boshqa, so'z boyligini rivojlantirish uchun esa o'ziga xos maxsus mustaqil ish turlaridan foydalanish talab qilinadi.

Imlo lug'atlari bilan ishlash. Imlo lug'ati faqat o'quvchilarning imlo savodxonligini emas, balki so'z boyligini oshirishda ham muhim qo'llanmadir.

O'zbek tilining barcha bo'limlarini o'rganishda «Imlo lug'ati»dan unumli foydalanish kerak. Masalan, «Fonetika, orfoepiya, grafika va orfografiya» bo'limini o'rganishda a, i, u, o' harflari ishtirok etgan so'zlar topish, u - o', I - u, a - i va h.k. juftlari bilan farqlanuvchi so'zlar tanlash, birinchi bo'g'inida u, o', ikkinchi bo'g'inida u yoki i kelgan so'z juftlari (urush-urish, tushum-tushim va h.k.) ustida ishlash, i-u tovushlari (harflari) ning tushib qolishi, bu tovushlar tushib qolgan so'zlar ro'yxatini tuzish: o-a bilan farqlanuvchi so'z juftlari (ana-ona, ata-ota va h.k.) tanlash, i-e (ye) bilan farqlanuvchi so'z juftlarini topish (ish-esh, bil-bel, tish-tesh kabi) ishlarini bajarishda «Imlo lug'ati» zarurdir.

«Ot» so'z turkumini o'rganishda otlarning ma'no guruhlariga misollar tanlash, shaxs otlari, qo'shib va ajratib yoziladigan qo'shma otlar ro'yxatini tuzish, «sifat-turdosh ot», «son-turdosh ot», «ot-fe'llar» qolipli hosilalar ustida ishlash kabi mustaqil ishlar shu lug'at yordamida bajariladi.

Xullas, «Imlo lug'ati» dan ona tilining barcha bo'limlarini o'rganishda unumli foydalaniladi. U o'quvchining doimiy yo'ldoshi, darslik materiallarini to'ldiruvchi zarur qo'llanma sanaladi.

Ensiklopediya ilm-fanning hamma sohalarini o'z ichiga olgan yoki biror soha bo'yicha keng, to'liq ma'lumot beradigan lug'at tarzidagi ilmiy to'plam yoki qomusdir.¹ O'quvchi bu qomusdan barcha jumboqlarga javob topadi, istagan bir tushuncha haqida keng va atroflicha malumotlar bilan boyitishda, bu tushunchalarni ularning iste'moliga ko'chirishda ensiklopedik lug'atlar muhim ahamiyat kasb etadi.

Mashg'ulotlar jarayonida maktab o'quvchilari uchun ixtisoslashtirilgan «U kim- bu nima» ensiklopediyasidan unumli foydalanish mumkin. O'quvchilar ushbu qomusdan foydalanib, ma'lum bir sohaga taalluqli tushunchalar ro'yxatini tuzishlari, bu tushunchalarning ma'nosini aniqlashlari, tushuncha va so'z orasidagi farqni bilib olishlari kerak.

Izohli lug'at ona tili va o'qish mashg'ulotlarida tez-tez kerak boladigan qo'llanmadir. Ulardan unumli foydalanish o'quvchilar nutqini ko'p ma'noli so'zlar, ma'nodosh, uyadosh va qarama-qarshi ma'noli so'zlar, tasviriy ifoda va iboralar, frazeologik birikmalar bilan boyitish, ma'nosi har xil, shakli bir-biriga yaqin bo'lgan so'zlar (paronimlar)ni farqlash, so'zlarning ma'no nozikligi va qaysi uslubga xosligini aniqlashga yordam beradi. Ayniqsa, lug'atdan foydalangan holda ayni bir so'zning ham turli ma'nolarini, ham ma'nodoshlarini, ham uyadoshlarini aniqlash maqsadga muvofiqdir. Masalan, ot- 1) ot(hayvon), ot (ism), ot (harakat), ot (so'z turkumi) ma'nolari;

2) ot, ism, nom; otmoq, uloqtirmoq, irg'itmoq, itqitmoq ma'nodoshlari;

3) ot- to'riq-qashqa-jjiyron-qorabayir va h.k. uyadoshlari.

¹ O'zbek tilining izohli lug'ati. 6 tom.- T., 2006.

Boshlang'ich sinf o'qituvchisi darslarda lug'atlardan foydalanishni hayotiy zarurat, ehtiyojga aylantirishi, o'quvchilarni ulardan foydalanish malaka va ko'nikmalari bilan qurollantirishi lozim.

Tabiiyki, bu ish boshlang'ich sinfdan boshlanadi va bunda o'qituvchilar muhim rol o'ynaydilar. Turli muhit bolaning ruhiyatiga, nutqiga kuchli ta'sir etadi. Ayrim oilada ota-onalar, bolalar bog'chalarida tarbiyachilar, boshlang'ich maktablarda o'qituvchilar bolalar nutqiga ijobiy ta'sir ko'rsatadilar. Bolalar madaniy, adabiy nutq malakasini egallaydilar. Ayrim oila, bog'cha va maktablar bu masalaga e'tiborsizlik tufayli bola madaniy nutqni egallashdan mahrum bo'ladi. Bu hol bolaning kamolida, madaniy yetuk kishi bo'lib o'sishida salbiy ta'sir etadi, albatta. Shuning uchun boladagi nutq ko'nikmalarini kamol toptirishga uning yoshligidan boshlab katta e'tibor berish kerak.

O'quvchilarning og'zaki va yozma nutq madaniyatini taraqqiy ettirish o'qish darslarining o'qitish sifatiga bog'liq. Shu bilan birga, nutq madaniyatini rivojlantirish darsda leksik mashqlar, qayta hikoyalash, bayon, insho kabi mashg'ulotlarni uyushtirib turishni ham taqozo etadi.

O'qish darslarida nutqni o'stirish bo'yicha uyushtiriladigan maxsus mashqlar butun darslar jarayonida o'tkazib boriladi. O'quvchilar og'zaki va yozma nutq malakasini hosil qilishda faqat reja tuzish, mazmunini qisqacha yozib olish, bayon, insho yozish bilan shug'ullanmay, ularning asarni o'qishi va hayotiy tajribalariga ham e'tibor beriladi.

O'quvchilarning nutqini o'stirish, bu - uzoq davom etadigan jarayondir.

Nutq o'stirish bilan bog'liq bo'lgan mashg'ulotlarni izchil, doimiy ravishda o'tkazib borilmasa, ta'limning yaxshi, sifatli bo'lishiga, o'quvchilarning madaniy - nutqni egallashlariga erishib bo'lmaydi. Shunga ko'ra, darsda nutq o'stirishni takomillashtirib borish, boshlang'ich sinflar ishini o'rta sinflar ishi bilan, o'rta sinflar ishini yuqori sinflarda amalga oshiriladigan ishlar bilan bog'lagan holda davom ettirish o'qituvchi zimmasidagi muhim vazifalardan biri.

Nutq madaniyatini o'stirish faqat uzoq muddatli jarayon bolib qolmay, ijodiy jarayon hamdir. Bu jarayon esa, insho va og'zaki hikoyalashga mustaqil ijodiy yondashishni talab etadi.

Binobarin, o'quvchilarda so'zlarni to'g'ri talaffuz qilish malakalarini mustahkamlab, rivojlantirib borish, o'z ustida mustaqil ishlash qobiliyatini o'stirib borishni taqozo qiladi.

Умумтаълим мактабларида инглиз тили ўқитиш мазмунини методик тушунчаси хусусида

Ф.Қосимова,
инглиз тили йўналиши
магистранти (НамДУ)

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғриси”даги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да узлуксиз таълимни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари даражасига кўтариш ислохотларнинг асосий негизи эканлиги ўқитилади. Ўрта умумтаълим мактабларида ўқитиш мазмунини тубдан янгилаш, уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш талаб этилади.

Ўқитиш мазмуни лингводидактик муаммоси методист-олимларни доимо қизиқтириб келаётган масалалардандир. Мазкур мавзуга бағишланган В.С.Цетлин, А.Д.Климентенко, Б.А.Лапидус, М.В.Ляховицкий, Ж.Ж.Жалолов, Ҳ.Ғ.Неъматов, Т.Қ.Сагторов, А.Ғуломов, С.С.Сайдалиев ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўқитиш мазмуни ва унинг таркибий қисмлари бўйича турли фикр-мулоҳазалар баён этилган. Ўқитиш мазмунининг дидактик муаммолари М.Н.Скаткин, И.Я.Лернер, В.В.Краевский каби дидакт олимларнинг фундаментал илмий-тадқиқот-ларида жиддий ўрганилган.

Ўқитиш мазмуни – деганда, муайян ўқув юрти олдида турган мақсад ва вазифаларга мос тушадиган, ўрганиладиган тилни эгаллаш сифати ва даражаси учун зарур ўқув материали тушунилади ёки ўқувчиларни ўргатиш учун керак бўладиган ҳамма воситаларни ушбу тушунча қамровига киритиш мумкин, деган фикрни илгари сурадилар.

Яна бир гуруҳ олимлар ушбу дидактик атамани ўрганилиши кўзда тутилган, ўқувчилар ўзлаштириши учун методик жиҳатдан ишланган билим, кўникма ва малакалар тарзида тушунишади.

Бошқа бир талқинда ўқитиш мазмуни муайян мавзулар доирасида чет тили бирликларини қўллаб, нутқ малакаларини

шаклланишини таъминлашга мўлжалланган методик ҳодиса сифатида талқин этилади.

Ўқитиш мазмуни таркиби ҳақида тадқиқотчиларнинг фикрлари турличадир: 1) уни икки қисмдан: а) тилга оид назарий билим, кўникма ва малакалар; б) ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муносабатлар тизими; 2) уч қисмдан, яъни ўрганилиши кўзда тутилган, ўқувчиларни ўзлаштиришлари учун методик жиҳатдан ишланган: а) билим; б) кўникма; в) малакалар тизими; 3) тўрт қисмдан: а) ўқувчилар ўзлаштиришлари зарур бўлган билимлар тизими; б) шундай билимларга мувофиқ келадиган амалий кўникма ва малакалар тизими; в) ўқувчиларни ижодий фаолият усулларига ўргатиш тизими; г) ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги муносабатлар тизими, яна шу фикрни тасдиқлаб а) мавзу (тематика) оғзаки ва ўқиш мавзулари); б) тил материали (талаффуз, лексика ва грамматика); в) талаффуз, лексик, грамматик, орфографик кўникмаларини шакллантириш; г) нутқ малакалари(гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзув)ни шакллантириш дегучилар; 4) беш қисмдан: а) нутқ малакалари; б) тил материали(лексика, грамматика, талаффуз)га оид кўникмалар; в) график ва овозли матнлар; г) нутқ малакаларини ривожлантирадиган мавзу ва ситуациялар; д) чет тилга оид ҳодиса(қоида)лар; яна шунга ўхшаш: а) коммуникатив фаолиятга оид мавзу, нутқ материали (матнлар, нутқ намуналари ва ҳ.к.) ва ситуациялар; б) тил материали ва уни эгаллаш қонун-қоидалари; в) махсус нутқ малакалари; г) тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятлараро мулоқотига оид нутқ малакалари; д) таълим жараёнида қўлланидиган ўқув ва адаптив малакалар.

Бизнингча, мазкур нуқтаи назарлар орасида ўқитиш мазмуни камровига ўқитиш мавзулари (Topics), нутқ малакалари (Speaking, Listening, Reading, Writing) ва тил материали (Vocabulary, Grammar, Pronunciation) кабиларни киритиш мақбул [1; 2].

Мазкур таркибий қисмлар, аввало, ўқув дастурларида ўз аксини топади. Таълим якунида нималарга эришиш кераклиги, нутқий кўникма ва малакаларнинг сифати, тилнинг лексик, грамматик ва талаффуз минимуми қай даражада ўзлаштириш лозимлиги ўқув дастурида кўрсатиб берилади.

Ўқитиш мазмунининг биринчи таркибий қисми нутқ мавзуларидир. Маълумки, инглиз тили ўқитиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда нутқ мавзулари танланади.

Ўрта умумтаълим мактабларида оғзаки нутқ мавзулари асосан ном билан юритилади: 1) ўқувчи теварак – атрофи (About myself); 2) Ватанимиз – Ўзбекистон (Our country); 3) тили ўрганилаётган мамлакат(лар)(English Speaking Countries).

Нутқий мавзуларни танлашда, албатта, ўқитиш методикасининг муайян мезонларига асосланилади: 1) мавзулар нутқ малакаларини шакллантириш учун хизмат қилиши лозим; 2) ўқитиш шароити ва имкониятларининг мавжудлиги кўзда тутилади; 3) мавзуларни танлашда ўзлаштиришнинг рецептив ва (ре)продуктив хусусиятларига эътибор қаратилади. Бинобарин, оғзаки нутқ ва ўқиш учун алоҳида мавзулар танланади [1; 2].

Ўрта умумтаълим мактаби ўқув дастурида тавсия этилган мавзулар ўқувчиларнинг ёши, қизиқишига мос келиши, тил материали асосида уларнинг умумий савиясини кўтаришга қаратилиши, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни кўзда тутиши талаб қилинади.

Мулоқот доирасини белгиловчи нутқий мавзуларда Ватанимиз ва тили ўрганилаётган мамлакатлар ҳақидаги маълумотларни қиёсий тарзда ўрганиб борилишига эришилади. Масалан: Оила: Ўзбекистон, Англия ва АҚШда, Мустақиллик: Ўзбекистонда (1 сентябрь) ва АҚШда (4 июль) каби.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жалолов Ж. Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юрт-лари (факультетлари) талабалари учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 368 б.

2. Сатторов Т. Қ. Булажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкор-лигини шакллантириш технологияси. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – 191 б.

МУНДАРИЖА

Зиёвиддин Мансуровнинг меҳнат фаолияти	4
Зиёвиддин Мансуровнинг асарлари	5
<i>Каримов Н.</i> Гуллар шахрининг шоири.....	6
<i>Ҳабиб Саъдулла.</i> Зиёвиддиннинг шеърларини ўқиганда.....	9
<i>Халилбеков А.</i> Зиёвиддин Мансуров ижодига чизгилар	9
<i>Тулан Низом.</i> Авжи баланд ижод соҳиби.....	17
<i>Маъмуров М.</i> Кўнгил заргари (Зиёвиддин Мансуровнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказиладиган юбилейдаги нутқ)....	18
<i>Носиров Қ.</i> Зиё Мансур ижодида Она юрт мадҳи.....	24
<i>Улуқов Н.</i> Зиёвиддин Мансур шеърларининг айрим лингвопоэтик хусусиятлари.....	35
<i>Сулаймонов М.</i> Истиклол куйчиси.....	38
<i>Каримов Р.</i> Камтарин ва фидойи инсон.....	43
<i>Собирова М.</i> Ҳикмат ва ибрат сиймоси.....	44
<i>Саидалиев С.</i> Элим , юртим деб ёниб яшаётган инсон.....	48
<i>Каримова Ф.</i> Зиёвиддин Мансур шеърлятининг айрим бадий хусусиятлари	51
<i>Каримов О.</i> Эл назаридаги шоир.....	54
<i>Боқий Мирзо.</i> Ижодкор ва “бегона” асар.....	55
<i>Тожибоева Д.</i> Мен на Цицеронман, мен на шоҳ Машраб.....	62
<i>Собирова М.</i> Зиёвиддин Мансур шеърлятида жуфт сўзларнинг қўлланиши.....	67
<i>Қозоқова Н.</i> Фалсафийлик ва руҳият тасвири уйғунлиги	71
<i>Беназир (Гулчехра Зокирова).</i> Зиёвиддин Мансур шеърляти ҳақида айрим қайдлар.....	73
<i>Turg'ipova M.</i> Oqayotgan baxt.....	76
<i>Толибжоновна М.</i> Зиёвиддин Мансур лирикасининг айрим қирралари ҳақида.....	78
<i>Asqarova D.</i> Ziyoviddin Mansur she'riyatida ona madhi.....	80
 ЗИЁВИДДИН МАНСУРНИНГ “АЁЛНИНГ ҚИРҚ ЖОНИ ҲАҚИДА” ШЕЪРИ ТАЛҚИНЛАРИ ВА ТАРЖИМАЛАРИ	
<i>Содиқов З.</i> Шеърларидан зиё таралувчи шоир.....	96
<i>Тожибоева Д.</i> Аёлнинг энг гўзал таърифи.....	100
<i>Зиёвиддин Мансур.</i> Аёлнинг қирқ жони ҳақида.....	105
<i>Зиё Мансур.</i> Откуда у женщины сорок душ (баллада).....	110
<i>Ziyoviddin Mansur.</i> A story about forty souls of the Woman.....	116
<i>Ziyoviddin Mansur.</i> VIERZIG SEELE DER FRAU	122
<i>Tursunov H., Ahmedova Sh.</i> Les quarante ames de la femme...	222

ТИЛШУНОСЛИК

<i>Улуқов Н., Солихўжаева Х.</i> Ибрatнинг топонимик талқинлари.....	134
<i>Усмонова Х., Суярова А.</i> Белги узвли аргументларнинг шаклланиши.....	140
<i>Саидова М.</i> Ўзбек шевалари қариндошлик терминларининг шаклланиши.....	143
<i>Улуқов Н., Тураева М.</i> Чустий ҳикматларининг лингвопоэтик хусусиятлари.....	145
<i>Каримов Р., Солиев Ё.</i> Таржимада аслият матни.....	151
<i>Абдурахмонов Ш.</i> Оксюморон бирикмалар хусусида.....	154
<i>Uturova N., Usibjonova M.</i> Kiyim nomlarining uslubiy xususiyatlari.....	157
<i>Rahmatullayev Y.</i> Arab tilidagi o'zlashma so'zlar.....	159
<i>Улуқов Н., Усмонова Н.</i> Айрим тахаллуслар хусусида.....	163
<i>Суярова А.</i> Предикативлик – коммуникативликни шакллантирувчи восита.....	166
<i>Ғофурова С.</i> “Луғати салос” асарида қардош туркий тиллар лексикасига оид сўзлар.....	168
<i>Тоджиходжаев М., Жалолов Ш.</i> Европада яратилган ўзбек филологиясига оид дарслик ва қўлланмалар.....	171
<i>Дарвишов И.</i> Ундошларнинг айрим диалектал комбинатор вариантлари.....	175
<i>Улуқов Н., Пазлиддинова Н.</i> Фитонимияни ўрганишга доир вазифалар.....	178
<i>Суярова А.</i> Эркин Воҳидов шеърларидаги юкламаларнинг услубий хусусиятлари.....	180
<i>Абдурасулова У.</i> Бадий нутқда таъсирчанликни юзага келтиришда экспрессив-стилистик воситаларнинг ўрни.....	183
<i>Burhonova N.</i> Frazeologizmlarning leksik-semantik xususiyatlari.....	188
<i>Daminjanov S., G'ofurova M.</i> Jak London hikoyalarda uchraydigan frazeologik iboralarning tarjimasini haqida.....	192
<i>G'ofurova M.</i> Jek London hikoyalari tarjimalarida kishi ismlari, geografik nomlar va milliy xususiyatlarni aks ettiruvchi so'zlarining berilishi.....	195

АДАБИЁТШУНОСЛИК

<i>Ҳомидий Х.</i> Юсуф пироханининг уч хислати.....	195
<i>Сабирдинов А.</i> Титроқни киприкка жойлаган шоир.....	205
<i>Сулаймонов М., Ғойиббоева Э.</i> Муҳаммад Юсуф ижодида аёллар мадҳи.....	208
<i>Муҳаммаджонова Ф., Имяминова У.</i> Муҳаммад Юсуф шеърлятида.....	211

мактубнинг ўрни.....	
<i>Тожибоева М.</i> Сиддиқий Ажзий ижодида мумтоз адабий анъаналар.....	214
<i>Маҳмудов Ж.</i> Паҳлавон Маҳмуднинг “Мажолис ул-ушшоқ”даги васфи ёхуд пурёрвалий лақаби баҳси.....	216
<i>Қурбонов А.</i> Юз: тасаввуфий маънолар олами	222
<i>Тожибоева Д.</i> Ривоятлар сюжетига анъанавийлик ва новаторлик.....	231
<i>Омонова М.</i> Лутфийнинг бадий маҳорати.....	235
<i>Тожибоева М.</i> Адбурахмон аш-Шарқовий романида образларнинг ташқи қиёфаси.....	237
<i>Жўраева Ҳ.</i> Хусайний девонининг икки нашри хусусида...	240
<i>Муҳаммаджонова Г.</i> Адабиётда инсон матонати тасвири.....	246
<i>Сулаймонов М., Усмонов М.</i> Муҳаммад Юсуф ижодида жониворлар мавзуси.....	249
<i>Karimova F., To'liqinova G.</i> Mumtoz adabiyot an'analari davomchisi ...	252
<i>Тошболтаева Т.</i> Лолақизгалдоқдек умр.....	256
<i>Jo'raeva M.</i> Zulfiya Qurolboy qizi hikoyalarida ayollar ruhiyati tasviri.....	259
<i>Abduraxmonov A.</i> XX asr o'zbek she'riyatida nur va soya ziddiyati.....	262
<i>Болтабоева О.</i> Хилватий ижодида талмех санъати.....	265
<i>Исҳоқова Р.</i> Ҳикматли шеърят.....	267
<i>Sobirova D.</i> Globallashuv jarayonida o'zbek adabiyotiga kirib kelgan adabiy hodisalarga ijodiy yondoshishning ahamiyati.....	271
<i>Тошболтаева Т.</i> Шоир маҳорати қирралари.....	275
<i>Karimov O., Abdullayev V.</i> Anbar Otin she'rlarida ma'naviy-ma'rifiy masallar talqini.....	279
<i>Муминова М.</i> Ўзбек адабиёти Амур Темур образи талқини.....	281
<i>Яқубова Ҳ.</i> Рамзийлик англатган ҳикмат.....	284
<i>Ҳамидов М.</i> Кичик жанрда кичик образ.....	287
<i>Маҳкамova S.</i> Saida Zunnunova she'riyatida peyzaj.....	290

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

<i>G'oyibnazarova N.</i> O'zbek tili darslarida o'quvchilarning o'gzaki nutqini o'stirish texnologiyalari (4-sinf).....	294
<i>G'oyibboyeva E.</i> Alisher Navoiy hikmatlari asosida bahr-u bayt tashkil qilish	297
<i>Sadriddinova M.</i> M.Yusufning “Mehr qolur”, “Yurtim ado bo‘lmas” she'rlarini o'rganish.....	300
<i>Қаюмов Ш., Тўхтабаева Шаҳноза.</i> Тил ўргатишда мултимедия воситаларидан фойдаланиш.....	306
<i>Абдуллаева М., Отамирзаева К.</i> Фарзанд тарбиясида оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги.....	308

<i>G'oyibnazarova N.</i> Muhammad Yusuf hayoti va ijodini o'rganishda o'qitishning zamonaviy usullaridan foydalanish.....	312
<i>Abdullaeva M.A., Abduxalilov T.A.</i> Bolalar bog'chasida ommaviy axborot vositalaridan foydalaniш.....	317
<i>Umarova S.</i> Sharq adabiyotida ta'lim-tarbiya talqini.....	319
<i>Fozilova H.</i> Kasb-xunar коллежларида инглиз тилини ўқитишда ўқиш фаолиятининг ўрни.....	322
<i>Dadabojeva N.</i> O'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini o'stirish masalalari	325
<i>Qosimova F.</i> Umumta'lim maktablarida ingliz tili ўқитиш мазмуни методик тушунчаси хусусида.....	329

Теришга 10.05.2014 йилда берилди. Босишга 25.05.2014 йилда рухсат этилди. Оқ коғозга офсет усулда чоп этилди. Бичими 60x84 1/16..
 Шрифт гарнитураси: Times New Roman. Ҳажми 21.0 босма табоқ.
 Адади 100 нусха. Буюртма № 38.

“Star print poligraf” МЧЖ (Наманган шаҳар, Марғилон кўчаси, 5-уй)да
 босилди

